

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

Д. МУРАТОВ, М. АЛИМОВА, Ж. КАРИМОВ

ДИНШУНОСЛИК

дарслик

(барча бакалавриат таълим йўналишлар учун)

ТОШКЕНТ – 2019
"НАВРЎЗ" НАШРИЁТИ

КБК 86.3

Н 21

УО'К: 451.25.14.(22)

Д. Муратов, М. Алимова, Ж. Каримов. ДИНШУНОСЛИК, дарслик.
– Тошкент, «Наврўз» нашриёти, 2019. 264 бет.

Масъул муҳаррирлар:

З.М. ИСЛОМОВ – фил.ф.д., профессор

И.С. УСМОНОВ – т.ф.н., доцент

Такризчилар:

У. УВАТОВ – тарих фанлари доктори, профессор

Д. РАҲИМЖОНОВ – тарих фанлари номзоди, доцент

Мазкур дарсликда давлат ва дин муносабатлари, Марказий Осиё динлари, ислом дини таълимоти ва мазҳабларига оид диншунослик билан боғлиқ мавзулар ёритилган. Шунингдек, тинчликка раҳна солаётган миссионерлик, прозелитизм, экстремизм ва терроризмга қарши кураш йўллари, турли ғояларни илгари сураётган диний ҳаракатлар ва секталарнинг фаолиятлари, кибермаконда кечаётган диний жараёнлар билан боғлиқ масалалар очиб берилган. Ўқув адабиёти олий таълим тизимининг “Гуманитар ва табиий-илмий фанлар” блокадаги “Диншунослик” фанидан дарслик сифатида тавсия этилади.

В данном учебнике освящены такие темы как отношения между государством и религией, религии Центральной Азии, учение и течения ислама в свете религиоведения, а также раскрыты вопросы, связанные с миссионерством, прозелитизмом, представляющие угрозу мирной жизни, методы борьбы против экстремизма и терроризма, деятельность религиозных движений и сект, выдвигающие разные идеи. Учебная литература рекомендуется как учебник для студентов, изучающих предмет «Религиоведение» в блоке «Гуманитарные и естественно-научные дисциплины» системы высшего образования.

In this manual, topics such as the relationship between the state and religion, the religions of Central Asia, the teachings and trends of Islam in the light of religious studies, as well as issues related to missionary work, proselytizing, damaging peaceful life, methods of combating extremism and terrorism, the activities of religious movements and sects, putting forward different ideas are sanctified. The manual is recommended as a manual for students studying the subject «Religious Studies» in the block «Humanitarian and naturai-scientific sciences» of the higher education system.

*Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг Ўқув-услугий кенгаши
томонидан нашрга тавсия этилган, баённома №3, 31.10.2019.*

© Д. Муратов, М. Алимова, Ж. Каримов, 2019

© Ўзбекистон халқаро ислом академияси, 2019

ISBN 978-9943-565-65-4

© «Наврўз» нашриёти, 2019

СЎЗБОШИ

Сўнгги уч йил мамлакатимиз ҳаётида катта ўзгаришлар ва юксалишларга бой бўлди. Муҳтарам Шавлат Мирзиёев ташаббуслари билан диний қадриятларимизни қайта тиклаш ва ривожлантириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бошқа соҳалар билан бирга, илмий-ижодий, диний таълим соҳаларига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса, 2018 йил 16 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги тарихий Фармони жуда кўп имкониятлар эшигини очиб берди.

Тараққиётимизнинг янги даврида диний ва миллий қадриятлар янада ривож топиб, аждодларимизнинг диний-маърифий меросини теран ўрганиш ва таҳлил қилиш, уларнинг илмий анъаналарини муносиб давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Диншунослик гуманитар фанлар қаторидаги инсониятнинг маданий, маърифий, фикрий тарихини ўз ичига олган илмлар қаторига киради. Ўзбекистон Республикаси таълим тизимининг умумий ўрта таълим босқичида ўқитиладиган «Дунё динлари тарихи», ўрта махсус таълим тизимидаги «Диншунослик» фанлари доирасида динлар тарихи, таълимоти, манбалари каби диншуносликнинг бошланғич асослари ўқитилади. Шу сабабли ҳам олий таълим тизимининг бакалавр босқичидаги «Диншунослик» фани доирасида қуйи босқичда берилган маълумотлар асосида динларнинг ривожланиш тенденциялари, бугунги кундаги ҳолати ҳамда дин ниқобидаги турли бузғунчи ғояларнинг келиб чиқиш сабаблари, олдини олиш йўллари ҳақидаги маълумотлар тақдим этилиши мақсадга мувофиқ. Ушбу концепциядан келиб чиққан ҳолда ушбу дарсликда асосан таҳлилий маълумотлар келтирилди.

Мамлакатимиздаги кўпконфессиялилиқ шароитида турли миллат, элат ва дин вакиллари орасидаги тотувликни таъминлаш, жаҳонда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш ишига муносиб ҳисса қўшиш ҳар бир фуқаронинг, айниқса, олий маълумотли зиёлининг муқаддас бурчидир. Республикамиз Президенти Ш.Мирзиёев томонидан таъкидланганидек, «Жамиятимизда диний конфессиялар ўртасида ҳамжиҳатлик ва фуқаролар тотувлигини мустаҳкамлашни биз бундан буён ҳам энг долзарб ва эзгу вазифамиз деб биламиз»¹.

Дунё миқёсида миллатлараро ва конфессиялараро ҳамкорлик, ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш кўп жиҳатдан жамият ҳаётига бағрикенглик тамойилларининг самарали жорий этилишига боғлиқ. Жаҳондаги мураккаб ва зиддиятли кечаётган жараёнлар турли дин вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик руҳидаги алоқаларни мустаҳкамлаш тарихий зарурият эканини кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда қабул қилинган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»нинг бешинчи бандида «хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат» мамлакатимизда асосий вазифалардан бири сифатида белгиланди.

Республикамиз Президенти томонидан 2017 йил 19 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни қарор топтириш, диний эркинликни таъминлаш, эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг камситилишига йўл қўймасликка кўмаклашишга қаратилган «Маърифат ва диний бағрикенглик» деб номланган махсус резолюциясини қабул қилиш таклифи илгари сурилиши² ҳам

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2017 йил, 22 декабрь // www.uza.uz

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи // “Халқ сўзи”, 2017 йил 20 сентябрь.

турли конфессиялар ўртасидаги ҳамжиҳатликка давлатимизда халқаро аҳамиятга эга масала сифатида қаралётганининг ёрқин ифодасидир.

Ўзбекистонда давлат ва дин масалаларини билиш жамиятимизнинг ҳар бир илғор фуқаросининг бурчидир. Давлат ва дин ўзаро муносабатларини тартибга солиш бўйича республикамизда мустақиллик йилларида амалга оширилган ишлар ҳатто бутун жаҳон миқёсида ҳам эътиборга лойиқ. Қўлланмада давлат ва дин муносабатларига оид тақдим этилган маълумотлар келгусида Ватан тараққиётига ўз ҳиссасини қўшиш ниятида бўлган ёшларимизнинг амалий фаолиятида дастурул амал бўлиб хизмат қилади.

Олий таълимнинг бакалавр босқичи талабалари диннинг моҳияти, унинг фалсафий талқинлари, унга берилган турли таърифлар ҳақида атрофлича маълумотга эга бўлишлари лозим. Шунинг учун ҳам ушбу қўлланмада динни ўрганишдаги ёндашувлар, диншунослик мактаблари, асосий намояндалари ҳақида етарлича маълумот берилган.

Дин инсониятнинг руҳий дунёси билан чамбарчас боғлиқ, ижтимоий ҳаётда доимо у билан бирга бўлиб келган. Марказий Осиё халқлари эътиқод қилиб келган ислом дини ҳам юксак инсоний фазилатларнинг шаклланишига хизмат қилган. Ислом дини доирасида юзага келган турли мазҳаб ва йўналишларнинг асл моҳияти ҳақида етарли даражада билим ва кўникмаларга эга бўлиш ушбу диндаги ҳар хиллик ва ихтилофлар орасидаги фарқларни тўғри ажрата билишга ёрдам беради.

Республикамизда диншунослик соҳасини ривожлантириш, миллий ва диний қадриятларни эъзозлаш, диннинг маънавий-маърифий жиҳатларини халқимизга кенг ёритиб беришга қаратилаётган эътиборни қуйидагиларда ҳам яққол кўриши мумкин: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ташаббуслари билан Тошкент ислом университетида ISESCO ташкилотининг махсус кафедраси очилиши; Самарқандда – Имом Бухорий илмий марказида ҳадисшунослик, Имом Мотуридий

маркази қошида калом илми, Фарғонада – Марғиноний илмий марказида ислом ҳуқуқи мактаби, Бухорода – Баҳоуддин Нақшбанд марказида тасаввуф, Қашқадарёда – Абул Муин Насафий марказида ақида илми мактабининг ташкил этилиши; «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида», «Абу Исо Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлар, «Абдуҳолиқ Ғиждувоний таваллудининг 915 йиллигини ва Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида»ги фармойишнинг қабул қилиниши, «Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази»нинг ташкил этилиши, «Ўзбекистон Ислом академиясини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори ва бошқалар. Шу билан бирга, Республикамиз Президенти БМТ Бош Ассамблеясидаги нутқида «Муқаддас динимизни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаймиз», дея, ислом динининг эзгу ва тинчликпарвар моҳияти, юртимиз алломаларининг ислом цивилизацияси ривожига қўшган бебаҳо ҳиссалари, юртимизда маънавий меросни тиклаш бўйича қилинаётган ишлар ҳақида сўзлади.

Бугунги кундаги глобаллашув жараёнлари фаол кечаётган бир вақтда, минг афсуски, диндан ўз ғаразли мақсадларини амалга оширишда фойдаланишга интилаётган кучлар кўплаб топилмоқда. Диний экстремизм, мутаассиблик, миссионерлик, тарихда ўтган ҳамда янги пайдо бўлаётган деструктив секта ва оқимлар ҳаракатлари шулар жумласидандир. Ушбу қўлланмада уларнинг намоён бўлиш турлари, ўз-ўзини ниқоблаш усуллари ва уларга қарши «жаҳолатга қарши маърифат» шиори остида кураш олиб бориш йўллари кўрсатиб берилган. Айниқса, ҳозирда оммавий ахборот воситалари орасида энг фаол восита бўлиб қолган интернет ва кибермакондаги диний-мафкуравий

хуружлар, уларга қарши ёшларда иммунитет ҳосил қилиш масалаларига кенг ўрин ажратилган.

Муаллифлар жамоаси китобни нашрга тайёрлашда ўз маслаҳатлари билан яқиндан ёрдам берган олимлар, соҳа мутахассислари ҳамда мутасадди ташкилотларга ўз миннатдорчилигини билдирадилар. Нашрда учрайдиган айрим хато ва камчиликлар учун узр сўраган ҳолда муаллифларга тақдим этиладиган китобни такомиллаштиришга хизмат қилувчи фикр ва мулоҳазаларни кутиб қоламиз.

1-МАВЗУ

ДИНШУНОСЛИК ФАНИГА КИРИШ

Режа:

1. Диншунослик фанининг мақсад ва вазифалари ҳамда бошқа соҳалар билан боғлиқлиги.
2. Дин ва диншунослик атамаларининг таърифи.
3. Диншунослик фанининг юзага келиши ва тарихий тараққиёти.
4. Диннинг жамиятдаги функциялари.
5. Динларни таснифлаш.

Таянч тушунчалар: *Дин, эътиқод, йўл, мазҳаб, религия, «religio», «relegere», трансцендент, имманент, культ, диншунослик, «ал-Фирақ», «ар-Раод», «ад-Диёнот», «ал-Милал», дин феноменологияси, дин социологияси, дин психологияси ва дин фалсафаси.*

Мавзу ўқув мақсади: Талабаларда диннинг моҳияти, диншунослик фанининг юзага келиши тарихи, диншунослик фани соҳалари, диннинг жамиятдаги функциялари, динларнинг таснифи ҳақида тушунча ва тасаввурларни шакллантириш.

1. Диншунослик фанининг мақсад ва вазифалари ҳамда бошқа соҳалар билан боғлиқлиги. Дунё харитасида мавжуд мамлакат борки, унда яшовчи халқларнинг ўз дини, урф-одатлари ва анъаналари мавжуд. Ана шу қадриятлар халқларнинг юриштириши, кундалик фаолияти ва умуман ҳаёт тарзини белгилашда асосий омил бўлиб ҳисобланади. «Диншунослик» фани ана шу муҳим омилни тадқиқ этиб, таҳлилий ўрганади.

«Диншунослик» фанини ўқитишдан мақсад – талабаларга диний ва миллий қадриятларнинг тарихан муштараклиги, уларнинг умуминсоний қадриятлар билан уйғунлигини тушунтириш, уларда диний бағрикенглик маданиятини, динга

нисбатан тўғри ёндашувни шакллантириш ва жамият учун юксак маънавийли кадрларни тайёрлашдан иборат.

Мустақиллик даврида жаҳонда халқларининг динлари ҳақида кенг маълумот олиш, уларнинг кадриятларини ўрганиш имконияти юзага келди. Натижада, диншунослик фани изчиллик билан ривожлана бошлади. Бунда, аجدодларимиз қолдирган бой илмий-маънавий меросни ўрганиш билан бирга шу кунга қадар чет элларда амалга оширилган изланиш ва тадқиқотларнинг натижаларидан унумли фойдаланиш зарурати пайдо бўлди.

«Диншунослик» фани динни танқид қилиш ёки кўр-кўрона мақташ мақсадида эмас, балки динни тарихийлик, холислик асосида турли халқлар ҳаётида тутган ўрнини илмий жиҳатдан, маънавий ҳаётнинг бир бўлаги сифатида ёндошиб ўрганади.

«Диншунослик» фанининг вазифаси – талабаларга ҳозирги даврдаги динларнинг маълум халқ ҳаётида тутган ўрни ҳақида умумий назарий тушунчалар бериш, уларнинг давлат ва дин муносабатлари, динлараро бағрикенглик ғояси ва маданияти тўғрисидаги тасаввурларини бойитиш, шу билан бирга:

– диннинг жамиятга ижтимоий, маънавий, руҳий таъсири ҳақида билимлар бериш;

– ибтидоий диний тасаввурлар, миллий ва жаҳон динлари таълимотлари ҳақида маълумот бериш;

– диннинг моҳияти ва унинг кишилиқ жамияти тараққиётидаги турли тарихий босқичларда тутган мавқеи ҳақида тушунча бериш;

– жамиятни маънавий жиҳатдан камол топтиришда диний кадриятларнинг аҳамиятини ёритиш;

– дунёвий давлат ва диннинг ўзаро муносабатларини ёритиб бериш;

– диний ақидапарастлик, экстремизм ва фанатизм каби салбий иллатлар моҳиятини ёритиш ва уларга қарши ғоявий иммунитетни шакллантириш;

– Ўзбекистон Республикасида динга нисбатан муносабатнинг тубдан ўзгарганлиги, хусусан, ислом дини

қадриятларини тиклаш йўлида қилинаётган ишлар ҳақида кенг тасаввур ҳосил қилиш.

«*Диншунослик*» *фанининг амалий аҳамияти* шунда ҳам кўринадики, у талабаларда барча динлар қадриятларига ҳурмат билан қараш, уларни қадрлаш маданиятини тарбиялайди.

Диншуносликнинг тарих, фалсафа, психология, социология, археология ва бошқа ижтимоий фанлар билан мустаҳкам боғлиқлиги унинг назариясини бойитишга хизмат қилади.

Диншуносликнинг қатор фанлар билан ўзаро муносабатга киришиши натижасида унинг турли соҳалари юзага келди. Улардан асосийларини қуйида келтириб ўтамиз.

Дин феноменологияси. Феномен, намоён бўлувчи, кўзга кўринувчи нарса бўлиб, феноменология кўзга кўринувчи нарсанинг систематик шаклда тадқиқ қилинишидир. Диннинг кўзга кўринувчи, ташқарида акс этувчи жиҳатларини ўрганувчи илм соҳасига «Дин феноменологияси» дейилади. Дин феноменологияси, тарихий шаклланишларни эътиборга олмаган ҳолда диний факт ва воқеликнинг бизга намоён бўлган жиҳатларини асосий ўринга кўтаради. Турли динларнинг ибодат ва маросимларини, муқаддас жой, замон, нарса ва шахсиятларини тадқиқ қилиб, муштарак жиҳатларини топишга ҳаракат қилади.

Дин феноменологияси диний туйғу ва бу туйғунинг кўринишлари деярли бутун дунёда бир-бирига ўхшашига ишора қилади; барча динларнинг асли ва ғоясининг бир эканлигини исботлашга ҳаракат қилади. Шунинг билан бирга диний рамз (белги) ларда яширган маъноларни очиш ва мажозий сўзларнинг муқаддас мазмунини ёритиш каби ишлар ҳам унинг вазифаларига киради.

Дин феноменологияси, материалларини динлар тарихидан олади. Лекин у бу материалларга тарихийликдан ҳам кўра кўпроқ систематик жиҳатдан ёндашади. Шундай қилиб диний асослар, диний феномен ва шаклланишларни муқояса қилади. Дин феноменологияси бошқа дин илмларини билан баъзи нуқталарда бирлашишига қарамасдан, мустақил бир илм соҳаси сифатида, баъзан фарқланган жиҳатлари ҳам бўлиб туради.

Дин социологияси. Дин – жамият муносабатларини, бу муносабатлар ортидан келиб чиқувчи воқеа-ҳодисаларни ўрганади. Шу туфайли бу илм соҳаси ижтимоий диний муассасаларни, диннинг давлат, халқ, оилага нисбатан муносабатини, дин соҳасида юзага келувчи ижтимоий воқеа-ҳодисаларни, турли дин жамоаларининг жамият билан бўлган муносабатларини асосий мавзу сифатида тадқиқ қилади. Демак, дин социологиясининг мавзуси, жамиятнинг асос шакллари ва диннинг ташқи кўринишлари билан ижтимоий жараёнлар, уларнинг тузилиш ва қонунларидан иборат экан. Бошқача қилиб айтганда бу илм соҳаси, тарих бўйича хусусий ва мушоҳадага суянувчи дин ва жамият тадқиқотларини; диннинг ижтимоий ҳаётдаги кўринишларини ўрганади.

Дин социологияси, бир томондан жамият, бир томондан диний илмларга таянади; бу икки асос устида яқдилликни келтириб чиқаришга ҳаракат қилади.

Дин психологияси. Бу илм соҳаси, замонавий психология билан биргаликда шаклланган ва унинг бир тармоғи ҳолига айланган. Дин психологияси, аввало инсонга оид бўлган диний ҳаётнинг турли жиҳатларини психологик жиҳатдан ўрганади. Яъни дин психологияси диннинг психологик жиҳатини, шахснинг диний тажрибасини ва бу тажрибанинг турли кўринишларини баён қилишга ҳаракат қилади. Натижада у диннинг инсон руҳидаги асосий хусусиятлари хатти-ҳаракатларга бўлган таъсири тўғрисида атрофлича тўхталади. Руҳ-жасад алоқаси билан атроф-маданият таъсирларининг барчасини ичида ўрганувчи диний эътиқод, шахсларнинг ички оламидаги турли ривожланишларни кўрсатиб беради. Шу сабабли Дин психологияси диний тажрибадан бошлаган ҳолда инсон турларини атрофлича ўрганиб, хос типологияларни кашф қилади. Кишининг диний ҳис, тушунча ва яшаш тарзи дин психологиясининг асосий мавзусидир. У шахсда дин туйғуси ва ҳиссининг қандай қилиб келиб чиққанлиги ва шаклланишини, ихтидо (ҳидоят топиш) ёки инкор ҳодисаларини, диндан келиб чиққан руҳий кескинлик ва шубҳаларни тадқиқ қилади.

Дин психологияси умумий психологиянинг барча методларидан фойдаланган ҳолда ўзига тааллуқли бўлган мавзуларни муҳокама қилади. Бу илм тури, диндорликнинг шахс руҳиятидаги силжиш ва таъсир жараёнининг тадқиқ қилинишида умумпсихологиядаги тамал асослар, берилган маълумотларга (рақамлар)га қараб анкеталар, тестлар ва кузатувлардан фойдаланади.

Дин фалсафаси. Дин социологияси, психологияси каби асосий мавзуси «дин» бўлган дин фалсафаси, «дин»ни фалсафадан келиб чиқиб тадқиқ қилади. Бу тадқиқот асносида ақлий ва бетараф йўл тутаети. Бу илм тури, қандайдир бир Яратувчи куч эътиқодига фалсафий бир асос топишга ҳаракат қилади. Шу туфайли ҳам Дин фалсафаси соҳасида фаолият кўрсатувчиларнинг мақсади диннинг ҳақ ёки ботил эканлиги масаласи билан машғул бўлиш эмас, диний ҳукмларнинг мантиғи ва моҳиятини очиб беришдир. Бу мақсад билан улар, энг аввало Худонинг мавжудлиги билан боғлиқ далилларнинг танқид ёки таҳлилини қилади, бу далилларнинг қанчалик асосли ёки асоссиз эканлиги масаласини кўриб чиқаети.

Дин фалсафасини бошқа дин илмларидан ажратиб турувчи жиҳат бу, ундаги ҳукм бериш, хулоса ясаш хусусиятидир. Бошқа дин илмлари, баҳо бериш, муносабат билдириш методига суянган ҳолда диний масалаларни ҳал қилишса; Дин фалсафаси, улар ясаган хулоса ва эришган натижалардан кенг миқёсда фойдаланади ва бу натижалар сабабли бир қанча ҳукмларни чиқараети. Ҳатто Дин фалсафаси, динни мақсад қилиб олган илм турлари қўлга киритган натижалар ва бу натижаларга эришиш учун улар қўллаган методлар ҳақида ҳам ҳукм чиқариши мумкин.

Дин фалсафаси, диннинг моҳияти, инсоннинг диний ҳақиқатлар билан бўлган боғлиқлигини ўрганади. Бу илм турининг эътиборида бўлган мавзуларнинг бошида Худонинг борлиги, сифатлари, яратувчи-коинот муносабати, яратиш, оламнинг яратилишидаги мақсад, қайта тирилиш, пайғамбарлик ва ваҳий каби кенг миқёсда метафизик бир характерга эга масалалар асосий ўринни эгаллайди. Бундан ташқари илм-имон,

илм-дин, дин-маданият (дин-санъат, дин-тил-адабиёт) диний тажриба, диний ҳис каби асослар ҳам бу илм турининг сарҳадларига киради.

Дин антропологияси. Динларнинг инсон билан алоқасининг турли жабҳаларини ўрганувчи соҳа. У дин психологияси ва социологияси билан чамбарчас боғлиқдир. Унинг асоси қадимги мифларга бориб тақалади.

Жумладан, барча динлар ва диний тасаввурларда биринчи одамнинг пайдо бўлиши Худо ёки худолар томонидан яратилиш ғояси билан боғланади. Масалан, қадимги Бобилда яратилган «Энум Элиш» достонида дастлабки инсон худолар ўртасида бўлиб ўтган урушдан сўнг лой ва қондан пайдо бўлгани, Қадимги Мисрдаги афсоналардан бирида эса Хнум номли илоҳ одамни кулолчилик чархи ёрдамида лойдан ясагани айтилади. Шу билан бирга, ислом, христианлик ва яҳудийлик динларида ҳам инсоният ягона Худо томонидан тупроқдан яратилгани айтилиб, илк инсон Одам ёки Адам деб номланади. Умуман олганда, дин антропологияси барча динлардаги инсон ҳақидаги ғояларни ўрганиб, тизимлаштиради.

Дин антропологиясини ўрганишда қатор методлар мавжуд бўлиб, фалсафий, материалистик мактаб вакиллари диншуносликнинг бу соҳасини ҳам эволюцион назарияга мослаштиришга ҳаракат қилганлар. Жумладан, кўплаб адабиётларда Жаҳон динлари ўзларининг аксар эътиқодларини қадимги Бобил, Миср, Месопотамия, форс ва ҳинд афсоналаридан ўзлаштиргани айтиб ўтилади. Бу, бир ёқлама ёндашув бўлиб, теологик метод тарафдорлари динлардаги бу ўхшашликни уларнинг бир ўзакдан келиб чиқиши билан боғлайдилар. Диншуносликда эса, барча динларнинг антропологик қарашлари, ҳеч қандай шахсий фикр билдирмаган ҳолда, бориб ўрганиш назарда тутилади.

Диншунослик юқоридаги фан соҳаларидан ташқари, бошқа бир қанча илм турлари билан ҳам боғлиқ. Уларнинг ичида биринчилардан бўлиб тарих ўрин олади. Тарих, макон ва замон таъйин қилган ҳолда ўтмишдаги воқеа-ҳодисаларни ўрганувчи

бир илм тури бўлиши билан бирга мозий ва ҳозирдаги динларнинг тарихий шаклланиши жиҳатидан Динлари тарихига яқиндан кўмакчи бўлади.

2. Дин ва диншунослик атамаларининг таърифи. Дин арабча сўз экани барчага маълум. Лекин, дин тушунчасини тўлиқ англаб олиш учун, унинг ҳам луғавий, ҳам истилоҳий маъноларини алоҳида-алоҳида олиб танишиб, таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Араб манбаларида қайд этилишича, дин сўзи «دان» («дана») феълидан ясалган бўлиб, «кимгадир бўйсунмоқ, бўйин эгмоқ, итоат этмоқ, кимдандир қарздор бўлмоқ, эътиқод қилмоқ, қилган ишига яраша мукофотламоқ»; «дийнун» сўзи эса, «дин, имон, ажр-мукофот, қилинган ишга яраша берилган ҳақ» каби маъноларни билдиради.

Ўзбек тили луғат адабиётларида «дин» - ишонч, ишонмоқ, эътиқод, мулк, ҳукм, ҳисоб, жазо, тадбир, бўйсунуш, итоат қилиш, ибодат, парҳез, йўл тутиш, одат қилиш, эътиқод қилиш маъноларини билдириши келтириб ўтилади.

Исломдан аввал туркий халқларнинг дин тушунчасини ифодалаш учун турли даврларда «darm», «nom» ва «den» каби сўзларни ишлатганлари маълум. Улардан «drm», «darm» дин, ақида маъносида санскритча (қадим ҳинд тили) «dharma»дан (Пали тилида dhamma); «nom» дин ишонч, қонун маъносида суғд тилидан кириб келганлиги айтилади.

Ўзбек тилидаги «дин» маъносини берувчи атамалар барча тилларда мавжуд. Жумладан, зардуштийларнинг манбаси «Авесто»да «дин» сифатида «daena», қадимги форс паҳлавий тилида «den», «din», «dena», «daena» сўзи ишлатилиб, «йўл», «мазҳаб», «маросим», «услуг», «тарз» каби маъноларни билдирган.

Иброний тилида истифода қилинадиган «dath» сўзи «дин» тушунчасини ифодалаш учун умумий термин бўлиб, «ҳукм», «амр» ва «қонун» маъноларини англатган.

Рус тилида дин маъносини англатадиган «религия» сўзининг келиб чиқиши борасида луғатларда бир қанча ёндашувлар

келтириб ўтилган. Улардан баъзиларига кўра мазкур атама лотинча «religio» сўзидан келиб чиқиб, «диёнат, диндорлик, тақводорлик, художўйлик, мўминлик, тақво, муқаддас нарса ёки жой, қадамжо, зиёратгоҳ, ибодат-топиниш-сиғиниш ва у билан боғлиқ диний маросимлар» деган маъноларни англатади.

Иккинчи гуруҳ тилшунослар «religio» сўзи семантик, маъно ва морфологик жиҳатдан «relegere» сўзи билан боғлиқ бўлиб, «янгидан тўпламоқ, янгидан танлашга киришмоқ, қайта ишлаб чиқиш учун олдинги синтезга қайтиш» каби маъноларни англатади, деб таъкидлайдилар.

Дин тушунчасига олимлар томонидан юзлаб таърифлар берилган. Бунда, турли соҳа ва дунёқараш эгалари, ўз соҳалари ва қарашларидан келиб чиқиб динга таъриф беришган. Шу туфайли турфа хил таърифлар юзага келган. Қуйида уларнинг баъзиларини келтириб ўтамиз:

«Дин, инсоннинг муқаддас деб билган нарсаларига нисбатан муносабатидир».

Рудольф Отто

«Дин, руҳий борлиқларга нисбатан ишончдир».

Эдвард Тейлор

«Дин, инсоннинг абадиятни англашини таъминловчи, ақл ва мантиққа тобеъ бўлмаган зехний малака ёки иқтидордир»

Макс Мюллер

«Дин, малакаларимизни эркин ҳолда қўллашни тўсувчи таъқиқлар мажмуасидир»

Салмон Рейнах

«Дин, эътиқодлар, хатти-ҳаракатлар ва ижтимоий ҳаётнинг муайян шартларига кўра ташкил этилган муассасалар тизимидир»

Витольд Тайлок

«Дин, энг буюк ижтимоий қадриятлар шууридир»

Эдвард С. Амис

«Дин, муайян жамоатнинг вужудга келишини таъминлов-чи маросим ва эътиқодлар мажмуидир».

Эмиль Дюркгейм

Умуман олганда, олимлар муайян эътиқод дин деб аталиши учун **уч** асосий хусусиятга эга бўлиши лозимлигини таъкидлайдилар. Булардан **биринчиси**, ғайритабиий илоҳ (ёки илоҳлар) ҳақидаги тасаввурнинг мавжудлиги. Ҳар бир динда топиниш объекти – Худо бўлиши шарт ҳисобланади.

Мавжуд динлардаги Худо ҳақидаги тасаввурларни шартли равишда иккига – *трансцендент* ва *имманент* илоҳларга бўлиш мумкин. Трансцендент илоҳларга инсонлар олаמידан ташқарида, инсонларга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган, қусур ва нуқсонлардан холи Худолар киради. Бунга мисол сифатида том маънода ислом динидаги Аллоҳ таоло ва қисман христианликдаги Ота Худо, яҳудийликдаги Яхвеларни келтириш мумкин.

Имманент илоҳлар деганда эса табиатнинг бир бўлаги сифатида тасаввур қилинган, инсонларга ўхшаб кетадиган, бироқ ғайриоддий яратувчилик, бузғунчилик, ризқлантирувчилик каби кучларга эга бўлган Худолар киради. Бундай турдаги илоҳлар кўпинча ё антропоморф (инсон қиёфасида) ё зооантропоморф (ярим одам ярим ҳайвон) ёки зооморф (ҳайвон) шаклда тасаввур қилинади. Бунга мисол сифатида Қадимги Миср, Юнон, Рим цивилизациялари, замонавий Ҳиндистон, Хитой, Япония динларини санаш мумкин.

Иккинчиси, Худо билан инсонларни боғлаб турувчи культ ёки культлар мажмуаси. Юқорида айтилганидек ҳар бир динда топиниш объекти - Худо бўлиши лозим. Яратувчи билан инсонни боғлаб турадиган ибодат ва маросимлар мажмуи (қурбонлик, рўза, байрамлар) культ деб аталади. Культлар кундалик ёки мавсумий, якка тартибдаги ёки жамоавий каби кўринишларда бўлиши мумкин. Жумладан, ислом динида «Намоз мўминнинг меърожи» (яъни Аллоҳ таолонинг хузурига кўтарилиши)

ҳисобланса христианликдаги «сирли маросимлар»да Муқаддас Рухнинг ўзи иштирок этади деб ҳисобланади. Шу тариқа, мавжуд барча динларда культлар воситасида эътиқодчилар ўз илоҳлари билан боғланадилар.

Учинчиси эса эътиқодчиларни ўзида жамлайдиган диний ташкилотларнинг мавжудлиги. Диний ташкилот, бу бир дин издошларининг жамоавий равишда ўз диний расм-русум, ибодат маросимларини ўтказадиган, диний таълим оладиган муассасаларидир. Бу, исломда - масжид, мадраса, христианликда - черков, семинария, яҳудийликда - синагога ва ҳоказо.

Динлар тарихи, улар билан боғлиқ жараёнлар, диннинг инсон ҳаётининг турли жабҳалари билан ўзаро таъсирлашувини ўрганувчи фан «Диншунослик» деб аталади.

Диншунослик барча ижтимоий фанлар қатори ҳам ўзининг ўрганиш объектига эга. У диннинг пайдо бўлиши, ижтимоий моҳияти ва жамиятдаги ролини тадқиқ қилиш билан бирга диний эътиқодларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, уларнинг жамият тараққиётидаги эволюциясини илмий жиҳатдан ўрганади.

3. Диншунослик фанининг юзага келиши ва тарихий тараққиёти. Динларни ўрганиш узоқ тарихга эга. Ҳар бир инсон ён-атрофидагиларнинг эътиқоди, қайси динга мансублигига қизиқади, улар ҳақида билишни истайди. Бу борадаги илк маълумотларни Қадимги Греция ва Рим ёзувчилари асарларида кўришимиз мумкин. Улардан энг машҳури «тарих отаси» номини олган Геродот (мил. авв. V аср) ўзи тадқиқ қилган халқларнинг динлари ҳақида маълумотлар келтирган. Бу қизиқиш Ўрта аср Европасида ҳам мавжуд бўлган. Лекин бошқа динлар ҳақида фикр билдирувчилар, христианларнинг эътиборини жалб қилмаслик ва уларни ўша динларга кириб кетмасликлари таъминлаш мақсадида, у динларга нисбатан салбий фикр билдириш, уларни ёмонлаш орқали уларга ёндашишни маъқул деб топганлар.

Ислом оламида ҳам динларни ўрганиш бўйича тадқиқотлар узоқ тарихга бориб тақалади. Милодий VII-VIII асрлардаёқ диний

тортишув (мунозара)ларни ўз ичига олган «мақола»лар (кейинчалик «мақолот»), VIII -IX асрлардан эътиборан эса бошқа динларга «раддия»лар ёзила бошланган. Кейинги асрлардан эса «ал-Фирақ» (Фирқалар), «ар-Радд» (Раддия), «ад-Диёнот» (Динлар) ва «ал-Милал» (Халқлар) йўналишидаги адабиётлар вужудга келган.

«Ад-Диёнот» (Динлар) йўналишида ёзилган илк асар Ҳасан ибн Мусо ан-Навбахтийнинг (ваф. 910 й.) «ал-Ароъ вад-диёнот» (Эътиқодлар ва динлар) китоби ҳисобланади. Кейинчалик Масъудий (ваф. 957 й.) ўзининг «ад-Диёнот» (Динлар), Масбиҳий (ваф. 1029 й.) «Даркул буғяти фий васфид диёноти вал ибодоти» (Динлар ва эътиқодлар васфида мақсад меъёри) китобларини ёзганлар. Шунингдек Берунийнинг (ваф. 1048 й.) «Таҳқиқун ма лилҳинд мин мақулатин, мақбулатин фил-ақли ав марзулатин» (Ақлга мақбул ёки номаъкул бўлган Ҳиндистонга оид изланишлардан) номли китоби ҳам шулар сирасига киради.

«Ал-Фирақ» (Фирқалар) йўналишида ёзилган китобларга Абу Мансур Абдулқодир Бағдодийнинг (ваф. 1038 й.) «ал-Фарқ байн ал-фирақ» (Фирқалар орасидаги фарқ) асари ҳамда Абул Маолий Муҳаммад ибн Убайдуллоҳнинг (ваф. 1092 й.) «Байн ал-адён» (Динлар орасида) асарларини киритиш мумкин.

«Ал-Милал» йўналишида Қози Абу Бакр Бақиллонийнинг (ваф. 1012 й.) «ал-Милал ван-ниҳал» (Динлар ва халқлар), Абу Муҳаммад Али Ибн Ҳазмнинг (ваф. 1064 й.) «Китоб ал-фасл фил-милал ва-л-аҳвои ва-н-ниҳал» (Динлар, ҳаво ва халқлар ҳақида ажралувчи китоб), Абул-Фатҳ Муҳаммад ибн Абдулкарим Шаҳристонийнинг (ваф. 1183 й.) «ал-Милал ва-н-ниҳал» асарларини санаш мумкин.

«Ар-Радд» (Раддия) йўналишида ҳам кўплаб асарлар дунё юзини кўрган. Уларга Имом Ғаззолийнинг (ваф. 1111 й.) «ар-Радд ал-жамил» (Гўзал раддия), Ибн Калбийнинг (ваф. 819-821 й.) «Китоб ал-аснам» (Бутлар китоби) номли асарларини алоҳида қайд этиш лозим.

Дарҳақиқат, Мусулмон Шарқи ўлкаларида бу соҳада кўплаб асарлар яратилган бўлиб, кейинчалик улар «Диншунослик»

фанининг тараққиёти учун фундаментал манба бўлиб хизмат қилган. Жумладан, Абу Райҳон Берунийнинг «ал-Осор ал-боқия ан ал-қурун ал-холия» («Ўтмиш халқлардан қолган ёдгорликлар»), «Ҳиндистон», Муҳаммад ибн Абдулкарим Шаҳристонийнинг «ал-Милал ва-н-ниҳал» («Динлар ва оқимлар»), Ибн Ҳазм Андалусийнинг «ал-Фасл фи-л-милал ва-л-аҳво ва-н-ниҳал» («Динлар, адашган фирқалар ва мазҳабни ажратиш») каби асарлари, шунингдек, Ибн Надим (987-988) ва Абул Ҳасан Омирий кабиларнинг тадқиқот ишлари кўплаб Европа тилларига таржима қилинган. Бу эса, исломий ва араб илмларини ўрганувчи Ғарб мутахассисларининг динлар тарихига оид исломий тадқиқот ишларидан асосий манба сифатида фойдаланишлари учун қулай имкон яратди. Бундай асарларда муаллифлар тарихий воқеъликни тўғри ва холис ёритганлар. Улар ўзлари мусулмон бўла туриб, бошқа дин ва эътиқодлар ҳақида маълумот бериш ёки уларни тавсиф қилишда ноҳолисликка олиб келиши мумкин бўлган ҳар қандай шахсий ҳиссиётларни суиистеъмол қилмаганлар. Буни Шаҳристонийнинг қуйидаги сўзлари тасдиқлайди: *«Мен ҳар бир фирқани (дин ёки диний йўналишларнинг ҳеч бирини) ёқламай, камситмай, уларнинг китобларида қандай бўлса, шундайлигича, ундаги хатоларни ажратиб кўрсатмай баён қилишга аҳд қилдим».*

Беруний ўзининг «Ҳиндистон» асари ҳақида шундай ёзади: *«Бу китоб баҳс-мунозара китоби эмас, тарих китобидир. Ҳиндларнинг динларини уларнинг ўзларидан ўрганиб, фикрларини танқид қилмай баён қиламан».* Бу Беруний асарларининг бутун дунёга машҳур бўлишига сабаб бўлди.

Ибн Надим эса: *«Динишунослик фани ҳижрий IV-V асрларга келиб мустақил фан сифатида шаклланди.»*, деб ёзади. Бу милодий X-XI асрларга тўғри келиб, айнан шу даврда Беруний ўзининг «Ҳиндистон» асарини ёзган.

Ғарб мамлакатларида диншунослик фани кўпинча немис тилидаги «RELIGIONS WISSENSCHAFT» ёки инглиз тилидаги «HISTORY OF RELIGIONS» каби атамалар билан юритилади. Бу эса «Ихвон ас-сафо» рисоалари, Беруний ва Шаҳристоний

асарларида қўлланилган «علم الاديان» (Динлар илми) ёки «تاريخ الاديان» (Динлар тарихи) атамаларининг ҳарфий таржимасидир.

Замонавий Диншунослик эса бир ярим асрга яқин даврга бориб тақалади. Ғарбда, замонавий маънодаги динлар тадқиқотлари Макс Мюллер (1823-1900) томонидан бошлаб берилган. Олим 1856 йилда «Қиёсий мифология» ва 1870 йилда нашрдан чиққан «Динларнинг асоси ва шаклланишига оид дарс баҳолари» номли асарлари билан бошқа динларни тадқиқ қилишга йўл очган ва каттагина эътибор қозонган. У Англиядаги машҳур Оксфорд университетиде динлар тарихидан маърузалар ўқиган. Ўзининг «Шарқнинг муқаддас китоблари таржима силсиласи» асарида у илк бора «religious studies» (диншунослик) сўзини қўллаган. Мюллер ва унинг замондошлари динларни илмий тадқиқ қилишда филологияни муҳим деб билишган ва диннинг асл моҳиятига фақатгина тил орқали қилинган изланишлар билангина етишиш мумкин, деган фикрни олға сурган.

Бироз кейинги даврларда Голландияда С.Р.Тиле ва Шантепи де ла Соссе бу борада изчил фаолият олиб борганлар. Шундай қилиб даврлар ўтиши билан Париж, Брюссель ва Рим каби марказларда диншунослик университетлар таълим дастурларидан жой олган.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб диншунослик соҳасида олиб борилган изланишлар шаклланган. Бу даврда турли минтақаларда зикр қилинган соҳада бир қанча мутахассислар етишиб чиққан. Улардан Р.Петтазони, М.Элиаде, Ван дер Лью, Р.Отто, Г.Меншинг, Ж.Вах, Ф.Хеилер, Г.Думезил, Э.Г.Парриндер, С.Г.Ф.Брандон, Эрик Ф.Шарп, Ниниан Смарт, М.Китагава, Р.С.Зейхнер, Уго Биенчи, В.Кантвелл Смит, Аке В.Стром, Ханс Ж.Шойпс ва Михаел Пайлар номини зикр қилишимиз мумкин.

4. Диннинг жамиятдаги функциялари. Диннинг «функция» ва «роль» тушунчасини фарқлаш лозим, улар бир бири билан боғлиқ, лекин ўхшаш эмас. Функция - бу диннинг

жамиятдаги ҳаракат усули бўлса, роль - бу функцияни бажариш натижаларининг жами йиғиндисидир. Диннинг бир нечта функциялари мавжуд: дунёқарашни шакллантириш, компенсатор, коммуникатив, регулятив, интеграллаш-дезинтеграллаш, маданият-ни тарғиб қилиш (культуротранслирующая), легитимираллаш-тириш-легитимирални олиб ташлаш.

Дунёқарашни шакллантириш функцияси динда инсон, жамият, табиатга нисбатан аниқ бир қарашларнинг турлари мавжудлиги туфайли амалга оширилади. Дин ҳаётни (мавжудотни) маълум нуқтаи назардан тушуниш (дунёни тўла ва ундаги айрим ҳодиса ва жараёнларни алоҳида тушунтириш), дунёни кузатиш (ҳис қилиш ва идрок этиш орқали дунёни акс эттириш), дунёни ҳис қилиш (ҳиссий қабул қилиш ёки рад этиш), дунёвий муносабат (баҳо бериш) ва ҳоказоларни ўз ичига олади. Диний дунёқараш Яратганга нисбатан энг олий туйғу ва мезонларни белгилайди. Бунда мавжуд борлиққа тушунча бериш динга ишонганлар учун турли чеклашлар доирасидан чиқиш имконини беради, ёрқин келажак, ҳузур-ҳаловатга эришиш учун умид, азоб-уқубат, бахтсизлик, ёлғизлик, тушкунликдан озод бўлишни қўллаб-қувватлайди.

Компенсатор функция ҳам одамларнинг онгини қайта шаклланишини, ҳам турмушнинг объектив шарт-шароитларини ўзгартиришдаги чекланиш, қарам бўлиш ва ожизликни тўлдиради. Руҳий эркинлик орқали реал жабр-зулм бартараф этилади; ижтимоий гуруҳлар гуноҳга ботиш ва азоб чекиш борасида тенг ҳуқуқлик бўлади; диний ташкилотлар томонидан бериладиган хайр-эҳсонлар, меҳр-шафқат, тарбия, даромадларни қайта тақсимлаш мазлумларнинг мусибатини енгиллаштиради ва ҳ.з. Умуман олганда, руҳий зарбаларни бартараф этиш, тасалли бериш, катарсис ва маънавий озуқа олиш каби компенсациянинг психологик аспекти муҳим аҳамиятга эгадир.

Коммуникатив функция мулоқотни таъминлайди. У ҳам диний, ҳам диний бўлмаган фаолият ва муносабатларда вужудга келади, ахборот алмашиш, ўзаро таъсир кўрсатиш, инсонни инсон томонидан идрок этиш жараёнларини ўз ичига олади.

Диний онг икки хил мулоқотни белгилайди: диндорларнинг ўзаро бир-бирлари билан мулоқоти ва диндорларнинг ибодат, намоз, медитация, махфий қарашлар пайтидаги медиатор ва воситачилари томонидан гипостазир жонзотлар (худо, фаришта, ўлганларнинг руҳи, авлиёлар ва б.) билан мулоқоти.

Регулятив функция маълум бир ғоялар, кадриятлар, йўл-йўриқлар, стереотип қолиплар, фикрлар, анъаналар, русумлар, институтлар орқали индивид, гуруҳ ва жамоаларнинг фаолияти, муносабатлари, онги ва ахлоқини бошқаришдан иборат. Айниқса, меъёрлар тизими (диний ҳуқуқ, ахлоқ ва ҳ.з.), намуналар (тақлид учун кўпсонли мисоллар), назорат (қоидалар бажарилишини кузатиш), рағбатлантириш ва жазо бериш (ҳақиқий ва ўлимдан кейин тақдирланишига ваъда бериш) муҳим аҳамиятга эга.

Интеграцион-дезинтеграцион функцияси индивид, гуруҳ ва институтларни бир томондан бирлаштиради, бошқа томондан уларни ажратади. Интеграция шахслар, айрим ижтимоий гуруҳлар, ташкилотлар, бир бутун жамиятдаги барқарорлик ва чидамлилиқни сақласа, дезинтеграция уни заифлашишига олиб келади. Интеграцион функция маълум бир маънода ягона диний эътиқод мавжуд бўлганда амалга оширилади. Агар шахсларнинг диний онги ва хулқ-атворида бир-бирига мувофиқ бўлмаган ғоялар, ижтимоий гуруҳ ва жамиятда бир-бирига қарама-қарши конфессиялар пайдо бўлса, диннинг функцияси дезинтеграцион бўлади.

Маданиятни тарғиб қилиш функцияси олдин маданиятнинг маълум бир қатламлари - ёзув, китоб босиш, санъатнинг умуман ривожланишига ёрдам берган бўлса, ҳозирда баъзи маданий феноменларни рағбатлантириб, баъзиларини инкор этган ҳолда диний маданий кадриятларни сақлаш ва кўпайтириш, илмий-маънавий меросни наслдан наслга қолдириш вазифаларини бажаради.

Легитимлаштириш-делегитимлаштириш функцияси баъзи жамоат тартиблари, институтлар, муносабатлар, меъёрлар, намуналарни мажбурият сифатида қонуний қилиш ёки уларнинг баъзиларини қонундан чиқариш вазифаларини амалга оширади.

Дин маълум ҳуқуқий талаб ва мажбуриятларни илгари суради ва унинг асосида баъзи кўринишларга, уларга маълум муносабатни шакллантирган ҳолда баҳо беради. Бунда мажбурий ва эътироз қилиб бўлмайдиган характер муҳим аҳамият касб этади.

Юқоридагилардан қисқа хулоса қилиб айтганда, дин инсоният тарихида, *биринчидан*, умуминсоний ахлоқ меъёрларини ўзига сингдириб олиб, уларни ҳамма учун мажбурий ҳуқ-атвор қоидаларига айланттирган; *иккинчидан*, одамларнинг баҳамжиҳат яшашига кўмалашган; *учинчидан*, одамларда ишонч ҳиссини мустаҳкамлаган ҳамда ҳаёт синовлари, муаммо ва қийинчиликларни енгиб ўтишларида куч бағишлаган; *тўртинчидан*, умуминсоний ва маънавий қадриятларни сақлаб қолиш ҳамда авлоддан-авлодга етказишга ёрдам берган ва шу йўл билан маданият ривожига катта таъсир кўрсатган.

5. Динларни таснифлаш. Диншунослар турли илм-фан соҳа вакиллари бўлиб, динларни ўзлари хос бўлган илм йўналиши нуқтаи назаридан ўрганиб, турлича ёндашганлар. Шунинг учун улар ўртасида баъзи ихтилофлар бўлиши табиийдир. Масалан, дин тарихи билан шуғулланувчи олимлар динларнинг юзага келиш тарихига кўра даврий жиҳатдан ёндашиб тадқиқ этганлар. Бошқа бир гуруҳ олимлар динларни пайдо бўлган ва тарқалган минтақаларига кўра тадқиқ этганлар. Айрим диншунослар диний нуқтаи назардан ёндашиб, динларни ўрганганлар.

Жумладан, Йоаким Вах (Joachim Wach), динларни «асосчиси бор динлар», «анъанавий (расм-русумли) динлар»га, Густав Меншинг эса «миллий динлар», «жаҳон динлари» кўринишида иккига бўлади. Аннемари Шиммель эса динларни - илк-қабилавий, миллий, жаҳон динлари, деб учга бўлади. Шу билан бирга баъзи тадқиқотчилар қуйидаги таснифни келтирадилар:

1. Сакраментал (диний маросим ва расм-русумларга таянувчи) дин,
2. Профетик (Пайғамбарларга таянувчи) дин,
3. Мистик (руҳий оламга йўналтирилган) дин.

Ислом уламолари динларни, «ҳақ» ва «ботил» ёки ваҳийга таянувчи илоҳий динлар, ваҳийга таянмайдиган табиий динлар каби иккига бўлишган. Ибн Ҳазм (ваф. 456/1064) ва Шаҳристоний (ваф. 548/1183) каби мусулмон тадқиқотчилари, ҳақ динлар учун «милал», ботил динлар учун эса «нихал» сўзларини ишлатишни маъқул деб топишган.

Динларни таснифлашда минтақавий ёндашувдан ҳам кенг фойдаланилиб, унинг ўзига хос жиҳати шундаки, минтақадаги айнан бир динни иккинчи динга таъсири ва ўзаро қоришуви ёки турли минтақа динларини ўзаро ўхшаш жиҳатлари ёки фарқли томонларини ўрганишдан иборат. Динларни қуйидаги омиллар асосида таснифга бўлиш мумкин:

1. Қитъаларда тарқалишига кўра Африка, Осиё, Европа, Америка ва Австралия динлари тарзида таснифлаш. Бироқ бу унчалик муносиб тасниф эмас. Чунки, шундай динлар ҳам борки, улар бир неча қитъаларга тарқалган. Хусусан, ислом ва христианлик деярли барча қитъаларда мавжуд. Шунингдек, баъзи қитъаларда озчиликни ташкил этувчи бошқа динлар вакиллари ҳам бўлиши билан бирга деярли аксар аҳоли бир динга эътиқод қилади. Масалан, Европада асосан христианлик кўп тарқалган, ислом дини Америкага нисбатан Африкада кўпроқ тарқалган. Осиё қитъасида ислом, ҳиндуийлик, буддавийлик, конфуцийлик, синтоийлик динлари аралаш тарқалган. Баъзан бир қитъада пайдо бўлган дин бошқа қитъада кенг ёйилган. Масалан, христианлик Фаластинда вужудга келган бўлса-да, асосан Осиё қитъасидан ташқарида тарқалди.

2. Жўғрофий минтақасига кўра Шарқ динлари ва Ғарб динлари тарзида таснифлаш. Бу дунёнинг қутбларга бўлинишига монанд сиёсий ва маданий тафовутни акс эттирувчи кенг жўғрофий таснифдир. Шарқ динларига ҳиндуийлик, буддавийлик, конфуцийлик, синтоийлик, даолик ва бошқа Узоқ Шарқ динлари киритилади.

Ғарб динларига яҳудийлик, христианлик ва ислом динлари киритилади. Аслида ислом динини Ғарб ёки Шарқ дини деб бўлмади. У жўғрофий жиҳатдан Шарқда юзага келиб, Ғарб

мамлакатларида ҳам кенг тарқалган. Яҳудийлик ва христианлик ҳам аслида Шарқ динлари бўлиб, Яқин Шарқда вужудга келган ва Ғарб мамлакатларида кенг ёйилган.

3. Қадимги динлар сиёсий минтақаларга кўра Месопотамия динлари, Сурия минтақаси динлари, Кичик Осиё ёки Онадўли динлари, Форс динлари тарзида таснифланади.

4. Динларнинг мамлакатлар худудларига кўра Фаластин динлари, Арабистон ярим ороли динлари, Мексика динлари, ҳинд динлари, Хитой динлари, Япон динлари тарзида таснифланади.

Узоқ Шарқ динлари каби баъзи минтақа динларини диний мавзусига кўра аниқ белгилаш имкони бўлмаган кўп ҳолларда жўғрофий тасниф қулай илмий таснифдир. Масалан, яҳудийлик, христианлик ва ислом динларини тавҳид (яккахудолик, монотеизм) асосида умумлаштирилса, Узоқ Шарқ динларини ягона диний тушунча асосида умумлаштириб бўлмайди. Бундай ҳолатда муаммонинг ечими сифатида жўғрофий таснифга мурожат қилиш мумкин.

Динлар унга эътиқод қилувчиларнинг сони, миқёси, ўзининг маълум миллат ёки халққа хослиги ёхуд миллат танламаслигига кўра турли гуруҳларга бўлинади. Бу гуруҳлар сон жиҳатдан қанча бўлишидан ёки назарий жиҳатдан қанчалик етук бўлишидан қатъи назар, уларни мутлақлаштириб бўлмайди. Чунки ҳар қандай тасниф маълум бир жиҳатга эътибор бериб, бошқа қирраларни қамраб ололмайди. Ҳозирги кунда дин типологиясида динларнинг қуйидаги таснифлари мавжуд:

- тарихий-географик жиҳатга кўра;
- этник жиҳатга кўра;
- эътиқод қилувчиларининг сонига кўра;
- ҳозирги даврда мавжудлиги жиҳатидан (тирик ва ўлик диний тизимлар) ва ҳ.к.

Бугунги кунда, диншуносликка бағишланган адабиётларда асосан қуйидаги тасниф келтирилади:

1) примитив диний тасаввурлар (уруғ-қабила динлари) - тотемистик, анимистик тасаввурларга асосланган, ўз уруғидан чиққан сеҳргар, шаман ёки қабила бошлиқларига сиғинувчи

динлар. Улар миллат динлари ва жаҳон динлари ичига сингиб кетган бўлиб, ҳозирда Австралия, Жанубий Америка ва Африкадаги баъзи қабилаларда сақланиб қолган;

2) миллат динлари - маълум миллатга хос бўлиб, бошқа миллат вакиллари ўзига қабул қилмайдиган динлар. Уларга яҳудийлик (яҳудий миллатига хос), ҳиндуийлик (ҳиндларга хос), конфуцийчилик (хитой миллатига хос), синтоийлик (японларга хос) киради;

3) жаҳон динлари - дунёда энг кўп тарқалган, кишиларнинг миллати ва ирқидан қатъи назар унга эътиқод қилишлари мумкин бўлган динлар. Улар сафига одатда буддавийлик, христианлик ва ислом динларини киритадилар.

Бундан ташқари динлар таълимотига кўра монотеистик - яккахудолик (яҳудийлик, ислом) ва политеистик - кўпхудолик (ҳиндуийлик, конфуцийчилик) динлари ва ҳ.к.га бўлинади. Диншуносликка оид замонавий тадқиқотларда яҳудийлик, христианлик ва ислом динларини Иброҳимий динлар (Авраамические религии) ёки самовий динлар деб аташ ҳам кузатилмоқда.

Мавзу бўйича саволлар

1. Диншунослик фанини ўқитишдан мақсад нима?
2. Диншунослик фанининг ривожланиш босқичлари ҳақида нималарни биласиз?
3. Диншунослик алоҳида фан сифатида қачон шаклланган?
4. Европалик илк диншунослардан кимларни биласиз?
5. Диншуносликнинг қандай соҳалари мавжуд?
6. Динга қандай таърифлар берилган?
7. Динни ўрганишда қандай ёндошув турларини биласиз?
8. Дин жамиятда қандай вазифаларни бажаради?
9. Диннинг регуляторлик вазифаси деганда нимани тушунаси?
10. Диннинг компенсаторлик вазифаси нималардан иборат?
11. Диннинг интеграторлик вазифасига нималар киради?

Мустақил иш топшириқлари

1. Диншунослик фанининг юзага келиши ҳақида сўзлаб беринг.
2. Диншунослик фанининг мақсад ва вазифалари ҳақида сўзлаб беринг.
3. Турли олимлар томонидан динга берилган таърифлар ҳақида кўргазмали слайд тайёрланг (MS Power Point).

Адабиётлар

1. Дунё динлари тарихи. Ўқув қўлланма. –Т., Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2011.
2. Давлат ва дин. Ўқув қўлланма / Тузувчилар: Д.Раҳимжонов, Н.Исматова, Г.Худайберганова, Л.Алиджанова, О.Эрназаров. – Тошкент: Complex Print, 2019. – 136 б.
3. Диншунослик асослари. Ўқув қўлланма. –Т., Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2013.
4. Мень А. История религии. – М.: 1994.
5. Петер Антерс. Религии современности. История и вера. – М.: Прогресс–Традиция, 2001.
6. Радугин А.А. Введение в религиоведение: теория, история и современные религии. – М.: 1996.
7. Яблоков И.Н. Основы религиоведения. – М. 1998.

2-МАВЗУ. ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТНИНГ ДИН ВА ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН МУНОСАБАТИ

Режа:

1. Давлат ва дин ўртасидаги муносабатларни тартибга солишнинг типлари.
2. Ўзбекистонда виждон эркинлигини таъминланиши.
3. Ўзбекистонда давлат ва диний ташкилотлар ўртасидаги муносабатлар.

Таянч тушунчалар: *диний ташкилотлар, диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органлари, конфессия, масжид, виждон эркинлиги, эътиқод эркинлиги, даҳрий – атеист, диннинг давлатдан ажратилиши, секуляризм.*

Мавзу ўқув мақсади: Талабаларда давлат ва дин муносабатларининг жаҳонда тарқалган шакллари, Ўзбекистон Республикасида давлат ва дин муносабатларининг ўзига хос жиҳатлари, виждон эркинлигининг мазмун-моҳияти, Ўзбекистон Республикасида диний ташкилотлар фаолиятининг қонунчилик асослари ҳақида билимларини ошириш.

1. Дин ва давлат ўртасидаги муносабатларни тартибга солишнинг типлари. Ривожланган демократик йўлдан кетаётган давлатларнинг ҳозирги замонда динга муносабати асосан виждон эркинлигини таъминлаш ва диний бағрикенгликка асосланган. Шунга қарамай, бугунги кунда давлат ва дин ўртасидаги муносабатлар ўз мазмуни, моҳияти, шакллари ва усулларига кўра турли давлатларда ўзига хосликка эга. Шу муносабат билан дин ва давлат ўртасидаги муносабатнинг типлари, моделлари ҳақида фикр юритиш мумкин.

Ҳозирда давлат билан дин (диний ташкилотлар) ўртасидаги муносабатларни тартибга солишнинг турли шакллари мавжуд бўлиб, улар бугунга келиб қуйидаги учта асосий туркумга ажратилади:

1. Давлат-диний ташкилот модели – идентификацион модель. Бундай моделни биз, мисол учун, Дания, Англия, Греция, Швеция, Финляндия, Норвегияда (яъни Европа иттифоқининг деярли учдан бир қисмида), Саудия Арабистони, Бруней қироллиги, Қатар, Эрон ислом республикасида кузатишимиз мумкин.

2. Сепарацион, яъни давлат диндан ажратилганлигига асосланган модель. Давлат билан дин ўртасидаги муносабатларни тартибга солишнинг бу турига АҚШ, Франция, Нидерландия, Туркия, МДХ давлатлари, жумладан Ўзбекистон Республикаси каби давлатларни мисол сифатида келтириш мумкин.

3. Кооперацион – нейтралитет модели. Германия, Испания, Италия, Бельгия, Люксембург, Австрия каби мамлакатларида ўз аксини топган.

Идентификацион модель муайян тарихий шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда, Европанинг айрим мамлакатларида давлат динини расмий белгилаш принципига амал қилади. Жумладан, ҳозирги кунда англикан черкови (расмий номланиши – Англия черкови) давлат мақомига эгадир. Қироликдаги диний ташкилотларнинг ўрни-мавқеи бир қатор парламент томонидан қабул қилинган қонунлар ҳамда давлат ва диний ташкилот ўртасидаги келишув-битимлари билан белгиланади. Шундай ҳужжатлардан энг муҳими – 1534 йили қабул қилинган «Супрематия (устуворлик) тўғрисидаги акт»дир. Унга биноан қирол англикан черков раҳбари ҳисобланади (1952 йилданг буён қиролича). Монарх ҳукумат тавсиясига биноан епископларни тайинлайди. Бундай епископларнинг аксарият қисми лордлар палатасининг аъзоларидир.

Барча дин хизматчиларидан сан (диний унвон)га бағишлаш жараёнида қиролга итоаткорлик тўғрисида қасамёд қилиши талаб этилади. Шунингдек, черковнинг муҳим ҳужжатлари, шунингдек англикан черковининг Бош синоди қарорлари, қонуний кучга киришидан аввал, парламент томонидан тасдиқланиши ва қирол томонидан маъқулланиши лозим. Англикан черкови

хизматчилари томонидан расмийлаштирилган никоҳлар юридик кучга эга. Диний ташкилот ўзининг барча маблағларини бевосита эмас, балки «Черков ваколатдорлари» номли давлат молиявий ташкилоти орқали тасарруф этади. Бу ташкилот қўлида Англия черковига расмий тегишли бўлган барча молия-мблағлар тўпланади.

Швеция, Дания ва Норвегияда диний ташкилотнинг мақоми бошқа мамлакатларда бўлган мақомидан жиддий фарқ қилади. Скандинавия мамлакатларининг характерли белгиси – протестантизмнинг қатъий устуворлиги ҳисобланади - бу мамлакатларда аҳолининг 90 фоизидан кўпроғи протестант черковига мансубдир.

Яқин ва Ўрта шарқ мамлакатларининг аксариятида давлат дини сифатида ислом дини эътироф этилган бўлиб, кўпинча, бу ҳақда уларнинг номларида ҳам кўрсатилади: Покистон Ислом Республикаси, Эрон Ислом Республикаси. Шу билан бирга ислом Афғонистон, Миср, Ироқ, Жазоир, Тунис ва Иорданияда ҳам давлат дини сифатида эътироф этилган.

1979 йили 23 декабрда тасдиқланган Эрон Ислом Республикасининг Конституциясида айтилишича, «Эронда 12 та имомларнинг мавжудлигини назарда тутувчи жаъфария мазҳаби расмий дин сифатида эътироф этилади ҳамда бу қоида абадий ўзгармас бўлиб қолади» (12-модда). «Барча фуқаролик, молиявий, иқтисодий, маъмурий, маданий, ҳарбий, сиёсий ва бошқа қонун-қоидалар ислом нормалари асосида белгиланиши лозим» (4-модда).

Қирол бир вақтнинг ўзида ҳукумат раҳбари, олий бош қўмондон ва диний раҳбар сифатида намоён бўладиган, мутлақ теократик монархияга Саудия Арбистонини мисол қилиб келтирса бўлади. Бу мамлакат Конституцияда Қуръони карим ва Пайғамбар алайҳис-салом суннатлари ҳар қандай нормадан устун экани эътироф этилган. Саудия Арабистонида маҳаллий аҳоли тўлиқ ислом динига эътиқод қилади. Шунингдек, Макка ва Мадина шаҳарларига исломдан бошқа динга эътиқод қилувчи

шахсининг кириши тақиқланади. Қиролликда суд ҳокимияти асосан шариат судлари томонидан Қуръон кўрсатмаларига амал қилган ҳолда амалга оширилади.

Исроилда эса яҳудийлик давлат дини бўлиб, бу мамлакатда дин давлат механизмининг бир қисми сифатида ўз аксини топган. Мамлакатда ягона конституция мавжуд бўлмай, унинг ўрнига Кнессет томонидан қабул қилинадиган қонунлар амал қилади. 1952 йилги қонунга биноан Исроил фуқаролиги яҳудийликдан бошқа динга эътиқод қилувчи ёки умуман динсиз яҳудийларга берилмайди. Синагога ва раввинатнинг жамият турли соҳалардаги аралашуви ниҳоятда кенг бўлиб, улар ўзлари томонидан чиқарилган турли кўрсатмалар орқали эътиқод қилувчи ҳаётининг турли жабҳаларини тартибга солади.

Айрим мамлакатларнинг конституцияларида диний ташкилотнинг давлатдан ажратилганлиги (сепарацион модель) мустаҳкамланган бўлиб, бунда давлат динни ўз фуқароларининг шахсий иши сифатида кўради. Бундай ҳолатни «эркин жамиятда эркин эътиқод» деган ибора билан изоҳласа бўлади.

Сепарацион модель вакилларида бўлган АҚШда давлат ва диннинг бир-бири ишларига икки томонлама аралашмаслик, диний жамоаларнинг эркинлиги, диний конфессиялар ўртасида давлатнинг бетараф эканини назарда тутувчи диний ташкилотнинг давлатдан қатъий ажратилиши тамойили кенг ёйилган.

Диний ташкилотнинг давлатдан ажратилиши принципи бошқа шаклда ҳам намоён бўлиши мумкин. Европада бундай тизим диний ташкилотга қарши кураш жараёнлари натижаси сифатида шаклланди. XIX аср давомида Францияда давлат-дин муносабатлари ҳамкорликдан бутунлай узилишга қадар ўзгариб, 1905 йилдан черков давлатдан расмий равишда ажратилади. Шунга боғлиқ равишда 1905 йили Францияда қабул қилинган қонун қуйидагиларни тан олади:

1. Виждон ва эътиқод эркинлиги;

2. Давлат томонидан диний ташкилотлар ва уларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватланишининг тақиқланиши;

3. Барча динларга, ҳеч бир истисносиз тенг муносабатда бўлиш.

Францияда қабули қилинган диннинг давлатдан ажратилиши тўғрисидаги қонун диний маросим ва урф-одатларни бажо келтириш давлат ҳокимияти рухсати ва назорати билан амалга оширилишини белгилаб қўйди.

Кооперацион, яъни нейтралитет моделига Германия федератив республикасини мисол тариқасида келтириш мумкин. ГФР да давлат билан диний ташкилот ўртасидаги муносабатларда давлат ҳокимиятининг устуворлиги эътироф этилган, давлат-диний ташкилот ҳуқуқи вужудга келди.

Веймар Конституцияси давридан бошлаб Германияда давлат-черков муносабатлари секулярлик тамойилига асосланади. Шунингдек, давлат ҳокимияти билан диний ташкилот муносабатларида муайян масофа сақланади. Ҳозирги кунда бундай масофани «нейтралитет» термини билан аташ одат бўлган.

Ҳозирги кунда давлат-черков муносабатлари ГФР Асосий қонунининг 140-моддаси асосида тартибга солинади. Ўз навбатида конституциянинг мазкур моддаси 1919 йилги Веймар Конституциясининг 136-139, 141- моддаларидан ташкил топган. Мазкур қоидаларга биноан ГФР да давлат бирор динга расмий давлат дини мақомини бермайди.

ГФРда диний машғулотлар давлат билан диний ташкилот ўртасидаги ўзаро муносабатнинг ўзига хос ифодаси бўлиб, диний машғулотлар давлат билан диний ташкилотнинг умумий иши сифатида эътироф этилади. ГФР Конституциясининг 7-моддасига биноан, оммавий мактабларда диний таълим мажбурий предмет сифатида ўқитилади.

Кўриб чиқиладиган модель доирасида 1920 йилги Австрия конституциясида ҳам ўзига хосликлар бор. Унда ҳам виждон ва эътиқод эркинлиги тўлиқ эътироф этилади. Австрияда ҳам,

ГФРда бўлгани каби, черков давлатдан ажратилмаган. Католик черкови давлат мақомига эга бўлмаса-да, диний соҳада ҳукмронлик қилади ва мафкуравий ҳаётнинг турли жабҳаларига жиддий таъсир кўрсатади. Эътиқод қилувчиларнинг тахминан 90% ни католиклар ташкил этади.

Юқоридаги давлатлар мисолидан кўришиб турибдики, хорижий мамлакатларда диний ташкилотларнинг ҳуқуқий мақомини, давлатнинг динга, виждон ва эътиқод эркинлигига бўлган муносабатини тартибга солувчи конституциявий ва қонунчилик нормалари ниҳоятда турли-тумандир. Конституциялар одатда, диний ташкилот билан давлат ўртасидаги ўзаро муносабат асослари, жамиятда диннинг тутган ўрни билан боғлиқ масалаларни тартибга солувчи махсус моддаларни, айрим ҳолларда эса бир-бутун бўлим ва бобларни ҳам ўзида акс эттиради. Умуман олганда эса, конституциялар конфессиялар ва эътиқод қилувчилар ҳуқуқларининг кафили бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистонда таркиб топган давлат ва дин ўртасидаги муносабат ўз моҳияти, мазмуни ва ҳуқуқий асосларига кўра сепарацион моделга, яъни давлатдан дин, умумтаълим мактабларидан диний таълимнинг ажратилганлиги ва виждон эркинлиги, конфессионал бағрикенглик таъминланганлигига асосланади.

Ўзбекистон дунёвий давлат бўлиб, мамлақтимизда дин давлатдан алоҳида бўлиб, бу ҳақда мамлақатимиз Конституциясининг 61-моддасида шундай дейилади: «Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди».

Бу ғоя «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасида ҳам мустаҳкамланган бўлиб, унда ҳам диннинг давлатдан ажратилганлиги, ҳеч бир динга ёки диний эътиқодга бошқаларига нисбатан бирон-бир имтиёз ёки чеклашлар белгиланишига йўл қўйилмаслиги

белгилаб қўйилган. Бу эса мамлакатимизда давлатнинг диний ишларга, диннинг эса давлат ишларига (қонун ҳужжатларида кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно, албатта) аралашмаслигини англатади.

Бунинг замирида давлат томонидан турли динларга эътиқод қилувчи ва динга эътиқод қилмайдиган фуқаролар, шу каби ташкилотлар ўртасида ўзаро муносабат ва ҳурмат ўрнатилишига кўмаклашиши, улар ўртасида вужудга келиши мумкин бўлган қарама-қаршилик ва кескинликларнинг олдини олиши, диний конфессиялар ўртасидаги тинчлик ва тотувликни қўллаб-қувватлаши, диний ташкилотлар зиммасига давлат ўзининг ҳеч қандай вазифасини бажаришни юклармаслиги, уларнинг қонун ҳужжатларига зид бўлмаган фаолиятига аралашмаслиги кабилар ётади.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси демократик принципларга содиқлигини ифодаси сифатда давлатнинг дин ва диний ташкилотлар билан ўзаро муносабатда қуйидаги принципларга амал қилишини эълон қилди:

- *диндорларнинг диний туйғуларини ҳурмат қилиши;*
- *диний эътиқодларни фуқароларнинг ёки улар уюшмаларининг хусусий иши деб тан олиши;*
- *диний қарашларга амал қилувчи фуқароларнинг ҳам, уларга амал қилмайдиган фуқароларнинг ҳам ҳуқуқларини тенг кафолатлаш ҳамда уларни таъқиб қилишга йўл қўймаслик;*
- *маънавий тикланиш, умуминсоний ахлоқий қадриятларни қарор топтириш ишида турли диний уюшмаларнинг имкониятларидан фойдаланиш учун улар билан мулоқот қилиш йўлларини излаш зарурати;*
- *диндан бузғунчилик мақсадларида фойдаланишга йўл қўйиб бўлмаслигини эътироф этиши.*

Юқоридагиларга асосланган ҳолда, хулоса қилиш мумкинки, биз юқорида таҳлил этган давлат ва дин ўртасидаги муносабатнинг уч модели давлат ва дин ўртасидаги муносабатнинг турли-туман қирраларини жиҳатларини ва

хоссаларини тўлалигича қамраб ололмайди. Давлат ва дин ўртасидаги муносабатнинг бир моделида бошқа модель элементлари ҳам учраб қолиши мумкин. Шу жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда айтиш мумкинки, давлат ва дин ўртасидаги муносабатнинг қайси моделда бўлиши шу давлатнинг тараққиёти, ундаги аҳолининг менталитети, диннинг хусусияти, мамлакатдаги демократик вазият, инсон ҳуқуқларининг таъминланганлиги, халқаро аҳвол, жамиятнинг онгги каби омиллар таъсир этиши шубҳасиздир.

2. Ўзбекистонда виждон эркинлигини таъминланиши.

Виждон эркинлиги табиий ҳуқуқ ва эркинликлар сирасига кирувчи, ҳар бир шахснинг ажралмас ҳуқуқларидан биридир. Шахснинг табиий ҳуқуқлари давлатнинг инсонга берган «туҳфаси» эмас, балки инсоннинг муносиб турмуш ва ҳаёт тарзини танлаш билан боғлиқ реал имконияти ҳисобланади.

Шу билан бирга, табиий ҳуқуқлар жумласига кирувчи эркинликларни қонун чиқарувчи ўзи хоҳлаганда қисқартириши ёки чеклашга ҳам ҳақли эмас. Чунки бу ҳуқуқлар инсонларга табиатан (Худо томонидан) берилган инъом саналади. Виждон эркинлиги ҳам худди шундай.

Виждон эркинлиги инсоннинг асосий эркинликларидан бўлса-да, қонунда ўз ифодасини топиб, муҳофаза остига олингандагина чин маънода ҳуқуқ даражасига кўтарилади. Акс ҳолда шахснинг қалб кечинмаларини ифодаловчи бу ҳуқуқ ҳақиқий маъносини йўқотади.

Бу эркинлик деярли барча давлатларнинг конституция ва қонунларида, шунингдек, қатор халқаро ҳужжатларда ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояга олинган.

Атама сифатида «виждон» сўзи кўп маънони англатади. Бу атама турли соҳа ва ижтимоий қатламга мансуб инсонлар томонидан турлича қўлланилади. А.Мадвалиев таҳрири остида нашр этилган «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да «виждон» сўзига қуйидагича таъриф берилган:

«Виждон» (*араб.* эҳтирос, ҳис-туйғу, инсоф, диёнат) кишининг ўз хатти-ҳаракати, қилмиши, юриш-туриши учун одамлар, жамоатчилик олдидаги масъулият ҳисси, инсонийликнинг асосий белгиларидан бири; диёнат, инсоф», дея изоҳ берилган. Бундан кўриниб турибдики, виждон сўзининг биринчи маъноси инсонинг ўз хатти-ҳаракатилари учун ўзгалар олдидаги масъулият ҳисси ҳисобланар экан.

Аслида олиб қараганда «виждон» сўзи кўп маъноли бўлгани боис унинг ҳуқуқ атамашунослигида ишлатилиши унчалик ҳам ижобий ҳол эмас. Чунки «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонун талабларига кўра қонун ҳужжатларида фойдаланиладиган тушунча ва атамалар турлича изоҳлаш имкониятини истисно этиши лозим. Шунингдек, қонунда эскирган ҳамда кўп маънони англатадиган сўзлар ва иборалар, мажозий таққослашлар, сифатлашлар, киноялар қўлланилиши мумкин эмас. Лекин бу атама энди қонунчилигимизга кириб бўлди. Уни фойдаланишдан чиқариб, янги сўз ихтиро қилгандан кўра, атаманинг мазмун-моҳиятини кенг оммага тушунтириш, изоҳлаб бериш мақсадга мувофиқ.

Шундай экан, виждон эркинлигининг биринчи маъноси айнан шахснинг эътиқоди билан боғлиқ ҳуқуқи сифатида қабул қилган ҳолда шу мазмунни ёритишга ҳаракат қиламиз.

Ҳуқуқий мезонда виждон тушунчаси «виждон эркинлиги» шаклида келади. Ўзбекистоннинг асосий қомуси — Конституцияда таъкидланишича «Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди» (31-модда), деган қоида мустаҳкамланган.

Бу қоидага кўра «виждон эркинлиги» деган тушунчанинг мазмун-моҳияти шахснинг хоҳлаган динга эътиқод қилиши билан бирга, ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик ихтиёрини ҳам қамраб олади. Бу модда сўнгида «диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди», деган муҳим қоида асосида, ҳар

бир инсон ҳақли бўлган ҳуқуқнинг бузилмаслиги учун қонуний замин тайёрланган. Бунинг замирида виждон эркинлигига нисбатан ҳар қандай таҳдидни бартараф этиш истаги ётади.

Шундай қилиб, Конституциямиздаги норма асосида виждон эркинлиги уч жиҳатни англатадиган ҳуқуқий категория сифатида намоён бўлади:

- *Муайян шахс Худоба ишониши, хоҳлаган динига эътиқод қилиши мумкин;*
- *Худоба ва динга ишонмаслиги, уларга нисбатан бетараф бўлиши мумкин.*
- *Даҳрий, яъни ҳеч бир динга эътиқод қилмайгина қолмасдан, балки уларни инкор этиши мумкин.*

Бу виждон эркинлиги ҳуқуқи айнан шу масалалар билан чекланади дегани эмас. Одатда, конституция давлатнинг асосий қонуни бўлиб, ёритиладиган норманинг умумий жиҳатларини ўзида қамраб олади. Конституция асосида қабул қилинган қонун ва қонун ости ҳужжатларида норма кенгроқ ёритилади ва шарҳланади. Конституциядаги 31-модда замирида қабул қилинган «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддаси биринчи ва иккинчи банларида бу тушунча кенгроқ очиб берилган. Унда айтилишича, «Виждон эркинлиги фуқароларнинг ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмасликдан иборат кафолатланган конституциявий ҳуқуқидир.

Фуқаро ўзининг динга, динга эътиқод қилишга ёки эътиқод этмасликка, ибодат қилишда, диний расм-русумлар ва маросимларда қатнашиш ёки қатнашмасликка, диний таълим олишга ўз муносабатини белгилаётган пайтда уни у ёки бу тарзда мажбур этишга йўл қўйилмайди».

Демак, виждон эркинлиги фақат Худоба ишониш ёки ишонмасликдан ташқари, ибодат қилиш, диний расм-русумлар ва маросимларда иштирок этиш эркини, шунингдек, диний таълим олиш ёки олмасликни ўз ихтиёри асосида белгилаш ҳуқуқларини ҳам ўз ичига олади. Шу ўринда масланинг иккинчи жиҳатини ҳам

эътиборга олиш зарур, яъни Ўзбекистонда диний таълим мактаб таълимидан ажратилган. Шунингдек, Ўзбекистон қонунчилигида хусусий тартибдаги диний таълим тақиқланади. Шундай экан, диний таълим махсус ваколатга эга бўлган диний таълим муассасаларида ўрганилади.

Шахс динга номигагина ишониши ёки художўй бўлиши, бут ва санамлар ёки жониворларга сиғиниши, динсиз даҳрий ёки бутунлай динга қарши инсон ҳам бўлиши мумкин. Аммо шахснинг бу каби қарашлари уни айблаш ёки таҳқирлаш учун асос бўлмайди. Бу виждон эркинлиги ҳуқуқи асосида кафолатланган имтиёз ҳисобланади. Кимнинг қандай эътиқодга эга бўлиши ёки бўлмаслиги унинг виждонига ҳавола этилади. Лекин ҳавола этилаётган эътиқод қонунга хилоф бўлмаслиги шарт. Яъни эътиқод қиламан деб тақиқланган диний ташкилотларга эъзо бўлиши ёки уларнинг ғояларини тарғиб қилиши қонунга хилоф саналади. Шу билан бирга, бир шахс бошқа шахсни эътиқодий қарашларидан келиб чиқиб таҳқирлаши ҳам тақиқланади. Ўз навбатида, бундай хатти-ҳаракат жавобгарликка сабаб бўлади.

Баъзи ҳуқуқий адабиётларда «виждон эркинлиги» ўрнида «эътиқод эркинлиги» тушунчасини ҳам учратиш мумкин. Аслида «эътиқод» (арабча «иътақода» феълидан) сўзи ҳам кўп маъноли сўзлар жумласига кириб, ишонч, имонли бўлиш, кўнгилда тасдиқлаш каби бир неча маъноларга эга. Биз учун керакли бўлган маъносига келадиган бўлсак, Худога ёки умуман ғайритабиий кучларга имон келтиришни англатади.

Эътиқод эркинлиги ҳам виждон эркинлиги сингари шахснинг бирор динни ихтиёр этиб, унга эътиқод қилиши ҳуқуқини англатади. Лекин бу ҳуқуқ виждон эркинлиги қоидалари руҳсат берадиган даҳрий бўлиш ҳуқуқини кафолатламайди. Шу каби фарқлар сабабли айрим давлатлар қонунчилигида (мусулмон араб давлатларида) виждон эркинлиги эмас, эътиқод эркинлиги кафолатланган. Шунга асосан агар инсон амал қилиб турган динидан чиқадиган бўлса, айрим ҳолларда қонуний жазо

санкцияларининг қўлланилиши ҳам эътиқод эркинлигининг ўзига хос хусусиятини кўрсатади.

Шунга кўра, айтиш мумкинки, виждон эркинлиги эътиқод эркинлигидан кенгроқ тушунча ҳисобланади.

Виждон эркинлиги тушунчаси халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам атрофлича баён этилган. Жумладан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 18-моддасида шахсинг виждон эркинлиги ҳуқуқи кафолатланган. Унда айтилишича, «Ҳар бир инсон фикр, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга; бу ҳуқуқ ўз дини ёки эътиқодини ўзгартириш эркинлигини ва таълимотда, тоат-ибодат қилишда ва диний расм-русм ҳамда маросимларни оммавий ёки хусусий тартибда адо этиш, ўз дини ёки эътиқодига яқка ўзи, шунингдек, бошқалар билан бирга амал қилиш эркинлигини ўз ичига олади».

Мазкур нормага кўра виждон эркинлиги шахсга қуйидаги ҳуқуқларни кафолатлайди:

- *шахсинг ўз дини ёки эътиқодига эга бўлиш;*
- *шахсинг ўз дини ёки эътиқодини ўзгартириш;*
- *таълимотда, тоат-ибодат қилишда ва диний расм-русм ҳамда маросимларни оммавий ёки хусусий тартибда адо этиш;*
- *ўз дини ёки эътиқодига яқка ўзи, шунингдек, бошқалар билан бирга амал қилиш.*

Бундан ташқари, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактнинг 19-моддасида ҳам виждон эркинлигига айтиш шунинг мазмунда изоҳ берилган.

Шу ўринда бир масалага алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади. Виждон эркинлиги шахсинг ўз дини ва эътиқодини ўзгартириш ҳуқуқини кафолатлаши аниқ. Лекин бундай ўзгартириш бошқа шахсинг таъсирида бўлмаслиги шарт. Акс ҳолда, бу қонунчилигимизда тақиқланган миссионерликнинг бир кўринишига айланиб қолиши мумкин.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, виждон эркинлиги шахсинг конституциявий табиий ҳуқуқи бўлиб, давлат бу эркинликни

ҳуқуқий кафолатлаш ва амалда таъминлаш тадбирларини рўёбга чиқариш билан бир қаторда, уни поймол этишга нисбатан ҳар қандай таҳдиднинг олдини олишга ҳам интилади. Қонун устуворлиги энг олий мезон бўлган фуқаролик жамиятининг ҳар бир аъзоси ушбу қонуний талабга тўғри муносабатда бўлиб, унинг ҳаётга татбиқ этилишига ҳисса қўшиши лозим. Чунки энг муҳим конституциявий ҳуқуқлардан бўлган виждон эркинлиги ҳуқуқининг амалда рўёбга чиқарилиши фуқаролик жамиятининг маънавий-маданий ривожланганлик даражасининг ҳам муҳим кўрсаткичларидан ҳисобланади.

3. Ўзбекистонда давлат ва диний ташкилотлар ўртасидаги муносабатлар. Инсон ва фуқароларнинг виждон эркинлиги ҳуқуқини амалга оширишларида диний ташкилотларнинг муҳим ўрни бор. Давлат билан дин ўртасидаги муносабатларда субъект сифатида бир томондан эътиқод қилувчилар, яъни фуқаролар, иккинчи томондан давлат ва учинчи томондан диний ташкилотлар қатнашади.

Ўзбекистон дунёвий характердаги давлат ва диний ташкилотлар давлатдан ажратилган бўлишига қарамай, уларни жамиятдан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Шу сабабли давлат диний ташкилотларнинг қонуний фаолиятини қўллаб қувватлайди, жамиятнинг маънавий қадриятларини тикланиши ва ривожланишида диний ташкилотлар кўмагига таянади, яъни Ўзбекистонда дин давлатдан ажратилган бўлсада, жамиятнинг ажралмас бўлаги ҳисобланади.

Бугунги кунда дин билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларда иштирок этувчи фуқаролар ва давлатнинг ўрни ва аҳамияти бирмунча ойдин бўлса-да, диний ташкилотлар ҳақида, уларнинг мақоми ва вазифалари, фаолияти ҳақида маълумотга эга бўлиш виждон эркинлиги соҳасидаги билим ва кўникмаларнинг янада ортишига хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунининг 8-моддаси диний

ташкiлотларга бағишланган бўлиб, унда айтилишича, «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг динга эътиқод қилиш, ибодат, расм-русумлар ва маросимларни биргаликда адо этиш мақсадида тузилган кўнгилли бирлашмалари (диний жамиятлар, диний ўқув юртлари, масжидлар, черковлар, синагогалар, монастирлар ва бошқалар) диний ташкiлотлар деб эътироф этилади».

Диний ташкiлотга берилган бу каби таъриф бошқа давлатлар қонунчилигида ҳам учрайди. Жумладан, Арманистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкiлотлар тўғрисида»ги қонунида «Диний ташкiлот – бу фуқароларнинг динга эътиқод қилиш, ибодат, расм-русумлар ва маросимларни биргаликда адо этиш мақсадида тузилган кўнгилли бирлашмалари (черковлар, диний жамиятлар, епархиялар, монастирлар, диний конгрегациялар, диний ўқув юртлари, нашриётлар) дир» дея таъриф берилган.

Россия Федерациясининг «Виждон эркинлиги ва диний бирлашмалар тўғрисида»ги федерал Қонунининг 8-моддаси 1-бандида: «Россия Федерацияси фуқаролари, Россия Федерацияси ҳудудида доимий ва қонуний асосларда истиқомат қиладиган бошқа шахсларнинг динга биргаликда эътиқод қилиш ва тарқатиш мақсадларида тузилган ва юридик шахс сифатида қонун билан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган кўнгилли бирлашмалари», диний ташкiлот деб эътироф этилади.

Демак, диний ташкiлот тушунчасига берилган таърифлар ўртасида муштарак жиҳатлар мавжуд. Умуман олиб қараганда диний ташкiлот инсон ва фуқароларнинг виждон эркинлиги ҳуқуқини амалга оширишларига кўмаклашувчи нотижорат кўнгилли ташкiлот ҳисобланади.

Мамлакатимизда фаолият юритадиган барча диний ташкiлотлар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкiлотлар тўғрисида»ги янги таҳрирдаги қонунига ва амалдаги

бошқа қонунчилик ҳужжатларига асосан ташкил этилади ва фаолият кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги янги тахрирдаги қонунига асосан диний ташкилотлар фаолияти фуқароларнинг *динга эътиқод қилиши, ибодат қилиши, диний расм-русумлар ва маросимларни биргаликда адо этишларига кўмаклашиши*ни мақсад қилади.

Қонунчиликда диний ташкилотларнинг бир неча турлари эътироф этилади. Унга кўра, *диний жамиятлар, диний ўқув юртлари, масжидлар, черковлар, синагогалар, монастырлар* ва бошқа ташкилотларга диний ташкилот мақоми берилади.

Диний ташкилот ҳуқуқий жиҳатдан эътироф этилиши учун, аввало, у қонуний асосларга эга бўлиши лозим. Республикада тузиладиган диний ташкилотлар устав (низом)и Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ёки унинг жойлардаги органларида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг, юридик шахс мақомига эга бўлиб, қонунчиликда белгиланган тартибда ўз фаолиятини олиб бориши мумкин.

Республикамизнинг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги» Қонуни ва «Ўзбекистон Республикасида диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида» Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида диний ташкилот тузиш учун тўртта муҳим шартга амал қилиш керак. Унга кўра диний ташкилот тузиш учун ташаббускорлар:

- 18 ёшга тўлган бўлишлари лозим. Бу ҳолат деярли барча давлатларнинг қонунчилигида мустаҳкамланган қоида бўлиб, шахс 18 ёшга тўлгач ўз хатти-ҳаракатининг мазмун-моҳиятини тўлиқ англаб етади ва судда даъвогар ва жавобгар бўлиш ҳуқуқига эга бўлади.

- Ўзбекистонда муқим яшаётган бўлишлари лозим. Диний ташкилотда ўтказиладиган ибодат ва расм-русумлар асосан шу ҳудудда муқим яшовчи инсонларга мўлжалланади. Бундан ташқари хорижда яшовчи инсоннинг бошқа

мамлакатда ташкил этиладиган диний ташкилотни тузишдан кўзланган мақсади ҳар доим ҳам эзгу бўлавермайди. Бунга яқин ўтмишимизда айрим диний экстремистик оқимлар томонидан содир этилган жиноий хатти-ҳаракатлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

- Ўзбекистон фуқаролигига эга бўлишлари керак.
- Бу эса, мамлакатимиздаги диний ташкилотлар шахсинг миллати, динидан қатъи назар фақат Ўзбекистон халқи томонидан тузилиши мумкин эканини англатади. Лекин диний ташкилотга аъзо бўлишда шахсинг бирор давлатнинг фуқароси бўлиш-бўлмаслигининг унчалик аҳамияти йўқ. Чунки, диний ташкилотга аъзо бўлиш виждон эркинлигининг таркибий қисми бўлиб, ҳар бир шахс бу ҳуқуқдан фойдаланишга ҳақлидир.

- Сон жиҳатдан 100 нафардан кам бўлмасликлари шарт қилинади.

- Республикамининг дастлабки таҳрирдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги» Қонунининг 13-моддасида диний ташкилот камида ўн кишидан иборат ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролар ташаббуси билан тузилиши қайд этилган эди. Диний ташкилотлар жамоат бирлашмаларидан айрим жиҳатларда фарқ қилади ва масъулияти ҳам каттароқ. Шу билан бирга қонунчиликда белгиланган қоидалар жамият ривожига ва замон талаби билан ўзгариши муқаррар.

Дунё давлатларининг виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчилигига эътибор қаратилса, диний ташкилот тузиш учун зарур бўлган ташаббускорларга қўйилган минимал миқдор турлича эканини кўриш мумкин. Жумладан, Россия Федерацияси ва Қозоғистонда 10 нафар, Польша, Литвада 15, Латвияда 25, Венгрияда 100, Арманистон ва Қирғизистонда 200, Чехияда 300, Туркманистонда 500 нафардан иборат фуқаролар ташаббуси билангина диний ташкилот тузилади. Бу эса, диний ташкилот тузиш борасидаги қоидалар

ҳар бир давлатнинг ўз шарт-шароитидан келиб чиққан ҳолда белгиланишини кўрсатади.

Диний ташкилот тузилиб, устав (низом)и қабул қилинган, у бир ойлик муддатда Адлия вазирлиги ёки унинг ҳудудий бошқармаларида рўйхатдан ўтказилиши лозим. «Ўзбекистон Республикасида диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Қарор асосида диний ташкилотлар рўйхатдан ўтиш учун тегишли ҳужжатларни адлия органларига тақдим этадилар. Тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар тузилган диний ташкилотнинг қонунийлигини ўрганишга хизмат қилади.

Адлия органлари бир ойлик муддатда рўйхатдан ўтказиш бўйича аризани кўриб чиқади ва ташкилот уставини рўйхатдан ўтказиш, рўйхатдан ўтказишни рад этиш ёки аризани инобатсиз қолдириш ҳақидаги қарорни қабул қилади.

«Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги» Қонунга кўра рўйхатдан ўтган ва тегишли конфессияга қарашли диний ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва йўналтириб бориш учун уларнинг Ўзбекистон бўйича ягона *марказий бошқарув органлари* тузилиши мумкин.

Марказий бошқарув органи Республиканинг камида саккизта ҳудудий тузилмасида (вилоят, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси) фаолият кўрсатаётган, тегишли конфессияларнинг диний ташкилотлари вакиллари таъсис йиғилиши томонидан тузилади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, Марказий бошқарув органининг асосий вазифаси ўз конфессиясига тегишли бир нечта диний ташкилотларнинг фаолиятини, динга эътиқод қилиш, ибодат қилиш, расм-русумлар ва маросимларни биргаликда адо этиш, диний таълим бериш, динни тарғиб этиш борасидаги мақсад ва вазифаларини, ҳаракат дастурларини мувофиқлаштириш ва йўналтириб боришдан иборат.

Республикамизда давлат органлари билан диний ташкилотларнинг ўзаро муносабатларини мувофиқлаштириш

ҳамда виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижросини назорат қилиш вазифаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита зиммасига юкланган.

Қўмита ҳар бир шахснинг виждон ва диний эътиқод эркинлиги ҳуқуқи, фуқароларнинг динга бўлган муносабатидан қатъи назар тенглигини таъминлаш, шунингдек диний ташкилотлар фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги вазифаларни ҳал этиш ваколати берилган давлат бошқаруви органи ҳисобланади. У маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ диний масалаларни ҳал қилишда ягона сиёсатни амалга оширади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Адлия органларидан расман рўйхатдан ўтган 16 та диний конфессия (Ислом, Рус православ черкови, Рим-католик черкови, Немис-лютеран черкови, Арман-апостол черкови, Тўлиқ инжил христианлари, Евангель-христиан баптистлар черкови, Новоапостол черкови, Еттинчи кун адвентистлари, «Голос божий», Иегово шоҳидлари, Корейс протестант черковлари, Яҳудийлик, Баҳойлик, Кришнани англаш жамияти, Буддавийлик) фаолият олиб бормокда. Уларнинг жамият ҳаётида бирдек иштирок этишлари учун зарур имкониятлар яратиб берилган.

Диний ташкилотларни виждон эркинлигини таъминлашдаги ўрни ва аҳамиятини ҳисобга олиб давлат томонидан уларга бир қатор имтиёзлар ҳам белгиланган. Жумладан, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуннинг 16-моддасида диний ташкилотлар муайян миқдорда давлат мулкидан фойдаланишлари мумкин экани кўрсатилган. Шунга кўра, диний ташкилотлар ўз эҳтиёжлари учун давлат органлари томонидан шартнома асосида бериладиган бинолар ва мол-мулкдан фойдаланишга ҳақлидир. Бу эса тегишли ҳокимият органлари рухсати билан амалга оширилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунининг 27-моддасига мувофиқ тарихий ва маданий ёдгорликлар объектлари ва буюмлар диний ташкилотларга текин фойдаланиш шартномаси шартларида бериб қўйилиши кўзда тутилган.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг «Дин соҳасидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятни такомиллаштиришда ижтимоий кўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида»ги Қарорини бир сўз билан диний ташкилотларга нисбатан белгиланган санация деб аташ мумкин. Чунки, бу Қарор диний ташкилотларга коммунал хизматлар учун олинadиган тўловларни юридик шахс сифатида эмас, балки жисмоний шахслардан олинadиган миқдорда тўлаш ҳуқуқини берди.

Коммунал хизмат тўловларидаги фарқ туфайли юзага келган тушумлар ва зиёратгоҳлардан тушадиган хайрия маблағларини Ўзбекистон мусулмонлари идораси тизимидаги масжидларни таъмирлаш, диний таълим муассасаларининг ўқув ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўқитувчи-мударрис ва имом-хатибларнинг меҳнатини рағбатлантириш ишларига сарфлаш белгилаб қўйилди.

Диний ташкилотларга ҳукумат даражасида бу каби ижтимоий ёрдамларнинг берилишини ҳам давлатнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний конфессияларни ривожланишига қаратилган чора-тадбирларининг амалий ифодаси сифатида баҳолаш мумкин.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда барча шахсларнинг виждон ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқини таъминлашга хизмат қилувчи диний ташкилотларнинг ҳеч бир тўсиқларсиз, қонунда белгиланган тартиб ва асосларда фаолият олиб боришлари учун тегишли ҳуқуқий асос ва ташкилий шакллар таъминланган. Бу ҳолат давлатимизнинг дунёвий демократик давлат сифатида ривожланаётгани ҳамда диний бағрикенглик тамойилларига содиқ эканини кўрсатади.

Мавзу бўйича саволлар

1. Виждон эркинлиги нима ва унинг эътиқод эркинлигидан қандай фарқлари мавжуд?
2. Диний ташкилот нима ва унинг бошқа жамаот ташкилотларидан қандай фарқлари бор?
3. Давлат ва дин ўртасидаги муносабатларни тартибга солишнинг қандай методларини биласиз?

Мустақил иш топшириқлари

1. Ўзбекистонда давлат органлари билан диний ташкилотларнинг ўзаро муносабатлари.
2. Ўзбекистонда дин давлатдан ажратилишининг ўзига хос жиҳатлари.
3. Диний ибодат ва маросимларни адо этишнинг қонунчилик асослари.
4. Ўзбекистон Республикаси «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги (янги таҳрирдаги) Қонунининг ўзига хос жиҳатлари.
5. Ўзбекистонда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги янги таҳрирдаги Қонуннинг қабул қилиш зарурати.
6. Ўзбекистон Республикаси «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги (янги таҳрирдаги) Қонунида давлат ва дин муносабатларининг тартибга солиниши.
7. Виждон эркинлигини ҳимоя қилувчи универсал халқаро нормалар ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари.
8. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг мақсад ва вазифалари.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.

2. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 99-модда)
3. Давлат ва дин. Ўқув қўлланма / Тузувчилар: Д.Раҳимжонов, Н.Исматова, Г.Худайберганова, Л.Алиджанова, О.Эрназаров. – Тошкент: Complex Print, 2019. – 136 б.
4. Диншунослик. Ўқув қўлланма / Муратов Д., Алимова М., Каримов Ж., Нажмиддинов Ж., Жўраев Ш. – Тошкент, 2019. – 286 б.
5. Ҳасанбоев Ў. Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари: диний ташкилотлар, оқимлар, мафкуравий курашнинг долзарб йўналишлари. Т.: Тошкент ислом университети. 2014. – 552 б.
6. Абдухолиқов С. Виждон эркинлиги: методология муаммолари. – Т.: Фан, 1997. – 302 б.
7. Юнусова А. Религия и закон (сборник международных документов и законодательных актов Республики Узбекистан). – Т.: Тошкент ислом университети. 2002. – 240 с.
8. Очилдиев. А Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. – Т.: ТИУ нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2008. – 246 б.

3-МАВЗУ. МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДИНЛАРИ

Режа:

1. Марказий Осиё халқлари қадимги диний эътиқодлари: шомонлик, тангричилик, монийлик.
2. Зардуштийликнинг теологик тизими.
3. Бухоро яҳудийлари жамоаси тарихи.
4. Марказий Осиёда буддавийлик тарихи.
5. Христианлик таълимотининг тарқалиши.
6. Миллий тараққиёт ва ислом.

Таянч тушунчалар: *Шомонлик, Тангри, Эрлик, Умай, Жумай, Олқиш, Ахурамазда, Ахриман, Зардушт, Авесто, Фраваши, Ясна, Яшт, Видевдат, Висперад, Моний, бухоро яҳудийлари, христианлар, несторианлар, ислом дини.*

Мавзу ўқув мақсади: Марказий Осиё халқлари қадимги диний эътиқодлари, шомонлик, Тангричилик, Зардуштийлик ва Монийлик динларининг келиб чиқиши, асосчиси, Марказий Осиёда буддавийлик тарихи, христианлик таълимотининг тарқалиши, миллий тараққиётимизда ислом динининг ўрни, динларнинг муқаддас манбалари, уларнинг пайдо бўлишидаги тарихий жараёнлар ҳақида талабаларда кенг тасаввур ҳосил қилиш.

1. Марказий Осиё халқлари қадимги диний эътиқодлари: шомонлик, тангричилик, зардуштийлик, монийлик. Марказий Осиё ўзининг географик ва геосиёсий жойлашуви туфайли турли маданиятлар ва цивилизацияларнинг тўқнашув нуқтасига айланди. Осиё қитъасининг Каспий денгизи ва Орол-Иртиш сув ҳавзаларидан то ҳозирги Покистон ва Ҳиндистонгача бўлган катта қисмини эгаллаган минтақа - Марказий Осиё халқларининг тарихий илдизлари узок ўтмишга бориб тақалади. Ушбу халқлар ҳақидаги ёзма маълумотлар юнон

манбалари ва милоддан аввалги VI-IV асрларга оид қадимги эрон ва хитой ёзувларида учрайди.

Минтақа Евроосиё марказида жойлашган бўлиб, Шарқ билан Ғарбни боғловчи бўғинга, турли халқ ва элатларнинг, шунингдек, диний тизим ва эътиқодларнинг доимий алоқа майдонига айланди. Бундай этник ва диний турфахиллик натижасида шундай вазият юзага келдики, у кўплаб динларнинг (зардуштийлик, буддавийлик, яхудийлик, христианлик) йўқолиб кетишига қарамай, ҳозирги пайтда минтақада яшовчи халқларнинг урф-одатларида сақланиб қолди.

Шомонлик. Марказий Осиё халқлари қадимги диний эътиқодларидан бири сифатида шомонликни қайд этиш мумкин. Шомонлик эътиқод ва анъаналари инсон онгида ғайритабиийлик тўғрисидаги тасаввурлар тўлиқ шаклланган вақтда пайдо бўлган. Ушбу эътиқод оддий инсоннинг даҳшатли ва тушунарсиз, ғайритабиий ва сирли ҳолатларини тушуниши ва ақл кучидан устун туриши билан боғлиқдир. Шомонлик бу омиллар орқали жамоалар ҳаётининг ташқи ва ички зиддиятларини қамраб олади. Шомонликнинг турли вазифаларига (руҳларни ҳайдаш, фалокатларнинг олдини олиш, ёмғир чақириш, афсун қилиш ва ҳ.к.) келсак, улар ушбу эътиқоднинг асосий моҳиятига қўшимчадир.

Шомонликдаги асосий, ҳал қилувчи ҳолат шомон танасига руҳларнинг жойлашиши тўғрисидаги тасаввурдир. Одамлар шомоннинг ўзига хос транс ҳолатини кўрганларида уни ўзи чақирган руҳлар эгаллаб олдилар, деб ўйлайдилар. Бунда шомон кўпинча ўз ҳаракатларида анимистик образ ёки шу образларни эслатувчи предметларни қўллайди. Руҳларни чақириш шомонлик ҳаракатларини таъсирчан жамоага йўналтириб, улардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишни тақозо этади.

Шомонлик ёвуз ва яхши руҳларни тан олади. Бунда айрим шомон жамоалари оддий кишилар руҳи ўлади, шомон руҳи эса абадий деб ҳисоблайдилар. Руҳлар томонидан ўғирланиб, шомонлар томонидан топилиб, инсон танасига қайтарилган жон ҳақидаги ғоя фақат шомонлик доирасида

тушунтирилиши мумкин. Бу айниқса, шомоннинг даволаш усулларида, касал танасидан ёвуз рухларни ҳайдашида ёрқин намоён бўлади.

Марказий Осиё халқларида шомонлик реликтлари турли кўринишларда кузатилади. Халқ орасида турли кўринишдаги беморларни даволаш «дуохонлик» билан бошланиб, касални тол навдалари билан «уриш» орқали амалга оширилади. Бунда тол новдалари қирқта бўлиши керак. Шу каби маросимнинг яна бир тури - «кинна», яъни бемор танасидан касални ҳайдашнинг алоҳида усулидир.

Шомонлик элементлари сифатида куёвнавкарлик билан боғлиқ бўлган одатни - куёвнинг келинниқига жўралари билан жўрабоши бошчилигида қийқириқлар билан базмга бориш маросимини кўрсатиб ўтиш мумкин. Жўрабоши кўлида тол навдаларини ушлаган ҳолда навкарлар боши узра елпийди, бунга жавобан навкарлар жўр бўлишиб қийқиришади. Буларнинг барчаси куёвдан ёвуз рухларни ҳайдашга қаратилган. Шу билан бирга, ўзбек, тожик ва бошқа халқларда бирор кимса узоқ вақт касал бўлса, у яқинлари, танишлари ёки табиблар маслаҳатига кўра, соғайишнинг бирдан бир йўли - бу рухлар билан алоқа қилиш миссиясини бўйнига олиш эканлигига ишонади. Бундай ҳолат халқ орасида «одамли» дейилади, яъни унинг кетида қандайдир кучлар бор деб ҳисобланади. Бундай одамлар аста-секин инсонларни «даволаш» билан шуғуллана бошлайди.

Ўзбекларда кўпинча касалликлар ёвуз рухлар макр-ҳийласи туфайли келиб чиқади деб ҳисобланади. Ҳали ҳам ўзбек халқи орасида рухлар ҳокимияти одамлар тақдирини, табиат кўринишларини айтиб беришига ишонувчи кишилар мавжуд. Чилдирма садоси ва маросим айтимлари баъзи кишиларни касалликлардан фориғ бўлишига ишонишга олиб келмоқда. Фолбин-бахшиларга асосан аёллар яқинлари касал бўлиб ётиб қолганда, оилавий ҳаётларида ўзаро келишмовчиликлар юз берганда, бирор буюми ёки жониворлари йўқолганда, фарзандсизлик ҳолатида, умуман, оила турмуш тарзида оғир вазиятларда мурожаат қиладилар.

Шомонлик, фолбин-бахшичилик (ёки азайимхонлик) амаллари жуда хилма-хил ва кенг қамровлидир. Ушбу вазифаларни муваффақиятли амалга оширишда шу тоифадаги кишилар бениҳоят улкан ғайритабиий қобилият соҳиблари бўлмоғи лозим деб ҳисоблашган. Улар ҳомий руҳлар ёрдамида асосан қуйидаги тўртта муҳим вазифани бажарганлар. Биринчидан, касаллик сабаби ва уни даволаш йўлларини билиш. Иккинчидан, турли-туман маросимлар асосида беморларни даволаш. Учинчидан, келажак ва инсон тақдирини олдиндан башорат қилиб, шу жумладан, узоқ масофада яшовчи кишилар тақдирини ҳам олдиндан айтиб берган, ва ниҳоят тўртинчидан, бедарак кетган одамлар, йўқолиб қолган ҳайвонлар ва нарса-буюмларни қидириб топиш. Шунингдек, фолбинлар буюмлар ким томонидан ўғирланганлигини ҳомий руҳлар кўмагида аниқлаштирган ҳолда қидириб топиш сингари вазифаларни ҳам бажарадилар.

Фолбинлик ёки азайимхонлик вазифаларини адо этиш учун кишилардан махсус қобилиятга эга бўлишлари зарур ҳисобланган. Ушбу иқтидор кўпинча туғма бўлмасдан, маълум жиддий тайёргарлик натижасидагина эгалланган. Бунинг учун танланган номзод қирқ кун давомида ўз хонадонида ташқи дунёдан ажралган ҳолда чиллада ўтиради. Бу давр шомонликнинг «чилла даври» ҳисобланади. Умуман, халқ тасавурида инсонларни инс-жинслар таъсиридан эсон-омон асраш уларнинг чилла даври (чилла - форсча «чихил» - қирқ деган маънони билдиради) тартиб қоидаларга қанчалик риоя қилишларига боғлиқ бўлган. Чилла инсон ҳаётидаги хатарли, энг оғир ва энг масъулиятли даврни англатувчи атама ҳисобланади.

Инсон ҳаётининг уч даври билан боғлиқ ҳолда чилла даври урф-одатларидан, кишилар учун муҳим аҳамиятга эга бўлган. Аввало шуни эслаш лозимки, ҳар уч даврдаги чилладан кўзланган асосий мақсад, чиллали одам ва ушбу хонадонни ёвуз кучлар, ёмон кўзлар ҳамда турли инс-жинслар таъсиридан ҳимоя қилиш бўлган. Анъанага кўра, ҳар уч чилла даврида, яъни туғилганда, никоҳ тўйи ва мотам маросимда ҳам чиллали

хонадонда қирқ кун мобайнида ушбу уй чироғи ўчирилмайди ва чиллали одам ёлғиз қолдирилмайди. Шунингдек, ҳар уч чилланинг ҳам айнан бир хил кунлари (кўпинча учинчи, еттинчи, йигирманчи, қирқинчи)га кўпроқ эътибор қаратилади ва бу даврда чиллали уйга исириқ тутатиб туриш доимий шартлардан бири ҳисобланган.

Бахшиларнинг таъкидлашича, фолбин-бахшилар томонидан тутиладиган чилла турлича бўлиб, улар орасида энг оғири ва хавфлиси бахшилар томонидан тутиладиган «қора чилла» ҳисобланади. «Қора чилла»да ўтирадиган киши 40 кун мобайнида бир уйдан ташқарига чиқмаган ҳолда чимилдиқнинг ичида ўтириши лозим бўлган. У бу даврда бошқа одамлар билан гаплашмаслиги ва фақат ўз уйида яқин кишиси томонидан пишириб берилган пок овқатни ейиши лозим бўлган. Бу даврда бўлғуси бахшининг қабристонига бориши, ўлик кўриши, ариқда оқаётган сувдан ўтиши қатъий тақиқланган. Бу жараёнда бўлғуси бахши доимий равишда энг яқин кишиси ёки устоз бахши назоратида бўлган. Агар бўлғуси бахши назоратсиз қолиб, ташқарига чиқиб кетса, руҳий хасталикка чалиниб эсдан оғиши таъкидлаган.

Водийда яшовчи кўплаб ўзбек ва тожик фолбин-бахшилари (азайимхонлари) эса касаллик хуруж қилганида уқалаш орқали танани қиздириб, беморни терлашга мажбурлаганлар. Айрим бахшилар кўкйўтал, бош оғриғи, бепушт аёлларни даволаган бўлсалар, бошқалари шол, соқов бўлиб қолган, баданига турли тошмалар тошган кишиларни, руҳий касалланган кишиларни даволар эканлар. Бахши олдига келган беморнинг қайси аъзоси оғриётганлигини бемор ташрифи туфайли унинг ўзининг ҳам танасидаги ўша аъзо оғришидан билиб олар экан. Маросим давомида бахши билан бирга беморнинг ёнида ўтирганлар ҳам баъзида жазава ҳолатига тушганлар. Шундан сўнг бахши беморни етгита ёки тўққизта тол ва жийда хивчинлари билан ўнг томонидан бошлаб урган ва жинларни гўё чап тарафдан ҳайдаб чиқарган. Одатда, тол хивчинлари ёки мевали дарахт шохлари касаллик ҳолатига қараб ишлатилган. Бемор енгилроқ хаста бўлса

мевали дарахт, оғирроқ касал бўлса мевасиз дарахт (тол) хивчинларидан фойдаланилган. Тол ёхуд мевали дарахт хивчинлари ишлатилишига қараб, гўёки ёвуз руҳларни касал танасидан якуний ҳайдаш бўлган. Кўчирма қунида бахши бемор елкаси, қўлларини силаган холда унинг танглайини кўтариб қўйган.

Марказий Осиё халқлари ҳаётидан келтирилган мазкур мисоллар шомонлик анъаналарининг нафақат қолоқ дунёқараш шакллари шароитида, балки маданий-тарихий ривожланган жамиятда ҳам яшовчанлигини яққол намоён этади. Анъаналар кўпинча ўзгаради, мослашади, амалдаги расмий дин талабларининг у ёки бу жиҳатларига маълум даражада бирикади. Чунончи, ислом шароитида шомонлик ҳаракатлари одатда мусулмон анъаналарига кўра фотиҳа билан якунланади, бироқ айрим фолбинлар мусулмонликка тўғри келмайди деб фотиҳа қилмайдиган ҳоллар ҳам учраб туради.

Тангричилик. Тангричилик осмон худоси «Тангри»га эътиқод қилган қадимий туркийларнинг дини бўлиб, мил.авв. 2-минг йиллик охири ва 1-минг йилликда вужудга келган. Кўпчилик мутахассислар олий осмон худоси шумерларда – «Дингир», қадим хитойликларда - «Тянь» ва хуннларда - «Ченли» номи билан мавжуд бўлганидан келиб чиқиб, уларда айнан бир худо - Тангри назарда тутилган, деб эътироф этади. Олимлар мазкур қиёсга таянган ҳолда тангричилик энг қадимги динлардан бири эканини таъкидлайдилар.

Айрим тадқиқотчилар фикрича, 5-6 минг йиллар муқаддам қадимги Шумердан Олтойгача бўлган улкан ҳудудда протоолтой қабилалари яшаган. Қадимги шумерлар қадимги турк тилига яқин бўлган протоолтой тили лаҳжасида сўзлашганлар. Шу даврда Тангричилик протоолтой халқларининг энг қадимги дини, инсоният тарихидаги илк монотеистик динлардан бири сифатида шаклланган.

Тангричилик қадим замонда жаҳонда энг кенг тарқалган динлардан бири бўлган. Қадимги олтой халқидан келиб чиққан

туркий, монгол, тунгус-манжур, корейс ва япон халқларида Тангричиликнинг излари ҳозиргача сақланиб қолган.

Мил. ав. 1-минг йилликдан бошлаб олтой халқларининг туркий халқлар гуруҳи Ғарбга қайтиш борасида ҳаракатини кучайтирган. Хуннлар, сак, массагет, юэйжи, кушон, эфталийлар ягона осмон руҳи – Тангрига сажда қилганлар. Диний қарашлар содда ва тушунарли бўлгани, диний маросимларнинг қатъий бажарилгани уларнинг минг йиллар давомида авлоддан авлодга ўтиб келишини таъминлаган. Баъзи олимлар тангричиликда «Олқиш» («Қўшиқлар тўплами») ёзма манбаси бўлгани ва унда тангричилик ақидаси, маросимлари ва ибодат қилиш тартиблари баён этилганини таъкидлайдилар.

Тангричилик таълимотига кўра, Тангри бу – Мовий Осмон, Буюк Осмон соҳиби руҳи бўлиб, унинг доимий макони осмон деб ҳисобланган. Тангри сўзи туркий халқларда Тенгри ёки Тенгери (олтой), Тенгри (кипчоқ), Танри (турк), Тэнгри (татар), Тангара (ёқут), Тэнгири (кумик), Тейри (болқор-қорачой), Тэнгер (мўғул), Тура (чуваш) шакли ҳам ишлатилган. Тангри бутун борлиқнинг яратувчиси, чексиз фазода фақат унинг ўзи ҳамма нарсдан воқиф, адолатли ва марҳамат эгаси бўлган эркак қиёфадаги ягона худо сифатида тасаввур қилинган. Бутун борлиқ бўйсунувчи Тангри инсонлар, халқ ва давлатларнинг тақдирини белгилайди деб эътиқод қилинган.

Милодий V-VIII асрларга оид Ўрхун-Энасой ёдгорликлари битикларида Тангри ягона, азалий, абадий, ҳаёт берувчи, яратувчи, ўлдирувчи, ҳукм қилувчи, ёрдам берувчи, жазоловчи, банданинг дуосини қабул қилувчи, ҳимоя қилувчи ва мағфиратига олувчи, ҳамма нарсани билувчи, инсонларга илм берувчи ва йўл кўрсатувчи сифатлар билан мақталган. Шунингдек, битикларда у ҳоқонларни ҳокимият берган ва мустақил давлат тузишларига кўмаклашгани ҳам қайд этилган.

Қадимги туркийлар эътиқодига кўра, бутун борлиқ устидан ягона ҳукмдор Тангри ўзига бир қатор кўмакчи маъбудларни ҳам яратган. Жумладан, ушбу пантеон Умай (Жумай, она маъбуда), Эрлик (ота маъбуд), Ер, Сув, Олов, Қуёш, Ой, Юлдузлар, Ҳаво,

Булут, Шамол, Тўфон, Момоқалдинок, Чақмок, Ёмғир, Камалак маъбудларидан иборат бўлган. Тангри Ер ва бошқа руҳлар (Юрт эгаси, Сув онаси) билан Ер олами ишларини ҳал қилиб, барча жонзотларнинг умрини белгилаган.

Ерда ҳаётнинг сабабчиси бўлган Умай (айнан «йўлдош») маъбуди аёл қиёфасида ва «ҳаёт онаси» деб эъзозланган. Ушбу маъбуда – хонадон ўчоғи, фарзандлар, хомиладорлар ҳомийси ҳисобланган. Қадимий ёзувларда қуйидагилар битилган: «Осмон илоҳи, Умай ва Ер сув бизга зафар олиб келди!». Туркий халқлар Умайни ҳосилдорлик маъбудаси сифатида ҳам эъзозлашган (она Ер, она Тупрок, она Ватан). VII-VIII асрларга оид руний ёзувларда у ҳақда қайд этилган. Айрим тадқиқотчилар Умай образи генетик жиҳатдан эронийларнинг мифологик куши Хумой билан боғлиқ бўлганини таъкидлайдилар. Ётиқодга кўра, Хумойнинг сояси тушган инсон бахтли бўлган. Бир қатор туркий халқлар мифологиясида Умайга ётиқод қилиш қолдиқлари сақланиб келган.

Эркак жинсидаги Эрлик ўлим сабабчиси бўлиб, унинг макони Ерости олами ҳисобланган.

Тангричиликка кўра, олам 3 қаватдан иборат. Юқори оламнинг ҳукмдори, бош илоҳи Тангри ҳисобланган. Ўрта оламни Ер-Сув, Қуйи оламни Эрлик (Эрклиг) бошқарган. Тангри самодан туриб дунёни ўз измига солган: инсонларнинг тақдири, табиат ҳодисалари, хоқонларга донолик ва ҳокимият ва б. У ўз хоҳиш истагини сўз билан ифодалаган, ҳиссиётларга эга (антроморфизм), аммо ҳукмини табиат орқали билдирган.

Кўринмайдиган Ерости олами барча ёвуз руҳларнинг макони бўлиб, уларга қудратли Эрлик бошчилик қилган. Тўққиз қатламлараро кўчиб юриш имконига эга Ер оламида ҳаёт ва ўлимнинг мавжудлиги туфайли у ерда одамлар орасида маълум вақт бўла олади холос. Ерости оламида Ер оламидан фарқли равишда барча чегаралар кўриниб туради ва бошқа ҳудудларга ўтиш ўзига хос эшиклар ёрдамида амалга ошади. Ерости ва сув олами тирик жонзотлари Эрлик тасарруфига киради. Инсон

вафотидан кейин кўмилгач, унинг жисми энг куйи қатламга тушиб боради.

Тангричиликда Тангри ва Ер икки қутб сифатида қаралса-да, улар орасида ўзаро ҳамкорлик мавжуд деб эътиқод қилинган. Инсон Ерда туғилиб, Ерда яшаган. У вафот этганда, Ер уни ўз бағрига олган. Ер инсонга фақат моддий бўлагини бера олган. Лекин инсон бошқа мавжудотлардан фарқланиб туриши учун Тангри унга, рухий куч бўлган «қут» (қувват) ва «сур» (руҳ)ни ато этган деб эътиқод қилинган.

Мақдисий, туркий халқлар «бир Тангри» сўзи билан қасам ичганликларини қайд этади. Унинг шарафига июнь ойининг ўртасида оммавий байрамлар ўтказишган. Олов ёқиб, табиат кўйнида, отни қурбонлик келтиришган. Тангрига инсонлар кўллари юқорига кўтарган ҳолда ерга қараб таъзим қилишган. Илоҳдан омад ва саломатлик сўрашган. Байрам аксарият ҳолда камондан ўқ отиш ва меҳмондорчилик қилиш, қимиз ичиш билан яқунланган.

Тангричиликда табиат ва инсон ўртасида чегара дахлсизлигини сақлашга алоҳида эътибор билан қаралган. Агар инсон табиатга меъёрдан ортиқ зарар етказса, унда табиат руҳларининг розилигига эришиш учун қурбонлик келтириш зарур бўлган. Қурбонликлар йирик тоғлар ёки дарёлар олдида оммавий равишда ўтказилган. Дарахтлар орқали маъбудлар озиқланади, - деб эътиқод қилингани сабабли қурбонлик қонлари дарахтлар остига қуйилган. Лекин, одамлар табиат руҳларини ўзларига ҳамкор сифатида қарашган, уларни қариндош ёки аждодлар руҳлари деб билишган.

Умуман олганда, қадимий туркийларнинг дунёқарашида борлиқнинг чексизлиги, ҳаётнинг доимий ҳаракат ва мунтазам янгилинишда экани муҳим ўрин эгаллаган. Айни пайтда Руҳнинг кўчиб юришига ишонганлиги боис инсон тириклик чоғида борлиқнинг бир бўлаги сифатида барча диний маросимларни тўла адо этиши лозим, акс ҳолда ёвуз руҳлар қаторидан жой олади, деб эътиқод қилинган.

2. Зардуштийликнинг теологик тизими. Спитама қабиласидан бўлган Поурушаспа ўғли Ашога Заратуштра (юнонча – Зороастр, паҳлавийча – Зарахуштра «боқий юлдуз» ва «чиройли туяларга эга бўлган») ушбу диннинг асосчиси ҳисобланади. Зардуштийлар эътиқодига кўра, бу ном унга Ахура-Мазда (юнонча, Ормузд –»Донишмандлик соҳиби») томонидан берилган. Зардуштнинг яшаган даври ва жойи ҳақида турли тахминлар мавжуд. Тадқиқотчи М.Бойснинг таъкидлашича, у мил. авв. 1500-1200 йиллар орасида яшаган. Унинг фикрича, Зардушт ўз давватини Гуштасб Лухрасб исмли каёнийлар подшоҳи даврида бошлаган. Бунга у замонавий зардуштийларнинг ҳозиргача мил.авв. 1738 йил шоҳ Виштасп томонидан қабул қилинган «фасли» календаридан фойдаланиб келаётганларини далил қилиб кўрсатади.

Зардуштийликнинг ватани масаласида икки хил қараш мавжуд. Жумладан, айрим олимлар зардуштийлик Қадимги Эрон ҳудудида кенг тарқалгани, «Авесто»нинг шарҳлари паҳлавий тилида ёзилганидан келиб чиқиб, унинг ватани Мидия (ҳозирги Эрон ҳудуди) деб ҳисобласалар, кўпчилик тарихчилар эса «Авесто»да Хоразм Зардуштнинг ватани, Ахура-Мазда билан алоқа боғланган ва озархурра (муқаддас олов) биринчи бор ёқилган жой экани қайд қилинганига асосланиб, Хоразмни эътироф этадилар.

Зардуштийликнинг муқаддас манбаси «Авесто» («Апастак», «Овисто», «Овусто», «Абисто», «Авасто» - «жорий қилинган қатъий қоидалар») санскрит тилига яқин ўзига хос (авесто тили) тилида ёзилган. Унинг «Гат»лар номли қисми Зардушт қаламига мансуб деб ҳисобланади. Кўпчилик тадқиқотчилар фикрига кўра, Хоразм, Гава (Сўғд), Марғиёна (Марв), Бақтрия (Балх), Орол денгизи (Ворукаша ёки Вурукаша) ва Амударё (Даити) каби номларнинг тилга олингани «Авесто» Ўрта Осиёда мил. авв. I минг йилликнинг биринчи ярмида вужудга келганини тасдиқлайди. Дастлаб «Авесто» матнлари оғзаки равишда сақланиб келган. Унинг энг қадимий қисмлари II минг йиллик охири I минг йиллик бошларига оид бўлиб, кейинги асрларда

унинг таркиби турли диний урф-одатлар баёни, ахлоқий, ҳуқуқий қонун-қоидалар билан тўлдирилиб борилган. Милодий учинчи асрда қонунлардан иборат Авестонинг шарҳи «Зенд» (парфиёнча, «шарҳланган матн») ёзилган. Замоनावий зардуштийларнинг фикрига кўра, «Авесто»нинг тўлиқ қисми етиб келмаган бўлса-да, унинг дастлабки ёзма нусхаси 12 минг қора мол терисига битилган эди. Абу Райҳон Беруний «Подшоҳ Доро ибн Доро хазинасида (Абистонинг) ўн икки минг қорамол терисига тилло билан битилган бир нусхаси бор эди. Искандар (Александр Македонлик) оташхоналарни вайрон қилиб, уларда хизмат этувчиларни ўлдирган вақтда уни куйдириб юборди. Шунинг учун ўша вақтда Абистонинг бешдан учи йўқолиб кетди», деб айтган сўзлари юқоридаги фикрни тасдиқлайди.

«Авесто» мил. авв. I асрда Аршакийлар сулоласи даврида илк марта оромий алифбосида кўчирилган. Шопур II (243-273) ва Хусрав I (531-579) замонларида унинг нусхалари яратилган. IX асрда ёзилган «Денкарт» («Имон фаолияти», Сосонийлар ҳукмронлиги даврида ёзилган қомусий луғат бўлиб, у ўз ичига бадий ва тарихий маълумотларни олган. Даставвал 9 бўлимдан иборат бўлган, кейинчалик унинг 2 қисми йўқотилган. Аббосий халифа ал-Маъмун ибн Ҳорун Рашид даври (813-833)да Атурфарнбаг (Атурфат ибн Ҳамат) томонидан тўпланган) асари «Авесто»нинг 21 қисмдан иборат бўлганини қайд этади. Диндорлар кундалик фаолияти учун унинг ихчамлаштирилган шакли - «Кичик Авесто» («Хурдак Авесто») яратилган.

VII асрда Эронга исломнинг кириб келиши зардуштийларни Ҳиндистонга кўчиб ўтишга мажбур қилди. Уларнинг авлодлари (форсийлар) Мумбай шаҳрида ўз жамоаларида ҳозиргача «Авесто»нинг бир нусхасини сақлаб келадилар.

«Авесто» - «Видевдат», «Ясна», «Виспарад» ва «Яшт» номи билан юритиладиган бўлимларни ўз ичига олади. 22 бобдан ташкил топган «Видевдат» - «Авесто»нинг сақланиб қолган бўлимлари орасида энг мукаммали бўлиб, унда одамлар яшайдиган барча юртлар Ахура-Мазда томонидан яратилгани, касаллик, ўлим, азоб-укубатлар бўлмаган замон, яъни

инсониятнинг фаровон ҳаёти, Зардушт билан Ахура-Мазданинг савол-жавоблари, қасам ичиш, ваъдада туриш, аҳдни бузиш, тозалик, ювиниш асослари каби масалалар ёритилган. «Ясна» - диний маросимларда ўқиладиган дуолар бўлиб, 72 бобдан ташкил топган. Зардуштнинг сўзлари ҳисобланадиган 17 фасл, 338 қитъа, 896 мисра ва 5560 сўздан иборат «Гат»лари ҳам шу бўлимдан жой олган. «Гат»нинг ҳар бир шеъри паҳлавий тилида «Гас» дейилади. Умуман олганда, бу бўлимда оловнинг муқаддаслиги, зардуштийлик маросимлари орасида оловга эътиқод қилиш, Ахура-Мазда нурининг Қуёшда намоёнлиги ва унинг Ердаги зарраси деб билиниши, оловнинг ҳақни ноҳақдан, энг олий гуноҳ ҳисобланмиш ёлғонни ростдан ажратиб бериши, ёлғоннинг чин эътиқодга хиёнат, деб қораланиши каби эътиқодий тушунчалар ўз аксини топади. «Виспарад» - 24 бобдан ташкил топган бўлиб, маъбудлар шаънига ўқиладиган дуо ва панд-насихатлардан иборат. 22 бобдан ташкил топган «Яшт» эса ҳар бир боби Ахура-Маздадан бошланиб, у томонидан яратилган ва унинг маълум вазифаларини бажарувчи маъбудлар шаънига айтилган мадҳиялардан иборат.

Зардуштийлик таълимотига кўра, Зардушт ўттиз ёшга етганида унга пайғамбарлик вазифаси берилган. У ўз тарафдорлари билан бирга Аивитак суви қирғоқларида хилват (ёлғизлик, чилла)га чиқиб кетган. Хилватнинг 45-кечаси самога кўтарилиб, Воҳуманаҳ (Баҳман) деб номланган фаришта бир неча фаришталар билан бирга унинг кўкрагини ёриб, руҳини поклаганлар. Воҳуманаҳ уни жаннат, яъни Ахура-Мазданинг ҳузурига олиб борган. Ўша ерда у диннинг ҳукмлари билан бирга юлдузлар, сайёралар, жаннат, жаҳаннам ва бошқа нарсаларнинг илмини ўрганган. Шундан сўнг Ахура-Мазда унга муқаддас китоб «Авесто»ни инъом этди. Зардушт таълимоти эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги курашнинг азалий эканига асосланган ахлоқий характердаги дин бўлиб, унда адолатли бўлиш, оқиллик, яратувчанлик ва меҳнатсеварлик билан ягона худога сифиниш тарғиб қилинган. Бу курашда эзгулик тарафдори Ахура-Мазда охир-оқибат ёвузлик тарафдори бўлмиш Анхра-Майнью (юнонча,

Ахриман - ёмонлик, бузғунчилик ибтидоси) устидан ғалаба қозонади. Шунинг учун кўпчилик диншунослар зардуштийликни ассимметрик дуализмга мансублигини қайд қилишган.

Таълимотга кўра, биринчи инсон Говмард (форсча - ҳўкиз-одам) бўлган. Биринчи шоҳ Йима (Жамшид) ҳукмронлиги олтин давр ҳисобланган. Унинг даврида кишилар бекаму-кўст, бахтиёр яшаганлар. 900 йил ўтгач, шоҳ Йима ғурурга берилиб, ман этилган сигир гўштини ейди ва ёвузлик рамзи Ахриман ҳукмидаги кучлар бош кўтаради. Оқибатда оламни музлик қоплайди. Йима Ахура-Мазда амри билан одамлар ва ҳайвонларни совуқдан сақлаб қолиш учун қўрғон қуриб, унга ҳар бир жонзотдан бир жуфтини жойлаштиради. Инсоният тарихининг илк олтин даври тугагач, яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги кураш даври бўлган иккинчи давр бошланган. Учинчи даврда Ахура-Мазда ғалаба қилиб, эзгулик салтанати қарор топади, ўлганлар қайта тирилади.

Зардуштийлик таълимотига кўра, дунё синовлардан эмас, балки ёвузликка қарши курашдан иборат, холос. Таълимотда инсоният яшаётган дунё муҳим ҳисобланади. Шунинг учун унда дунёвий лаззатлардан охират учун воз кечиш масалалари илгари сурилмайди. Эзгу амаллар қилиш орқали ёвузликни енгиш мумкин. Ҳар бир зардуштий ҳаётини эзгу фикр - хумата, эзгу сўз - хухта, эзгу амал - хвартша асосига қуриши ҳамда ёвуз фикр - дужвартшта, ёвуз сўз - дужухта, ёвуз амал - дужматадан сақланиши зарур.

Ҳар бир инсон виждон амрига биноан эзгулик ва ёвузлик орасидаги фарқни топа олиши лозим. Ҳар ким Анхра-Майнью ва унинг тарафдорларига қарши курашиши зарур. Жумладан, Анхра-Майнью яратган чаён, илон ва бошқа турли йиртқич ҳайвонлар храфстра (жирканчли) деб аталиб, уларни ўлдириш мумкин.

Зардуштий учун ҳар доим пок ҳолда бўлиш аҳамиятли ҳисобланади. Инсон ўзини пок сақлаши учун ёмон ўй-хаёллар, касаллик, ўликларга яқинлашмаслиги ҳатто уларга қарамаслиги ҳам зарур. Истисно тариқасида нопок бўлиб қолган киши янгидан

покланиши керак. Инсон жасадини оловда ёкиш, муқаддас оловни ўчириш ва руҳонийларни ўлдириш энг оғир гуноҳлардан саналади. Зардуштийлар реинкарнацияни рад этадилар.

Зардуштийликда имон учта нарсага асосланади: фикрлар софлиги, сўзнинг собитлиги, амалларнинг инсонийлиги.

Зардуштийлик бир йилда ҳар бири беш кундан давом этадиган олтига байрамни белгилайди. Бу байрамлар орасида гоханвар – ҳар бири ўттиз кундан иборат бўлган 12 ойдан кейинги беш кунлик байрами асосий ўринни эгаллайди. Йилнинг 360 кунидан қолган кунлари хурсандчилик, диний маросимлар билан ўтказилади. Шундай қилиб янги йилнинг – Наврўзнинг яхши кириб келишига умид билдирилади.

Зардуштийликда бир кеча-кундуз беш қисмга бўлинади: рату (белгиланган илоҳий тартиб), хавани (сахардан тушгача), рапитвина (тушдан соат 3-4 гача), узайярина (оқшомгача), авиструтрима (ярим тунгача), ушахина (тун ярмидан сахаргача). Сутканинг бу номлари ҳам худога ўхшатилиб, ҳар бирига ибодат қилинади – бир кунда беш марта намоз ўқилади.

Кўпчилик диншунослар зардуштийликни дуализмга оид деб ҳисобласалар-да, лекин унда Ахура-Маздадан кейинги даражаларда турувчи ўзига хос худолар пантеони мавжуд эканини таъкидлаш лозим. Уларнинг энг буюклари Амэша Спэнта (Абадий муқаддас) – Ахура Мазда яратган 7 махлуқдан бири. Бошқа фикрга кўра, Амэша Спэнта – Ахура Мазданинг тимсоли, Язатлар - Ахура Мазда яратган қуйи руҳлар бўлиб, улар Ердаги турли ҳодиса ва ҳолатларга масъулдирлар. Энг машҳур язатлар Сраоша, Митра, Рашну ва Веретрагна ҳисобланади. Фраваша Осмонларда яшовчи ва Зардуштга ваҳий олиб тушувчи махлуқотлар. Шу билан бирга Спэнта-Манью (ёруғлик, яралиш ибтидоси), Аша Вахишта (адолат, ҳақиқат), Воху Мана (ақл, эзгу фикр, тушуниш), Хшатра Ваирья (қудрат, қатъийлик, ҳукмронлик), Спэнта Армайти (муҳаббат, ишонч, раҳм, фидойилик), Хаурватат (саломатлик, мукамаллик), Амеретат (бахт, абадийлик) эзгулик тарафдорлари ҳисобланади. Анхра-Майнью, Друдж (ёлғон), Индра (зўрлик, зулм), Акем Мана (ёмон

фикр, адаштириш), Шаурва (кўрқоқлик, пасткашлик), Тарамайти (такаббурлик), Таурви (касаллик, нуқсонлик), Заурви (қарилик, ўлим) эса ёвузлик тарафдорлари ҳисобланади.

Зардуштийликда ҳар бир диндор шубҳасиз тасдиқлаши зарур бўлган муҳим ақидалар ишлаб чиқилган. Унга кўра, олий меҳрибон худо Ахура Мазданинг ягона ва мавжуд, Гегиг (Ер) ва Меног (Рух) оламлари мавжуд, Зардушт инсоният тарихида Ахура Мазданинг илк пайғамбари, «Авесто»нинг барча қисми илоҳий ҳақиқат, муқаддас олов Худонинг Ердаги тимсоли, Мубодлар Зардуштнинг биринчи шогирдлари ва ваҳийларнинг муҳофазачилари, покланиш маросимларини бажарувчи, муқаддас оловни сақловчи ва таълимотнинг шарҳловчилари, барча яхшиликларнинг барҳаёт фравашилари мавжуд бўлиб, одамларнинг фравашилари Ерда ёвузликка қарши курашиш йўлини танлаганлар, яқунда эзгулик ва ёвузлик кучларининг уйғунлашиши, келажакда Саошьянта (халоскор) келиши ва унинг ёвуз Фрашо Керети устидан ғалаба қозониши, охири замоннинг содир бўлиши, ўлимдан сўнг ҳисоб-китобнинг бўлиши, адолатнинг қарор топиши, ёвузликка қарши кураш ва покликни сақлаб қолиш мақсадида зардуштийлик анъаналари ва маросимларга амал қилишнинг зарурлигига эътиқод қилиш шарт қилинган.

Зардуштийликка кўра, инсон вафотидан уч кундан сўнг унинг руҳи жасаидан ажралиб, Осмон (Кўшиқлар уйи)га олиб борувчи Чинват кўприги (Ажратиш кўприги)га боради. Чинвадда инсон руҳини эзгулик язатлари Сраоша, Митра ва Рашну химоя қилади. Агар инсон руҳининг эзгу амаллари бир тола соч вазнида ҳам ёвуз амаллардан оғир келса, кўшиқлар уйига боради. Акс ҳолда унинг руҳини дев Визареш дўзахга ташлайди. Чинвадда инсон ўз Даэн (имон)ини учратади. Эзгу амал соҳибига имон гўзал қиз қиёфасида кўриниб, уни кўприкдан олиб ўтишга ёрдам беради. Ёвуз амал эгасини эса, жодугар аёл кўприкдан дўзахга йиқитиб юборади.

Зардуштийликка кўра, дунёга 3 нафар саошьянта келиши лозим. Улар Зардушт таълимотини қайта тиклайди, қиёматга

яқин уларнинг охиргиси Анхра-Майнью билан жанг қилиб, барча ёвузлик кучларини мағлуб этади. Барча ўлганлар қайта тирилади ва олов орқали ҳисоб-китоб қилинади. Одамлар эриган металл оқимида барча гуноҳ ва нуқсонлардан тозаланади. Яхши одамлар учун олов сут буғидек туюлади, ёмон одамлар эса ёниб кетадилар. Шундан сўнг олам ўзининг асл ҳолатига абадий қайтади.

Зардуштийликда маросимлар қатъий белгиланган тартибда ўтказилади. Ҳар ким амал қилиши лозим бўлган шарт амаллар бўлиб, уларга кўра, барча маросимларни диний малакага эга эркак кишигина амалга ошириши мумкин, иштирокчилар пок ҳолда, Садрэ (оқ рангли махсус зардуштийлик кўйлаги), Кушти (махсус камар) ва бош кийимда бўлиши, аёллар эса сочларини рўмол билан беркитиши, иштирокчилар тик турган ҳолда оловга юзланиб, ибодатлар авеста ёки паҳлавий тилида олиб борилиши таъминланади. Маросимда динсиз ёки бошқа дин вакилининг иштироки хосиятсиз ҳисобланади.

Зардуштийлар кунлик Гоҳи - куннинг гоҳ, деб номланувчи вақтларида беш маҳал - Хаван гоҳ (тонгдан пешингача), Рапитвин гоҳ (пешиндан сўнг), Узарин гоҳ (кун ботишдан олдин), Аивисрутрим гоҳ (кун ботгандан сўнг), Ушахин гоҳ (ярим кечадан тонгача) ибодатни амалга оширганлар.

Зардуштийлик маросимлари замирида ҳар қандай нопокликка қарши кураш таълимоти ётади. Бунда покланиш муқаддас олов ёрдамида амалга ошади. Зардуштийлар ибодатхонасида (оташкадэ) узлуксиз равишда муқаддас оловнинг ёниб туриши таъминланади. Баъзи ибодатхоналарда бир неча юз йиллардан бери муқаддас оловлар ўчмасдан келмоқда. Муқаддас оловларни ўчиб қолмаслигини Мубод (диний маросимларни авлоддан авлодга сақлаб қолиш масъулиятини олган, коҳинлар оиласи)лар таъминлайди. Мобадлар оловни ҳар қандай ҳолатда ҳам асраши зарур бўлган. Янги оловни ёқиш фақатгина истисно вазиятларда амалга оширилади.

Муқаддас оловларнинг Шоҳ оташ Варахрам (олий даражадаги Шоҳ Баҳром олови) махсус шоҳона маросимлар,

йирик ғалабаларга бағишланиб ёқилган. Уни ёқишда 16 хил олов жамланиб, бирлаштирилган. Ушбу олов билан боғлиқ маросимларни юқори мартабадаги руҳонийлар амалга оширишган. Оташ Адуран (ўрта даражадаги аслзодалар олови) 1000 кишидан кам бўлмаган аҳоли турар жойларида Мобадлар томонидан ёқилади. Бунинг учун жамиятнинг руҳоний, ҳарбий, деҳқон ва ҳунармандлардан бўлган табақалари иштирок этиши лозим бўлади. Олов олдида Нозуди (коҳин, амалдор ва ҳукмдорлар шарафига ўтказиладиган маросим), Гавахгиран (тўй маросими), Садрэ пуши (Зардуштий шахснинг махсус кўйлак кийиш ва камар тақиш маросими), Гаханбар (Язатлар шарафига ўтказиладиган йил давомидаги байрамлар) каби маросимлар ўтказилади. Оташ Додгоҳ (куйи даражадаги олов) маҳаллий жамоаларнинг кундалик диний эҳтиёжлари учун ишлатилган. Форсларда бу каби жойлар Дар ба меҳр (адолат эгаси Митранинг ҳовлиси) деб аталган.

Зардуштийликни қабул қилаётган шахс диннинг арконларини тан олиб, Фраван дуосини ўқиши, Садрэ ва Куштини тақиши лозим. Динни қабул қилиш одатда ўсмирлик вақтидан бошланади. Зардуштийликни қабул қилаётган вақтда киши ҳушёр ва оғир гуноҳларни қилмаган ҳолда бўлиши лозим. Бу динни қабул қилмоқчи бўлган кишининг баъзи маросимларни бажариши кифоя ҳисобланса-да, ҳинд зардуштийларнинг дастурига кўра, келиб чиқиши эроний бўлмаган бошқа дин вакиллари эҳтиромга лойиқ эмас.

Шундай бўлса-да, зардуштийликка кўра, инсон вафотидан сўнг унинг ҳукми диний мансубликка эмас, балки фикри, сўзи ва амалларига мувофиқ бўлади. Бошқа диндан воз кечган шахс эса зардуштий билан камида бир йил алоқада бўлган ва бу вақт давомида Мобад ёки Бехдин (руҳонийлар оиласига мансуб бўлмаган, аммо диний малакаси юқори бўлган шахс)лардан таълим олган бўлиши лозим.

Мобад томонидан дам солинган инсонни ички ва ташқи ёвузликдан сақловчи ва худо билан алоқага киришда Садрэ ва Куштидан фойдаланилади. Садрэ кийиш зардуштий учун фарз

амаллардан ҳисобланади. Куштини муҳим маросимлар ва ҳар ибодатдан олдин ечиб ва тақиб туриш лозим. Улар доимо тоза ҳолда сақланиб, йилда икки марта Наврӯз (Эзгуликнинг ёвузлик устидан ғалабасига бағишланган янги йил байрами бўлиб, йилнинг кун ва туни тенг 21 мартда нишонланади) ва Меҳржон (Ҳосил байрами 23 сентябр куни нишонланади) байрамларида алмаштирилади.

Ит ёрдамида одамдан девларни қувиш ва поклаш учун Соғдид маросими ўтказилади. Маросим хушсиз одамларни тирик ёки ўлик эканини аниқлашда ҳам ўтказилган.

Зардуштийликда дафн маросими ва ундан кейинги тадбирлар мураккаб бўлишига қарамай ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Дастлаб киши жасади подёб (ўликни тўлик ювиш) маросими олиб борилади. Жасадни кўтарган ва ювган кишилар барашнум (ўликка тегиб кетган ва оғир гуноҳлар қилган кишиларни поклаш) узоқ вақт давом этадиган маросим бўлиб, у итлар ёрдамида амалга оширилади. Маросимнинг ўлимдан кейинги ҳаёт учун фойдали экани уқтирилган ҳолда, ҳар бир диндорга умри давомида бир марта бўлса-да, тавсия қилинади. Ундан ташқари Ясна (Яснанинг 27 бўлими ўқилиши) маросими муқаддас олов олдида Мобадлар томонидан амалга оширилиб, унда дрон (махсус тайёрланган нон) ва хум (хаома, махсус тайёрланадиган муқаддас ичимлик) иштирокчиларга тарқатилади.

Анъанавий дафн маросими бўйича жасадни дахма (ердан 4-5 метр баландликда цилиндр шаклида бўлган махсус жой) га қўйилиб, унга ўликлар устма-уст тартиб билан ётқизилади. Таълимотга кўра, ўлик Ахриманнинг вақтинчалик ғалабаси оқибати бўлгани боис у нопок ҳисобланади. Шунинг учун йиртқич қуш ва ҳайвонлар ихтиёрига топширилган жасаддан қолган суяклар териб олиниб, новус (махсус қутича)ларга солингандан сўнг дахмага қўйилади. Аммо, 1970-йиллар бошларида Эронда жасадни бетон қабрларга кўмиш амалиёти бошланган. Дафн маросимида насуса (қутига кўмувчилар)лар номли ижтимоий табақа вакилларида камидан икки киши

иштирок этиши лозим. Дафннинг бир киши томонидан амалга оширилиши катта гуноҳ ҳисобланади. Ноилож вақтда эса итнинг кўмагидан фойдаланиш мумкин.

Зардуштийлик диний тизимида Эрон Мобадлари кенгаши (Анжумани муғоне Ирон) фаолият кўрсатиб, руҳонийлар рутбасидан ташкил топган. Зардуштийликнинг диний иерархияси Рату (зардуштийликнинг ҳимоячиси, масъум мобад), Мобадан Мобад (мобадларнинг мобади), Сар-Мобад (ёки паҳлавийча, Бозорг дастур, мобадларнинг сардори, катта мобад), Дастур (кўрсатма берувчи, етакчи мобад), Мобад (ўрта мақомли мобад), Хирбад (қуйи мақомдаги мобад) ва Мобадёр (мобад оиласидан бўлмаган руҳоний).

Ҳозирги вақтда зардуштийларнинг гебр (Эрон) ва форс (Ҳиндистон) жамоалари сақланиб қолган. Жумладан, Ҳиндистонда зардуштийликка эътиқод қилувчи кам сонли парслар бўлиб, улар VII асрда Эронга исломнинг кириб келиши оқибатида Ҳиндистонга қочиб келган форс зардуштийларининг авлодлари ҳисобланади. Форсийлар дастлаб Катҳиавардаги Диу ва Гужаротдаги Сенженда яшаганлар. Кейинчалик Мумбай (Бомбей)га кўчиб ўтган зардуштийлар сони 100000 киши атрофида бўлиб, ҳозирги кунда Ҳиндистон аҳолисининг 0,007 фоизини ташкил қилмоқда. Ундан ташқари Австралия, Европа, Шимолий ва Лотин Америкаси, Россия Федерацияси ва МДХ мамлакатларида зардуштий жамоалари мавжуд.

Ҳозирги вақтда зардуштийликка эътиқод қилувчилар сони 200000 дан ошади. 2003 йил ЮНЕСКО томонидан зардуштийликнинг 3000 йиллиги нишонланди.

Монийлик. Дуалистик динларнинг энг йириги бўлган монийликка Сурайк ибн Фатак (216-276) томонидан асос солинган. Унинг арабийлаштирилган тўлиқ номи X-аср араб манбаларида Моний - Сурайк ибн Фатак шаклида зикр қилинган. Ушбу дин қадимги Бобил динлари, яҳудийлик, христианлик, буддавийлик ва зардуштийликнинг диний таълимотлари асосида вужудга келган. Ўз даврида Монийлик Ғарбда Римгача, Шарқда

Хитой ва Ҳиндистонгача бўлган ҳудудда кенг ёйилган ва юқори нуфузга эга бўлган.

III асрда Сомонийлар давлати Зардуштийлик динининг таъсири остида эди. Шундай бўлсада, Моний христиан - яҳудий таълимотлари асосида улғайган. Унинг ота-онаси (Фатак ва Марям) асли Парфия саркардалари авлодларидан бўлган. Монийнинг ёшлиги гностиклар (илк христианликда худо ва дунёнинг яратилиши ҳақидаги таълимотни яратишга уринган диний- фалсафий оқим) ибодатхонасида ўтган ва 12 ёшга тўлганида ўзига илоҳий хабар (вахий) келганини маълум қилган. Ўзига хабар берган илоҳнинг номини Моний «икки моҳият (Нур ва зулмат, яхшилик ва ёмонлик) руҳи» деб атаган. Шунга кўра, унинг таълимотини иккиҳудолик ғояси (гностик дуализм)га асосланган деб айтилади. Шундан сўнг унга Моний – «Рух» лақаби берилган.

241 йил Моний 24 ёшга етганда унга ўз илоҳидан яна ваҳий келган ва ниҳоят ўз таълимотини очик ва баралла тарғиб қилиш вақти етганини билдирган. Шундан сўнг Моний янги динга асос солишга қарор қилган ва ўзининг диний тарғибот ишларини бошлаган. 242 йилда Форс давлати шоҳи Шопур I нинг тахтга ўтириш ва тож кийиш маросими пайтида Моний биринчи марта ўз таълимотини оммавий баён этиб, ваъз айтган. Шундан сўнг Моний Шопур I нинг вафотига қадар (273 йил) мамлакатда ўзининг диний тарғиботини олиб борди. У ўзини шу диннинг асосчиси ва пайғамбари деб билган ва бутун Форс давлати, Ҳиндистон, Олд ва Ўрта Осиё бўйлаб сафарлар уюштирган. У ўз сафарлари давомида зардуштийлик, ҳиндуийлик, яҳудийлик, буддавийлик ва христианлик динлари фаоллари билан мулоқотлар уюштирган ҳамда уларнинг таълимоти, ибодатхоналарининг фаолияти ва тарғибот услубларини ўрганиб, ўз таълимотининг тарғибот - ташвиқот ишларида фойдаланган. Шундай бўлсада Моний, ўз фаолиятини қатл қилингунга қадар Форс мамлакати ҳудудидагина амалга оширган.

Моний ўзини Зардушт, Сиддхартха Гаутама (Будда) ва Исо Масихларнинг издоши деб билади. Шунга асосланиб

Монийликни, синкретик (қоришиқ) характерга эга дейилади. Аммо айрим маълумотларда Моний ўзининг илк тарғиботини айнан Месопотамияда эмас, балки Ҳиндистоннинг шимолий-шарқий қисмларида бошлагани айтилади. Чунки Моний, у ерда жаҳон динларидан бири бўлган буддавийлик таълимотини ўрганиш билан бир пайтда, ўзининг тарғиботчилик ишларини ҳам бошлаб юборган эди, дейилади.

275 йилда мамлакатда юқори нуфузга эга бўлган Муғлар (зардуштийлик қоҳинлари)нинг қистови билан Форс давлатининг янги шоҳи Баҳром I Монийни зиндонга ташлашга фармон берган ва 276 йилда қатл эттирган. Шундан сўнг Моний издошларининг баъзилари қийноқларга маҳкум этилган, айримлари мамлакатдан бадарға қилинган. Аксарият қисми эса ғарбда Рим империяси, шарқда эса Шарқий Туркистон, Уйғуристон ҳамда уларнинг атрофидаги давлатларда паноҳ топиб, монийлик таълимотини ривожлантирганлар.

Монийнинг таълимотида Нур ва Зулмат ўртасидаги азалий кураш асосий ўринни эгаллайди. Унинг мазмун-моҳияти эса, Нурнинг Зулмат устидан ғалаба қозонишига ишонишдир. Монийлик маҳаллий динлар – зардуштийлик, буддавийлик ва христианлик хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган. Моний ўзини аввалги динларнинг «тўғриловчи пайғамбари» деб эълон қилган. У христианликдан мессионизм ва «Масих» эътиқодини ўзлаштирган.

Борлиқнинг 2 моҳияти асоси – ёруғлик, яхшилик ва руҳ олами билан зулмат, ёвузлик ва моддият оламининг ўзаро курашини эътироф этувчи зардуштийлик дуализми монийликнинг асосини ташкил этади. Уларнинг эътиқодича, биринчи оламда Нур (Худо), иккинчисида – Зулмат (Шайтон) ҳукмронлик қилади. Инсон икки унсурдан - Нур фарзанди бўлган руҳ ва Зулмат фарзанди ҳисобланмиш жисмдан иборат мавжудотдир. Шунинг учун инсон Зулмат кучларига қарши курашда Нур кучларига ёрдам бериши лозим деб қаралади. Ушбу икки олам ўртасидаги кураш фалокат билан тугайди, натижада моддият ҳалокатга учраб, руҳ ғалаба қозонади.

Монийлик таълимотига кўра, бу дунё ёвузлик дунёси деб қаралган ва пацифизм (урушмаслик) ҳамда мол-дунё йиғмаслик муҳим ўрин тутган.

Монийлик ўз эътиқод қилувчиларидан мол-мулкларидан 1/10 ҳисса хайри-садақа беришни, бир кеча кундузда тўрт маҳал ибодат қилишни, ёлғончилик, қотиллик, ўғирлик, зино, бахиллик, сеҳргарлик ва унга ишонишни, бутпарастлик каби амаллардан узоқ юриш талаб қилган.

Монийлик ўз даврида аҳолининг қуйи табақа вакиллари орасида кенг тарқалган. Бунга сабаб улар Зулмат оламини зодагонларнинг зулмлари қиёфасида тасаввур қилганлар ва бундан халос бўлиш учун Нурга ибодат қилганлар. Бу билан Нурнинг ғалабасига ҳар ким ўз ҳиссасини қўшмоқда деб ишонганлар.

Монийлик 763-840 йиллар давомида Уйғур хоқонлининг расмий дини бўлган. Ўз юртларидан қувилган монийлар, Кичик Осиёнинг чекка худудларига яширинишга мажбур бўлишган. Монийлик умумийлаштирувчи дин бўлгани сабабли тўғридан тўғри «пайғамбар»нинг ёзма буйруқларига асосланади. Унинг асарлари кўплаб тилларга таржима қилинган.

Монийлик таълимоти у томонидан тузилган «Шопуркан», «Тирик Ҳушхабарчи» (Моний ва унинг таълимоти ҳақида), «Прагматая» (сирлар китоби), «Кефалая» (Боблар) каби китобларда асослаб берилган ва айримлари рус тилига таржима қилинган.

Монийликдан бугунги кунга қадар биргина Хитойнинг Фуцзянь вилояти Цюаньчжоу туманида жойлашган монийлик ибодатхонасигина сақланиб қолган. Бу дин қанчалик енгилликка ва оддийликка асосланган бўлсада, тарихнинг мураккаб синовларига бардош бера олмади. Натижада у дин сифатида унутилди. Ундан йирик тадқиқотлар учун маълумотларгина қолган холос.

3. Яҳудийлик. Бухоро яҳудийлари жамоаси тарихи.
Яҳудийлик дунёда кенг тарқалган монотеистик динлардан

биридир. Энг йирик яҳудий жамоалари Исроилда 5,6 млн., АҚШда 5,6 млн., Канадада 350 минг, Россияда 230 минг, Ғарбий Европа давлатларидан Францияда 310 минг, Германияда 230 минг, Буюк Британияда 280 минг, Аргентинада 200 минг, Австралияда 110 минг, Бразилияда 110 минг кишини ташкил қилади.

Яҳудийлик милоддан аввалги II минг йилликнинг охирларида Фаластинда вужудга келган яккахудолик ғоясини тарғиб қилган диндир. Яҳудийлик миллат дини бўлиб, фақатгина яҳудий халқига хос.

Фаластин ҳудудидан Рим империясининг турли томонларига бутунлай бадарға қилинадилар. Шу тариқа, бу даврларда яҳудий халқининг катта қисми асир қилиб олинган ёки бу ерлардан қувғин қилинган. Айнан мана шу ҳол яҳудийларнинг кейинчалик Фаластин ҳудудидан ташқарига, жумладан, Марказий Осиёга тарқаб кетишига сабаб бўлди. Мавжуд маълумотларга қараганда, милоддан аввалги VII асрдаёқ яҳудийлар Исроилни тарк этиб, Миср, Эрон ва бошқа юртларда паноҳ излашган.

Яҳудийлар Ўрта Осиёга қадим замонлардан кўчиб келганлар. Уларнинг бу келишлари ҳақида турли хил ривоятлар мавжуд. Милоддан аввалги 722 йилда Исроил подшоҳлиги Оссурия томонидан, милоддан аввалги 586 йилда эса Бобил давлати томонидан босиб олингач, яҳудий халқининг бир қисми ўлкадан ҳайдаб чиқарилди. Бу эса яҳудийларнинг Осиё ўлкалари бўйлаб тарқалиб кетишига сабаб бўлди. Ҳатто милоддан аввалги VIII асрларда баъзи яҳудийлар Исроилни тарк этиб, Миср, Эрон каби ўлкаларда бошпана топганликлари ҳақида ҳам маълумотлар бор. Форс давлати маълум муддат Ўрта Осиёни ўз ҳукми остида тутиб турган ва худди шу даврда яҳудийларнинг кўчиб келиши бошланган. Яҳудийлар Ўрта Осиёда Сўғдиёна давлати даврида, яъни милоддан аввалги II асрда пайдо бўлдилар. Улар Эрон орқали Марвга келиб, сўнг у ердан Бухоро, Самарқанд, Шаҳрисабз ва бошқа шаҳарларга тарқалдилар.

Яҳудийларнинг Ўрта Осиёда пайдо бўлиши тарихи жуда мураккабдир. Кўпчилик тадқиқотчилар уларнинг бу ерда пайдо бўлишларини милоднинг биринчи асрида вужудга келган «Буюк ипак йўли» фаолияти билан боғлайдилар. Буюк ипак йўли, дарҳақиқат, бўёқчилик бўйича мутахассис бўлган яҳудийларнинг хом ашё манбаларига яқинроқ минтақаларга тарқалишига сабаб бўлган. Яҳудийларнинг Балх шаҳрида пайдо бўлишлари эса фақатгина милоднинг IV асрига тўғри келади. Милодий IX-X асрларда яҳудий жамоалари анча кўпсонли ва эркин бўлганлар. Улардан фақат урушга яроқли бўлган эркакларгина солиқ (жизя) тўлаганлар. Йиғилган солиқларнинг фақатгина ярми давлат хазинасига топширилган. Қолган қисми эса жамоа бошлиғи ихтиёрида қолган.

Яҳудийларнинг Ўрта Осиёда яшаганликларига гувоҳлик берувчи археологик топилмалар илк бор 1954 йили олимлар томонидан Туркманистоннинг Марв ва Байрамали шаҳарларида аниқланган. Булар қадимги синагога қолдиклари, яҳудий ёзувлари ва номлари битилган сопол буюмлардир. Топилмалар Юнон-Бақтрия ва Парфия давлатлари ҳукмронлик қилган милоддан аввалги II - милодий I асрларга тегишли бўлган.

1165 йилда Шарққа саёҳат қилган Вениамин де Туделнинг хабар беришича, Шарққа томон қанча узоқроқ кириб борилса, яҳудийлар сони шунча кўпайиб борган. Ўша даврда Қуддус шаҳрида ҳаммаси бўлиб 4 минг яҳудий яшаган бўлса, Басрада уларнинг сони 2 минг, Дамашқда 3 минг, Исфаҳонда 15 минг, Самарқандда эса 30 минг кишини ташкил қилган. Бироқ бу сайёҳ Шарқда Бағдодгача сафар қилиб, маҳаллий яҳудийларнинг афсонавий маълумотларига асосланган.

Араб тарихчиларининг маълумотларига кўра, Шарқда яҳудийлар томонидан «Йаҳудийа» деб аталадиган шаҳарлар қурилган. Шундай шаҳарлардан бири Марв шаҳри яқинида бўлган.

X-XIII асрлар Бухоро яҳудийлари учун маънавий-руҳий жиҳатдан ўсиш даври бўлди. Улар Ироқ яҳудий марказидан

узоқда, Ўрта Осиё ҳудудларида яҳудийликка оид қарашларини ривожлантирдилар ва Тора қонунларига мослаштирдилар.

Ўзларини аслзода деб ҳисоблаган Бобил яҳудийлари Ўрта Осиё яҳудийларини кашрут қоидаси (рухсат этилган овқатларнигина ейиш)ни бузиш, ерли аҳоли билан аралашиб кетиш ва яҳудий динини бидъатлар билан бузишда айблай бошладилар. Албатта, бу айбловлар асоссиз эмас эди.

IX-X асрларда Ўрта Осиёда *караимлар* деб аталадиган яҳудий сектаси пайдо бўлади. Бу секта тарафдорлари фақат Торани тан олар, Талмудни эса инкор қилар эдилар. X аср Ўрта Осиё караимларининг кўзга кўринган раҳнамоларидан бири ғазналик Менехем Талмуд тарафдорларига қарши ўз фикрларини исботлаш учун Искандарияга сафар қилган. Караимлар сектаси намояндаларидан яна бири Хиви ал-Балхий кўплаб асарлар ёзиб, уларда Талмудни танқид қилган ва унинг ишончлилигига шубҳа билан қараган.

XIII аср бошига келиб, Чингизхон кўшинлари Мовароуннаҳр шаҳарларини бирма-бир қўлга киритгач, ерли аҳолини шафқатсиз равишда қирғин қилдилар. Қадимги яҳудий жамоалари ҳам инқирозга учради. Сақланиб қолган кам сонли яҳудийлар Бухоро ва унинг атрофларида яшаганлар. XIII асрда бошланган яҳудийлар инқироzi, баъзи истиснолардан ташқари, XVIII асрга қадар давом этди.

Амир Темур ва темурийлар даврида Мовароунаҳр минтақасига Эрондан кўпгина яҳудий жамоалари кўчириб келтирилган, уларнинг бир қисми Бухорода яшаган. Темурийлар даврида Ўрта Осиёдаги христиан жамоалари инқирозга учраган бўлсалар-да, лекин яҳудий жамоалари сақланиб қолди ва ўзларининг диний марказларидан ажралиб ва узоқлашиб қолганликларига қарамай, улар минтақада ўз мавқеларини узоқ вақт эгаллаб турдилар.

XVIII асрнинг бошларида Ўрта Осиёда юз берган сиёсий жараёнлар туфайли яҳудийлар Эрон, Афғонистон, Хива, Кўқон ва Бухоро жамоаларига бўлиниб кетди. XIX асрнинг иккинчи ярмида Россия империяси томонидан Ўрта Осиёнинг бир қисми

босиб олиниши яхудийларнинг яна Туркистон ва Бухоро жамоаларига бўлиниб кетишига олиб келди. Ўрта Осиё яхудийлари Бухоро амирлиги ҳудудларида яшаганликлари туфайли «Бухоро яхудийлари» номи билан танилган бўлсалар-да, уларнинг асосий қисми кўпроқ Самарқандда яшаган.

Яхудийлик ягона миллатга хос дин бўлганлиги сабабли яхудийлар қаерда яшамасин, бири иккинчисидан қанча узоқда бўлмасин, улар ўз динига ва муқаддас китобларига эътиқод қилишни давом эттиравердилар. XVIII асрда Ўрта Осиё яхудийлари руҳий тушкунлик даврини бошдан кечирдилар. 1793 йили ўзи Ғарбий Африкадан бўлиб, Фаластиннинг Цфат шаҳрида яшовчи Иосиф Мамон Мағрибий ўз шаҳри яхудийлари учун моддий ёрдам тўплаш мақсадида Бухорога келади. У маҳаллий яхудийларнинг ўз динларидан узоқлаша бошлаганликларини кўриб, шу ерда қолишга ва миллатдошларига диний таълим беришга аҳд қилади. Яхудийлар доимо тинч, кам аҳолили жойларда яшашни афзал кўрганлар.

XIX асрга келиб яхудийлар Ўрта Осиёнинг Қарши, Марв, Хатирчи, Шаҳрисабз, Катгақўрғон, Кармана, Марғилон, Душанба шаҳарларида яшаганлар. Улар одатда бир мавзегга жам бўлиб яшар эдилар. 1843 йилда маҳаллий яхудийларга Самарқанднинг шарқий қисмидан 2,5 гектар ерни 10000 кумуш тангага сотиш ҳақида шартнома тузилди. Бу шартномани яхудийлар жамоасининг 32 аъзоси имзолади, давлат унинг ҳақиқийлигини тўрт муҳр билан тасдиқлади. Шундай қилиб, яхудийлар ўзларининг биринчи маҳаллаларига эга бўлдилар. Жамоа бошлиғи Моше Калонтар сотиб олинган ерда қурилишлар қилиш учун яхудийлардан пул йиғди. Улар янги жойда биринчи булиб Бани Исроил қабилалари сонига мос 12 та ҳовлида уй-жой, мактаб, ҳаммом, синагога қурдилар.

XIX асрнинг 80-йилларида бухоро яхудийларидан 1,5 мингга яқини, XX асрнинг 20-30-йиллари эса - 4 мингга яқини яхудий тилида ўқиш учун Фаластинга кўчиб кетган.

Ўрта Осиёда 1940 йилгача яҳудийларнинг иврит тилидаги мактаблари, даврий ва махсус нашрлари мавжуд бўлган. 1932 йилда Самарқандда яҳудийлар театри ташкил қилинган. Кейинчалик яҳудий тилида ўқитиш ва маданий фаолият юритиш тўхтатилган. СССР парчаланиб кетгунига қадар Бухоро яҳудийлари асосан (28396 киши) Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилганлар.

Яҳудийларнинг турмуш тарзлари, урф-одатлари қадимий яҳудий, форс ва маҳаллий маданий анъаналарнинг қоришмасидан иборат. Тарихнинг турли жараёнларида бу уч маданиятдан баъзиларининг таъсири кучайиши ёки аксинча, сусайиши кузатилган.

Яҳудийликда овқатланишда қатъий чекловлар (кошер қоидалари) мавжуд. Истеъмолда фойдаланиладиган мол, қўй, эчки каби ҳайвон гўштлирини муайян диний қоидалар асосида сўйилиши лозим ҳисобланган. «Шохет»лар (қассоблар) ҳайвонни сўйишдан аввал унинг териси, ўпкаси, жигари соғлом бўлиши, қорни ёриб кўрилганда унинг ичида ўлимига сабаб бўлувчи жисмлар (тош, темир, ойнак) бўлмаслигини текшириб кўрадилар. Шунингдек, сўйилган ҳайвон гўшти таркибидан қони бутунлай чиқариб юборилиши керак бўлади. Балиқ гўштини тановул қилганда, унинг тангали ва сузкичли бўлишига эътибор қаратилган.

Бухоро яҳудийлари орасида ислом динини қабул қилганлар ҳам бўлиб, бундайлар *чала* деб юритилган. Исломни қабул қилган яҳудийлар мусулмонлар орасида яшаганлар. Бироқ кўп ҳолларда улар ўзларининг эски урф-одатларини яширинча сақлаб қолганлар. Бухорода Эшони Пир мавзеида 100 тача, Чор карвонсарой мавзеида эса бир нечта мана шундай чала яҳудий оилалари яшаган. Уларнинг асосий машғулоти ҳунармандлик, пахта савдоси бўлган. Жамоа оқсоқоли *калонтар* деб аталиб, у ўз қавмидан солиқ ва ўлпонлар йиғган. У жамоанинг расмий вакили ҳисобланган.

1991 йилда Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг барча динларга, шу жумладан, яҳудий динига эркин эътиқод

қилиш учун барча шароитлар яратиб берилган. Ҳозирда Тошкент, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида Бухоро ҳамда Европа яхудийларининг миллий маданий марказлари, шунингдек синагогалари фаолият кўрсатиб турибди.

Ҳозир республикада жами 8 та яхудий жамоаси, шу жумладан, Тошкент шаҳри (3), Бухоро (2), Самарқанд (2) ва Фарғона вилоятларида (1) фаолият кўрсатиб келмоқда. Улардан бири (Тошкент ш.) Европа яхудийлари (ашкиназлар) йўналишига, қолганлари сефардлар (шарқий яхудийлар)га мансуб.

4. Марказий Осиёда буддавийлик тарихи. Умуминсоний ғояларнинг тарғиб этилиши ҳамда ҳар бир миллатнинг Будда таълимотини ўз тилида ўқиб-ўрганиши мумкинлиги буддавийликнинг турли ҳудудларга тарқалишига замин яратган. Буддавийлик Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида янги эранинг бошларида пайдо бўлди. Буддавийликнинг Ҳиндистондан Марказий Осиёга кириб келишини одатда кушонларнинг ҳукмронлиги билан боғлайдилар. Император Канишканинг ҳукмронлиги даврида Кушон подшоҳлиги ушбу диннинг марказларидан бирига айланган. Канишка буддавийликка эътиқод қилган. У зарб қилдирган айрим тангаларда Будда тасвири ҳам учрайди. Милоднинг биринчи асрларида Будда илоҳийлаштирилиб, худо даражасига кўтарилади ва унга сиғинилади.

Будда билим орқали азоб-уқубатлардан қутулиш мумкинлигини уқтирган. Буддавий донишмандлар фикрича, ҳар бир инсон жуда кўп эзгу ва яхши ишлар қилиш орқали Буддага айланиши мумкин.

Хитойлик Сюань-Цзянь берган хабарга кўра, VII асрнинг бошларида Термизда 10 та будда ибодатхонаси (сангарама) ва мингта роҳиб бўлган.

V-VIII асрларда эфталитлардан кейин буддавийлик Марказий Осиёда таназулга юз тута бошлаган.

Марказий Осиё халқлари, хусусан, бактрияликлар санъатга ўз маданий анъаналарини олиб кирдилар. Буддавийликда Будда

таълимоти ва ҳаётининг ботиний моҳиятини ифодаловчи рамз-тимсолларнинг бутун бошли бир тизими шакллантирилган. Кўпроқ тарқалгани Будда ва унинг таълимотини англатувчи ғилдирак ёки ярқираб турувчи айлана тасвиридир.

Будданинг ҳаётӣй айланишлари босқичларини ифодаловчи ҳўкиз, шер, фил, от рамзлари кенг тарқалган. Шунингдек, Будда тагида ўзининг илк ваъзларини айтган муқаддас Бодхи дарахти тасвири ҳам буддавийликнинг бадий-динӣй рамзи ҳисобланади.

XX асрнинг бошларидаёқ Амударёнинг ўнг қирғоғида буддавийликка оид кўп сонли тангалар, ҳайкалтарошликка оид майда тасвирлар ва бошқа ёдгорликларни топганлар; улар кўпинча қимматбаҳо металллар - олтин ёки кумушдан ясалган.

1927 йилда архелоглар қадимӣй Термизни ўрганиб, у ерда қатор юнон-буддавийлик ёдгорликлари мавжудлигини аниқлади. Термиз археологик комплекс экспедициясининг (ТАКЭ) ишлари натижасида Қоратепа ва Чингизтепада иккита йирик будда ибодатхонаси бўлганлиги аниқланди, юнон-буддавийлик меъморчилиги ва ҳайкалларининг парчалари топилган ўнлаб жойлар қайд этилди.

Термиздан 17 км масофада жойлашган Айритом шаҳарчасининг шарқ тарафида афтидан буддавийлик ступасига ўхшаш минора шаклидаги хом ғишдан қурилган бино вайроналари жойлашган. 1933 йилда археолог М.Е.Массон томонидан хом ғишдан қурилган бино қолдиқлари, унинг ичида эса ҳайкал, тош карнизлар, меъморӣй буюмлар, тошдан ясалган муқаддас ёдгорликлар борлиги аниқланган. Муסיқачилар ва мутафаккирлар, эҳсон келтирувчиларнинг шакллари туширилган ҳайкалларнинг ҳошияли тош плиталари топилган. Бу ибодатхона мажмуасига ибодат жойларидан ташқари роҳиблар учун ётоқхона ва қатор хизмат хоналари, яъни ошхона, омборхоналарни ҳам ўз ичига олган.

Сурхондарёдаги Қоратепа номи билан машҳур бўлган тепалик буддавийликнинг энг катта руҳонӣйлар маркази ҳисобланган ва у Кушон давридаги Термизнинг ташқи девори

ҳимояси остида шаҳар ташқарисида жойлашган. Қоратепа биноларининг уч қавати қумликлардан топилган. Ступа махсус ҳовлига ўрнатилган. Қоратепанинг ғорлик бинолари оқилона тарзда, иссиқ иқлимни ҳисобга олган ҳолда жойлаштирилган. Бундай бинолар ёзда салқин, қишда эса ёпиқ эшиклар ортида илиқ бўлган. Қўш аланга қуршовида ўтирган Будда тасвири буддавийлик тарқалган даврда қадимий эътиқодлар таъсирининг барқарорлигидан гувоҳлик беради.

Тошкентлик санъатшунос-археолог Л.И. Альбаум Қоратепа шарқидан саксон метр нарида Фаёзтепа ибодатхонаси мажмуини очди. Марказида ибодатхона тасвирланган жануби-ғарбий деворда нимба кийимидаги Будда чизилган бўлиб, унинг атрофини кичик Будда ҳайкалчалари ўраб турибди. Меҳроб деворлари ҳам ёзувлар билан қопланган. Деворлардан бирида иккита тик турган Будда сурати тасвирланган бўлиб, уларнинг ҳар икки тарафида икки аёл қиёфаси тасвирланган. Қарама-қарши деворда совға улашувчи эркаклар тасвирланган. Бундан ташқари бошқа мазмундаги суратлар ҳам мавжуд. Чизмаларнинг ўта қимматбаҳолигидан ташқари буддаларнинг бу жонли тасвирлари дунёдаги энг қадимги ёдгорлик ҳисобланади. Улар милодий I–II асрларга тегишли. Тадқиқотчиларнинг фикрича, Қоратепа фақат роҳиблар жамоаси учун эмас, балки Термиз ва унинг атрофида яшаётган ва бошқа шаҳарлардан келган буддавийлар учун ҳам ибодатхонаси сифатида хизмат қилган.

Қоратепа ва Фаёзтепа ибодатхоналари одатда ер ости ва ер усти қисмларидан иборат бўлган. Будда ҳайкалчалари билан безатилган «Зўрмала» ступаси маҳобати билан ажралиб турган. Ступалар бир неча баландликда тўртбурчак шаклда бунёд этилган. Ступа усти гумбазсимон қилиб ишланиб, унга ёғоч ёки тошдан ясалган лангар ўрнатилган. Бу лангарларда тошдан ясалган бир неча соябон бўлиб, буддавийлар уни «чатра» деб аташган. «Чатра» муқаддас дарахт тимсолидир. Ступа коинот рамзи ҳисобланган. Уйларда Будда ҳайкали қўйилган махсус ибодат қиладиган хоналар бўлган. Кейинчалик Будда ҳайкаллари ёнига боддҳисаттваларнинг лойдан пиширилган кичкина

хайкалчалари кўшилган. Ушбу ҳолат ҳам шаҳар аҳолиси ҳаётида буддавийлик алоҳида аҳамият касб этганини кўрсатади.

Кушон подшолигининг дастлабки пойтахти Далварзинтепа (қалинлиги 10 метргача бўлган кудратли мудофаа девори билан ўраб олинган қалъа шаҳар) ўрнида бўлган. Кушонлар ҳукмдори Канишка даврида Далварзинтепа шаҳар сифатида шаклланиб, савдо-сотик марказларидан бирига айланган. Бу ерда Ўрта Осиё ҳудудларида биринчи марта Будданинг лойдан ясалган, яхши сақланган тасвири, кўплаб хайкалчалар, безаклар, диний маросим буюмлари ва тангалар топилган, улар II аср охири III аср бошидаги будда ибодатхонасининг марказий бинолари ичида сақланган. Ибодатхонани тадқиқ қилиш 1983 йилдан бошланган. Далварзинтепа мажмуасидаги Будда ибодатхонаси ва аслзодалар дафн этилган даҳма, шунингдек, олтин хазина тўлдирилган икки ярим метрли сопол кўза буддавийликнинг ўша давр халқлари ижтимоий-маънавий ҳаётидаги мавқеи ва бошқа маҳаллий динлар ўртасида эгаллаган ўрнини кўрсатади.

Шимолий Ҳиндистон ва Марказий Осиё ҳудудларининг Кушонлар салтанати ҳукмронлиги остида бирлаштирилиши натижасида буддавийлик Узоқ Шарққа ҳам кириб борди. Кейинчалик Шарқий Туркистон, Хитойга ёйилди. Канишка, Вима Кадфиз ва улардан кейинги Кушон императорлари буддавийлик дини анъаналарини амалда ривожлантириш, бошқа халқлар ўртасида тарқатиш учун Балх, Марв, Термиз, Самарқанд, Бухоро, Шош, Туркистон, Қува, Косон, Ўш, Болосоғун, Кошғар ва бошқа шаҳарларда ибодатхоналар қуриб, унинг муқаддас китоблари, сутра (санскритча - ип, тўплам, баён, диний-фалсафий ибора)ларни ўрганиш, таржима қилиш ва шарҳлаш учун шароит яратдилар.

Ғарбда Орол ва Каспий денгизи бўйлари, Жанубда Ҳинд дарёсининг қуйи оқими, Шарқда Хўтан (Хитой)дан Банорас (Ганг дарёси бўйидаги шаҳар)гача чўзилган Кушонлар империясининг бошқа мамлакатлар билан иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларининг яхшиланиши, савдо-сотикнинг ривожини янги шаҳарларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Кушонлар даврида

буддавийликка катта аҳамият берилгани, диний расм-русумларни бажаришга алоҳида эътибор билан қаралгани боис махсус ибодатхоналар бунёд этилиб, буддавийлик халқ турмуш тарзининг муҳим таркибий қисмига айланиб борди, маданият ривожига кучли таъсир кўрсатди.

Марказий Осиё халқлари қадимги тарихи ва маданияти ривожига буддавийлик муайян ўрин эгаллайди. Бунга Марказий Осиё ҳудудида жойлашган Далварзинтепа, Қува, Зартепа, Қоровултепа, Айритом мавзеларидан топилган археологик қазилмалар, жумладан, Шакьямуни санамлари, ҳайкалчалар, рамзий ғилдираклар ва ступа қолдиқлари, шунингдек, мрамрдан ясалган ва жуда яхши сақланган Будда ҳайкали аниқ далолат беради. Археологик қазилмалар натижасида топилган ёдгорликлар буддавийликнинг ўша даврдаги мавқеи ҳақида хабар беради. Шунингдек, аждодларимизнинг юксак моддий маданияти, дини, урф-одати, тафаккур тарзи ҳақидаги тасаввуримизни бойитишга хизмат қилади.

Ҳозирги даврда буддавийлик Жанубий, Жанубий-шарқий, Шарқий Осиё мамлакатлари Шри Ланка, Ҳиндистон, Таиланд, Лаос, Мўғулистон, Камбоджа, Вьетнам, Хитой, Сингапур, Бутан, Непал, Малайзия, Корея, Япония, қисман Европа ва Америка қитъаси, Россиянинг Тува, Бурятия ва бошқа ҳудудларда кенг тарқалган. 700 миллиондан ортиқ киши буддавийликнинг турли йўналишларига эътиқод қилади. Ҳозирда буддавийлик Япониянинг давлат дини ҳисобланади.

5. Христианлик таълимотининг тарқалиши. Христианлик таълимоти тарқалишида христиан жамоаларининг Шарқ ва Жанубга ҳаракатлари даврида амалга оширган кенг миссионерлик фаолияти катта роль ўйнади. Бошқа тарафдан, христианликнинг Марказий Осиёга кириб келишига Рим империясида христианларнинг беаёв тазйиқ остига олиниши ҳам сабаб бўлди. III асрга тегишли бир Сурия манбаи Ўрта Осиё икки дарё оралиғини ўз ичига олган Кушон давлатидаги христианлар ҳақида маълумот беради. Улар Эрон, Ўрта Осиё

аҳолисини христианлик билан таништирдилар, Мўғулистон чўллари ва ҳатто Хитойгача етиб бордилар.

Марказий Осиёнинг жанубий чегараларига яқин ерларда жойлашган жамоалар бу ерда христианликнинг пайдо бўлишида асосий роль ўйнаган. Улар Византия, Сурия, Фаластин ва Эрондан ушбу минтақага кўчиб келиб, бу ерда ўзлари билан олиб келган ўз маданияти, санъати ва диний таълимотини тарқатганлар.

Умуман олганда, Марказий Осиё ҳудудига христианликнинг кириб келиши икки йўл билан, яъни милоднинг III асрларидан то бугунги кунга қадар христианликни тарғиб этувчи миссионерларнинг тарғиботчилик ҳаракати ҳамда минтақанинг Россия империяси томонидан босиб олинishi ва христиан динига эътиқод қилувчи аҳолининг ушбу минтақага кўплаб кўчиб келиши орқали амалга ошган.

Замонавий Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳудудларида апостол Андрей Первозванныйнинг диний фаолияти илк христианлик тарихи манбаларида қайд этилгани диққатга сазовор. Бунинг далили сифатида бугунга қадар сақланиб қолган ҳинд христианларининг «Фома қайдномалари» ва милодий II асрда ташкил топган Марказий Осиё черкови тараққиёти ҳақидаги тарихий ёзма манбалар хизмат қилади.

Марказий Осиё ҳудудида археологик қазилмалар натижасида V - XIV асрларга мансуб деб топилган кўплаб христианлик ёдгорликлари, жумладан ибодатхона ва монастирларнинг харобалари, фрескали икона ёзувлари, матоларга битилган иконалар, Инжил қиссалари тасвирланган керамикалар, бўйинга осиладиган хоч ва медаллар ҳамда христианлик тимсоли туширилган давлат тангалари, минглаб хоч туширилган қабр тошлар ёки қабр устига қўйилган хочлар аҳамиятга молик.

Марв христианлари тўғрисидаги маълумотлар энг қадимги ҳисобланади. Беруний айтишича, Марвда Исо Масих туғилганидан 200 йил ўтгач, ушбу дин роҳиб Барахий томонидан олиб кирилган. Археологик маълумотлар эса Марв шаҳри

атрофида христиан эҳромининг III - IV асрларда фаолият кўрсатгани ҳақида маълумот беради.

Миссионерлар фаолияти натижасида 280 йилда Талос (Марке) черковлари қурилиб бўлган, Самарқандда (310 йилдан), Марвда (334 йилдан), Ҳиротда (430 йилдан), Хоразмда ва Марказий Осиёнинг бошқа шаҳарларида епископлик, миссиялар тузилган. Хусусан, Марвда II асрдан бошлаб шаҳарнинг ғарбий деворлари ортида черков бинолари пайдо бўлган. Шаҳар атрофида христиан қабристони жойлашган. Бу эса христианларнинг сони кўплигидан далолат беради. Хуросоннинг шимолий ҳудудларида христианликнинг муваффақиятли тарғиботи Марвда тахминан 420 йилда митрополия очилиши билан яқунланади. Бу ерда монастирлик жамоаси пайдо бўлади. Черков буюмларини тайёрлайдиган устахоналар ҳам вужудга келади.

Туркменистондан то Қирғизистон ҳудудигача олиб борилган археологик тадқиқотларга кўра, юқоридаги даврларда черковлар, ибодатхоналар кўпайиб борган. Илк ўрта асрларда (IV-VIII аср) Суғд, Уструшона, Шош, Хоразмда несториан хочлари суратлари, Суғд ёзуви ва муқаддас ҳайвонлар тасвири туширилган тангалар зарб этилган.

431 йилда Византиядаги христианларнинг Эфес соборида можаро юз берди - Несториан оқимининг христианлари, хукмрон дин ақидаларига хилоф иш қилган деб эълон қилинди. Несторианлар -Константинополь патриархи Несторнинг издошлари бўлиб (V аср бошларида), улар Исо Масихнинг илоҳий келиб чиқиши ҳақида гапириб, унинг онаси Мария Худони эмас, балки инсонни дунёга келтириб, унинг танасига Худо кириб олган ва шунинг учун лаънатланган деб ҳисоблайдилар.

Араб истилоси даврида ислом Эрон ва Ўрта Осиё маданияти билан уйғунлашиб кетди. Насронийлар халифат давлатларида малакали табиблар бўлиб, юқори лавозимларда ишлашган. Улар орасида файласуф, дипломатлар ҳам бўлган.

Беруний марвлик насроний табиб Ибн Масадан кўп таълимотларни ўрганган. Ибн Маса доривор ўсимликлар ва кўзиқоринлар ўсадиган жойларни ва уларнинг хосиятларини тасвирлаб асарлар ёзган.

Сомонийлар даврида (IX-X аср) ислом давлат дини бўлгани учун мафкурада асосий ўринни эгаллади. Тарихчи Наршахий Бухорода христиан черкови ўрнида мусулмон масжиди қад ростлагани ҳақида маълумот беради.

1009 йилда несториан руҳонийлари Марказий Осиё халқлари орасида мўғул тилида сўзлашувчи энг йирик ва энг маданий кераитларни чўқинтирганлар. Манбаларга кўра, гўё чўлда адашиб қолган Кераит хони қаршисида авлиё Сергей пайдо бўлиб, унга йўл кўрсатган экан. Хон ўз халқи билан бирга чўқиниб, Маргуз (Марк) номини олган. Тахминан шу пайтда онгут халқи - жангари туркларнинг авлодлари (хуннларнинг сўнгги қолдиқлари) христианликни қабул қилишади. Шу даврда X-XI асрларда Мовароуннаҳрни забт этиб қорахонийлар империясини тузган қабилалар таркибига кирувчи ғузлар ва қисман чигиллар ҳам чўқинтирилган. Несторианлик XII аср бошига келиб ҳам ривожланди.

XI-XII асрларда Самарқандда несторианлар митрополияси ўз фаолиятини давом эттирган. Ўрта Осиё мўғуллар томонидан забт этилгач, яна несторианликнинг кучайиши кузатилди. Марко Поло ҳам XIII асрнинг иккинчи чорагида Самарқандда қурилган Авлиё Иоанн Креститель черковини тилга олиб ўтган.

Марказий Осиёга илк рус православларнинг кириб келиши XIX асрнинг 40-йилларидаги Чор Россиясининг Туркистоннинг шимолий ҳудудларини эгаллаши натижасида Туркистонга русларнинг кўчиб келиши билан боғлиқ. Ҳар бир полкда махсус руҳонийлар бўлиб, аскарларнинг диний эҳтиёжларини қондириш мақсадида кўчма ибодатхоналар ташкил этилган эди. 40-йиллар охирига келиб доимий ибодатхоналар маҳаллий пахса услубида қурила бошлайди ва 1850 йили Копалда биринчи муқим ибодатхона бунёд қилинади.

Руслар жойлашган ҳудудларда кичик диний қароргоҳлар вужудга келади. Дастлабки қароргоҳлар 1850-йилларда Форт №1 (Аральск шаҳри, Қорақалпоғистон), Перовск (Қизил-Ўрда, Қозоғистон), Катта Олма-Ота тумани (Олма-Ота, Қозоғистон), Сергиопол (Аягуз), Лепсин (Лепсинск), 1860-йилларда Тошкент, Жиззах, Самарқанд, Чимкент, Авлиёота (Жамбул), Тўқмоқ, Каттақўрғонда рус православларининг диний қароргоҳлари мавжуд эди. 1871 йилда Тошкент госпитали ҳузурида архиепископ Ермоген (Голубев) томонидан православ қароргоҳи таъсис этилган. Бу ибодатхона ҳозирги Успенский кафедрал собори ўрнида бўлган. Дастлаб Туркистон Оренбург генерал-губернаторлигининг таркибида бўлганлиги боис Томск епархиясига бўйсинган. Кўп ўтмай мустақил архиерей кафедрасига айланади.

1869 йил Туркистон мустақил епархиясини ташкил қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган. 1871 йил Тошкент ва Туркистон епархиясини ташкил этиш тўғрисида император фармони чиқади. Бироқ маҳаллий император амалдорлари Тошкентдаги кафедра фаолияти асл сиёсий мақсаддан чалғитади деб қаршилик кўрсатган. Христианлар бу даврда Тошкент архиереяси кафедранинг Тошкентда бўлиши учун курашганлар. Ниҳоят 1916 йил охирида архиепископ Иннокентий ҳаракатлари туфайли бу масала бутунлай ижобий яқун топган.

Марказий Осиёга католик ва протестант йўналиши вакилларининг кириб келишига 1879 йил 27 мартдаги Россия императорининг махсус қонунига кўра биринчи жаҳон урушида асирга олинган немис, поляк, эстон, швед, литва, латиш ва бошқа европалик аскарларнинг Туркистон ўлкасига сургун қилиниши туртки бўлди. Бу ўз навбатида, европалик асирлар орасида диний жамоалар тузиш ҳамда черковлар пайдо бўлишига олиб келди.

Шўролар ҳукумати даврида Ўрта Осиё республикаларида христиан диний ташкилотлари бошқа диний конфессиялар каби давлат билан ўзаро муносабатларида мураккаб даврларни, атеистик тузумнинг аёвсиз таъқиби ва қатағон сиёсатини бошидан кечирди.

Мустақиллик йиллари Ўзбекистонда диний эркинликлар қонун билан кафолатланди. 2014 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, республикада христиан йўналишига мансуб 158 та диний ташкилот расман фаолият кўрсатмоқда.

6. Миллий тараққиёт ва ислом. Ислом динининг Ўрта Осиёга кириб келиши ва тарқалиши бевосита араб юришлари билан боғлиқ. Мовароуннаҳрга биринчилардан бўлиб кирган халифа Муовиянинг Хуросондаги волийси Абу Усмон Саид ибн Усмон ибн Аффон (ваф. 675 йилдан кейин) ва Муҳаммад пайғамбар амакиваччаларидан бўлган Абу Жаъфар Қусам ибн Аббос бўлганлар.

Саид ибн Усмон умавий халифа Муовия ибн Абу Суфённинг Хуросонга тайинлаган волийси бўлиб, у Самарқандга қилинган юришда кўшинга раҳбарлик қилди. Абу Жаъфар Қусам ибн - Аббос (ваф. 676 й.) Самарқандга қилинган юриш даврида Саид ибн Усмон ёнида бўлган. Унинг мақбараси ёнида Қусам ибн Аббос мадрасасига асос солинди ва бу мадраса кейинчалик муҳим ҳадис марказларидан бирига айланди.

VIII асрнинг биринчи ярмида Мовароуннаҳрда ислом илмларининг ёйилиши хуросонлик уламолар томонидан амалга оширилган бўлса, шу асрнинг иккинчи ярмига келиб маҳаллий уламолар ҳам етишиб чиқа бошладилар. Абу Муқотил Ҳафс ибн Салм Фазорий Самарқандий (ваф. 823 й.) минтақа ҳадис мактабининг шаклланиши ва тараққий этишида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган маҳаллий олимлардан эди. У сулолавий муҳаддислар оиласининг бошлиғи сифатида маълум.

Ҳадисларни саралаш бўйича Мовароуннаҳр муҳаддислари ислом оламида етакчи ўринни эгалладилар. Имом Бухорий, Имом Термизий каби барчага маълум муҳаддислар бунга яққол мисолдирлар. Аммо ҳадис илмининг бошланғич даври учун илк давр муҳаддисларидан Абу Муоз Холид ибн Сулаймон Балхий, Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муборак Марвазий, Абу Мути Балхий каби олимларнинг хизматлари беқиёсдир. Манбаларда қайд этилишича, VIII-XII асрлар мобайнида Мовароуннаҳрда

3000 дан ортиқ кўзга кўринган муҳаддислар яшаб, фаолият юритганлар. Улардан 1000 дан кўпроғи Самарқандда, 600 дан ортиғи Бухорода яшаган бўлсалар, шулардан 400 дан зиёдининг ҳаёти Насаф шаҳри билан боғлиқ. Қолган 1000 муҳаддисдан 70 дан кўпроғи Шошда, 60 таси Фарғонада, яна шунчаси Кешда, 50 дан зиёдроғи Термизда, 40 дан ортиғи Хоразмда, шу билан бирга Усрушана, Дабусия, Кушония ва бошқа маҳаллий минтақаларда фаолият олиб борганлар. Мовароуннаҳрда ривоят қилинган ҳадислар асосан халқ орасида одоб-ахлоқ, ота-онага ҳурмат, инсонпарварлик ва холислик каби хислатларни тарбияловчи бой маънавий манба вазифасини бажарган.

Минтақада ижтимоий фикр шаклланишида муҳим рол ўйнаган яна бир ҳаракат калом илми билан боғлиқ. Мотуридия калом мактабининг вужудга келишида Самарқанд уламолар муҳити катта роль ўйнади. Бу даврда Мовароуннаҳр сиёсий маркази араблар таъсири остида шаклланган Бухоро шаҳри бўлса ҳам маданий ва иқтисодий ҳаётда Сўғдиёнанинг қадимги пойтахти ҳали салмоқли ўрин тутар эди. Миллий қадриятларни, жумладан, илоҳиёт соҳасида эски анъаналарни кўпроқ сақлаб қолган Самарқанд маданий муҳитида янги таълимотнинг вужудга келиши бежиз эмас эди. Бу таълимот кейинчалик Самарқанддан бутун ислом оламига тарқалиб, аҳл ас-суннанинг Ашъария билан бир қаторда икки илоҳиёт мактабидан бирига айланди.

Мовароуннаҳр ҳудудларида исломнинг илк даврларида рационализм кенг тарқалганлиги ҳақида гувоҳлик беради. Ўлкада табиёт (Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Абу Райҳон ал-Беруний) ва фалсафа (Абу Наср ал-Фаробий, Ибн Сино) илмлари билан бир қаторда рационалистик диний илмлар ҳам ривожланди. Муътазилийлар, исмоилийлар, илк суфийлар (ал-Ҳаким ат-Термизий) маданий ҳаёт тарихида чуқур из қолдирдилар.

Бухоро ва Самарқанддаги маҳаллий ҳанафий жамоалари XI асрнинг ўртасигача автоном фаолият юритар эди. XI асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, Мовароуннаҳрнинг икки мустақил

ҳанафий марказлари анъаналарининг бирлашиш жараёни бошланади. XI аср бошида Бухоро жамоалари етакчиларининг бирлашиши натижасида уламо институти пайдо бўлади. У «Шамс ал-аимма» («Имомлар қуёши») деб номланади. Бу номланиш қорахонийларнинг «Шамс ал-мулк» («давлат қуёши»)сига зид равишда берилди. Шамс ал-аимма аҳоли ичида диний қонун билимдони сифатида юқори обрўга эга эди, кўп сонли шогирдларга эга эди.

Ҳанафий фақиҳлар шаҳар аҳлининг турли қатламлари билан мустаҳкам алоқада бўлиб, ўз диний-ижтимоий фаолиятларида уларнинг манфаатларини ақс эттирар эдилар. Шамс ал-аимма ал-Ҳалвоний, Шамс ал-аимма ас-Сарахсий, Абу Зайд ад-Дабусий, Фахр ал-ислом ал-Паздавий, ас-Садр аш-Шаҳид, Абу Ҳафс ан-Насафий, Маҳмуд аз-Замахшарий, Алоуддин ас-Самарқандий, ал-Мутарризий, Бурҳонуддин ал-Бухорий, Фахруддин Қодихон, Бурҳонуддин ал-Марғинонийнинг фикҳ методологияси, фикҳнинг амалий масалалари, ҳадис, ақоид, филология, тафсир ва бошқа соҳаларда яратган юзлаб асарлар номларини келтириш кифоя. Мазкур асарлар орқали Ўрта Осиёнинг бой маданий анъаналари, диний тажрибаси, ҳуқуқий тасаввурлари ислом тамаддуни доирасига киритилди. Бу билан исломнинг тўлақонли, ўз-ўзига етарли, мукаммал минтақавий шаклига асос солинди. Унда умумисломий ва маҳаллий элементлар орасидаги муносабатда ҳамоҳанглик, мутаносибликка эришиб борилди. Мовароуннаҳрлик олимлар ўз илмий изланишлари натижасида юзага келган асарлари билан диний ва дунёвий илмларнинг ривожланишида муҳим рол ўйнаганлар.

Темурий Шоҳруҳ (1405-1447 йиллар) даврида диний таълим тизимининг янгиликлар киритилди. Мазкур тизим баъзи кичик тафсилотларни ҳисобга олмаганда, то XX аср бошларигача ўзгармай келди. Мовароуннаҳр ва Хуросон уламолари яратган асар-дарсликлар унинг негизини ташкил этди. Бу ерда мотуридия-ашъария таълимотлари, ҳанафий фикҳи, аҳл ал-ҳадис тўпламлари, араб филологияси, мантиқ бўйича дарсликлар асосий ўринда турар эди.

Узоқ асрлар ривожланиш жараёнида минтақада ислом дини миллий маданият билан чамбарчас боғланиб кетди. Натижада Ўрта Осиё цивилизацияси доирасида исломнинг тўлақонли, ўзига хос, ҳар тарафлама бой шакли вужудга келди. Унда умумисломий унсурлар билан биргаликда минтақавий миллий хусусиятлар ҳам мавжуд. Юксак даражада тайёргарликка эга маҳаллий уламолар асрлар оша мазкур назарий ва амалий билимлар хазинасини сақлаб келдилар ва уни ўзгарган даврга мослаб турдилар. Бу уламолар муҳити - минтақавий исломнинг муҳим ташкил этувчи қисмидир.

Мавзу бўйича саволлар

1. Тангричилик динининг вужудга келиши ҳақида нималарни биласиз?
2. Тангричилик қадимий туркийлар ҳаётида қандай ўрин тутган?
3. Зардуштийлик қачон ва қаерда вужудга келган?
4. Зардуштийлик муқаддас манбаси қайси ва у ҳақида нималарни биласиз?
5. Монийлик динининг асосчиси ҳақида қандай қарашлар мавжуд?
6. Монийликнинг муқаддас манбалари ҳақида гапириб беринг.
7. Бухоро яҳудийлари Ўрта Осиёнинг асосан қайси шаҳарларида яшаганлар?
8. Яҳудийларнинг биринчи алоҳида маҳалласи қачон ва қаерда вужудга келган?
9. Буддавийлик қандай асосий ёдгорликларини биласиз?
10. Будда ёдгорликлари асосан қайси ҳудудлардан топилган?
11. Марказий Осиёда қандай христианлик оқимлари мавжуд бўлган?
12. Қандай маҳаллий христиан черковларини биласиз?

13. Марказий Осиё жамияти ҳаётида исломнинг ўзига хос хусусиятлари нимада?
14. Марказий Осиёнинг қайси буюк фақиҳларини биласиз?

Мустақил иш топшириқлари

1. Зардуштийликнинг келиб чиқиши ҳақидаги назарияларни атрофлича ўрганиб, шу ҳақда курсдошларингизга маълумот беринг.
2. Буддавийликда муқаддас саналган унсурлар ва уларни эъзозлаш амаллари ҳақида реферат тайёрланг.
3. Шомонликнинг бугунги кундаги қолдиқлари ҳақида гапириб беринг.
4. Мавзу бўйича кўргазмали слайд тайёрланг (MS Power Point).

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
2. Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар // Танланган асарлар. - Т., 1968.
3. Бартольд В.В. О христианстве в Туркестане в домонгольский пери од (по поводу семиреченских надписей) // Соч., т.2. ч.2. - М, 1964.
4. Евреи в Средней Азии. Прошлое и настоящее. - Санкт-Петербург, 1995.
5. Исҳоқов М. Халқ даҳосининг қадимги илдизлари ва илк куртаклари. (Зардуштийлик, Зардушт ва Авесто ҳақида) «Тил ва адабиёт таълими» журналі, 1992. № 2.
6. Ибтидоий динлар ва мифология. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Complex Print, 2019. – 102 б.
7. Марказий Осиё динлари тарихи / Масъул муҳаррир - Ш.Ёвқочев. – Т.: Тошкент Давлат шарқшунослик инсти тути, 2006.

8. Бойс М. Зороастрийцы. Верования и обычаи / Пер. с англ. И.М. Стеблин-Каменского. Послесл. Э.А. Грантовского. 2-е издание, исправленное. - Санкт-Петербург, 1994.
9. Снесарев.Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов узбеков Хорезма. – М.: 1969. – 241 с.
10. Сухарева О.А. Пережитки демонологии и шаманства у равнинных таджиков //Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. – М.: Наука, 1975. – 340 с.
11. Юртимиз алломалари. – Т.: Ниҳол, 2014.
12. Мовароуннахр алломаларининг ҳадис илми ривожига қўшган ҳиссалари. Монография. / Муаллифлар жамоаси. – Т.: Мовароуннахр, 2011. - 280 б.
13. Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. - Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси. – 270 б.
14. Кароматов Ҳ. Ўзбекистонда мозий эътиқодлар тарихи. Монография. – Т.: ЖИДУ, 2008. – 664 б.

4-МАВЗУ. ИСЛОМ ДИНИ ВА УНИНГ АСОСЛАРИ

Режа:

1. Калом илми.
2. Мотуридийлик ва ашъарийлик.
3. Мотуридийлик калом мактаби вакиллари.
4. Исломда имон масаласи.

Таянч тушунчалар: *Ақида, калом, мотуридийлик, ашъарийлик, имон, Аллоҳ, фаришта, пайғамбар, тақдир, қиёмат, жаннат, дўзах.*

Мавзу ўқув мақсади: Талабаларда ислом калом (ақида) илми, мавзуси, моҳияти, имон ва унинг шартлари, баъзи тушунчалар, калом илми мактаби вакиллари ҳақида маълумот бериш.

1. Калом илми. «Калом» сўзи араб тилида гап, суҳбат, тил, сўзлашув, нутқ ва баён маъноларини англатади. Истилоҳий маънода эса, мусулмон кишининг эътиқоди, ақидаси ва дунёқарашини белгилаб берадиган таълимотга айтилади. Бошқача айтганда, балоғатга етган кишининг эътиқоди, имон келтириши, ислом динининг талаблари шаклида тасдиқлаши шаръий эътиқодий ҳукмларга айтилади. Ислом таълимоти бўйича барча пайғамбарларнинг Аллоҳга имон келтиришга даъватлари энг асосий вазифалари деб қаралган. Шундай бўлса-да, уларнинг тутган шариат йўллари турлича бўлганини алоҳида таъкидлаш керак.

Ислом таълимотини Муҳаммад (алайҳис-салом)дан бевосита саҳобийлар ўрганиб, ўзларидан кейинги тобейларга етказишган. Ўз навбатида улар ҳам ўзларидан кейингиларга етказган. Шу тариқа ислом таълимоти соф ҳолда ҳозирги кунгача етиб келган. Бироқ тарих мобайнида одамлар мавжуд диний матнларни турлича талқин қилишлари натижасида турли оқимлар ва тоифалар пайдо бўлганини кўрамиз. Айни дин масаласида юзага

келган нотўғри тасаввур ва тушунчалар хато эканини кўрсатиб берадиган олимлар ҳам пайдо бўлиб, улар ислом таълимотини тўғри тушунтириб берадиган фанга асос солдилар. Мазкур фанни турли даврларда «ал-фикҳ ал-акбар», «тавҳид», «ақида», «калом», «усул ад-дин» каби бир қанча номлар билан аталди. Шундан маълум бўладикки, номлар турлича бўлса-да, уларнинг ҳаммаси бир мавзунини, яъни ақида илмини ўрганиш ва тадқиқ этишга қаратилган.

«Ал-Фикҳ ал-акбар» атамасини биринчи бўлиб имом Абу Ҳанифа кўллаб, айна шу мавзуга бағишлаб бир рисола ёзади. Чунончи, «фикҳ» сўзи бирор нарсани ҳар томонлама ўрганиб, унинг дақиқ қирраларигача фаҳмлаб етиш маъносини билдиради. Шунингдек, намоз, рўза, ҳаж, никоҳ ва бошқа амалий ҳукмларни ўрганувчи илмни ҳам фикҳ деб аталади. Шунинг учун ақидавий масалаларни ўрганувчи илмни «Ал-Фикҳ ал-акбар», яъни «катта фикҳ», амалий фикҳ ни эса кичик фикҳ деб юритиладиган бўлган. Яна бир «усул ад-дин»да шариат ва диндан олинган эътиқодий ҳукмларни ўрганилиб, диндаги асл ҳукмларни тадқиқ этилади. Бир қатор олимлар шу ном остида ўз китобларни таълиф этганлар. «Тавҳид» илмида Аллоҳнинг ягоналигини ва Унинг сифатларини ўрганишга эътибор берилади. Бу илм асосида Аллоҳ таолони яккаю ягона деб билиб, Унинг сифатларини шарҳлаб тушунтиришга кўпроқ аҳамият берилади. Зеро, мусулмон киши ақида борасида ўзига зарур бўлган дастлабки билимга эга бўлиши керак. Бу дастлабки илм Аллоҳ таолонинг ваҳдонияти, яъни яккаю ягоналигига имон келтириш ва уни ўрганишдан иборат. Яна бу атама «калом илми» деб юритилади. Ислом динига оид манбаларда уни ақида илмининг энг машҳур номларидан бири сифатида келтирилади.

Ислом таълимотини ўрганишда энг кўп қўлланган атама «ақида» (кўп. ақоид) бўлиб, бу ном бошқаларидан кейинроқ, X асрда пайдо бўлган. «Ақида» сўзи бир нарсани иккинчисига «махкам боғлаш» маъносини беради. Ислом ақидаси мусулмон кишини муайян тушунчалар билан мустаҳкам боғлаб турадиган

ақидалар йиғиндиси ҳисобланади. Яъни, бирор нарсага эътиқод қилиш учун уни ҳеч қандай шубҳа қолдирмайдиган даражада жуда яхши билиш керак. Муайян бир фикрни инсон фикрига айланиб, ҳис-туйғулари ва хатти-ҳаракатларини бошқарадиган ҳолга етгандагина ақидага айланган, деб тан олинади. Ақида илми тўғри, соғлом ва соф эътиқодда бўлишни таъминлашга қаратилган. Диндаги айрим шаръий ҳукмлар макон ва замон тақозосига кўра, муайян даражада ўзгаришга учраши мумкин. Аммо мусулмон олимлар ўз асарларида соф ва мустаҳкам эътиқод ҳеч қачон ўзгаришга учрамаслигини таъкидлаб ўтганлар. Чунончи, Аллоҳ таолонинг яккаю ягоналиги, фаришталар, жаннат ва дўзахга имон келтириш каби эътиқодга оид қарашлар замон ва маконга қараб ҳеч қачон ўзгармайди. Инсон ақидаси тўғри бўлмаса унинг инсоний фазилатлари ҳам тўғри ҳисобланмайди. Шу нуқтаи назардан айтиш керакки, мусулмон кишининг тутган ақидаси пок бўлса, унинг тутган йўли ҳам тўғри бўлади, қилган барча амаллари ижобат бўлади ва бандалик туфайли содир этган баъзи гуноҳлари афв этилади. Бироқ кишининг ақидаси соф бўлмаса, унда бирон хатолик бўлса, тутган йўли ҳам нотўғри бўлади, ҳаёт давомида қилган амаллари беҳуда кетади. Ақида илми ислом динининг асосини ташкил этади. Шу боис ҳам Сўфи Аллоҳёр:

Ақида билмаган шайтона элдур,

Агар минг йил амал деб қилса, елдур! -деб, бу илмнинг аҳамиятига алоҳида ишора қилган эди.

Ушбу ҳикматли байт бугунги кунгача ўз қадрини сақлаб келмоқда. Эътиқоди бузуқ кишилар тарихда ҳам, ҳозирда ҳам шайтонга эл бўлиб, унга эргашиб, унинг измида юришда давом этмоқда. Улар ўзларининг адашгани етмаганидек, бошқаларнинг эътиқодларини издан чиқариши ўта хатарлидир.

Ақида мавзуси ўта ҳассос бўлганидан ер юзидаги энг биринчи пайғамбардан бошлаб, охирги Муҳаммад пайғамбар (алайҳис-салом)гача Аллоҳ толонинг Ўзи эътиқодий масалалар бўйича кўрсатмаларини берган. Шунинг учун ақидавий

қарашларнинг асоси Қуръони карим ва ҳадиси шарифларда келтирилган ва муайян тартибга солинган. Саҳобийларнинг тириклик пайтидаёқ одамлар ўртасида ақидавий қарама-қаршилик ва келишмовчиликлар юзага келганини кўриш қийин эмас. Ислом динида ақидавий ихтилофлар тўртинчи хулафои рошидин Алининг кўшинидан ажраб чиққан, ақида масаласида бир неча шубҳали саволларни ўртага ташлаган хорижийлар туфайли бошланди. Улар Ҳазрати Али ва Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.) билан ақида масаласида ихтилофга боришди.

Саҳобийлар даври тугаганидан кейин тобейлар даврига келиб вазият янада кескин тус олди. Чунки бу даврда дин илмларини, айниқса, ақидани билувчи кишилар олдингига нисбатан анча камайиб, соф ақидавий қарашларга қарши турли ботил ғояларни илгари сурган фирқа ва тоифаларнинг тарқалиши авж олди. Улар ўзларининг исломга ёт бўлган фикр ва қарашлари, эътиқодларини оммага тарқатиб, тўғри ақидани нотўғри талқин қилиш йўлидан бордилар. Шунингдек, янги эгалланган юртлардаги халқларнинг исломдан олдинги диний қарашлари ва фалсафалари, ўз тушунчалари ва тафаккур йўллари мавжуд бўлган. Шу сабабдан уларнинг ислом таълимотини тушуниб олишлари жуда қийин кечганига тарихий далиллар гувоҳлик беради. Бинобарин, Қуръон оятлари ва ҳадисларни баъзи вақтларда ўзларининг исломдан олдинги таълимотлари андозасига солиш ҳолатлари учрайди. Ислом динига ёт бўлган турли гуруҳ ва жамоаларнинг уни бузиб талқин қилиш натижасида уларга раддия сифатида олимлар калом, яъни ақида илмига асос солдилар. Шу тариқа бу илм тури мусулмонлар учун зарур соҳага айланди. Зеро, ҳар бир мусулмон тўғри ақидани билиши шарт деб ҳисобланадиган бўлди. Машҳур мутакаллим олим Саъдуддин Тафтазоний «Мақосид ат-толибин» асарида: «Калом илми диний ақоид усулларини ишончли далиллар асосида англашни ўргатадиган илмдир. Шу илм туфайли шаръий, назарий, ақидавий масалалар ҳал қилинади. Унинг натижаси имонга комил ишонч билан зийнат бериш, фойдаси эса бу дунёда

тартибли ҳаёт кечириш ва охиратда азоб-укубатдан халос бўлишдир. Шундай экан, калом илми энг шарафли илмдир», деб келтиради. Хужжатул ислом Абу Ҳомид Ғаззолий ўзининг «Ихё улум ад-дин» номли асарида: «...Чуқур билимга эга бўлмаган оддий мусулмонларнинг диний эътиқодларини турли бидъат ва нотўғри ғоялардан сақлаш учун калом илмини ўрганиш вожибдир», деб келтиради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ақоид ёки калом илмининг вазифаси: а) диний эътиқодларни қатъий далиллар билан исботлаш ва улар ҳақидаги шубҳа ҳамда гумонларни рад қилиш; б) инсонни ақидада оддий тақлидчи бўлишдан ҳар бир эътиқодга хужжат келтира олиш даражасига кўтариш; в) исломнинг соф эътиқодларини адашган залолат аҳлининг шубҳа ва гумонларидан ҳимоя қилиш.

2. Мотуридийлик ва ашъарийлик. Мутакаллимлар Қуръон оятлари, ҳадислар ва саҳобийларнинг тутган йўли асосида ақида масалаларини муфассал баён этиб берганлар. Ақида борасида фаолият олиб борган олимлар орасида Абу Мансур Мотуридий ва Абул Ҳасан Ашъарий алоҳида ўрин эгаллайди. Бу олимлар Аҳли сунна вал жамоа ақидаси бўйича Имом деб тан олиндилар. «Аҳли сунна вал жамоа» тўрт фикҳий мазҳабдан бирига амал қилиб келаётган бўлсалар, ақидавий масалада мотуридийлик ва ашъарийликнинг ақидавий таълимига асосланади. Бунга кўра, ҳанафий мазҳаби мотуридийлик, моликий, шофеий ва ҳанбалий мазҳаби ашъарийлик таълимотида деб қаралади. Шу ўринда бу икки мактаб вакиллари ҳақида бироз маълумот бериб ўтиш ўринлидир. Мотуридийлик ақидавий мактаб асосчиси буюк калом имоми ва факих Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд Ҳанафий Мотуридий Самарқандий (853-944) бўлиб, у асли Самарқанднинг Мотурид қишлоғида (ҳозирги Жомбой туманида жойлашган) дунёга келган ва таҳаллуси шу қишлоққа нисбатан олинган. Абу Мансур Мотуридий дастлабки таълимни ўз қишлоғида олиб, кейинчалик

Мовароуннахрнинг ўша даврдаги диний ва маърифий маркази бўлган Самарқандда давом эттиради. Мотуридий Абу Бакр Аҳмад Жузжоний, Абу Наср Аҳмад Иёдий, Имом Аъзам мазҳабидаги буюк олим Наср ибн Яҳё Балхий, Муҳаммад ибн Фадл кабиларни ўзининг устози деб билган. Мотуридий фикҳ ва калом масалаларига қизиқиб, ўз замонасининг таниқли ханафий мазҳаби олимларидан сабоқ олади. Шу вақт давомида кўплаб машҳур фақиҳлар ва муҳаддислар билан мулоқотда бўлиб, баҳс-мунозаралари билан танилади ва шу соҳага оид асарлар ёзиб қолдиради. Бундай асарлар қаторига «Китаб ат-Тавҳид», «Китаб ал-мақомат», «Китаб рад авоил ал-адилла ли-л-Каъбий», «Китаб ал-усул», «ар-Радд ала усул ал-Қаромита», «Китаб таъвилот аҳли сунна» ва бошқаларни келтириш мумкин.

Бугунги кунга қадар Абу Мансур Мотуридийнинг кўплаб асарлари сақланиб қолмаган, улардан етиб келганлари эса асосан хорижий мамлакатларнинг кутубхона ва қўлёзма фондларида сақланади.

Имом Мотуридийнинг «Китаб таъвилот аҳли сунна» (бошқа бир номи «Таъвилот ал-Қуръон») асарида сунний ақидага зид қарашларни рад этиш йўлидан боради ва Абу Ҳанифанинг қарашларига суянган ҳолда соф ақида йўлини тутди. Мотуридийнинг шу биргина асари кейинги даврларда яшаган кўп алломаларнинг асарларига хамиртуруш вазифасини бажарди.

Мусулмон олимлар ақида масаласида асосан икки манбага таянганлар: биринчиси нақлий далиллар, яъни Қуръон оятлари, ҳадислар ва уларга қўшимча тарзда саҳобий ва тобейлар ижмоси (мужтаҳид олимларнинг бирор фикрга иттифоқ қилиши) ҳамда ижтиҳод (олимнинг бирор масаладан шарий ҳукм олиш учун қилган уриниши)ларидир. Иккинчиси эса, ақлий далиллар. Имом Мотуридий ҳам нақлий, ҳам ақлий далилларни уйғунлаштирган ҳолда илмий хулосалар чиқарганига дуч келамиз. Чунончи, кўпчилик одамларнинг ақл-тафаккури кўп ҳолларда нақлий далилларни қабул қила олмаганидан имом Мотуридий ўз ўрнида ақлий далиллардан ҳам фойдаланган. Шунини ҳам алоҳида

таъкидлаш лозимки, мотуридийлик (ашъарийлик ҳам)да ҳам ақлий далиллар нақлий далиллардан кейинги ўринга қўйилади. Ўша даврда мўътазилийлар нақлий далиллардан олдинга ақлий далилларни қўйиб, агар ақлий далил нақлий далилга, яъни оят ва ҳадисларга қарши чиқса, уларни инобатга олмаганлар.

Имом Мотуридийнинг асосий хизматлари шундан иборатки, ўша даврдаги ақидада адашган оқимларнинг салбий таъсирининг олдини олиш, уларнинг қарашларига қарши асосли ва кучли далиллар келтириб раддия бериш, ҳақиқий ислом ақидасини ҳимоя қилиш, жаҳолатга қарши маърифат билан жавоб бериш, шу билан бирга мусулмонлар учун ақида борасида асосли қўлланмалар яратиш ва тарқатишдан иборат бўлган дейиш мумкин.

Имом Мотуридий кўплаб шогирдлар етиштирди, улар ўз устозларининг таълимотини давом эттиришгани туфайли ҳанафий мазҳабида калом илм бўйича мактаб вужудга келганини кўриш мумкин.

Мотуридий «Имом ал-ҳуда» (ҳидоят йўли имоми) ва «Имом ал-мутакаллимин» (мутакаллимлар имоми) каби номлар билан довруқ қозонган.

Ашъарий таълимотининг асосчиси Абул Ҳасан Али ибн Исмоил ибн Исҳоқ ибн Солим ибн Абдуллоҳ ибн Мусо Абу Мусо Ашъарийдир (873-941). У бошланғич сабоқларни ўз отасидан олади, кейинчалик ўз замонасининг таниқли олимлари Абу Исҳоқ Марвазий ва Ибн Сурайждан фикҳ илмини ўзлаштиради, Закариё ибн Яҳё Сожийдан ҳадис илмини ўрганади. У тахминан қирқ ёшларидан кейин Боғдодга кўчиб келиб, умрининг охиригача шу шаҳарда яшаб қолади. У умри давомида юзга яқин асарлар ёзган бўлиб, улардан «ал-Фусул фи-р-радд ала-л-мулҳидин», «ар-Радд ала-л-мужассима», «Изоҳ ал-бурҳон фи-р-радд ала аҳл аз-зайғ ва-т-туғён», «ан-Нақс ала-л-Жуббой», «Мақолот ал-мулҳидин», «Тафсир Абу-л-Ҳасан», «Имомат Абу Бакр Сиддиқ» китоблари илм аҳлининг назарига тушган. Имом Ашъарий ақийдавий далил-исбот келтиришда нақлдан ва ақлдан фойдаланиб, ақлий ва

мантикий далиллардан хужжат сифатида фойдаланади. Шунингдек, фалсафий масалалардан ҳам ўз ўрнида истеъфода этганига дуч келиш мумкин. Чунки Ашъарий мўътазилий, файласуф, қарматий, ботиний, рофизий ва бошқаларга раддиялар бергани билан ақида илми соҳасида танилган алломалардан биридир.

Абул Ҳасан Ашъарий аҳли суннат ва жамоанинг ашъария эътиқодий таълимотини тарқатаётган вақтда Самарқандда Абу Мансур Мотуридий ҳам мотуридия таълимотига асос солган эди. Бу икки имом бир вақтда яшаб, бир-бирлари билан учрашмаган бўлса-да, уларнинг ақидавий қарашлари деярли бир хил. Бу икки аллома қарашларида айрим масалаларда лафзий ихтилофлар кўзга ташланса-да, уларнинг асл мақсади бир-биридан фарқ қилмайди. Бошқача айтганда, икки таълимот орасидаги баъзи ихтилофлар лафзий бўлиб, моҳиятан бир-бирини қўллаб-қувватлайди. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, бу икки аллома ўзаро бир-бирини адашганликда ёки бидъатчиликда айбламайди ҳамда ўзаро бир-бирларини «аҳли сунна вал жамоа» деб эътироф этадилар.

Ашъарий ва мотуридийлик орасидаги асосий фарқ имон масаласига бориб тақалади. Мотуридий таълимотига кўра, имон тил билан иқрор бўлиб, дил билан тасдиқлашдан иборат, аммо амал имон таркибига киритилмайди. Ашъарийликда эса, имонга амални ҳам қўшилади. Шу сабабдан мотуридийлик тарқалган юртларда имон келтирган киши мусулмон ҳисобланади, аммо амал қилмагани учун гуноҳкор бўлади, деб юритилади.

Ўрни келганда айтиб ўтиш лозимки, манбаларда «мотуридия мазҳаби», «ашъария мазҳаби» деган атамалар учраб туради. Бундан имом Мотуридий имом Абу Ҳанифанинг ақидага доир таълимотини ривожлантирган бўлса, Имом Ашъарий имом Шофеийнинг эътиқодий қарашларини такомиллаштирди, деган фикрга келиш мумкин. Ҳозирги кунда мотуридийликка ҳанафий мазҳаби йўлини тутганлар эргашса, ашъарийликка моликий, ҳанбалий, шофеий мазҳабидагилар амал қиладилар.

Мазкур икки алломанинг таълимотлари ислом оламида кенг тарқалди ва асрлар давомида мусулмонларни соф эътиқодда бардавом бўлишига, оят ва ҳадисларнинг маъноларини тўғри англаб, ҳаётга тадбиқ этиб келишларига, эътиқоди нотўғри турли оқимлар таъсирига тушиб қолмасликка сабабчи бўлди. Абу Мансур Мотуридий ва Абул Ҳасан Ашъарийларнинг соф ақидани мусулмонларга етказишдаги хизматлари беқиёс бўлиб, уларнинг ақидавий таълимотига ҳозиргача мусулмонлар томонидан алоҳида эътибор билан амал қилиб келинмоқда. Улар ўз асарларида ислом ақидасини ёритиш баробарида адашган оқимларга раддиялар ҳам берганлар. Шу боис Имом Мотуридий «хидоят имоми» деб юритилса, имом Ашъарий «аҳли сунна ҳомийси» деган номга сазовор бўлганлар.

3. Мотуридийлик калом мактаби вакиллари.

Мотуридия таълимоти вакилларига Мовароуннаҳрда фаолият олиб борган бир қанча олимларни мисол келтириш мумкин. Уларнинг орасида Абул Муин Насафийнинг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Абул Муин Маймун ибн Муҳаммад Макхулий Насафий 1046 йили Насаф воҳасида зиёли оилада таваллуд топган. Дастлабки таълимни отасидан олган. Насафийнинг бобоси Абул Мутиъ Макхул ибн Фазл Насафий (ваф. 930 й.) ўз даврининг машҳур мутакаллим ва мутасаввиф олими ҳисобланган. Абул Муин Насафийнинг фикҳ илмига оид асарлари ҳам мавжуд. У 1114 йилда вафот этган. Алломанинг қабри Қарши туманидаги Қовчин қишлоғида жойлашган. У умри давомида ўндан ортиқ асарлар ёзиб қолдирган. Олимнинг асарлари орасида «Табсират ал-адилла», «ат-Тамҳид ли қавоид ат-тавҳид» («Тавҳид қоидаларига муқаддима») ва «Баҳр ал-калом» («Калом илми уммони») каби асарлари бизгача етиб келган.

Абул Муин Насафий асарлари орасида «Табсират ал-адилла» энг муҳим ва асосийси ҳисобланади. Асарнинг тўлиқ номи «Табсират ал-адилла фи усул ад-дин ала тариқати Аби

Мансур ал-Мотуридий» («Абу Мансур Мотуридий тариқатига биноан дин усулларини аниқ далиллар билан шарҳлаш») деб номланади. Абул Муин Насафийнинг ушбу асарини ёзишига ўша даврда мотуридия таълимоти бўйича «Китоб ат-тавҳид» дан кейин биронта ҳам йирик асар бўлмагани сабаб қилиб кўрсатилган. У «Табсират ал-адилла» асарини ёзиб тугатгач, унга хотима ва фикҳист сифатида «Тамҳид» ва «Баҳр ал-калом» асарларини ёзган.

Яна бир олим Абу Ҳафс Насафий номи билан танилган Нажмуддин Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Исмоил Насафий (1068–1142) бўлиб, баъзи манбаларда унга «Мотуридий» нисбаси берилгани қайд этилган. Бу эса унинг Имом Мотуридийнинг маънавий шогирди ва мотуридия таълимотининг давомчиси эканидан дарак беради. Зеро, Абу Ҳафс Насафий ўзининг «Китоб ал-қанд фи зикри уламои Самарқанд» («Самарқанд олимларини зикр этиш бўйича қанддек (ширин) китоб») асарининг бир қанча ўринларида Имом Мотуридий номини ўзининг маънавий устози сифатида ҳурмат билан тилга олади. Шунингдек, Абу Ҳафс Насафий ўзининг «Ақоид ан-Насафий» («Насафий ақидалари») асарида мотуридия таълимоти қарашларини акс эттирган.

Абу Ҳафс Насафийга «Мотуридий» нисбаси берилишига унинг Имом Мотуридий юрти Самарқандда умрининг асосий қисмини ўтказганини ҳам сабаб қилиб кўрсатилади. Жумладан, ўрта аср аллома ва машҳур кишиларининг нисбаларини ёритиб берувчи «Китоб ал-ансоб» («Насаблар китоби») номли қомусий асар муаллифи Абу Саъд Самъоний (ваф. 1167 й.) бу алломани Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад Насафий Мотуридий, деб атаган.

Нажмуддин Насафий ўрта аср шарқ олимларига хос қомусий билим соҳиби бўлиб, замонасининг машҳур тарихчиси, фақиҳи, муфассири, тилшуноси, географи, файласуфи ҳамда шоири бўлган. Унинг ёзган асарлари мундарижаси ниҳоятда кенг ва ранг-баранг бўлиб, бир қисмигина бизгача етиб келган. Нажмуддин Насафий тилшунослик, тарих, фикҳ каби илмларга

бағишлаб юздан ортиқ асарлар яратган. Абу Саъд Самъоний Абу Ҳафс Насафий билан мактублар орқали илмий мулоқотда бўлиб турган. Ҳозирги маълумотларга кўра, унинг бизгача ўнтача китоби етиб келган. Айниқса, мотуридия калом мактабига оид «Ақоид ан-Насафий» асари катта шуҳрат қозонган. У мотуридия таълимотида Абул Муин Насафийнинг «Табсират ал-адилла» асаридан кейинги ўринда туради. Нажмуддин Насафийнинг фалсафа ва ақоидга доир кўплаб асарлари мавжуд бўлган. Айниқса, унинг «Манзумот ан-Насафий фи-л-хилофиёт» («Ихтилофлар ҳақида Насафий манзумаси») номли шеърий асари машҳур бўлган.

Кейинги олим Садр ал-ислом Абул Юср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Абдилкарим Паздавий 1030 йилда туғилган. Дастлабки таълимни отаси Абул Ҳасан Муҳаммад Паздавийдан олган. Бобоси Абдулкарим ибн Мусо, Имом Мотуридий шогирдларидан бири бўлиб, унга устозлик ҳам қилган. Бундан ташқари, Паздавий бир қанча ҳанафий олимлардан ҳам таҳсил олгани манбаларда айтилган. Паздавийнинг устозлари орасида Абу Яъқуб Юсуф ибн Муҳаммад Нишопурий ва Абул Хаттоб каби олимларнинг хизмати катта бўлган. Абу Ҳафс Нажмуддин Умар Насафий ва Абул Муин Насафий Паздавийнинг энг машҳур шогирдлари ҳисобланган. Манбаларда қайд этилишича, у 1099 йилда Бухорода вафот этган.

Паздавийнинг асарлари орасида «Усул ад-дин» («Дин асослари») асари муҳим аҳамият касб этади. Мазкур асар 96 масаладан ташкил топган ва мазмун-моҳиятидан аҳли сунна вал жамоа йўналиши ва мотуридия мактаби қарашларининг моҳиятини очиқ бериш ва Мовароуннаҳрда тарқалган бидъат ва хурофотлар жамоаси (аҳл аз-зайғ вал бедаъ) таъсирини камайтириш мақсадида ёзилган. Шунингдек, Паздавий Имом Муҳаммад Шайбонийнинг «ал-Жомиъ ас-сағир» («Кичик тўплам») асарига шарҳ сифатида «Таълиқот» («Шарҳлар») ҳамда фикҳга оид «ал-Воқиот» («Воқеалар») ва «ал-Мабсут» («Кенг маънолар») асарларини ёзиб қолдиради. Паздавий

Мовароуннаҳрда, айниқса, Бухорода ханафий мазҳаби ҳамда мотуридия калом мактаби ривожда улкан хизмат кўрсатган олим ҳисобланган.

Аллома Алоуддин Самарқандий ҳам мотуридия таълимотининг йирик намояндаси Абул Муин Насафийнинг энг яқин шогирдларидан бўлиб, фикҳ соҳасида улкан муваффақиятларга эришган олимдир. Унинг тўлиқ исми Муҳаммад ибн Аби Аҳмад Абу Бакр Алоуддин Самарқандий бўлиб, туғилган йили ҳақида манбаларда маълумотлар учрамайди. Шундай бўлсада, олимнинг вафоти кўп манбаларда 1143 йил деб кўрсатилган.

Алоуддин Самарқандий Абул Муин Насафийдан фикҳ ва калом илмларини ўрганган ва шу асосда ўзининг фикҳга оид «Тухфат ал-фуқаҳо» («Фақиҳлар тухфаси») номли машҳур асарини ёзиб қолдиради. У нафақат фикҳ, балки калом ҳамда тафсир илмлари борасида ҳам самарали ижод қилиб, мотуридия калом мактабини кўллаб-қувватлаган. Натижада Абу Мансур Мотуридийнинг «Таъвилот аҳли сунна» («Аҳли сунна таъвиллари (тафсири)») номли тафсирига «Шарҳ таъвилот аҳли сунна» («Таъвилот аҳли сунна тафсири») номли шарҳини битади.

Алломанинг ушбу шарҳни ёзишида Абул Муин Насафийнинг хизмати ниҳоятда катта. Чунки Алоуддин Самарқандийнинг ўзи Насафий билан Мотуридийнинг «Таъвилот» асарини бирга мутолаа қилганини ва Насафий жоиз, деб топган ўринларга шарҳ ёзиб илова қилиб боргани ва кейинчалик ушбу шарҳларни алоҳида китоб ҳолига келтиргани ҳақида маълумот беради. Шунингдек, Алоуддин Самарқандий Абул Юср Паздавийдан ҳам илм ўрганган. Унинг энг яқин шогирди ўз қизи Фотима бинт Алоуддин бўлган. Фотима бинт Алоуддин машҳур фақиҳа олима даражасига етиб борган. Алоуддин Самарқандий қизини ўзининг яқин шогирди Алоуддин Абу Бакр ибн Масъуд ибн Аҳмад Косонийга никоҳлаб берган. Косоний устозининг «Тухфат ал-фуқаҳо» асарига шарҳ тарзида «Бадоиъ ас-саноиъ фи тартиб аш-шароиъ» («Шариат тартибида

ажойиб санъатлар») номли китобини ёзган. Косоний Абул Муин Насафийнинг шогирдларидан бирidir.

Иброҳим ибн Исҳоқ Саффор Бухорий (ваф. 1139 й.) Абул Муин Насафийдан Бухорода калом илмидан таълим олган мотуридия калом мактаби вакилидир. Дастлаб у ўзининг «Рисола фиҳа масоил суила анҳа аш-Шайх ас-Саффор фа ажаба анҳа» («Шайх ас-Саффор жавоб берган масалалар ҳақида рисола») номли рисоласини ёзган. Ушбу рисолада Абу Мансур Мотуридийнинг қарашларига кнг тўхталган. Олим бухороликлар учун калом илми бўйича «Китоб талхис ал-адилла ли қавоид ат-тавҳид» («Тавҳид қоидаларига оид далилларнинг қисқача баёни») номли ўқув қўлланмасини яратади. Нуриддин Аҳмад ибн Маҳмуд ибн Аби Бакр Собуний (ваф. 1184 й.) ҳам Иброҳим Саффор билан Бухорода мотуридия калом мактабининг кенг тарқалишида жонбозлик кўрсатган олимлардан бирidir. У Абул Муин Насафийдан калом илмини ўрганган. Нуриддин Собуний Бухорода ашъария мактаби вакили Фаҳруддин Розий билан мулоқотда бўлади. Олимнинг «ал-Бидоя фи усул ад-дин» («Бошланғич дин асослари») номли ўқув қўлланмаси ҳозирга келиб кадр-қимматини йўқотмагани боис кўп мартаба нашр этилди.

Яна бир олим Абул Фатҳ Алоуддин Муҳаммад ибн Абдилҳамид ибн Умар ибн Ҳасан ибн Ҳусайн Самарқандий Асмандий бўлиб, у 1095 йили Самарқанд атрофидаги Асманд шаҳрида дунёга келган. Бу шаҳар Усманд ёки Саманд деб ҳам аталган. У «Тухфат ал-фуқаҳо» асари муаллифи Алоуддин Муҳаммад ибн Аҳмад Самарқандий билан чалкаштирилгани боис, манбаларда унга Асмандий нисбаси ҳам кўшиб аталади. Асмандий Ашраф ибн Муҳаммад Алавийдан фикҳ илмини ўрганган, «ас-Садр аш-шаҳид» номи билан машҳур Бурҳон ал-аимма Умар ибн Абдулазиз ибн Моза Бухорийдан (ваф. 1142 й.) ҳадис ривоят қилган, Али ибн Умар Ҳарротдан ҳадис илмини ўрганган. Асмандий Абул Муин Насафийнинг илмий меросидан калом илмига оид асарларини ёзишда фойдаланган. У Абул Муин

Насафий асарларини замондоши Алоуддин Самарқандийдан ўрганган. Асмандийнинг калом илмига оид биргина асари ҳақида маълумотлар бор. Баъзи манбаларда унинг номини «Лубоб ал-калом» («Дақиқ калом илми») деб аталган бўлса, баъзи манбаларда «ал-Ҳидоя фи усул ал-эътиқод» («Эътиқод асосларида ҳидоятга эришиш») ёки «ал-Ҳидоя ва-л-калом» («Ҳидоят ва калом илми») деб келтирилган. Ушбу асар калом борасида ёш тадқиқотчиларга йўлланма бериш учун ёзилган. Ҳанафий фақиҳлари орасида ўзига хос обрўга эга аллома XII асрда Мовароуннаҳрда калом илми ривожига салмоқли ҳисса қўшган ва 1157 йил Бухорода вафот этган.

4. Исломда имон масаласи. Имом Мотуридий, имом Таҳовий, Абул Муин Насафий ва бошқа олимлар томонидан ёзилган асарларда «имон» масаласи алоҳида ўрганилган, чунки у калом илмининг энг нозик ва асосий мавзуларидан бири ҳисобланади. Чунки имон исломнинг биринчи шарти ҳисобланади. Имонга берилган таъриф орқали банданинг хатти-ҳаракати хусусида ҳукм чиқарилган. Исломда адашган экстремистик, террористик ва ақидавий оқимларнинг аксарияти имон масаласида хатога йўл қўйиб, ўз шубҳаларини кенг халқ оммаси орасида ёйишга ҳаракат қиладилар.

Юқорида келтирилган олимлар ақида мавзусини тўрт қисмга ажратиб ўрганганлар: илоҳиёт, нубувват, кавниёт ва самъиёт. «Илоҳиёт» илоҳ ва Унга оид масалалар ҳақида баҳс юритади. «Нубувват»да ваҳий, пайғамбарлик ва уларга тегишли масалалар, кавниётда эса, борликдаги мавжудотлар – инсон, фаришта, жин ва сабабият қонунлари ҳақида баҳс юритилади. Самъиёт эшитиш билангина собит бўладиган ақидалар ҳақида баҳс юритади. Булар асосан ғайб оламига тегишли масалалар бўлгани учун бу турни «ғайбиёт» ҳам дейилади. Ислом беш асосга қурилган. Улар: имон, намоз, закот, рўза ва ҳаж. Булар исломнинг рукни (фарз) ҳисобланади. «Имон» сўзи ишонмоқ, тасдиқламоқ маъноларини билдириб, истилоҳда, калимаи шаҳодатни айтиш, яъни «Ла илаҳа

иллалоху Муҳаммадун Расулуллоҳ» («Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, Муҳаммад унинг расули»)ни тил билан айтиш ва дил билан тасдиқлашдир. Буни чин дилдан айтган киши мусулмон ҳисобланади.

Абу Мансур Мотуридийнинг фикрича, инсоннинг қалбида имон худди осмонда ой ягона бўлгани каби ягона бўлади. Агарда у камайса, яримта, кўпайса бир ярим ёки иккита бўлиши керак. Бу эса ҳақиқатга зиддир. Имоннинг фақат қалбдаги нури яхши амаллар сабабли ёруғлашиши ва имоннинг нури хиралашишига олиб келади.

Ҳадисларда имоннинг етти шарти мавжудлиги қайд этилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

1. Аллоҳнинг борлиги ва бирлиги, Қуръон ва ҳадисларда баён қилинган барча исм ва сифатларига ишониш, унинг барча буйруқларини қабул қилиш ва барча қайтариқларидан тийилиш.

Тарихда уламолар Аллоҳнинг борлиги ҳақида алоҳида тўхталиб, далил келтирмаганлар. Зеро, у даврларда Худонинг борлигига шубҳа бўлмаган ва унга барча ишонган (яъни, худо йўқ деган тасаввур бўлмаган). Аммо кейинги даврларга келиб Худонинг борлигига ишонмайдиганлар чиққандан кейин олимлар бу мавзунини ҳам ақида китобларига киритганлар ва у ақиданинг бош мавзусига айланган. Чунончи Аллоҳнинг борлигига имон келтирмаган кишига ақида мавзусини тушунтиришнинг фойдаси йўқ.

Қуръонда: **«Ёки улар ҳеч нарсадан (яъни, Яратувчисиз) яралиб қолганмилар?! Ёки улар ўзлари яратувчимилар?! Ёки осмонлар ва Ерни ҳам улар яратганми?! Йўқ! Улар (барибир) имон келтирмаслар»** (Тур, 35-36), дейилган ва Худонинг борлигига ишонмайдиганларга дунё ўзидан-ўзи яралиб қолиши мумкин эмаслиги айтилган. Ақида илмида Аллоҳнинг ягоналиги масаласи алоҳида аҳамиятга молик мавзулардан биридир. Буни «тавҳид» дейилади. Тавҳид луғатда бирор нарсага бирлик ва ягоналикни нисбат беришдир. Истилоҳий маънода Аллоҳга ширк келтиришнинг турли шаклларида воз кечиш,

Аллоҳнинг зотида, сифатида, ишларида, исмларида, ҳукмларида ҳам шериги йўқ деб, эътиқод қилишга айтилади. Аллоҳнинг шериги йўқлиги борасида Қуръон оятлари ва ҳадисларда кўплаб мисоллар мавжуд. Бу оятларда Аллоҳнинг шериги бўлганида коинотдаги тартиб бузилиб кетиши кўрсатилган. Жумладан: **«Агар иккиси (Ер ва осмон)да Аллоҳдан ўзга илоҳлар бўлганида, ҳар иккиси бузилиб кетган бўлур эди. Бас, Арш эгаси бўлмиш Аллоҳ улар сифатлаётган (шериклардан) покдир»** (Анбиё, 22), **«Аллоҳ фарзанд тутган эмас ва У билан бирга бирор илоҳ ҳам бўлган эмасдир. Акс ҳолда, ҳар бир илоҳ ўзи яратган нарса билан (кибрга) кетиб, бир-биридан устун бўлиб олур эди (натижادا Еру осмон бузилиб кетган бўлур эди). Аллоҳ улар васф этаётган нарсадан покдир»** (Муъминун, 91) оятларини келтириш мумкин.

Ислом динида Аллоҳга ишонган киши унинг исми ва сифатларига ҳам имон келтириш шарт қилиб қўйилади. Қуръонда: **«Аллоҳнинг чиройли исмлари бордир. Уни ўша (исм)лар билан атагиз!»** (Аъроф, 180), **«Унинг гўзал исмлари бордир»** (Ҳашр, 24) дейилган. Бу исм ва сифатлар орқали Аллоҳ ҳақида билимларга эга бўлинади. Барча уламоларнинг фикрига кўра, Аллоҳ исмларини ўрганишдан мақсад Унга лойиқ бўлмаган сифатларни бермасликдир. Шунингдек, «Аллоҳнинг тўқсон тўққизта исми бор»лиги ҳақидаги ҳадисни муҳаддислар ривоят қилганлар. Имом Абу Ҳанифа ўзининг «ал-Фикҳ ал-акбар» асарида Аллоҳ ҳақида шундай деган: **«У ўзи яратган нарсалардан бирортасига ўхшамас. Унга ҳам бирор нарса ўхшаш эмас. Ўзининг зотий ва феълий сифатлари билан азалдан бор бўлган ва абадий бор бўлур. Зотий сифатлари – ҳаёт, қудрат, илм, калом, эшитиш, кўриш, ирода. Феълий сифатлари – халқ этиш, яшаш ва бошқа шу мазмунга далолат қилувчи сифатлар. У ўзининг барча исм ва сифатлари билан биргаликда доим бўлган ва абадий бўлажак. Унга бирор исм ёки сифат кейин қўшилиб қолган эмас».**

Бошқа бир ўринда: **«Қуръонда Ўзи зикр этганидек, Аллоҳнинг қўли, юзи, нафси (Ўзи) бор деб биламиз. Булар Унинг**

сифатларидан, лекин қандай, қанақа дейилмас. Ҳатто, қўли-қудрати ёки неъматини ҳам деб таъвил этилмас. Акс ҳолда унинг бир сифатини йўққа чиқарилган бўлур. Бу эса қадарийлар ва мўътазиллийлар сўзидир. Биз айтамызки, қўли ўзига хос, кайфиятсиз сифатдир. Шунингдек, Унинг ғазаби ва ризоси ҳам ўзига хос кайфиятсиз сифатларидандир», дейилган.

Ислом таълимотига кўра, Аллоҳнинг исми ва сифатларини бошқа бирор махлуқотга ўхшатиш мумкин эмас. Унинг ҳолати, кайфияти, сурати ҳақида баҳс қилинмайди, яъни Аллоҳ кўради, эшитади, бироқ биз инсонлар ва бошқа махлуқотлар каби эмас, балки у ҳақда баҳс юритиш бидъат ҳисобланади.

2. Мусулмон киши фаришталарга ҳам ишониши лозим. Фаришта араб тилида «малак», кўплиги «малоика» дейилади. Уларга ишонмаган мусулмон ҳисобланмайди. Қуръонда: **«(Уларнинг) ҳар бири Аллоҳга, фаришталарига, китобларига ва пайғамбарларига бирортасини ажратмасдан (ҳаммасига) имон келтирди»** (Бақара, 285) дейилганидан фаришталарга ишониш имоннинг асосларидан бири деб қаралади.

Фаришталар нурдан яратилган, нурнинг тезлиги жуда кучли бўлганидан фаришталар кўзга кўринмайди. Фаришталар сонини Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайди, улар Аллоҳнинг буйруғидан чиқмай доимо ўзларига буюрилганини бажарадиган хос бандалар ҳисобланади. Улар Аллоҳнинг барча махлуқотларидаги элчилар дейиш мумкин. Худонинг ҳузуридан ишни оламга олиб тушиб, ўшанинг тадбирини қиладилар. Уларнинг жинси йўқ. Хоҳлаган қиёфага кира оладилар. Оятда: **«Биз унга руҳимиз (яъни Жаброил)ни юбордик. Бас, у (Марямга) чин одам бўлиб кўринди»** (Марям, 17).

Қуръон ва суннатда фаришталарнинг муайян вазифалари борлиги ҳақида маълумот берилган. Масалан, тоғларга, ёмғирга, булутга, қуёшга, ойга, экинга ва ҳатто она қорнидаги бачадонга вакил қилинган фаришталар тоифаси бор. Шу билан бирга инсонга вакил қилинган фаришталар ҳар бир банданинг қилган ишларини ёзиб борадилар. Охират ишларига ҳам вакил қилинган

фаришталар мавжуд: ўлимга, қабрдаги савол-жавобга, жаннатга, дўзахга ва ҳоказо. Масалан: «**Бирорталарингизга ўлим келган пайтда, уни элчи (фаришта)ларимиз эринмай (ўз вақтида) вафот эттирурлар**» (Анъом, 61), «**Биз фақат фаришталарни дўзах эгалари (қўриқчилари) қилдик ва Биз фақат куфрга кетган кимсаларни синаш учун уларнинг саноғини (ўн тўққизта) қилдик... Парвардигорингизнинг қўшинларини (фаришталарнинг адади ва сифатларини) Унинг ўзигина билур**» (Муддассир, 31), «**Фаришталар эса (осмон) атрофида (Аллоҳнинг амрига мунтазир бўлиб) турурлар. Уларнинг устида Раббингиз Аршини у кунда саккиз (фаришта) кўтариб турур**» (Ҳокқа, 17).

Фаришталарнинг аниқ кўринишлари ҳақида маълумотлар манбаларда берилмаган. Фақат баъзи жиҳатлари айтилган, жумладан: «**...фаришталарни икки, уч, тўрт қанотли элчилар қилувчи...**» (Фотир, 1). Фаришталардан тўрттаси: Жаброил, Микоил, Исрофил ва Азроил бош фаришталар ҳисобланади.

3. Илоҳий китобларга имон келтириш. Аллоҳ тарафидан пайғамбарларига китоблар туширилганига имон келтириш. Буни «**...китобларига ва пайғамбарларига бирортасини ажратмасдан (хаммасига) имон келтирди**» (Бақара, 285) оятидан билиш мумкин.

Шу билан бирга бу китобларга умумий имон келтирилади. Аммо уларнинг адади ва исмлари ҳақида аниқ маълумот мавжуд эмас. Муҳаммад пайғамбарга (алайҳис-салом) Қуръон нозил қилинганидек, бошқа пайғамбарларга ҳам китоб туширилган. Улардан манбаларда зикр қилиб ўтилганлари қуйидагилардир: Иброҳим пайғамбарга «Саҳифалар», бу ҳақда Қуръонда «**Иброҳим ва Мусо саҳифаларида (хам) бордир**» (Аъло, 19) дейилган. Бир ҳадисда «Абу Зарр: Эй Аллоҳнинг Расули, Иброҳимнинг саҳифаларида нима бўлган?» деб савол берганда, Пайғамбар (алайҳис-салом): «Барчаси зарбулмасал бўлган...» дедилар. Бу ҳадисдан унинг мавзуси қандай бўлганини билиш мумкин. Олимлар уни маълум варақлардан иборат экани ва китоб

ҳолига етмаганини айтганлар. Кейингиси «Таврот» бўлиб, у Мусо пайғамбарга, «Забур» Довуд пайғамбарга берилган. Исо пайғамбарга «Инжил» нозил қилинган. Ислом таълимотига кўра Муҳаммад пайғамбарга (алайҳис-салом) «Қуръон» нозил қилинган. Шунингдек, бирор пайғамбарга китоб нозил қилинса, у ўзидан аввалги шариатни ўзгартирган ёки бутунлай янги қарашларни олиб келган деб ҳисобланган.

4. Пайғамбарларга имон келтириш. Ислом дини таълимотига кўра Аллоҳнинг инсонларга тўғри йўлни кўрсатиш учун юборган пайғамбарларига имон келтириш вожиб ҳисобланади. «...**Пайғамбарларига бирортасини ажратмасдан (ҳаммасига) имон келтирди**» (Бақара, 285). Шунинг учун уларнинг барчасига бирдек ишониш шарт қилиб қўйилган. Улардан бирини инкор қилиш барчасини инкор қилиш билан баробар. Аллоҳ таоло Одам (алайҳис-салом)дан бошлаб. Муҳаммад пайғамбар (алайҳис-салом) гача бўлган ораликда пайғамбарлар юборган. Уларнинг сони, ҳадис асосида бир юз йигирма тўрт минг нафар дейилади. Фақат йигирма беш нафар пайғамбарнинг номи Қуръонда зикр қилинган. Пайғамбарлар набий ва расул деган икки қисмга бўлинади.

Набий ва расул орасидаги фарқ: 1. Аллоҳ кимга ваҳий юбориб, шу хабарни бошқаларга етказишни буюрса, ўша одам набий ва расулдир. Аммо уни бошқаларга етказиш шарт қилиб қўйилмаса, набий ҳисобланади, расул эмас; 2. Расул янги шариатни олиб келади. Набий эса, янги шариат билан келмайди. Балки, ўзи олдинги шариатга амал қилади ва бошқаларни шунга амал қилишга даъват қилади; 3. Расул умумий бўлиб, фаришталарга ҳам, инсонга ҳам қўлланади. Қуръонда: «**Албатта, у (Қуръон) бир улуғ расул (Жаброил Аллоҳ ҳузуридан келтирган ваҳий) сўзидир**» (Таквир, 19). Бу оятда фаришта Жаброил назарда тутилган.

Умуман олганда, пайғамбарлар ҳам инсон бўлиб, улар бошқаларни Аллоҳнинг кўрсатмасига амал қилишга чақирдиш учун келганлар. Улар орасида расуллар 313 нафарни ташкил

этади. Пайғамбарлар Аллоҳнинг буйруқ ва қайтариқларини бажариб, бошқа одамларга намуна бўлганлар. Улар таом еб, сув ичиб, тирикчилик қилиб бозорларда юрганлар.

Пайғамбарларни оддий кишилардан ажратиб турадиган биргина сифатлари маъсият қилиш, шаҳватларга берилиш, инсонийликка зарар етказадиган ва инсоний қадрни кетказадиган ёмон иллатлардан сақланганларидир. Улар турлича мўъжиза кўрсатиб, пайғамбарликларини тасдиқлаганлар. Исо пайғамбар беморни даволаган, Мусо пайғамбар денгизни иккига бўлган, Муҳаммад пайғамбар (алайҳис-салом) қўл ишораси билан ойни иккига бўлганлари ва бошқа мўъжизаларини мисол қилиб келтириш мумкин. Пайғамбарларнинг кўрсатгани мўъжиза бўлса, авлиёларнинг кўрсатгани каромат бўлади.

5. Охират кунига ишониш ҳам имоннинг бир қисми ҳисобланади. Ислому таълимоти бўйича бу дунё синов-имтиҳон майдонидир. Аллоҳ қиёматда барча яратган махлуқлари жонини олади ва қайта тирилтиради инсонлар қилган ишларига жавоб берадилар. Агар у яхши амалларни қилган бўлса мукофотини, ёмон амалларни қилган бўлса жазосини оладилар ва уларнинг бу дунёда қилиб ўтган барча амаллари ўзларига кўрсатилади ва тарозуда тортилади.

6. Инсон бошига тушадиган яхшилик ёки ёмонлик Аллоҳ тарафидан бўлишига – тақдирга имон келтириш. Батафсил қилиб айтганда, тақдир – инсонга келадиган барча яхшилик ва ёмонлик, борлиқдаги ҳар бир ҳодиса ва воқеалар ёки охиратда бўладиган ҳамма иш Аллоҳнинг тақдири, илми, иродаси ва белгилаб қўйгани бўйича содир бўлишига имон келтириш ҳисобланади. Хурсандчилик ва хафалик, ҳаёт ва ўлим, бойлик ва камбағаллик, касаллик ва соғломлик ва бошқалар Аллоҳдан деб билиш шарт. Тақдирни Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайди, ҳатто пайғамбарлар ҳам ва фаришталар ҳам бу сирдан хабардор эмас. Манбаларда қадар масаласида чуқур кетиб баҳс-мунозара юритишдан қайтарилган. Оқимларнинг аксари бу масалада адашган. Тақдирда бахтли деб ёзиб қўйилган киши бахтлидир.

Шунингдек, тақдирда бахтсиз ёки бадбахт деб ёзиб қўйилган киши бахтсиздир. Бир оятда: **«У (Аллоҳ) ўзи қиладиган бирор нарса ҳақида жавобгар эмас, балки улар (Аллоҳнинг олдида бандалар) жавобгардирлар»** (Анбиё, 23), дейилади.

Шунингдек, ақидага оид асарларда Аллоҳ қиёматгача нима бўлишини билиши, агар уларни билмаса, Унинг комил сифати нуқсонли бўлиб қолиши ва мазкур илоҳий илм «қазои-қадар» деб аталиши келтирилган. Аллоҳнинг ҳамма ишларнинг келажакда қандоқ бўлишини азалдан билиши қазо деб номланган. Қадар деб ана шу ишлар Аллоҳнинг азалий илмига мувофиқ вужудга келишига айтилади. Қазо ва қадарнинг маъноси бандаларнинг келажакда бўладиган ишларини Аллоҳ томонидан олдиндан билиб турилишидир. Қазо ва қадарни нотўғри тушуниш оқибатида қадарий, жабарий ва бошқа оқимлар пайдо бўлган.

7. Ўлгандан кейин қайта тирилишга ишониш ҳам имон шартларидан бири бўлиб, унга кўра қиёмат куни бўлганда, барча инсонлар қайта тирилиб, маҳшаргоҳга йиғилади. Яхши амал қилиб ўтганларнинг мукофоти (жаннат), ёмон амал қилганларнинг жазоси (дўзах) мавжуд. Банданинг барча ишлари ҳисоб-китоб қилиниб Аллоҳнинг ҳузурида кўрилади. Ҳар бир кишининг қилган ишлари китоби – номаи аъмоли ўқилади. Яхши амаллар ва ёмон ишлар ҳаммаси ўлчанади. Бу борада Қуръон оятлари ва ҳадисларда мисоллар кўп. Масалан: **«Улар: «Ҳолимизга вой! Ким бизларни ухлаётган жойимиздан уйғотди?» – деганларида, (уларга айтилур): «Мана шу Раҳмон ваъда қилган ва пайғамбарлар сўзлаган рост нарса (қиёмат)дир»** (Ёсин, 52).

Инсонлар ҳисоб-китоб қилинадиган кунни «қиёмат» деб аталади ва у «тик туриш» маъносини билдиради. Барча қабридан тик туриб тирилишига шу ном берилган. Қиёмат – ҳисоб куни, охират куни, маҳшар куни каби бир қанча номлар билан юритилади. Манбаларда қиёматнинг қачон бўлиши масаласи аниқ айтилмаган. Ислом таълимоти бўйича унинг қачон содир бўлишини Аллоҳдан бошқа ҳеч ким, ҳатто пайғамбар ва

фаришталар ҳам билмайди. Фақат китобларда унинг баъзи бир аломатлари ҳақида маълумотлар мавжуд. Ислом таълимотига кўра қиёматда инсонлар савол-жавобдан ўтадиган жой – маҳшарга йиғиладилар. Маҳшарда савол-жавобдан кейин инсонларга дўзах устидаги сирот деган кўприкдан ўтишлари китобларда айтилган. Қиёматдан ўтган инсон жаннат (боғ, бўстон) ёки дўзахдаги жойига етиб боради. Аллоҳ жаннатни ҳам, дўзахни ҳам яратиб қўйган. Улар инсон етиб борадиган сўнги манзил ҳисобланади. Диний ақида бўйича, жаннат имон келтирган, тақводор, яхши инсонлар учун тайёрлаб қўйилган. Улар у ерда роҳат ва фароғатда яшайдилар. Қийинчилик, касал, қарилик ва ўлим йўқ. Истаган нарсалари муҳайё бўлади. Буларнинг барчаси бу дунёда қилиб ўтган амаллари туфайли берилади. У ердаги ноз-неъматлар тугамайди, инсонлардан тўсилмайди. Жаннатдаги энг олий неъмат, бу Аллоҳнинг дийдорини кўришлик ҳисобланади. Дўзах эса, жаннатнинг акси кофир, мунофиқ ва гуноҳкор – диний мажбуриятларни бажармаганлар учун тайёрлаб қўйилган ва уларга турли азоблар, қийноқлар бериладиган жазолаш жойи. У ерда азоб учун олов, қайнаб турган булоқ мавжуд. Еб-ичадиган нарсалари ҳам уларни азоблаш учун ҳозирлаб қўйилган. У бир неча табақа чуқурликдан иборат, одамлар гуноҳлари даражасига қараб жазоланадилар. Жаннатдаги роҳатлар ва дўзахдаги азоб-уқубатлар ҳам жасад ва ҳам руҳ учун бўлади. Қиёмат, жаннат ва дўзахнинг васфи ҳақида Қуръоннинг кўп оятларида маълумотлар берилган.

Мавзу бўйича саволлар

1. Калом, ақида, тавҳид илмлари нимани ўрганади?
2. Мотуридийлик ва ашъарийлик йўналишлари қандай пайдо бўлган?
3. Имон қандай маънони билдиради?
4. Ислом таълимотида неча нарсага имон келтириш шарт ҳисобланади?

Мустақил иш топшириқлари

1. Имом Мотуридий ва унинг қарашлари.
2. Калом илми адабиёти.
3. Қуръонда охират ҳақидаги оятлар таҳлили.
4. Ҳадисларда илм олишга бўлган тарғибот.

Адабиётлар

1. Тулепов А. Ислом ва ақидапараст оқимлар. Тўлдирилган нашр. Масъул муҳаррир Шайх Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Шарқ, 2014. – 536 б.
2. Оқилов С. Калом илми. – Тошкент: ТИУ нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2011. – 160 б.
3. Исоқжонов Р. Ислом фалсафаси. – Тошкент: Complex Print, 2019. – 192 б.
4. Муҳаммад Анвар Бадахшоний. Ақидатут-таҳовия шарҳининг талхийси. – Тошкент: 2015. – 448 б.
5. Очилдиев О., Раҳимжонов Д., Муҳамедов Н. ва бошқ. Диншунослик асослари (ўқув кўлланма). – Тошкент: ТИУ нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2013. – 320 б.
6. Мўминов А., Йўлдошхўжаев Ҳ., Раҳимжонов Д., ва бошқ. Диншунослик. – Тошкент: Меҳнат, 2004. – 296 б.
7. Абдуллаев А., Ҳакимова Н., Жўраев Ш., Каримов Ж. Илмдан бошқа нажот йўқ. – Тошкент: ТИУ нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2015. – 156 б.

5-МАВЗУ. ИСЛОМДАГИ МАЗҲАБЛАР ВА ЙЎНАЛИШЛАР

Режа

1. Исломда йўналишларнинг вужудга келиши.
2. Фикҳий мазҳабларнинг пайдо бўлиши.
3. Имом Абу Ҳанифа ва ҳанафийлик мазҳаби.
4. Мазҳабсизлик ва унинг оқибатлари.

Таянч тушунчалар: *мазҳаб, оқим, фирқа, ҳанафийлик, шофеийлик, моликийлик, ҳанбалийлик, фикҳ, фатво, мужтаҳид, суннийлик.*

Мавзу ўқув мақсади: Исломда оқим ва йўналишларнинг пайдо бўлиши, фикҳий мазҳаблар: ҳанафийлик, моликийлик, шофеийлик ва ҳанбалийликнинг вужудга келиши, ислом умматининг бирлигига раҳна солувчи қарашлардан мазҳабсизлик ҳақида маълумот бериш.

1. Исломда йўналишларнинг вужудга келиши. 632 йилда Пайғамбар (алайҳис-салом) вафотидан сўнг ҳокимият халифаликка сайланганлар томонидан бошқарилди. Биринчи Абу Бакр, иккинчи Умар ибн Ҳаттоб сайланди, сўнг Усмон ибн Аффон ва Али ибн Аби Толиб халифа бўлди. Аввалги икки халифа даврида халифаликда ички низо ва фирқаланиш бўлмади. Усмон халифалиги даврининг сўнгги йилларида ички низолар пайдо бўлиб, халифага қаршиликлар кучайди. Охир-оқибат бир тўда одамлар Ҳазрати Усмоннинг уйига бостириб кирадилар ва уни ўлдирадилар. Унинг ўлдирилиши халифаликда урушни келтириб чиқарди ва Али ибн Аби Толиб халифалиги даврида бундай низолар янада кучайди. Шом волийси Муовия халифага қарши чиқиб тезроқ халифа Усмон қотилларини топиб жазолаш талабини кўяди. Халифа бу пайтда аввал ички низоларни тугатиш билан ишни бошлаган бўлади. Бу ихтилоф қуроли тўқнашувга олиб келади. Бу тўқнашув 657 йили Ироқнинг Сиффин деган жойида бўлиб ўтгани учун жангнинг номи Сиффин деб аталган.

Шунда давлат тузуми масаласида Пайғамбардан кейин халифалик кимга ўтиши керак деган масалада уч тоифага бўлиниш юз берди.

Биринчи – халифа Али тарафдорлари бўлган, халифалик фақат пайғамбар хонадонидида мерос сифатида ўтиши керак деб ҳисобловчи гуруҳ. Натижада улардан шиалик оқими келиб чиқди.

Иккинчи – халифа Алининг собиқ тарафдорларидан ташкил топган, уни Сиффин жангидан кейин ташлаб кетган хорижийлар (ажраб чиққанлар) гуруҳи ҳисобланади.

Учинчи – «аҳли сунна вал жамоа» гуруҳи.

Ислондаги илк бидъат, фирқачилик ва адашиш хорижийлар ва шиалар гуруҳларининг фаолиятида кўзга ташланади. Бундай фирқалар асосий икки масалада юзага келган: имомат (давлатга раҳбарлик) ва ақидада.

Шунинг учун ислонда фирқаларга бўлиниш асосан диний-сиёсий нуқтаи назардан келиб чиққан деб қаралади. Биринчи хорижийларнинг пайдо бўлишига ҳам халифа Али сиёсатида кўшилмаслик, шиалик эса, халифалик Али ва унинг авлодларига мерос бўлиб қолиши керак деб ҳисобловчилар сабаб бўлди. Шу ўринда яна бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш зарурки, ислонда фирқаларга бўлиниш Муҳаммад (алайҳис-салом) ҳадисларида айтиб ўтилган. Муҳаммад пайғамбар (алайҳис-салом) айтадилар: *«Яҳудийлар 71 фирқага бўлинди, насронийлар 72 фирқага бўлинди, умматим эса 73 фирқага бўлинади. Улардан биттаси нажот топади, қолгани дўзах аҳлидир»*, деганларида, саҳобийлар: *«Нажот топадиган фирқа қайси?»*, деб сўраганда Пайғамбар (алайҳис-салом): *«Мен билан саҳобийларим тутган йўлдагиси»*, деб жавоб берадилар» (имом Термизий ривояти). Ҳадисда айтилган нажот топучи фирқа «аҳли сунна вал жамоа» ҳисобланади.

«Аҳли сунна вал жамоа» суннийлик деб ҳам номланади. Бунинг ўзига хос, бошқалардан ажралиб турадиган жиҳатлари барча саҳобийларни яхши кўриш, кишини катта гуноҳ қилган бўлса ҳам мусулмон деб ҳисоблаш, агар у вафот этса, жаноза

Ўқиш, одил ва золим подшоҳга қарши чиқмаслик, Аллоҳнинг сифатларини инкор қилмаслик ва ҳоказо. Бироқ илк даврларда мусулмон олимлари томонидан яқдил фикрга эга бўлган мусулмонларнинг ақидаси ишлаб чиқилмагани боис, «тўғри эътиқод қилиш» ва «бидъат» тўғрисидаги тасаввур шиа ва хорижийларнинг пайдо бўлганидан кейин тизимга солинди. Хорижийлар халифа Алининг қўшинидан ажраб чиққан ва «аҳли сунна вал жамоа» эътиқодига тўғри келмайдиган экстремистик қарашларни илгари сурган муросасиз гуруҳ. Бунда улар халифа Алини келишувчиликда айблаб, ундан ажралиб кетганлар ва халифага ҳам, Муовияга ҳам қарши уруш очганлар. Хорижийликнинг энг катта хатарли томони ўз сафларига қўшилмаганларни «диндан қайтган»ликда айблалари ва уларнинг талқинидаги ислом қоидаларига риоя қилмаган ҳар қандай раҳбарга бўйсунмай, унга қарши курашиш зарурлигини таъкидлашлари бўлган. Бунинг натижасида жуда кўплаб қонлар тўкилган. Одамларни кофирга чиқариш ва уларга қарши «жиҳод» қилиш ғоясини ишлаб чиқиб, террор амалиётини бошлаб берган. Бугунги кундаги ИШИД, Боко ҳарам ва шунга ўхшаш бошқа террористик ташкилотларнинг услублари айнан хорижийлик «анъана»ларининг замонавий кўринишидир.

Улар ўзларини ҳақиқий мусулмон ҳисоблаган ва сиёсий ҳамда ғоявий рақибларга нисбатан муросасиз бўлган. Хорижийларнинг таълимотига кўра, халифа жамоа томонидан сайланади ва жамоага бўйсунди; ҳар қандай тақводор мусулмон (ҳатто қул ёки қора танли бўлса ҳам) халифаликка сайланиши мумкин; агар халифа жамоа манфаатларини ҳимоя қилмаса, вазифасидан бўшатилади ва ҳатто қатл этилади. Хорижийлар гуноҳи кабира қилганларни кофирликда айблаб, уларни ўлдиришгача бориб етганлар. Ҳатто баъзи саҳобийларни ҳам кофир дейишган. Бундан ташқари, «золим» подшоҳга қўлида қурол билан қарши чиқишни диний вазифа дейдилар. Хорижийлик билан бир вақтда пайдо бўлган яна бир оқим шиалиқдир. Шиалиқ «шиату Али» (Али гуруҳи) номидан бўлиб,

алипараст оқим ҳисобланади. Бу йўналиш дастлаб ҳар қандай ихтилоф ва ақидавий фарқлардан холи ҳолда, фақат сиёсий ҳаракат сифатида намоён бўлган. Кейинроқ диний ихтилофлар, ақидавий фарқлар вужудга келган. Уларнинг фикрича ҳокимият халифа Али ва унинг авлодига тегишли. Чунки имомат асосий диний рукнлардан ҳисобланади. Уларнинг таълимотига кўра, раҳбар халқ томонидан сайланмайди, балки мерос сифатида ўтади.

Шунингдек, Пайғамбар (алайҳис-салом) Алини халифа қилиб тайинлаганлар. Халифалардан Абу Бакр, Умар ва Усмон бу ҳуқуқни Алидан зўрлик билан тортиб олишган ҳамда Алининг халифалигини Аллоҳ томонидан берилган илоҳий кўрсатма деб ҳисоблайдилар.

Шиалар ҳам Қуръонни илоҳий калом деб эътироф этади (айрим мутаассиб руҳдаги оқимлари халифалар даврида унинг айрим қисмлари тушириб қолдирилган деб ҳисоблайди). Уламолари эса, Қуръон мазмунини мажозий талқин қилиш йўли билан ўз таълимотларини асослайдилар. Шунингдек, ҳадислардан фақат халифа Али, унинг авлоди ва баъзи саҳобийлар томонидан келтирилган ривоятларни тан олдилар ва шундай ривоят-ҳадислардан иборат мустақил тўпламлар тузган. Суннийликда эътироф этилган диний ақидалардан фарқланиб, шиаликда тавҳид, адл, нубувват, имомат, қиёматдан иборат бешта ақидага эътиқод қилинади. Булардан тўрт ақида – тавҳид (Аллоҳнинг ягоналигини эътироф этиш), адл (адолат, Аллоҳнинг одиллиги, яъни тақдир ақидаси), нубувват (пайғамбарлик), қиёмат ёки маод (охират кунининг келиши ва ўлганларнинг тирилиши), асосан, суннийлик таълимотига мос тушади. Бешинчи ақида эса имомат (Али ва унинг авлодларидан иборат ўн икки имом ҳокимиятини) эса, суннийликка зид экани билан фарқ қилади. Шиалик ичида ихтилофлар юз бериши натижасида кўп фирқалар вужудга келган. Булардан зайдийлар, жаъфарийлар ва бошқалар. Имомийлар ва исмоилийлар шиаликдаги икки йирик оқим ҳисобланади.

Мўътазилийлар оқими ақида масаласи бўйича аҳли сунна вал жамоа йўналишидан ажралиб чиққан. Улар Қуръонни диний ҳақиқатнинг манбаи деб эътироф этадилар, уни сўзма-сўз эмас, мажозий талқин қилишга ҳаракат қиладилар, ривоятларга кўр-кўрона ишонишга қарши чиқадиладар. Шунингдек, гуноҳи кабира, қабр азоби, авлиёлар каромати каби масалалар бўйича ўзига хос қарашга эга. Жумладан, гуноҳи кабира қилган киши мўмин ҳам, кофир ҳам бўлмайди, балки иккиси орасида бўлади, деганлар. Мўътазилийларнинг яна бир ақидаси бу Қуръоннинг яратилгани тўғрисида бўлиб, суннийлар Қуръон Аллоҳнинг каломи десалар, мўътазилийлар Қуръон Аллоҳнинг яратган нарсаси, деб ҳисоблаганлар.

Халифа Маъмун (813-833) мўътазилийлар таълимотини давлат даражасига олиб чиқди. У қозилар, олимлар, амалдорлар эътиқодини синаб кўрди. Натижада ким муътазилийлар ақидасини (хусусан, Қуръоннинг яратилганини) тан олмаса, ишдан бўшатди, ҳатто ўлим жазосини қўллади. Халифа Мутаваккил (847-861) даврида ушбу таълимот таъқиб остига олинди. Муътазилийлар ақл-идрокни ақиданинг асоси деб эътироф этган, тасаввуфни инкор этишга уринган, ўзларини тавҳид ва адолат (адл) тарафдорлари, деб билган адашган фирқадир. Кейинчалик 13-14-асрларга келиб мўътазилийлар бутунлай йўқолиб кетган. Қадария ҳам мўътазилийларга ўхшаб ақидавий масалада адашган ҳисобланади. Уларнинг асосий даъволари Аллоҳнинг қазоси ва қадарини инкор этиб, «Аллоҳ бандаларининг ишидан ожиздир», дейдилар. Суннийлар эса, Аллоҳ ҳар бир нарсани олдиндан билади, деган бўлса, қадарийлар уни инкор қилдилар. Улар одиллик худонинг асосий сифатларидан бири деган фикр асосида гуноҳни худо олдиндан белгилаган бўлиши мумкин эмас. Худодан фақат адолатли ишни кутиш мумкин, гуноҳ ишлар эса инсон фаолияти билан боғлиқ, демак, инсон ирода ва фаолият эркинлигига эга, шунинг учун у гуноҳ қилади, деган хулосага келиб ўзларининг адашган фирқа

эканини кўрсатдилар. Уларнинг таълимотини кейинчалик муътазилийлар давом эттирди.

Жабарийлар эса, қадарийлар эътиқодининг аксини қилиб, исломда тақдир масаласида адашган деб тан олинган фирқалардан биридир. Улар аҳли сунна вал жамоада тан олинган тақдир масаласини инкор қилади. Жабарийлар инсон тақдирини худо мутлақ олдиндан белгилаб қўйган, инсонда ҳеч қандай ирода ва фаолият эркинлиги йўқ, булар фақат худода мавжуд, инсон эса, ана шу фаолиятни ўзлаштириб олиш имкониятига эга, деган ақидани илгари сурган. Аллоҳ бандаларга гуноҳ ишларни тақдир қилган ва инсон гуноҳ амалларни қилишга мажбурдир, деб инсондаги жузий ихтиёрни рад этадилар, яъни қабих ва ёмон нарсаларни Аллоҳга нисбат берадилар ҳамда бандаларни гуноҳ ишлардан поклайдилар. Аллоҳ инсонга тоқати етмайдиган нарсани юклаши мумкин, деб Аллоҳга мажбур қилувчилик сифатини бердилар. Ирода эркинлиги тарафдори бўлган қадарийларга жабарийлар қарши бўлган.

Мушаббихалар (ўхшатувчилар) эътиқоди бўйича Аллоҳни инсон суратига ўхшатиб, унинг инсон аъзоларига ўхшаш жисми бор дейдилар. Бу билан «аҳли сунна вал жамоа» ақидасига қарши чиққан. Чунончи суннийлар Аллоҳни ҳеч нарсага ўхшатмайди ва бундай ўхшатиш хато ҳисобланади.

Умуман олганда, ислом тарихида вужудга келган адашган фирқаларнинг ўзлари ҳам бир неча гуруҳларга бўлиниб кетганлар. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, ҳозирги кунда пайдо бўлаётган ислом номидан иш кўраётган турли адашган оқимлар тарихда ўтган ўтмишдошларининг ақидасини тутиб, уни янгича кўринишда тақдим қилиши кузатилмоқда. Жумладан, ҳозирги кундаги жангари гуруҳларнинг фаолияти ўтмишдаги хорижийларнинг бузғунчи амалиётига батамом мос келади. Шу боис ҳам бугунги кундаги динни ниқоб қилиб олган террорчи гуруҳларни «XXI аср хорижийлари» деб аташ мумкин.

2. **Фикҳий мазҳабларнинг пайдо бўлиши.** Ислом дини тарқалган ҳудуд кенгайиб, турли миллатлар ва халқлар шу динни қабул қилганларидан сўнг уни ўз ҳаёт тарзига айлантирдилар. Диний масалаларни ҳал қилиш мақсадида мусулмон олимлар катта хизмат қилишди. Муҳаммад (алайҳис-салом) вафотларидан кейин у кишининг ишини халифалар, саҳобийлар, сўнг тобеинлар давом эттирдилар. Пайғамбардан кейин у кишининг ишини сунна асосида давом эттирганлар «суннийлар» ёки «аҳли сунна вал жамоа» номини олди. Пайғамбар (алайҳис-салом) даврида бирор масала юзасидан савол пайдо бўлса, одамлар дарҳол шу ҳолатни пайғамбарга етказиб, ўзларига аниқ жавоб олганлар. Шунинг учун бу даврда ихтилофлар бўлмаган. Саҳобийлар ҳам бирор ихтилофли масалаларга дуч келганларида ишни маслаҳат билан ҳал қилинган. Аммо саҳобийлар даври тугаб бориши натижасида мусулмонлар орасида турли ихтилофлар кўпайди.

VIII асрга келиб мусулмонлар орасида шариатнинг турли масалаларни мустақил ечиб бера оладиган олимлар пайдо бўла бошлади. Улар турли фикҳий масалаларни ҳал қилишда Қуръон оятлари ва ҳадисларни шарҳлаб, шу билан бирга саҳобийларнинг қилган ишларини ўрганиб, ўшалар асосида ҳукмлар чиқариб бердилар. Ушбу фақиҳ олимлар атрофида шогирдлари кўпайиб, уларнинг қарашларини ёзиб, оммалаштирдилар. Бунинг натижасида фикҳий мазҳаблар пайдо бўлди. «Шариат» сўзи араб тилида икки маънода қўлланилади: «сувга олиб борадиган йўл» ва «тўғри йўл». Масалан: «**Сўнгра (эй, Муҳаммад!), Биз сизни (диний) ишдан иборат шариат узра (барқарор) қилдик...**» (Жосия, 18), оятида шариат сўзи «тўғри йўл» маъносида келган. Шариат – ислом ҳуқуқига кўра, уламолар наздида, Қуръон ва суннатда келган илоҳий кўрсатмалар (ҳукмлар)нинг мажмуидир. Бошқача айтганда, ислом динининг амалий қисмидир. Ҳуқуқшунослар эса, ислом қонунчилиқ мажмуини назарда тутадилар.

«Фикҳ» сўзи луғатда «чуқур тушуниш», «идрок этиш», «билиш» маъноларини билдиради. Истилоҳий маънода эса

«фикх» – шариат ҳукмларини ўрганиш, шариат қоидаларини барча қисмлари билан англаш ҳамда қайси мақсадда ишлаб чиқарилганини тушуниш ва ўзлаштирилган ушбу илмни амалга тадбиқ этишдир. Фикҳнинг асосий манбаси: Қуръон, суннат, ижмо ва қиёс.

Фикҳ билан чуқур шуғулланган олимлар фақиҳлар (фикҳ олими, ҳуқуқшунос) деб номланди. Булар орасида энг кўзга кўринган ва фикҳий мазҳаби ҳозиргача етиб келган мужтаҳид олимлар қуйидагилардир: Имом Абу Ҳанифа Нўъмон ибн Собит Қуфий, имом Молик ибн Анас Мадиний, имом Муҳаммад ибн Идрис Шофеий ва имом Аҳмад ибн Ҳанбал Шайбоний.

Мазкур мазҳаблар, ақида нуқтаи назардан бир хил, фақат фикҳий жиҳатдан бир-биридан фарқ қилади. Шунингдек, булар бир-бирини инкор этмайди, балки қўллаб-қувватлайди. Мазҳабларнинг мақсади диний манбалардаги матнларни кенг халқ оммасига осон тушунтириш бўлган ва бу билан оддий халқ ўз кундалик масалаларини тезда хал қилганлар.

«Мазҳаб» арабча сўз бўлиб, «йўналиш», «йўл», «диний таълимот» маъноларини билдиради. Ислом шариати ва ақидасининг муайян бир тизимга солинган ҳолатдаги кўриниши мазҳаб дейилади. Кўриб ўтганимиздек, мазҳаблар фикҳий ва ақидавий деган икки қисмга бўлинади. Фикҳий мазҳаблар тўртта: ҳанафий, моликий, шофеий ва ҳанбалий. Ақидавий мазҳаблар: мотуридийлик ва ашъарийликдир.

Моликий мазҳабига мадиналик олим имом Молик ибн Анас Абу Абдуллоҳ (713-795) асос солган. У «Мадина имоми» унвонига сазовор бўлган. Имом Молик Мадина олимлари қарашлари асосида ўз мазҳабини шакллантирган. Шунинг учун ушбу имом Мадина фақиҳларидан фикҳни ўрганиб, аҳли ҳадис қўллайдиган услубни қабул қилган ва ушбу қоида асосида ўз шогирдларини тарбиялаган. Имом Молик Қуръон, сунна ва ижмога таяниб ҳукм чиқарган. Шу билан бирга мадиналик олимлар иттифоқини ҳам ҳукм чиқаришда эътиборга олган. Чунки Муҳаммад (алайҳис-салом) шу шаҳарда яшаган ва бу

шаҳар аҳолиси пайғамбар ва саҳобийларнинг кўрсатмалари ҳамда қилган ишларини мукамал ўзлаштиргани билан ажралиб туради. Олим «ал-Муватто» номли ҳадис илмига оид тўплам муаллифи ҳисобланади ва мазкур асар моликий мазҳабининг асосий манбаси сифатида қадрланади. Муҳаддис бунинг учун қирқ йил умрини сарфлаган. Бу асар илк ҳадис тўпламларидан бири бўлиб, бир неча минг ҳадисни ўз ичига олган.

Имом Молик ибн Анаснинг шогирдлари орасида таниқли муҳаддис ва ҳанафий мазҳаби фақиҳи имом Муҳаммад Шайбоний (ваф. 805 й.), шофиъийлик мазҳаби асосчиси Муҳаммад ибн Идрис Шофеий (ваф. 820 й.) бўлган. Ҳозирги вақтда ҳам бу мазҳаб қоидаларининг Марокаш, Тунис, Жазоир ва Ливия никоҳ-оила ва мулкка оид ҳуқуқига сезиларли таъсири бор.

Муҳаммад ибн Идрис Шофеий (767-820) ҳам алоҳида мазҳабга асос солган. Бу олим имом Молик ва имом Абу Ҳанифанинг катта шогирди имом Муҳаммаддан дарс олган. Шу нуқтаи назардан ушбу мазҳабнинг ҳуқуқ тизими ханафийлар ва моликийларнинг диний-ҳуқуқий таълимоти асосида ишлаб чиқилган, деб айтиш мумкин. Шундай бўлсада, у кўпроқ моликийларга яқин туради. Бошқача қилиб айтганда, аҳли ҳадис ва аҳли раъининг қарашларини бирлаштирган ҳамда ўзига хос услубни яратган. Олим ижмо бўйича кўпроқ уммат ижмосига эътибор қаратган бўлса, шу мазҳабнинг кейинги уламолари олимлар ижмосини ҳам қабул қилишга мажбур бўлдилар. Шофеийлик ҳам бошқа мазҳаблар каби Қуръон, сунна ижмо ва қиёсга таянади. Имом Шофеийнинг «ал-Умм» ва «ар-Рисола» китоблари ушбу мазҳаб усулига асос бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳижрий учинчи-тўртинчи (милодий 9-10) асрларда Марказий Осиёда Шофеий мазҳаби Ҳанафий мазҳаби билан рақобат қилган. Унинг йирик вакили тошкентлик буюк олим Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил Қаффош Шоший (904-976) эди. У киши фикҳ, ҳадис, луғат ва адабиёт бўйича ўз даврининг машҳур олимларидан бўлган.

Тошкентда вафот этган, қабри Ҳастимом (Ҳазрати Имом) мадрасаси ёнида жойлашган.

Ҳанбалий мазҳаби асосчиси Аҳмад ибн Ҳанбал (780-855) ҳисобланади. Олим яшаган Бағдод шаҳрида илму фан ривож топиши билан бирга турли эътиқодий қарашлар маркази бўлган. Ҳанбалий мазҳабида Қуръон, суннат, ижмо ва саҳобийларнинг сўзлари асосий ўрин эгаллайди. Қатъий зарурат сезмаган ҳолатлардан ташқари қиёсдан фойдаланмайди. Барча ҳадисларни ва ривоятни (саҳобийлар сўзини) қиёсдан устун қўйган. Имом Аҳмад хулафои рошидин, саҳобийлар, тобейлар, шунингдек, ўзидан олдинги уч мазҳаб фикҳини ўзлаштирган. Чунончи у илк марта фикҳни имом Абу Ҳанифанинг шогирди имом Абу Юсуфдан ўрганган. Шунингдек, «мен ҳадис ёзиб олган биринчи киши Абу Юсуф эди», деганидан ҳадисни ҳам шу кишидан олгани билинади. Кейинчалик имом Шофеийдан ҳам фикҳни ўрганган. Ўзи эса, имом Бухорийга устозлик қилган. Ҳадис илми бўйича «ал-Муснад» асари жуда машҳур ҳисобланади. Бу китобда қирик минг атрофида ҳадис жамланган бўлиб, асар ҳанбалий мазҳабининг асосий қарашларини ўзида ифода этади.

Юқорида келтирилган фикҳий мазҳаблар диний фирқалардан фарқ қилади. Улар бир-бирининг фикрига қарши чиқмайди ва ўзларини бошқаси билан тенг деб ҳисолайдилар. Мазҳаблар шариатнинг бирор масаласида енгилроқ ёки қаттиқроқ ҳукм чиқариши билан ажралиб туради. Шунингдек, мазҳаблар ўзи тарқалган минтақалар шароитидан келиб чиққан ҳолда фатволар берганлар. Жумладан, шофеий мазҳабида таҳоратдан сўнг юз-қўлини артмаслик афзал ҳисобланса, ҳанафий мазҳабида юз-қўлини артиш афзалдир. Ҳанафий мазҳаби совуқ ўлкаларда ҳам тарқалганини эътиборга олинса, шофеий мазҳаби асосан иссиқ ўлкаларда ёйилган. Мазҳаблар турлича бўлишига қарамай асосчи мужтаҳидларнинг барчаси бир-бирига устоз-шогирд мартабасидадир. Улар бир-бирларининг мазҳабини тан оладилар. Тўртта мазҳаб ҳам ҳижрий иккинчи асрнинг ўзида

шаклланиб улгурган. Аммо мусулмон киши ушбу мазҳабларнинг фақат биттасига амал қилиши лозим деб уқтирилади.

3. Имом Абу Ҳанифа ва ханафийлик мазҳаби.

Ҳанафийлик мазҳаби асосчиси Абу Ҳанифа Нуъмон ибн Собит (699-767) бўлиб, «Имоми Аъзам», яъни энг буюк имом лақаби билан машҳур бўлган. Мазкур мужтаҳид олим Куфа шаҳрида туғилиб шу ерда вафот этган.

Бу олим сунний мазҳаблар асосчилари орасида ёши энг каттаси ҳисобланади. Ривоятларга кўра Абу Ҳанифанинг бобоси ўғли Собитни саҳобий Али олдига олиб келиб, унинг ҳақиқа дуо қилишларини сўрайди. Ҳазрат Али Собитни ўзи ва зурриётига баракот сўраб дуо қиладилар. Собитнинг зурриётидан ўғли Абу Ҳанифа катта шуҳрат қозонди. Имом Абу Ҳанифа отасининг касби Куфада ипак ва жун мато тижорати билан шуғулланган.

Имом Аъзам ёшлигидан Қуръонни ёдлайди. Маълум вақт савдо ишлари билан шуғулланиб юрган. Шу орада Куфа ва унинг атрофида эътиқодий баҳс-мунозараларда фаол иштирок этиб борган. Бир куни кўчада имом Шаъбийнинг ёнидан ўтиб кетаётганида, олдига чақириб, қаерга кетаётганини сўрайди. У бозорга кетаётганини айтганда, мен сендан уни эмас, балки қайси олимнинг дарсига бораяпсан деб сўрайди. Имом Аъзам ҳеч бирининг олдига бормаяпман, дегандан сўнг, имом Шаъбий шундай дейди: «Илм ва уламолар билан кўришиб тургин. Сени ниҳоятда зукко ва илмга ташналигингни кўряпман». Шаъбийнинг бу гапига кириб, Абу Ҳанифа илм йўлини танлайди.

Абу Ҳанифа Умавийлар ва Аббосийларнинг сиёсий курашлари, ҳокимият бир сулоладан бошқасига ўтган даврда яшаган бўлса ҳам қўлига қурол олиб икки томоннинг сиёсатига аралашмади, балки ўз илмини ошириш ва тарқатишга ҳаракат қилди. Бу даврда ақидавий оқимлар орасида курашлар анча қизиган. Олим бу курашларни кузатиб боргани табиий. Ибн Баззознинг ривоятига кўра имом Абу Ҳанифа ўғли Ҳаммода шундай деган: «Бизлар мунозара қилган вақтда

суҳбатдошимизнинг ҳақ ва тўғри йўлган чиқиб кетишидан кўрқар эдик, лекин сизлар мунозара вақтида рақибингизни ҳақ йўлдан чиқишини истайсизлар. Ҳар ким ўз суҳбатдошини ҳақ йўлдан оғдирмоқчи бўлса, уни куфр томонга йўллайди, лекин унинг ўзи суҳбатдошидан олдинроқ куфр йўлига ўтган бўлади».

Манбаларда имом Абу Ҳанифанинг саҳобийлар билан кўришгани айтилади, шунинг учун у тобеинлардан ҳисобланади. У Ҳаммод ибн Абу Сулаймон, Иброҳим Нахайй, Шаъбий каби ва бошқа олимлардан саҳобийлар Али ва Абдуллоҳ ибн Масъуд, Абдуллоҳ ибн Аббосларнинг фикҳини ўзлаштирди. Айниқса, Ҳаммод унинг энг асосий устози ҳисоланган. Унга 22 ёшида шогирд тушиб, у кишидан ўн саккиз йил давомида фикҳ илмини ўрганади. Бу ҳақда ўзи қуйидагиларни айтган: «Мен илм ва фикҳнинг конида эдим. Унинг аҳли ила мажлис қурдим. Уларнинг фақиҳларидан бирини лозим тутдим». Узоқ йиллар дарс олиши ва устози вафотидан сўнг унинг ўрнида дарс беришни бошлаган. Устози ўрнига дарс бериши натижасида, Ҳаммод қолдирган мактаб кейинчалик имом Абу Ҳанифа фаолияти натижасида мазҳабга айланди. Шунингдек, кўп юртларга сафар қилган ва ўша ерлик олимлар билан илмий баҳс-мунозараларга киришган. Имом Абу Ҳанифа виқор ва салобатли киши бўлган. Кўп фикр юритиб, кам сўзлар эди. Тақволи, пархезкор, зоҳид, бекорчи ва фойдасиз сўзларни гапирмас, гапирганда қисқа ва лўнда сўзларди. Бирор киши масала сўраб келса, ҳозиржавоблик билан ишни хал қилган.

Имом Абу Ҳанифа Қуръон, суннат, саҳобийларнинг сўзлари, қиёс, истехсон, ижмо, урф каби фикҳий манба ва услубларига кўра ҳукм чиқарган.

Фикҳда шундай мақомга эришганки, ҳар бир оят ва ҳадисдан керакли фикҳий хулосалар чиқара олган. Абу Ҳанифа ҳадисни, саҳобийлар сўзини пухта ўзлаштирган. Ҳадисларнинг саҳиҳ ва заифини ажратиб, айниқса, ҳадислардан чиқариладиган ҳукмларнинг тўғри бўлишига катта эътибор қаратган. Ривоятларнинг бирида устози Шаъбий бир масалада мурожаат

қилади. Абу Ҳанифа унга жавоб беради. Шунда устози буни (жавобни ва унга хужжатни) қаердан олдинг деб сўраганда, Абу Ҳанифа ўзингиз ривоят қилган ҳадисдан олдим деб ҳадисни айтади. Жавобдан сўнг Шаъбий: «Сизлар табибларсиз, эй фақиҳлар жамоаси, биз (муҳаддислар) доришуносмиз», дейди.

Имом Абу Ҳанифа ҳадис илмида ҳам юқори мартабаларга эришган. Қуйида имом Абу Ҳанифанинг жуда кўп ҳадис билишини исботловчи баъзи омилларни келтириш мумкин. Улардан: 1. Кўплаб олимлар қатори Имом Абу Ҳанифага мухолиф бўлганлар ҳам иттифоқан унинг мужтаҳидлигини тан оладилар, яъни унинг мужтаҳид олим эканида ихтилоф йўқ. Мужтаҳид бўлиш шартларидан бири ҳукм чиқаришга оид ҳадисларни яхши билишдир; 2. Манбаларда айтилишича, Абу Ҳанифа саксон уч мингдан ортиқ масалага жавоб берган. Ҳадисларни яхши билмайдиган киши бундай кўп масалага жавоб бериши мумкин эмас; 3. Абу Ҳанифа ҳадис ривоятига кўп тўхталмаган. Бунинг сабабларидан бирини ўша давр олимлари ҳадисларни яхши билганларидир. Шунинг учун улар илм мажлисларида ҳадислардан чиқадиган масалаларга жавоб топишни, яъни истинбот билан шуғулланишни асосий мақсад қилиб олганлар. Ҳадиснинг фикҳини, уни тушунишни, носих ва мансухини, ом ва хосини, мутлақ ва муқаййадини билишга интиланлар, унинг саҳиҳлигига эмас; 4. Абу Ҳанифа даврида нафақат ҳадис илмини, балки барча илмларни ёзиб бориш одат тусига кирмаган, худди Пайғамбар (алайҳис-салом) ва саҳобийлар даврдаги каби. Шундай бўлсада, Имом Абу Ҳанифа наздида ҳадисларни ривоят қилиш масъулиятли иш эканини Имом Абу Юсуф ривоятидан ҳам билиш мумкин. Имом Абу Ҳанифа: «Киши ҳадисни эшитган вақтидагидек, (яъни қандай эшитган бўлса ўшандай) айтиши лозим», деган; 5. Абу Ҳанифа тўрт мингдан ортиқ устоздан дарс олган. Чунки у Басрага 10 марта, Макка ва Мадинага эса ундан кўпроқ марта борган. У жойлардаги кўпгина олимлар суҳбатида бўлган. Демак, баҳс-мунозара вақтида кўплаб ҳадислар эшитгани табиий.

Имом Абу Ҳанифа қиёс ва истехсонни (чиқарилган хулосалардан мусулмонлар учун фойдалироқ томонини олиш тамойили) кўп қўллаган. Ҳатто заиф ҳадисни қиёсдан олдинга қўйган. Бу борада имом Абу Ҳанифа шундай деган: «Расулуллоҳ (алайҳис-салом)дан келган ҳар нарса бош устига, саҳобийлардан келганини эса орасидан яхшироғини танлаб оламиз, аммо тобейлардан келган бўлса, биз ҳам улардек кишилармиз». Бу билан ўз мазҳабининг усулини кўрсатган. Имом Абу Ҳанифанинг машҳур шогирдларидан бири Абу Юсуф Яъқуб ибн Иброҳим Ансорий ва Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийдир. Абу Ҳанифанинг бу икки шогирди унинг ишини давом эттириб, бошқа олимларга устозлик қилдилар.

Ҳанафийлик мазҳаби асосчиси Абу Ҳанифа алоҳида муайян мавзуга оид китоб ёзмаган. Балки у ривоят қилган ҳадисларни, айтган фатволарини кейинчалик олимлар китоб ҳолатига келтирганлар. Жумладан, «ал-Фикҳ ал-акбар», «ал-Олим ва-л-мутааллим», «ал-Васийя» ва «ал-Муснад» ва бошқалар. У дунё ишлари ва мансабга қизиқмаган. Халифа унга бош қозилик (қози ал-қузот) мансабига таклиф қилганда рад этган. Шундай бўлсада, энг катта шогирди имом Абу Юсуф «қози ал-қуззот» лавозимида фаолият юритиб, ҳанафийлик мазҳабининг янада кенг ёйилишига хизмат қилган. Имом Муҳаммад ҳанафий мазҳабининг назарий асосларини ишлаб чиқиб, ўз асарларида келтириб ўтади. Ушбу мазҳаб сунний мусулмонлар орасида кенг тарқалган, яъни 47% сунний мусулмон шу мазҳабга амал қилади. Тарихда унинг жуда кўп давлатлардаги асосий мазҳаб сифатида эътироф этилиши жамият ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида қўлланиши, миллий урф-одатларга бағрикенглиги, турли минтақалардаги шарт-шароитларга мос келиши ҳамда бошқа оимлар сабабли унинг кўп мусулмон халқлари томонидан қабул қилинишига сабаб бўлган. Унинг кенг миқёсда тарқалиш сабаблардан бири барча минтақаларда яшаётган мусулмонларга чиқарилган ҳукмлари осон амал қилишига имкон берган. Ўзбекистон ҳудудида ҳанафийлик мазҳаби бухоролик олим Абу Ҳафс Кабир

ҳаракати натижасида кенг тарқалган ва шу минтақа аҳолиси мазкур мазҳабга амал қилиб келмоқда.

4. **Мазҳабсизлик ва унинг оқибатлари.** Бугунги кунда турли гуруҳлар тарафидан мазҳабларни инкор қилиш ҳолатлари учраб турибди. Улар мазҳабсизлик ғоясини илгари суриб, асосий мақсадлари асрлар давомида амал қилиниб келинаётган фикҳий мазҳабларни инкор қилишдан иборат. Мазҳабсизлик ғояси деярли 12 асрдан ортиқ вақт мобайнида яшаган минглаб уламоларнинг бутун умрларин давомида олган илмлари ва қолдирган меросларини, ёзган асарларини бекорга чиқаради. Шу билан бирга асрлар давомида амал қилиниб келинаётган анъаналар нотўғри, уларга амал қилган мусулмонлар эса адашган экан деган хулосага олиб келади. Бундан ташқари мусулмонлар бирлигини хавф остида қолдиради. Зеро, Муҳаммад пайғамбар (алайҳис-салом) ҳадисларида: *«Аллоҳ умматимни залолатда жамламайди»*, *«Мусулмонлар яхши деб билган нарса Аллоҳнинг ҳузуринда ҳам яхшидир»* (ҳадисларни Ҳоким Найсабурий ривоят қилган), дейилган. Мазҳаблар ҳам мусулмонларнинг бирлиги. Олимлар бутун умрини шариат илмига бағишлаб, ундаги ўта нозик масалаларни ўрганиш учун умрининг кўп йилларини бағишлаганлар, Қуръон ва ҳадисларда учрайдиган ва барча инсонлар тушуниши қийин бўлган ҳолатларни фаҳмлаш ва тушунишга осон шаклга келтириб сўнги хулосаларни берганлар.

Мазҳабсизлик ғоясини сохта салафийлар илгари сурмоқда. Уларнинг фикрича, фикҳий мазҳаблар томонидан ишлаб чиқилган қоидаларни тўғри тушуниш усули сифатида тан олинмайди, балки шариат аҳкомларини тўғридан-тўғри амалга татбиқ этиш лозим деб ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, мазҳабсизларнинг даъвоси бўйича ҳар бир киши, ўзи Қуръондан ёки ҳадисдан ҳукм олиши мумкин. Чунки мужтаҳидларнинг хулосаси бошқалар учун асос бўла олмайди, ҳар бир одам ўзи фатво бериши мумкин. Уларнинг бу ғоясига амал қилинса, барча Қуръон ва ҳадисдан ҳукм олишга ўтса, жамият ҳаёти ўз-ўзидан

издан чиқади. Чунончи тиббиёт, архитектура ва ҳоказо соҳа вакиллари ҳам ўзлари мустақил тарзда Қуръон ёки ҳадисларни ўрганиб ўз масалаларини ҳал этишлари лозим бўлиб қолар эди.

Мазҳабсизликни тарғиб қилаётган сохта салафийлик мафкурасига кўра фикҳий мазҳаблар томонидан ишлаб чиқилган категориялар шариатни тўғри тушуниш услуби сифатида тан олинмайди, тўғридан-тўғри шариат аҳкомларини амалга татбиқ этиш энг тўғри йўл ҳисобланади.

Бу йўл билан минглаб олимларнинг машққат билан амалга оширган ишларини бекорга чиқаради. Шу билан бирга асрлар давомида мусулмонлар томонидан амал қилиниб келинаётган анъаналарни нотўғрига чиқариб, «ўтмишдаги мусулмонларни адашган эдилар» деган бузуқ хулосани беради. Бунинг натижасида мусулмонлар орасида парокандалик юз беради. Ҳозирги кундаги аҳли сунна вал жамоа мусулмонларининг барчаси тўрт мазҳабдан бирига эргашади. Шу билан бирга улар бир-бирини инкор қилмайди ва ақидада бир ҳисобланади.

Мазҳабсизларнинг даъволаридан яна бири фақат саҳих ҳадисга амал қилиш лозим, чунки мужтаҳидлар ҳар хил фатво чиқарганлар, шунинг учун бу бўлиниш ҳисобланади, дейдилар. Аслида мазҳаблардаги бир масалага турлича қараш мужтаҳиднинг ўша масалани қандай тушуниши билан боғлиқ. Араб тили бой тил бўлгани сабабли, бир олим Қуръондаги сўзнинг бир маъносини қабул қилган бўлса, иккинчи мужтаҳид бошқа маъносини олган. Ҳукм ҳам, ҳадислардан ҳукм олиш ҳам шунга яраша бўлган. Бир мужтаҳид бир ҳадисни олган ва унга қарши бўлган ҳадисни эса, ҳукми ўчган деб, бошқа мужтаҳид эса, ўша ҳадисни ҳукми ўчмаган деб қабул қилган.

Булардан ташқари Пайғамбар (алайҳис-салом) томонидан саҳобийларга ҳам ўз ўрнига қараб турлича масалаҳатлар берилган. Саҳобийлар эса, турли жойларга тарқалиб, борган жойларида ўзлари билган илм билан бошқаларни таништирганлар. Шунга ўхшаш ва бошқа сабаблар билан мазҳаблар орасида бир масалага турлича фатволар бериш

ҳолатлари пайдо бўлган. Шундай бўлсада мазҳаблар бир-бирларининг ҳукмларини хато деб ҳисобламайдилар ва бошқа ҳукмни ҳурмат қиладилар.

Шу ўринда фатво ва муфтий ҳақида тўхталиб ўтиш ўринли. «Фатво» деб луғатда «мушкул ишга жавоб қидириш», «саволга жавоб бериш», «шариат масалалари юзасидан фатво чиқармоқ», «маслаҳат бермоқ», «муфтийнинг хулосаси» деган маъноларни билдиради. Истилоҳда эса, «далилга асосланиб, шаръий ҳукмни сўровчига баён қилиб бериш» га фатво дейилади. Замонавий ҳанфий мазҳаби олимларидан бири фатвони «диний масалаларга жавоб беришдир», деган. «Муфтий» деб шариат ҳукмлари борасида фатво берадиган одамга айтилади. Фақиҳ Қарофий шундай деган: «Муфтийлар Аллоҳ таолонинг таржимонларидир. Чунки улар насс (Қуръон ва ҳадис)га таянган ҳолда ҳукм чиқарадилар». Имом Шотибий: «Муфтийлар уммат учун Расулуллоҳ (алайҳис-салом) мақомларида бўладилар. Бунга далил қилиб: *«Олимлар пайғамбарларнинг меросхўрларидир. Пайғамбарлар динор ёки дирҳам эмас, балки илмни мерос қилиб қолдирганлар»* (имом Термизий ривояти), ҳадисини келтирадилар» деб шарҳлаган.

Бугунги кундаги ҳанафий олимларидани бири шундай дейди: «Моҳир устозларнинг ҳузурида фикҳни ўрганмаган кимсанинг фатво бериши мумкин эмас. Устозлар ҳузурида фикҳни ўрганган кишининг фатво бериши мумкин бўлмаганидек, ўзи (мутақил равишда) фикҳий китобларни мутолаа қилган кимсанинг ҳам фатво бериши мумкин эмас. Ҳатто у аҳком усуллари, қоидалари ва иллатлари билан танишиб чиқиб, малака ҳосил қилган бўлса ҳам, мўътабар китобларни бошқалардан ажратиб олган бўлса ҳам мумкин эмас».

Ҳатто Пайғамбар (алайҳис-салом) замонларида Қуръон оятлари нозил бўлаётганини ўз кўзлари билан кўрган ва дин илмларини У зотдан тўғридан-тўғри олган саҳобалар ҳам фатво беришдан эҳтиёт бўлиб ва хато қилишдан кўрқиб жавоб беришни бир-бирларига ҳавола қилиб «фалончидан сўра» деганлар.

Юқоридагилардан шундай хулоса қилиш мумкинки, барча одамларга, ҳатто у диний китобларни ўқиб тушунса ҳам диний масалаларда фатво бериши мумкин эмас. Балки фатво бериш чуқур билимли, шу соҳада ўзини кўрсатган мутахассис кишиларга мумкин бўлади. Бу фикрни қўллаш қуйидаги ривоят қўллайди. Кишилар муҳаддис олим, ханбалий мазҳаби асосчиси Аҳмад ибн Ҳанбалдан юз минг ҳадисни ёд билган одам фатво берса бўладими, деб сўраганларида, у киши, йўқ, деб жавоб берганлар. Сўровчилар ёдланиши лозим ҳадисларнинг сонини юз мингдан ошириб борганлар, имом Аҳмад йўқ, деб жавоб бераверганлар, беш юз мингга етганларида, умид қиламан, деганлар.

Одамлар шариат билимларини билиш даражасига кўра хос ва оммага бўлинади. Хос кишилар муайян соҳа билан шуғулланиб, уни мукамал ўрганган мутахассислар ҳисобланади. Омма эса, ўзларининг касблари билан машғул бўлиб, керакли вақтда мутахассисга мурожаат қилиб, ўз масаласини хал қиладилар. Шарий ҳукмлар масаласида ҳам хос кишилар – мужтаҳид-фақиҳлар шуғулланиб, оммага унинг масалаларини етказиб, тушунтирганлар. Омма эса унга амал қилган. Шарий нуқтаи назардан одамлар мужтаҳид ва муқаллидга бўлинади. Манбаларда мужтаҳид деб ижтиҳод қилиш (муайян илмий салоҳиятга эга фақиҳ олим шариатнинг муфассал далилларидан шаръий ҳукмларни чиқариб олиши, яъни истинбот қилиш жараёни) фаолияти билан шуғулланадиган кишига айтилган. Мужтаҳид олимлар шариатнинг мустақил манбаси эмас. Балки мужтаҳид шариат қонунларини шарҳловчиси ва унинг манбаларни тушунтирувчиси деб тан олинади.

Омма ижтиҳод қила олмайдиган, бошқача қилиб айтганда, мустақил тарзда шариат манбаларини тушунмайди ва улардан қандай ҳукм олиншини билмайдиган кишилардир. Улар мужтаҳидга тақлид қиладди ва у муқаллид-тақлид қилувчи дейилади. Тақлид қилувчи мужтаҳиднинг ҳукмига амал қиладди. Мусулмонларнинг асосий қисми шу гуруҳ – тақлид қилувчилар

гурухидан иборат. Шу кунгача яшаган мусулмон олимларининг фаолияти натижасида мазҳаблар жамиятда ўз ўрнига эга бўлган. Мазҳабсизлик ва шунга ўхшаш фикрларни ислом душманлари мусулмонлар орасида тарқатишга ҳаракат қилмоқда. Олимлардан Шоҳ Валиуллоҳ Дехлавий тўрт мазҳабдан бирига тақлид қилиш ҳақида: «Билгинки, ушбу тўрт мазҳабнинг бирини ушлашда (тақлид қилишда) уммат учун катта фойда ва афзаллик бор. Улардан юз ўгиришда катта фасод бор», деган.

Аслини олганда, мусулмонлар Пайғамбар (алайҳис-салом)га эргашади, мужтаҳидларга тақлид қилади холос. Уламоларнинг тутган йўллари ҳақида машҳур муҳаддис Заҳабий: «Биз, тўрт имом (Абу Ҳанифа, Молик, Шофеий, Аҳмад), икки Суфён (Суфён Саврий ва Суфён ибн Уяйна), Авзоий, Довуд Зоҳирий, Исҳоқ ибн Роҳувайҳ ва бошқа имомлар ҳақ йўлда бўлганлар, деб ишонишимиз лозим. Улар ўзлари ҳақда айтилаётган айб (гап)лардан пок бўлиб, уларга эътибор қаратилмайди. Бошқа мужтаҳид муайян бир мазҳабга эргашиши шарт... Икки ҳарам имоми (Жувайний) таъкидлаганидек, саҳобий ва тобейларга эргашиб бўлмайди, чунки уларнинг мазҳаби ёзилмаган ва шакллантирилмаган. Қозилик масалалари ва фатво беришда тўрт мазҳабдан бошқасига тақлид қилинмайди», деган. Бошқа бир олим Тожуддин Субкий шундай ёзади: «Ушбу тўрт мазҳаб (ҳанафий, моликий, шофеий, ханбалий), Аллоҳ раҳмати ила, эътиқодда бир бўлган. Уларнинг айрим издошлари мўътазилийлар ва мужассимага кўшилиб кетганларига қарамасдан, мутлақ кўпчилиги ҳақиқатга риоя қилганлар...». «Аҳли сунна вал-жамоа» олимлари тўрт мазҳабдан бирига тақлид қилиш шарт экани борасида ихтилофга бормаганлар.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, исломдаги фикҳий мазҳаблар мусулмонларнинг бирлигини сақлашга ва халқнинг диний ҳукмларга риоя этишларидаги қийинчиликлари олдини олишга хизмат қилган. Бироқ мазҳабларни инкор қилиш мусулмонлар қалбига турли шубҳаларни солиш баробарида соф

ислом ақидасини бузиш ва жамиятда ихтилофли ҳолатларни келтириб чиқаришга қаратилган.

Мавзу бўйича саволлар

1. Исломда илк бўлиниш қайси йили бўлиб ўтган?
2. Фикҳий мазҳабларнинг пайдо бўлишига қандай омиллар бўлди?
3. Имом Абу Ҳанифа ким ва у қандай мазҳабга асос солди?
4. Мазҳабсизлик даъво қилаётган бузуқ қарашларнинг қандай салбий оқибатлари бор?

Мустақил иш топшириқлари

1. Ислом тарихида ихтилофлар ва уларнинг хал этилиши.
2. Фикҳий мазҳаблар тарихи.
3. Ҳанафий мазҳаби манбалари.
4. Салафийлик ва унинг тарихи.

Адабиётлар

1. Тулепов А. Ислом ва ақидапараст оқимлар. Тўлдирилган нашр. Масъул муҳаррир Шайх Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Шарқ, 2014. – 536 б.
2. Аминов Ҳ., Примов С. Ҳанафий фикҳи тарихи, манбалари ва истилоҳлари. – Тошкент: ТИУ нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2011. – 160 б.
3. Муҳаммад Анвар Бадахшоний. Ақидатут-таҳовия шарҳининг талхийси. – Тошкент: 2015. – 448 б.
4. Очилдиев О., Раҳимжонов Д., Муҳамедов Н. Ва бошқ. Диншунослик асослари (ўқув кўлланма). – Тошкент: ТИУ нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2013. – 320 б.
5. Мўминов А., Йўлдошхўжаев Ҳ., Раҳимжонов Д., ва бошқ. Диншунослик. – Тошкент: Меҳнат, 2004. – 296 б.
6. Абдуллаев А., Ҳакимова Н., Жўраев Ш., Каримов Ж. Илмдан бошқа нажот йўқ. – Тошкент: ТИУ нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2015. – 156 б.

6-МАВЗУ. МИССИОНЕРЛИК ВА ПРОЗЕЛИТИЗМ: ТАРИХ ВА БУГУН, ТАРҒИБОТ УСУЛЛАРИ

Режа:

1. Миссионерлик ва прозелитизмнинг мазмун-моҳияти.
2. Миссионерлик фаолиятида ижтимоий табақалар билан ишлаш стратегияси.
3. Диний секталар ва улар фаолиятининг оқибатлари.
4. Миссионерликка қарши курашнинг ҳуқуқий-амалий асослари.

Таянч тушунчалар: *Миссионерлик, прозелитизм, секта, диний секталар, диний ташкилотлар, иегово шоҳидлари, еттинчи кун адвентистлари, миссия, Библия жамияти.*

Мавзу ўқув мақсади: миссионерлик ва прозелитизмнинг асл мақсадларини тушунтириш, миссионерлик ташкилотларининг вазифаларини кўрсатиш, уларнинг салбий оқибатларини баён қилиш.

1. Миссионерлик ва прозелитизмнинг мазмун-моҳияти. Миссионерлик сўзи асли латинча бўлиб, «юбориш», «вазифа топшириш» деган маъноларни англатади.

Миссионерлик билан ёнма-ён ишлатиладиган прозелитизм эса, тўғридан-тўғри бирон бир динга ишонган фуқарони ўз динидан воз кечишга ва ўзга динни қабул қилишга қаратилган ҳаракатларни англатади. У ўз моҳиятига кўра миссионерликнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Маълумотларга кўра, дунёдаги умумий миссионерларнинг 2/3 қисмини христиан миссионерлари ташкил этади. Дастлабки халқаро христиан миссиялари, 1910 йилда Шотландиянинг Эдинбург шаҳрида пайдо бўлган эди. Бугунги кунда юзлаб шундай мақомга эга миссиялар фаолият кўрсатмоқда. Уларни янада ривожлантириш, етарли моддий, маънавий ва инсон ресурслари билан таъминлаш жуда яхши йўлга қўйилган. Одатда,

халқаро миссияни ташкиллаштиришда маълум бир конфессиянинг барча шахобчалари қатнашади. Масалан, ташкилотнинг нашриёти уни тегишли адабиётлар билан таъминласа, тадқиқот маркази муайян мамлакат аҳолиси, унинг ҳаёт тарзи, урф-одатлари, заиф томонлари ҳақидаги маълумотларни йиғиш ва диний адабиётларни маҳаллий тилларга таржима қилиш билан шуғулланади. Миссияни моддий-молиявий таъминлашда ишлаб чиқариш тузулмаларининг, миссионер кадрлар тайёрлаш ва кўнгилли хомийларни топишда миссионерлик базаларининг аҳамияти беқиёсдир. Мана шундай куч ва тайёргарлик билан халқаро миссия исталган мамлакатда тегишли тарғибот-ташвиқот ишларини самарали ташкил этишига шубҳа қилмаса ҳам бўлади.

Айни дамда, миссионерлик фаолияти билан фаол шуғулланишга ҳаракат қилаётганлар орасида баҳойлар, кришначилар билан бир қаторда янги пайдо бўлган секталар борлигини ҳам таъкидлаш зарур. Секта бу – фақат ўзини ҳақ дин, инсонларни нажотга етказувчи деб даъво қиладиган, аслида эса муайян сиёсий ва иқтисодий мақсадларни кўзлайдиган гуруҳ ҳисобланади. Психологлар мазкур секталарни «оммавий ижтимоий-психологик қирғин қуроли» деб таърифлайдилар.

Диний секта деганда маълум бир диндаги расмий ақидаларга зид равишда ажралиб чиққан ёки мавжуд динлар ва конфессияларга умуман алоқаси бўлмаган ҳолда дин байроғи остида фаолият кўрсатадиган гуруҳлар тушунилади. Бугунги кунда миссионерлик фаолияти билан асосан турли секталар шуғулланади. Ҳозирги кунда тахминан 5000 та сектанинг фаолияти аниқланган. Маълумотларга кўра, мамлакатимиз билан чегарадош бўлган давлатларда «Богородичий центр», «Церковь объединения», «Церковь Иисуса», «Церковь Нового Завета», «Белое братство», «Божественный орден Первого Ангела», «Фархат ата», «Дианетика» каби юзлаб диний секталар фаолият олиб бормоқда. Иблисга ибодат қилишга асосланган «Сатанизм» сектаси ҳам айрим қўшни республикаларда кенг тарқалмоқда.

Айрим маълумотларга кўра, ўта хавфли бўлган мазкур сектанинг Россияда 100 минг, Ер юзидан 5 миллиондан ортиқ тарафдори бор.

Мазкур секталар аҳолининг диний билимлари пастлигидан фойдаланиб, охиратнинг яқинлиги билан кўрқитиш ҳамда асосан ёшлар ва моддий аҳволи ночор бўлганлар ичида ташвиқот олиб бориш йўли билан ўз тарафдорларини кўпайтиришга ҳаракат қилмоқда.

2. Миссионерлик фаолиятида ижтимоий табақалар билан ишлаш стратегияси. Миссионерлар макон ва замонга мослашган ҳолда ўз услуб ва воситаларини доимий такомиллаштириб келганлар. Сўнгги вақтларда улар маълум бир ижтимоий қатламни ажратиб олиб, мақсадли иш олиб боришга интиломоқдалар. Жумладан, миссионерлар асосий эътиборни аралаш миллат вакилларида иборат оилаларнинг аъзолари, илгари ҳеч бир динга эътиқод қилмаган, оғир хасталикка, жудоликка, моддий қийинчиликка дуч келган, ахлоқ тузатиш муассасаларидан чиқиб келган, яъни моддий ва маънавий кўмакка муҳтож кишиларга қаратмоқдалар.

Зиёлиларнинг турли қатламлари ичида санъат соҳаси ходимлари, кутубхоначилар, ўрта мактаб ўқитувчилари, турли идоралар хизматчилари фаол миссионерлик тарғиботи объекти сифатида танланаётганини ҳам қайд этиш лозим. Бундай ёндашувда ўзига хос мантиқ бор. Масалан, прозелит санъаткор санъатнинг ҳиссий-эмоционал таъсир қувватидан фойдаланиб, эътиқодий босим ўтказишда юқори самарадорликка эришиши мумкин бўлса, эътиқодини ўзгартирган кутубхоначида эса «ўлжа» сифатида танланганлар билан яқка тартибда ишлаш имконияти мавжуд бўлади.

Миссионерларга табиатан ишонувчан, ташқи таъсирга мойил бўлган ва айни пайтда, ҳаётда сабр-бардошли ва фидоий бўлиш билан бир қаторда ҳамиша маънавий-руҳий кўмакка, қўллаб-қувватлашга эҳтиёж сезадиган аёлларга ҳам алоҳида эътибор билан қарамоқдалар. Уларнинг мақсади жамиятда

беқарорликни келтириб чиқариш, ижтимоий ва миллий тотувлик асосларига раҳна солишдир.

Қайд этилган мисоллар ҳам миссионерлик объекти сифатида танланаётган қатламлар доираси мунтазам равишда кенгайиб бораётганини кўрсатади.

Миссионерлар ўзларининг тарғиботчилик фаолиятини кучайтириш мақсадида хилма-хил ва турли даврларга мўлжалланган дастурлар ишлаб чиққанлар. Христиан назарийчиси Луис Буш христиан миссионерлари алоҳида эътибор қаратиши лозим бўлган ҳудуд - шимолий кенгликнинг 10 ва 40-параллеллари орасида жойлашган, деб ҳисоблаб, уни «10/40 ОЙНА», деб атаган эди. Ушбу параллеллар ораси эса буддавийлик конфуцийлик хиндуийлик, ислом, синтоийлик ва даосизм динлари кенг тарқалган ҳудудлар ҳисобланади. Бу ҳудудда Осиёнинг 40 га яқин, Африка қитъасининг 20 дан ортиқ давлати жойлашган.

Миссионерликда энг аввало ҳудудларга хос хусусиятлар инобатга олинади. Масалан, «10/40 ОЙНА» ҳудудига кирувчи мамлакатларнинг ўзига хос хусусиятлари, аҳолисининг диний қарашлари, турмуш тарзи, миссионерлик фаолиятини олиб боришда эътибор берилиши зарур бўлган жиҳатлар ҳақида батафсил маълумотлар шакллантирилган.

Маълумотларга кўра, ҳозирги кунда дунёдаги 3000 га яқин этник гуруҳлар тўлақонли фаолият юритадиган черковларга эга эмас.

«Уиклиф» халқаро христиан миссияси «Хушхабар»ни 600 дан ортиқ тилга таржима қилган. Уларнинг ҳаракатлари натижасида 45 миллион киши «Муқаддас китоб» таржимаси билан танишган.

Ҳозирги кунда ушбу миссия дунё бўйича мавжуд 6913 та тил гуруҳидан 1376 тасида иш олиб бормоқда. Бунда аввало тилнинг лингвистик тадқиқоти амалга оширилади ва бу иш охири-окибатда «Инжил» ни ўша тилга таржима қилиш билан яқунланади. Миссиянинг дунёнинг 60 давлатида фаолият

юритаётган 5277 та ва махсус тайёргарликдан ўтаётган 442 та миссионерни олдига ана шундай вазифа қўйилган.

Дунё халқларини инжиллаштириш бўйича мавжуд режалар ҳақида ҳам таъкидлаш лозим. 2002 йилда нашр этилган АҚШда «Бутунжаҳон христианлиги тенденцияси» китобида 2000 йилги кўрсаткичлар ва 2025 йилгача эришиши лозим бўлган ҳолат қиёсий таҳлил қилинган. Хусусан, унда ёзилишича:

- Ер юзи аҳолисининг «Инжил» билан таништирилиши 73,1 фоиздан 100 фоизга етказилиши;

- дунё аҳолиси таркибидаги христианларнинг улуши 33 фоиздан 40 фоизга ўсиши;

- христианларнинг 10 фоизини ташкил қилган миссионерларнинг улуши 20 фоизга кўтарилиши;

- христианлар ўз даромадларининг 1,8 фоизини черков ҳисобига ўтказиб келишган бўлишса, бу кўрсаткич 3 фоизга етказилиши;

- ҳар 3000 кишига 1 та миссионер тўғри келган бўлса, бу кўрсаткич ҳар 1000 кишига 1 та миссионерни ташкил этиши;

- черков мавжуд бўлмаган, аҳолиси 50000 дан ортиқ 116 та шаҳарнинг барчасида черковлар юзага келиши;

- черковлар тузилмаган 1000 дан ортиқ этник гуруҳнинг ҳар бирида черковлар ташкил этилиши;

- Ё умуман таржима қилинмаган, ёки қисман таржима қилинган барча тилларга «Инжил» таржима қилиниши лозим.

Реал воқелик ва миссионерлар томонидан амалга оширилаётган ҳаракатларни ўрганиш, афсуски, бу режаларда белгиланган мақсадларга аста-секин бўлса-да, эришилаётганини кўрсатади.

Юқоридагилар билан бир қаторда, миссионерликда ёшларга алоҳида эътибор берилаётганини таъкидлаш лозим. Ёшларнинг фаол ижтимоий кучга айланиб бораётгани бугунги кунда уларнинг турли мафкуравий таъсир ва тазйиқларнинг асосий объектига айланишига олиб келди. Бунда уларнинг жамиятнинг ҳали етарли тажрибага эга бўлмаган, ташқи таъсирларга тез

берилувчан ва айни пайтда, энг ҳаракатчан қатлами экани инобатга олинмоқда.

Миссионерликнинг таниқли назарийчиси Патрик Джонстоун талаба ёшларни миссионерлик фаолиятининг асосий объекти деб қараб, ўзининг «Дунё операцияси» китобида шундай ёзади: «Бутун дунёда университет ва коллежларда 37 миллион талаба таҳсил олади. Уларнинг кўплари 20 йилдан сўнг йирик мансабларни эгаллашади». Ушбу фикрлар миссионерларнинг жамиятнинг эртанги кунини белгилаб берадиган авлод онгини эгаллаш, назорат қилишни кўзлаб иш юритаётганини англаш имкониятини беради.

Хайрия ёрдамлари кўрсатиш ҳам миссионерликдаги энг қадимий ва самарали усуллардан бири ҳисобланади. Бунда турли тадбирлар уюштирилиб, уларга асосан ёшлар жалб этилади. Беғараз дея тақдим этилаётган, аслида жамиятнинг ёрдамга муҳтож қатламларини аниқлаш ва сўнгра улар билан мақсадли иш олиб боришни кўзлайдиган бундай ҳаракатлар ҳатто «Янги йил», «Наврўз», «Хотира ва қадрлаш куни» каби халқимизда кенг нишонланадиган байрамлар давомида ҳам ғаразли мақсадларда амалга оширилиши кузатилган. Миссионерлар ўзлари кўрсатаётган «ёрдамни» шу байрамлар руҳига мослаштиришга ҳам ҳаракат қилмоқда.

Уйма-уй юриб «Хушхабар» етказиш усулининг ўзига хос хусусиятлари. Бу усул миссионерларга одамлар билан куннинг долзарб масалалари ҳақида суҳбатлашиш, уларнинг дардларига қизиқиш билдириш ва ушбу муаммолардан чиқиш йўллари кўрсатиб беришни таклиф қилиб, ўз ташкилотларига жалб қилишга асосланади. Бу миссионерликни амалга оширишда энг яхши самара берадиган ва катта маблағ талаб қилмайдиган усуллардан бири ҳисобланади. Масалан, ушбу усулдан фаол фойдалаётган «Иегово шоҳидлари» оқими аъзолари, ўзларини гўёки, Исо Масих ўз ҳаворийларига буюрган йўлдан фойдаланаётганларини даъво қилиб, муайян ҳудудда «таянч нуқта»ни шакллантириш ва унга суянган ҳолда яқин қўшнилар

орасида уйма-уй юриб адабиётларни тарқатиш, мактаб ўқувчилари ва ёшлар орасида тарғибот ишларини олиб боришга алоҳида эътибор бермоқда. Бундай мақсадли фаолият натижасида иеговочилар сони йилдан йилга ортиб бормоқда ва бугунги кунда дунё бўйича қарийб 7 миллионни ташкил этмоқда.

Таълим-тарбия соҳасидаги миссионерликдан кўзланган мақсадлар. Таълим тизими босқичлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик туфайли ғоя ва қарашларни сингдиришдаги тадрижийлик таъминланади. Шу билан бирга, таълим жараёнида амалга оширилган тарғибот натижаларини бевосита текшириб кўриш ва уни такомиллаштириб бориш имконияти ҳам мавжуд. Бу каби хусусиятлар миссионерларнинг таълим тизимига алоҳида эътибор билан қарашини келтириб чиқармоқда. Адвентистларнинг дунё бўйича 5000 дан ортиқ ўқув марказларига, пятидесятникликнинг энг йирик оқимларидан бири – «Худо ассамблеялари» черковлари бир неча коллеж ва Библия мактабларига эгалик қилаётгани ҳам айнан шу билан изоҳланади.

Жумладан, Ўзбекистон истиқлолининг дастлабки йилларида миссионерлар турли волантёр ташкилотлар ниқоби остида мамлакатимиз таълим тизимига кириб олишга уринганлари кузатилган. Улар юртимиздаги мавжуд таълим муассасаларида турли тил, компьютер, спорт тўғараклари ташкил этиш ниқоби остида талаба ва ўқувчилар орасида ўз динларини тарғиб қилишга ҳаракат қилган.

Миссионерликда *маҳаллий тилларда христианликни тарғиб қилувчи адабиётларни чоп қилиш ва тарқатиш* ҳам энг кўп қўлланиладиган усуллардан биридир. Кичик ҳажмдаги қўлланмалар жуда ҳам таъсирчан қилиб ёзилади. Одамларнинг эътиборини жалб қилиш учун уни чиройли суратларга бой этиб чоп этилади. Уларда динни қабул қилишга очиқ-ойдин таклиф қилинмайди. Аммо адабиёт охирида қўшимча маълумот олиш учун ташкилот манзили ёки телефони келтирилади. Рисолани ўқиган ва диний билими саёз бўлган инсон унинг таъсирига тушиши мумкин. Маълумотларга кўра, «Тўлиқ инжил

христианлари» оқими янги вакилларининг ярмидан кўпи динни қабул қилишларини христиан адабиётлари таъсири билан боғлашади. Адабиётларни олиб кириш ва тарқатиш кўпинча мавжуд қонунларга зид равишда амалга оширилади.

Тажрибали миссионерлар ўз мақсадлари йўлида ҳатто ўзбек мумтоз адабиётдан ҳам «унумли» фойдаланаётганини кўрсатади. Хусусан, улар ўз мақсадлари йўлида бадиий адабиёт намуналари мазмунини бузиб талқин қилишдан ҳам тоймаётганиниқайд этиш лозим. Айрим миссионерлар республикамизда масиҳийликни тарғиб қилишда Алишер Навоий шеърларидаги муайян мисралардан фойдаланишга интилаётгани ҳам фикримизнинг тасдиқлайди.

Масалан:

Бир қадаҳ берсанг, қўярмен бутқа юз, эй пири дайр,

Иккисин олиб, бошимга ҳасбатан лиллоҳ, кел.

Гарчи келмай-келмай ўлтурдинг Навоийни валеқ,

Эй Масиҳ, онинг мозори бошига гоҳ-гоҳ кел.

Бу икки байтнинг асл моҳиятини тушуниб олиш учун аввал у қайси ғазалдан юлиб олинганини аниқлаш, кейин ўша ғазал матнини таҳлил қилиш зарур. Чунки байтлар ўртадан узиб олинса, улардан кўзланган асл мақсад очилмай қолади. Оқибатда унинг турлича талқинларига йўл очилади.

Бу икки байт Алишер Навоийнинг «Ҳазойин ул-маоний» лирик тўпламидаги «Фавойид ул-кибар» деб номланган тўртинчи девоннинг 387-ғазалидан юлиб олинган. Ғазал байтларининг насрий баёни қуйидагича:

Бир қадаҳ берсанг, бутга юз қўяман, эй дайр (бутхона, майхона) пири,

Иккисини (қадаҳ билан бутни) олиб, Худо ҳақи, бошимга кел.

Гарчи келмай-келмай, Навоийни ўлдирдинг, лекин,

Эй Масиҳ (Исо), у(Навоий)нинг мозори бошига баъзан-баъзан кел.

Май, жумладан, унинг идиши бўлмиш қадаҳ орқали тасаввуфий шеърятда ишқ кўзда тутилади. Дайр пири

майхонада қадаҳ тутгани сингари, лирик қаҳрамон пирдан ишқ майи қуйишини истаяпти.

Бундан ташқари, тасаввуфда пир муридни Аллоҳ ишқи йўлида тарбиялайди. Мурид, пири буюрса, май истеъмол қилиши, ҳатто, бутга юз қўйиши ҳам мумкин. Ишқ ошиқни пирнинг ҳар қандай буйруғи бажаришга тайёр ҳолга етгани, ишқи камол топганига ишора бор. Аммо бу ерда ҳеч ҳам насронийлик тарғиби мавжуд эмас.

Ғазалда ёрнинг келмай-келмай, Навоийни ўлдиргани айтилиб, Масихдан мозори бошига баъзан-баъзан келиб туриши сўралади.

Хўш, нега айнан Масихдан сўралапти?

Биринчидан, «Масих» деганда ҳам зимдан Ёр кўзда тутилган, бевосита Исо пайғамбарнинг ўзи эмас. Чунки лирик қаҳрамон Ёрга ошиқ, Исо пайғамбарга эмас. «Ёр» деганда эса, албатта, Аллоҳ таоло кўзда тутилади. Ёрни тасаввуф шоирлари баъзан «санам» деб ҳам тилга олиб кетаверади. Бу ерда эса Масих бекорга тилга олинмаяпти. Тасаввуф рамзиётида Масих – рух рамзи. Шунинг учун уни баъзан «Рухуллоҳ», яъни «Аллоҳнинг руҳи» деб ҳам номлашади. Лирик қаҳрамон айнан Аллоҳ руҳининг мозорига йўқлаб келиб туришини истаяпти.

Демак, бу тасвирларнинг насронийликка ҳеч қандай алоқаси йўқ. Чунки, ислом таълимотига кўра, 124 минг пайғамбарнинг ҳаммаси – ислом пайғамбарлари. Шунингдек, Довуд (а.с.)га туширилган Забур, Мусо (а.с.)га туширилган Таврот, Исо (а.с.)га туширилган Инжил ҳам, худди Муҳаммад (алайҳис-салом)га туширилган Қуръон каби самовий китоблар ҳисобланади. Фақат бир нарсани ёддан чиқармаслик керакки, Таврот тушганда Забур, Инжил тушганда Таврот, Қуръон тушганда Инжил мансух, яъни бекор қилинган.

Навоий асарларида учрайдиган Муҳаммад (алайҳиссалом)дан олдин ўтган пайғамбарлар ҳақидаги талқинларни ҳозирги жаҳон диншунослиги мезонлари билан

баҳолаш кўпдан-кўп хато талқинларга асос бўлиши мумкин. Буни ҳеч қачон ёддан чиқармаслик керак.

Шу хулосалардан келиб чиқилса, Алишер Навоийнинг:

Лаълини севдум, кўзининг қатлидин қайғурмоғум,

Не зам ўлмактин, киши бўлса Масиҳо бирла дўст, –деган байтида ҳам айнан киши ўлганидан кейин руҳи қолишига суюнилгани учун ҳам Масиҳо тилга олинган. Лирик қаҳрамон ёрнинг лаъл(лаб)ини севганини, кўзининг қатл этишидан қайғурмаслик лозимлигини таъкидлаб, ўлимдан ҳам чекмасликка ундаяпти, чунки, унингча, ўлгандан кейин киши Масиҳо (яъни руҳ) билан дўст бўлади.

Демак, юқоридаги мисралар «талмеҳ санъати»нинг, яъни жой, тарихий шахслар, пайғамбарлар, авлиёлар номларини ўз фикрини ифода этиши учун бадий тасвир воситаси сифатида ишлатишнинг ёрқин намунасидир.

Шунингдек, Миссионерлик ташкилотлари христианликни тарғиб қилишда *аудио, видео ва электрон маҳсулотлар, рўзнома ва ойномалар, теледастурлар, интернетда онлайн ўқув курслари* ташкил этиш йўлларидан фойдаланмоқдалар. Миссионерлик мазмунидаги CD дисклар ишлаб чиқариш ва тарқатиш билан шуғулланувчи қатор халқаро агентликлар ҳам фаолият юритмоқда. Бундай йирик ташкилотлардан бири – Global Recordings компанияси бўлиб, у 21 миллий агентликни бирлаштиради ҳамда 4562 тил лаҳжаларида маҳсулот ишлаб чиқаради.

Европа ва Америка қитъаларида миссионер даъватчилар машҳурлик борасида шоу-бизнес ва кино юлдузларидан қолишмайдилар. Маълум бўлишича, телевидение орқали даъват қилишдан энг кўп Адвентист ва Тўлиқ инжил христианлари жамоалари фойдаланади.

3. Диний секталар ва улар фаолиятининг оқибатлари.

Секталарга хос хусусиятлар ҳақида гап кетар экан, айрим секталар муайян конфессия доирасида шаклланиб, асосий

эътиборни собиқ эътиқоддошлари орасида тарғибот олиб боришга, баъзи секталар эса бошқа конфессияга мансуб инсонлар орасидан ҳам ўз тарафдорларини шакллантиришга ҳаракат қилишини таъкидлаш зарур.

**ДИНИЙ СЕКТАЛАР ЎЗ
МАҚСАДЛАРИГА ЭРИШИШ УЧУН
АМАЛ ҚИЛАДИГАН ҚОИДАЛАР:**

инсоннинг маънавий ва жисмоний камолатга эришишга бўлган интилишидан фойдаланиш

аҳолининг диний билимлари пастлигидан фойдаланиш

охиратнинг яқинлиги билан кўрқитиш

асосан ёшлар ва моддий эҳтиёжманд кимсаларни ўз таъсирларига олиш

яширин фаолият олиб бориш ва секта ичида бўлаётган воқеаларнинг кўпчилиқка маълум бўлиб қолмаслигини қаттиқ назорат қилиш

Айни пайтда, ҳеч бир конфессияга мансуб бўлмаган, муайян шахс – «устоз», «йўлбошчи» ёки «рахнамо» томонидан асос солинган ва аҳолининг дуч келган ижтимоий ва профессионал қатлами билан иш олиб борадиган секталар ҳам мавжудлигини қайд этиш лозим.

Афсуски, юқоридаги каби кўринишларда чиқадиган секталар фаолияти натижасида бир қатор салбий, баъзи ҳолларда фожиавий ҳодисалар келиб чиқмоқда. Жумладан, ўтган асрнинг 70-йилларида АҚШнинг Сан-Франциско шаҳрида Жим Жонс исмли шахс бир неча минг кишилик маҳаллий протестантларни ўз ичига олган «Халқ ибодатхонаси» номли жамоа тузишга эришади. Секта асосчисининг турли «қилиқ»лари шаҳар жамоатчилигига маълум бўлиб қолгач, Жонс «чиркинликларга тўла шаҳар»дан кетиб, Гаяна чангалзорларида «Худо Подшоҳлиги»ни қуриш лозимлигини эълон қилади.

1978 йили «Худо Подшоҳлиги»даги ҳолатни ўргангани борган АҚШ Конгресси комиссияси секта издошлари «подшоҳликда» жуда оғир шароитларда яшаётгани, уларга қуллардек муносабатда бўлинаётгани, Жонс барча «банда»ларини ўзига ибодат қилишга мажбур қилганига гувоҳ бўлади. Кирдикорлари фош бўлиб қолганини билган секта раҳбари бир куннинг ўзида барча издошларини ўз жонларига қасд қилишга мажбур қилади. Оқибатда Жонсга ишонган 912 киши ҳалок бўлади.

Шунга ўхшаш ҳолат АҚШнинг Техас штатидаги Уэйко шаҳрида Девид Кореш томонидан адвентислик замирида шакллантирилган «Довуд авлоди» номли секта тарафдорлари билан ҳам содир этилади. Ўзини «Халоскор» деб эълон қилган, жамоада ўзининг мутлақ ҳокимиятини ўрнатиб, барчага ўз мулкидек муносабатда бўлган секта раҳбари Уэйко шаҳрида қурилган махсус ранчода издошлари билан роҳибона ҳаёт кечиради.

1993 йилда полиция томонидан уни қўлга олиш бўйича амалга оширилган тадбир давомида, қамалишни истамаган «пайғамбар» ўзи ва барча секта аъзолари жойлашган ранчони портлатиб юборади. Оқибатда 100га яқин киши, шу жумладан, 25 нафар бола ҳалок бўлади.

Бундай секталар қаторига 1992 йилда Хитойда Лю Хунчжи томонидан тузилган ва 2 миллиондан ортиқ тарафдори бўлган «Фалуньгун» сектасини ҳам киритиш мумкин. Лю Хунчжи фақат ўзинигина заминни ҳалокатдан, кишиларни қийинчиликлардан қутқарувчи, жисмоний ва маънавий етукликка бошловчи, гуноҳлардан фориғ қилишга қодир, деб ҳисоблайди. Жаннат фақат унинг тарафдорларигагина насиб қилармиш. Охират билан қўрқитиш марказий ўринни эгаллаган Лю Хунчжи таълимотига эргашиш 2000 дан ортиқ кишининг ҳалок бўлиши, юзлаб одамларнинг руҳий касалликка чалинишига сабаб бўлган.

Буддизм доирасида шаклланган «Аум Синрикё»нинг 1995 йилда Токио метросида тинч аҳолига нисбатан газ хужуми

уюштириши оқибатида 12 киши ҳалок бўлгани, АҚШда пайдо бўлган «Осмон дарвозаси» сектаси аъзоларидан 60 дан ортиқ киши ўз жонига қасд қилгани, Угандада юзага келган «Худонинг ўнта буйруғини қайта тиклаш ҳаракати» сектаси қурбонлари сони 1000 дан зиёдни ташкил этгани ҳам бундай секталар фаолиятининг мудҳиш оқибатларидан далолат беради.

Ҳозир айрим расмий рўйхатдан ўтган ёки норасмий фаолият юритаётган ноисломий диний жамоаларнинг вакиллари томонидан ҳам миссионерлик фаолияти амалга оширилиши кузатилмоқда. Миссионерлар аксарият ҳолатларда ўз жамоасига жалб қилишда турли ўқиш курсларини очиб, ўз динига тарғиб қилиш, хорижга ўқишга ёки ишга жўнатиш, ёз фаслида болаларни дам олиш лагерларига жалб қилиш, хайрия ёрдам кўрсатиш, бепул тиббий ёрдам бериш ва газета, журнал, китоблар тарқатиш каби усуллардан фойдаланмоқда. Уларнинг диний таълимотида Давлат рамзларини ҳумат қилиш, Конституцион бурчни бажарган ҳолда ҳарбий хизмат ўташ, жамоат ишларида қатнашиш ман этилган. Бундай ҳолат халқимиз учун ноанъанавий бўлган диний жамоа ва секта вакилларининг мақсади жамиятимиз аъзоларини фуқаролик фаоллигини сўндириш ва қарам қилиб олишга йўналтирилганидан яққол далолат беради. Шунингдек, айрим ноисломий диний жамоаларда ушбу жамоага аъзо бўлган шахс билан оила қуриши, жамоадан ташқаридан келаётган барча маълумотларни ёлғон ва зарарли деб билиш белгилаб қўйилган, баъзиларида оила қуриш умуман маъқулланмай, улар даромадларининг деярли барчасини ушбу жамоа раҳбариятига топшириши лозим. Ушбу фактлар мазкур диний жамоалардаги тартиб шахс, оила ва жамият учун нақадар зарарли эканини тасдиқлайди.

Умуман олганда, юқоридаги каби секталар, миссионерлик ташкилотлари фаолиятига чек қўйиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Бир қатор мамлакатларда секталар ва миссионерлар фаолияти натижасида жабр кўрганларга моддий ва маънавий кўмак бериш мақсадида махсус

марказларнинг тузилгани, афсуски, юқоридаги каби ҳолатларнинг кўпайиб бораётгани ва хатарли кўлам касб этиб, жамиятдаги ижтимоий-маънавий муҳитга ўта салбий таъсир кўрсатаётганини кузатамиз.

Шунингдек, миссионерликнинг миллий ҳаётга таҳдиди хусусида ҳам тўхталиб ўтиш лозим. Сир эмаски, дин миллий маънавиятнинг таркибий қисми, *миллатни бирлаштириб турувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади*. Бир тилда гаплашадиган, умумий тарих ва ягона давлатга эга бўлган, аммо *турли динларга ёки диний йўналишларга эътиқод қиладиган миллатлар ҳамон ички миллий бирликни таъминлай олмаётгани*, кичкина бир сабаб қайта - қайта низоли вазиятлар ва фуқаролар урушининг келиб чиқишига замин яратаётгани ва мамлакатлар ўз тараққиётида ўнлаб йилларга орқада қолиб кетаётгани ҳам шундай хулоса чиқариш имконини беради.

Ливан аҳолисининг 90 фоиздан ортиғини араблар ташкил этади. Расмий тил араб тили ҳисобланади. Аммо ливанликларнинг бир қисми исломга (сунний, шиа, друз), қолган қисми христианликка (мароний, православ, католик) эътиқод қилиши натижасида миллий бирликни таъминлаш қийин кечмоқда. Мамлакатнинг амалдаги қонунчилигида давлат бошқарув идораларининг диний белгилар асосида шакллантирилиши мустаҳкамлаб қўйилгани эса, кўпгина ҳолларда хилма-хил омиллар таъсирида унинг тўлақонли фаолиятига тўсиқ бўлмоқда. Мусулмонлар ва христианлар ўртасида вақти-вақти билан келиб чиқаётган фуқаролар уруши эса бу бирликни таъминлашни янада мушкиллаштираётгани фикримизнинг исботи бўла олади.

Турли миллат ва дин вакиллари истиқомат қилиб келган Югославиянинг Сербия, Словения, Хорватия, Македония, Черногория, Босния ва Герцеговина каби давлатларга парчаланиб кетгани ҳам этноконфессионал зиддиятлар қандай оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлигининг ҳаётий-амалий ифодасидир.

Масаланинг ана шу жиҳатига эътибор берилса, миссионерлик ҳаракатлари ортида диний заминда миллатни ичидан бўлиб ташлашга қаратилган ғаразли сиёсий мақсадлар ётганини ва у келтириб чиқарадиган фожияларни англаб етиш мумкин.

Бу, миссионерлар ўз олдиларига қўйган мақсадларга эришадиган бўлсалар улар фаолият олиб бораётган мамлакатда ҳам халқнинг парокандаликка юз тутиши ва маънавий таназзулнинг келиб чиқиши мумкинлиги ҳақида хулоса чиқариш имконини беради.

4. Миссионерликка қарши курашнинг ҳуқуқий-амалий асослари. Ўзбекистонда мустақилликнинг илк йиллариданоқ миссионерлик ва прозелитизмнинг салбий оқибатларга олиб келишини ҳисобга олган ҳолда бу борада тегишли қонуний асослар ишлаб чиқилди. Қонунларда миссионерлик ҳаракатлари тақиқланди.

Маълумки, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун (янги таҳрири) кишиларнинг виждон эркинлигини ҳуқуқий кафолатлаш билан бирга диний ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиришга хизмат қиладиган ҳамда давлат ва дин муносабатларини тартибга соладиган муҳим ҳужжат ҳисобланади. Қонунга биноан «Бир диний конфессиядаги диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм), шунингдек бошқа ҳар қандай миссионерлик фаолияти ман этилади. Ушбу қонуннинг бузилишига айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортиладилар» (5-модда, 3-банд).

Мазкур моддадан келиб чиқиб, «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси»га ноқонуний диний хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш билан боғлиқ бир қатор моддалар киритилган. Жумладан:

- диний мазмундаги материалларни тарқатиш мақсадида қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ёки тарқатиш;

- диний йиғилишлар, кўча юришлари ва бошқа диний маросимлар ўтказиш қоидаларини бузиш;

- Ўзбекистон Республикасида ғайриқонуний нодавлат ноижорат ташкилотлари, оқимлар, секталар фаолиятида қатнашишга ундаш;

- ноқонуний диний фаолият билан шуғулланиш;

- диний ташкилотлар раҳбарларининг мазкур ташкилотлар уставини рўйхатдан ўтказишдан бош тортиши;

- диндорлар ва диний ташкилотлар аъзолари томонидан болалар ва ўсмирларнинг махсус йиғилишлари, шунингдек диний маросимга алоқаси бўлмаган меҳнат, адабиёт ва бошқа хилдаги тўғарақлар ҳамда гуруҳларни ташкил этиш ва ўтказиш;

- бир конфессияга мансуб диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм) ва бошқа миссионерлик фаолияти;

- махсус диний маълумоти бўлмай туриб ва диний ташкилот бошқаруви марказий органининг рухсатисиз диний таълимотдан сабоқ бериш, худди шунингдек хусусий тартибда диний таълимотдан сабоқ бериш билан боғлиқ ҳаракатлар содир этилганда белгиланган энг кам иш ҳақининг тегишли миқдордаги жарима солинишига ёки белгиланган муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлиши ҳақидаги қоидалар мустаҳкамлаб қўйилганини таъкидлаш зарур.

Амалдаги қонунчилигимизга кўра, муайян ҳолларда биринчи марта қонунни бузган шахс ёки ташкилотга маъмурий жазо қўлланилади. Агарда ўша шахс ёки ташкилот шундан кейин ҳам қонунни бузишда давом этса, унга энди жиноят кодексидаги чоралар қўлланилади. Масалан, «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси» нормаларига кўра, «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси»нинг юқорида қайд этилган бандларидаги ҳаракатлар

маъмурий жазо қўллангандан кейин яна содир этилса, бу «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси»да белгиланганидан кўра оғирроқ жазолар қўлланишига олиб келади.

Шу билан бирга, «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси»да «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси»да назарда тutilмаган бир қатор ҳаракатлар учун ҳам жазолар белгиланганини қайд этиш зарур. Жумладан:

- вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этиш;
- вояга етмаган болаларни уларнинг ихтиёрига, ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига зид тарзда динга ўқитиш;
- диндорлардан мажбурий йиғим ундириш ва солиқ олиш;
- диний таълим олишда ҳамда фуқаро динга нисбатан, динга эътиқод қилиш ёки эътиқод қилмасликка нисбатан, ибодат қилишда, диний расм-русумлар ва маросимларда қатнашиш ёки қатнашмасликка нисбатан ўз муносабатини белгилаётган пайтда мажбурлаш билан боғлиқ диний фаолият юритиш;
- ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ёки диний ташкилотларни қонунга хилоф равишда тузиш ёки уларнинг фаолиятини тиклаш;
- ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ёки ташкилотлари фаолиятида фаол қатнашиш билан боғлиқ ҳаракатлар белгиланган энг кам иш ҳақининг тегишли миқдорида жарима солинишига ёки белгиланган муддатга ахлоқ тузатиш ишлари, ёки қамоқ ёхуд озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгилаб қўйилган.

Мамлакатимизда миссионерлик ва прозелитизмнинг олдини олиш, айниқса ёшларни бундай зарарли оқимлар домига тушиб қолишларининг олдини олиш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширишни тақозо қилмоқда. Бу вазифани муваффақиятли ҳал этишда ёш авлодни ҳозирги даврда мамлакатимизда дин

соҳасида содир бўлаётган ўзгаришлар, яратилган имкониятлар билан мунтазам асосда таништириб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Шу билан бирга, қизиқишлари, билим даражаларини инобатга олган ва дифференциал ёндашган ҳолда ёшларнинг дин, шу жумладан, халқимиз асрлар давомида эътиқод қилиб келган ислом дини ҳақидаги билимларни ва миллий-диний анъаналар асосларини соғлом асосда эгаллашларига кўмаклашиш ҳам бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Бундай билимлар объектив бўлиши, воқеликни тўғри ва тўлиқ акс эттириши ва ўз моҳиятига кўра, Ватан ва миллат манфаатлари билан узвий боғлиқ бўлмоғи керак. Ёшларимизнинг миссионерликнинг моҳияти ҳақида холис ва етарли билимга эга бўлишлари унга қарши иммунитетни шакллантиришнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади.

Таҳлиллар ҳеч бир минтақа, ҳеч бир давлат бундай таҳдиддан холи эмаслигини кўрсатади. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун эса миссионерликнинг моҳиятини тўғри ва чуқурроқ англаш, уни бартараф этиш йўлида мақсадли, тизимли ва тадрижий фаолият олиб бориш зарур бўлади. Эгалланган билимлар қанчалик холис ва чуқур бўлса, унинг замирида юзага келадиган баҳолар, кадриятлар ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади. Шаклланган кадриятлар тизими эса турли таҳдидларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Мавзу бўйича саволлар

1. Миссионерлик ва прозелитизм сўзларининг мазмун-моҳияти нимада?
2. Миссионерлик ташкилотлари асосан қандай мақсадларни кўзлайди?
3. Замонавий секталар томонидан миссионерлик фаолиятини олиб боришда қандай услублардан фойдаланилмоқда?

Мустақил иш топшириқлари

1. Миссионерлик ва прозелитизм маънавий таҳдид сифатида.
2. Миссионерликнинг вужудга келиш ва ривожланиш тарихи.
3. Миссионерликка қарши курашда давлат ва жамоат ташкилотлари, хусусан маҳалланинг ўрни.

Адабиётлар

1. Миссионерлик: кеча ва бугун. - Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2008. - 64 б.
2. Шермухаммедов К., Каримов Ж., Нажмиддинов Ж. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. – Тошкент: «Мовароуннаҳр» нашриёти, 2016. – 224 б.
3. Миссионерлик: моҳият, мақсадлар, оқибатлар ва олдини олиш йўллари. - Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2017. - 200 б. (А.Ачилдиев билан ҳаммуаллифликда).

7-МАВЗУ. ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМ: МАФКУРА ВА АМАЛИЁТ, ҚАРШИ КУРАШ СТРАТЕГИЯСИ

Режа:

1. Экстремизм, ақидапарастлик ва мутаассибликнинг мазмун-моҳияти.
2. Терроризм тушунчаси ва унинг асосий белгилари.
3. Ислом ниқобидаги экстремизмнинг ғоявий илдизлари.
4. Ўзбекистон Республикасида диний экстремизм ва терроризм хавфини олдини олишнинг ҳуқуқий асослари.

Таянч тушунчалар: *экстремизм, диний экстремизм, фундаментализм, мутаассиблик, ақидапарастлик, террор, терроризм, халқаро терроризм, фирқалар, хорижийлар, сохта салафийлар.*

Мавзу ўқув мақсади: экстремизм, ақидапарастлик, мутаассибликнинг моҳиятини тушунтириш, террор ва унга олиб борадиган йўллارни кўрсатиш, дин ниқобида фаолият юритадиган экстремистик гуруҳлар ҳамда экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари борасида маълумотлар бериш.

1. Экстремизм, ақидапарастлик ва мутаассибликнинг мазмун-моҳияти. Экстремизм ва терроризм каби ҳодисаларнинг илдизлари узоқ тарихга бориб тақалса-да, улар ҳеч қачон ижтимоий барқарорлик ва тараққиёт учун бугунгидек таҳдид солмаган. Зеро, ҳозирда диний экстремизм ва терроризм глобал характерга эга бўлиб, дунёнинг барча мамлакатлари ҳамда минтақаларига бирдек хавф солмоқда. Шундай экан, унинг олдини олиш ва унга қарши курашиш инсониятнинг истиқболига дахлдор масалага айланди.

Экстремизм (лотинча – «ақл бовар қилмас даражада», «ҳаддан ошиш») жамиятда қабул қилинган қонун-қоидаларга зид

радикал қарашлар ва ҳаракатларни англатади. Уларга диний тус бериш эса, диний экстремизмга олиб келади.

Диний экстремизм – жамият учун анъанавий бўлган диний қадриятлар ва ақидаларни рад этиш, уларга зид ғояларни алдов ва зўрлик билан тарғиб қилишга асосланган назария ва амалиётни англатади.

Экстремистик қарашларни барча динларда, буддавийлик, христианлик, исломдаги турли оқимларда учратиш мумкин. Масалан, мутахассислар католик черковининг эркин фикр юритувчи, ҳукмрон феодал-католик черкови ақидаларини рад этувчи кишилар – папа ҳокимияти душманларини таъқиб қилиш учун XIII асрда тузилган ва минглаб одамларнинг қурбон бўлишига олиб келган инквизиция фаолиятини ҳам экстремизмнинг ўзига хос кўриниши сифатида баҳолайдилар. Аммо ҳозирда ислом дини ниқоби остидаги диний-сиёсий ҳаракатлар аъзолари томонидан турли жиноятлар содир этилаётгани жамият хавфсизлигига жиддий таҳдид солмоқда.

Фундаментализм – (лотинча – «асос») тушунчасининг маъноси муайян ижтимоий ҳодисанинг дастлабки кўринишини англатади.

Диний фундаментализм – «маълум дин вужудга келган илк даврига қайтиш ва бу йўл билан замонанинг барча муаммоларини ҳал қилиш мумкин», деган фикрни илгари суриш таълимотини англатади. Истилоҳда ақиданинг ўзгармаслигини ҳимоя қиладиган, муайян диний эътиқод шаклланишининг бошланғич даврида белгиланган барча йўл-йўриқларни қатъий ва оғишмай бажарилишини талаб қиладиган диний оқимларни ифодалашда қўлланилади.

«Фундаментализм» атамаси аслида христиан дини билан боғлиқдир. Фундаментализм ибораси биринчи бор I Жаҳон уруши арафасида вужудга келган протестантликдаги ортодоксал оқимларни ифодалаш учун ишлатилган. Бу оқим 1910 йилдан кейин шу ном билан атала бошлаган. Фундаменталистлар христианликнинг анъанавий ақидаларига, айниқса Библиянинг

мутлақо мукаммаллигига ишонишни мустаҳкамлаш, уни сўзма-сўз шарҳлашга қатъий риоя қилишни талаб қилдилар. Бу оқим кейинчалик Америкада кенг тарқалиб кетди. 1919 йили Филадельфияда Жаҳон христиан фундаменталистлари ассоциациясига асос солинди.

XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб, бу сўз исломга нисбатан қўлланила бошлади. Бунда «фундаментализм» атамаси – Қуръон ва ҳадисларни сўзма-сўз талқин этувчи, илк исломга қайтишга қаратилган ақидаларни тарғиб қилувчи диний-консерватив руҳдаги йўналишга нисбатан ишлатилди. Бунинг натижасида жаҳон матбуотларида ислом ниқобидаги мутаассиб жангариларни «фундаменталистлар» деб аташ ҳам одат тусига кирди.

Шундай экан, экстремизм ёки фундаментализмни фақат муайян дин билан боғлаш мутлақо асоссиз. Хусусан, ислом дини, у билан боғлиқ турмуш тарзи ва қадриятлар мажмуи ҳеч қачон экстремистик тузилмаларнинг гўё дин ва мусулмон жамоаси равнақи йўлида амалга ошираётган террорчилик хуружларининг асосий сабаби сифатида қаралиши мумкин эмас.

Ислом шиорларидан танлаб фойдаланадиган, диннинг асл моҳиятини бузиб талқин қиладиган экстремистик тузилмалар худди юқоридаги каби гўёки, кенг халқ оммаси билан узвий бирлик мавжудлигини кўрсатиш, аслида эса жамиятда тартибсизлик ва парокандаликни юзага келтириш учун маблағ йиғиш, асосий таҳдид манбаи сифатида одамлар онгини эгаллаш, жамиятда беқарорлик келтириб чиқариш орқали ҳокимиятга эришишдек эҳтиёжларини қондириш мақсадини кўзлайди.

Ҳозирги даврда кўплаб экстремистик уюшмалар ва мутаассиб ҳаракатлар турли динлар, шу жумладан, ислом, христианлик, яҳудийлик динларини ниқоб қилиб олган ҳолда фаолият юритаётганларини кўриш мумкин.

Ақидапарастлик (араб. – «ақида» – «ишонч», «бирор нарсани иккинчисига боғлаш») муайян шароитда, бирон-бир ғояга қатъий ишониб, уни мутлақлаштириш асосида шаклланган қоида ва

тартибларни шароит, ҳолат, вазиятни ҳисобга олмаган ҳолда, кўр-кўрона қўллаш ёки шунга уринишни англатади. У муайян қонун ва қоидалар таъсир доирасини сунъий кенгайтиришга уринишда ёрқин намоён бўлади.

Мутаассиблик (араб. – «ғулув кетиш», «чуқур кетиш») ўз фикр-мулоҳаза ва дунёқараши тўғрилигига ўта қаттиқ ишониб, бошқа диний эътиқодларга мурасасиз муносабатда бўлишни англатади. Мутаассиблик барча даврларда турли дин ва йўналишлар орасида кескин низо ва тўқнашувлар келиб чиқишига сабаб бўлган.

Айни пайтда, дунёвий ва диний билимларнинг саёзлиги, соф диний тушунчаларнинг асл мазмунини билмаслик ҳам диний мутаассиблик ғояларнинг тарқалишига сабаб бўлиши мумкин. Бу жараённинг энг хатарли жиҳати динни сиёсийлаштириш воситасида ҳокимиятга интилиш, диндан одамлар орасига нифок солиш, кўпорувчилик ишларини амалга ошириш ва ғаразли манфаатларни рўёбга чиқаришда фойдаланишга уринишларда намоён бўлмоқда.

Демак, диний экстремизм келиб чиқишининг биринчи ва асосийси сабаби бу – мутаассиб фикр ва қарашларнинг пайдо бўлишидир. Мутаассиблик диний экстремизм ва терроризмга замин тайёрлайди. Шу ўрин қайд этиш жоизки, кўп манбаларда «ақидапарастлик» сўзи ҳозирги воқеликдан келиб чиқиб «мутаассиблик» сўзи билан алмаштирилган ҳолда истефода этилмоқда.

Мутаассиблик ва ғулув Қуръони каримда муҳокама қилинган мавзулардан ҳисобланиб, унинг ҳар қандай кўриниши қатъий рад этилган. Жумладан, «Моида» сурасида шундай дейилади:

«Эй, имон келтирганлар! Сизлар учун Аллоҳ ҳалол қилиб қўйган нарсаларни ҳаромга чиқармангиз ва ҳаддан ошмангиз! Зеро, Аллоҳ ҳаддан ошувчиларни ёқтирмайди» (Моида, 87).

Пайғамбаримиз (алайҳис-салом) ҳам ўзларининг қатор ҳадисларида диний масалаларда ҳаддан ошганлар нотўғри йўлда эканини кўп бор таъкидлаб, уларнинг аксарияти Аллоҳнинг ғазабига учраб, ҳалок бўлганини айтиб ўтганлар. Жумладан, Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинган ҳадиси шарифда: *«Албатта, дин осонликдир. Ким динда чуқур кетса, у енгилари»,* дейилган (Имом Бухорий ривояти). Бошқа бир ҳадисда эса, Расулуллоҳ (алайҳис-салом) *«Динда чуқур кетадиганлар ҳалок бўлди. Динда чуқур кетадиганлар ҳалок бўлди. Динда чуқур кетадиганлар ҳалок бўлди»,* (Имом Муслим ривояти) деб уч бора такрор айтганларининг ўзидан ҳам мутаассиблик ва ғулувнинг нақадар ёмон иллат эканини кўришимиз мумкин.

2. Терроризм тушунчаси ва унинг асосий белгилари.

Терроризм (лотинча – «қўрқитиш», «ваҳимага солиш») – аҳолининг кенг қатламларида ваҳима ва қўрқув уйғотиш, жамиятда беқарорлик келтириб чиқариш орқали давлат ҳокимиятини эгаллаш мақсадига қаратилган жиноий фаолиятдир.

Террор – оммавий ва сиёсий мақсадларга эришиш учун зўравонликдан ҳамда зўравонлик қилиш билан таҳдид солишдан мунтазам фойдаланишдир. Шундай қилиб, «террор» душманни жисмоний зўравонлик йўли билан қўрқитиш, ҳатто уни жисмонан йўқ қилишни англатади. «Терроризм» эса террор амалиётидир. Бу икки тушунчани шу тарзда чегаралаш мақбул бўлса, у ҳолда террордан келиб чиққан терроризм асло янги ҳодиса бўлмай, бугунги кунгача асрлар кўйнидан етиб келган, деб ҳисоблаш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида «терроризм»га қуйидагича таъриф берилган: «Терроризм – халқаро муносабатларни мураккаблаштириш, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузиш, хавфсизлигига путур етказиш, уруш ва қуролли можаролар чиқариш, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштириш, аҳолини қўрқитиш мақсадида давлат органини, халқаро ташкилотни, уларнинг

мансабдор шахсларини, жисмоний ва юридик шахсни бирон бир фаолиятини амалга оширишга ёки амалга оширишдан тийилишга мажбур қилиш учун зўрлик, куч ишлатиш, шахс ёки мол-мулкка хавф туғдирувчи бошқа қилмишлар ёхуд уларни амалга ошириш таҳдиди, шунингдек, террорчилик ташкилотининг мавжуд бўлишини, ишлаб туришини, молиялаштирилишни таъминлашга, террорчилик ҳаракатларини тайёрлаш ва содир этишга, террорчилик ташкилотларига ёхуд террорчилик фаолиятига кўмаклашаётган ёки бундай фаолиятда иштирок этаётган шахсларга бевосита ёки билвосита ҳар қандай маблағ-воситалар ва ресурслар бериш ёки йиғишга, бошқа хизматлар кўрсатишга қаратилган фаолият».

Юқорида келтирилган таърифларда терроризмнинг ниҳоятда муҳим бир хусусияти – унинг муайян сиёсий мақсад ёки амалий натижаларига эмас, балки у ёки бу хуруж натижасида одамлар орасида, ижтимоий фикрда юзага келадиган хавотирли акс-садо, шов-шувга эришишга қаратилгани таъкидланган. XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб, терроризмнинг можароларни келтириб чиқарувчи ҳодиса сифатидаги салоҳияти, бутун-бутун минтақалар йўналиши турлича бўлган террорчи ташкилотлар ва гуруҳлар фаолият кўрсатган жойларга айланиб қолди. Бунинг натижасида, террорчилик ҳаракатининг кўламигина эмас, балки методлари ҳам ўзгарди. Унинг энг даҳшатли кўринишларидан бири – ўзини аввалдан ўлимга тайёрлаган террорчи-камикадзелар томонидан амалга оширилаётган ҳаракатларни келтириш мумкин.

Мусулмон мамлакатларида террорчи уюшмалар оммавий бўла олмагани учун аҳолининг кенг қатламлари номидан ҳаракат қилиш таассуротини уйғотиш мақсадида диний шиорлардан ниқоб сифатида фойдаланадилар.

Демак, террор, террорчилик фаолияти, террорчи биргаликда бир бутун ҳодиса сифатида терроризмни ташкил этади. Ҳозирги даврда у глобал миқёс касб этиб, халқаро терроризм шаклини олди.

«Халқаро терроризм» тушунчаси давлатлар, халқаро ташкилотлар, сиёсий партия ва ҳаракатларни беқарорлаштиришга қаратилган сиёсий қўпоровчилик фаолиятини ифодалайди. У оғир жиноятлардан бўлиб, узоқ давом этган жараёнларнинг ҳосиласи ҳисобланади.

Халқаро терроризм феномени, айниқса, XX аср бошларида авж ола бошлади, яъни халқаро терроризмга қарши курашда давлатлараро ҳамкорликни йўлга қўйилиши ўтган асрнинг 30-йилларидан бошланган. Масалан, 1934 йилда Мадридда бўлиб ўтган жиноятчиликка оид қонунларни унификациялаштириш муаммоларига бағишланган конференцияда терроризмнинг «Аҳолини даҳшатга солиш ва ҳар қандай ижтимоий ташкиллашувни йўқ қилиш мақсадида бирор бир воситани қўллаш» деган маънодаги таърифи қабул қилинишига эришилган. 1937 йилда 20дан ортиқ давлат терроризмнинг олдини олиш ва бундай ҳаракатлар учун жазолаш ҳақидаги Конвенцияни имзолади.

Бугунги кунда террорчилик услублари анча кенгайганини таъкидлаш зарур. 1970-йилларда бирор шахс ёки сиёсий арбобга қарши уюштирилган террор амалиёти кўпроқ учраган бўлса, ҳозирда жамоат жойларида, самолёт, автобус ва поездларда портлашларни содир этиш орқали кўплаб тасодифий кишиларнинг қурбон бўлишига олиб келадиган қўпоровчиликни амалга оширишга эътибор берилмоқда. Экспертларнинг фикрича, бундай ҳаракатлар биринчи навбатда нобуд бўлганлардан кўра, унинг гувоҳларига қаратилган.

Халқаро террорчилик ҳаракатларининг асосий белгилари:

- халқаро ҳуқуқ ҳимоясидаги объект ёки субъектларга қарши қаратилгани;
- давлатлар чегараларини бузиш орқали амалга оширилиши;
- аъзолари икки ёки ундан ортиқ давлат фуқаролари, шу жумладан, ёлланма шахслар бўлган экстремистик гуруҳлар томонидан содир этилиши;

– экстремистик гуруҳлар таркибида кўпоровчилик ҳаракатлари бўйича хорижлик йўриқчиларнинг қатнашиши;

– экстремистик гуруҳ аъзоларининг бошқа давлатлар ҳудудида ташкил этилган махсус лагерларда тайёргарлик кўриши;

– тайёргарлик кўриш ва кўпоровчиликни содир этишда хорижий давлатлар ва экстремистик уюшмалар ёрдамидан, халқаро тус олган ноқонуний қурол-яроғ савдоси ва нарқобизнесдан келадиган молиявий манбалардан фойдаланилиши.

Муайян мамлакат ҳудудида содир этилган террорчилик хуружида қайд этилган у ёки бу белгиларнинг бўлиши, унга халқаро мақом берилиши ва шундан келиб чиқиб, унга мос чоралар кўрилишига олиб келади.

3. Ислом ниқобидаги экстремизмнинг ғоявий илдизлари.

Ислом ниқоби остида пайдо бўлган экстремистик ҳаракатлар тарихига эътибор берадиган бўлсак, уларнинг илдизлари узок ўтмишга, ҳатто ислом тарихининг биринчи асрига бориб тақалишини кўриш мумкин. Унинг илк вакилларида бири сифатида 657 йили халифа Али (р.а.) аскарларидан ажралиб чиққан, ўзларини ҳақиқий мусулмон, сафларига қўшилмаганларни «диндан қайтган» деб эълон қилиб, уларга қарши мурасасиз кураш олиб борган «хорижийлар» (арабча–ажралиб чиққанлар, исёнчилар) диний-сиёсий оқими фаолияти мисол бўла олади.

Хорижийлик йўналиши ва таълимоти. Халифа Усмон ибн Аффон (р.а.) (644-656) даврига келиб ислом жамоаси ичида фитналар пайдо бўлди. Усмон (р.а.)га уюштирилган суиқасд (656 й.) ҳам ана шу сиёсий курашларнинг натижаси эди. Халифа ўлдирилгач, унинг ўрнига Али ибн Абу Толиб (р.а.) (656-661) сайланди.

657 йил (37 ҳижрий)да Шомнинг (Сурия) шимоли-шарқида жойлашган Сиффин мавзесида халифа Али (р.а.) қўшини билан у

ернинг ҳокими Муовия (р.а.) кўшини ўртасида «Жамал воқеаси»дан бир ой ўтиб, тўқнашув содир бўлган. Ушбу тўқнашув 656 йил учинчи халифа Усмоннинг (р.а.) ўлдирилиши муносабати билан Али (р.а.) ва Муовия (р.а.) тарафдорлари ўртасидаги кескин қарама-қаршилиқлар сабаб бўлди. Марҳум халифанинг яқин қариндоши бўлган Муовия (р.а.) халифалик тахтини эгаллаган Али (р.а.)дан айбдор жинойтчиларни жазолашни талаб қилиб, шундан сўнггина Али (р.а.)га байъат қилишни маълум қилди. Жанг тўққиз кун давом этди. Али (р.а.)нинг кўли баланд келиб турганда, Муовия (р.а.) тарафдорлари ҳийла ишлатдилар. Улар Амр ибн Осс (р.а.) кўрсатмаси билан катта найзалар учига янги кўчирилган Мусхаф варақларини илиб, Қуръон билан ҳукм чиқаришни талаб қилдилар. Муовия (р.а.)нинг жанжални сулҳ орқали ҳал қилиш ҳақидаги таклифини Али (р.а.) қабул қилгач, жанг тўхтатилди. Али ва Муовия (р.а.)лар ўртасида ҳижрий 37 йил сафар ойининг 15 куни (мил. 657 йил 8 сентябрь)да сулҳ тузилди. Мазкур «Сиффин» жанги мусулмонлар учун жуда катта йўқотиш бўлди. Унда ҳаммаси бўлиб тўқсон минг мусулмон ҳалок бўлди. Айнан «Жамал» ва «Сиффин» жанглари мусулмонлар ўртасида дастлабки бўлинишлар ва турли фирқалар келиб чиқишига сабаб бўлди. Аҳли сунна ва-л-жамоа эътиқодига кўра, саҳобийлар орасида юз берган бу вазиятларда улар айбланмай, уларнинг бари ҳақни излаган мужтаҳидлар ҳисобланадилар. Умумий қоидага асосланиб, улардан қайси бирлари тўғри ижтиҳод қилган бўлсалар, икки ажр, хато ижтиҳод қилган тарафга эса бир ажр берилади.

Халифа Али (р.а.) билан Муовия (р.а.) ўртасидаги тузилган битимдан Куфа яқинида турган 12 минг кишидан иборат кўшиннинг бир қисми норози бўлди. Улар «ҳукм чиқариш фақат Аллоҳнинг изнидадир», деган шиор билан кўшинни тарк этиб, Куфа яқинидаги Ҳарура қишлоғига кетдилар. Бу фирқанинг Куфадаги «хуруж» (бўйсунмаслик) воқеаси уларнинг «хавориж» (қарши чиқувчилар) номини олишларига сабаб бўлди. Бу воқеа

Ҳарура кишлоғида юз берганлиги боис аввалига уларни «ҳарурийлар» деб ҳам атаганлар. Улар ўзларини «Шурот» (Жонларини Аллоҳ йўлида тиккан кишилар) деб номлаганлар. Яна уларнинг «Муҳаккима» («ҳукм Аллоҳнинг изнида» дегувчилар) деган номлари ҳам бўлган.

Хорижийлар ўзларига Абдуллоҳ ибн Ваҳб ар-Росибийни амир этиб сайлаб, Али (р.а.) ва Муовия (р.а.)ни йўқ қилиш пайига тушдилар. Халифа Али (р.а.)ни 661 йилда хорижий Абдурраҳмон ибн Мулжам ўлдиргач, хорижийлар икки фирқага бўлиниб, бири Ироқда қолди, иккинчиси Арабистон ярим оролига кетди. Умавийлар даврида хорижийларга қарши кескин кураш олиб борилди. Чунки улар Умавийлар давлатига катта хавф солардилар. Бу даврда хорижийлар кучайиб, Кирмон, Форс, Ямома, Ҳадрамавт, Тоиф ва Яман каби шаҳар ва ўлкаларни эгалладилар.

Ҳокимият Умавийлардан Аббосийлар сулоласи (749-1258) қўлига ўтганидан кейин ҳам бу тоифа бир муддат ўз кучини йўқотмади. Бироқ Аббосийлар узоқ вақт уларга қарши узлуксиз олиб борган курашларидан сўнггина хорижийлар инқирозга юз тутди.

Демак, исломда дастлаб пайдо бўлган фирқа «хорижийлар»дир. «Хорижийлар» ўз талқинларидаги «соф» ислом қоидаларига қатъий риоя қилиш тарафдори эди. Айнан улар ўз қарашлари ва фаолиятига қўшилмаганларни имонсизга чиқариш, уларга қарши «жиҳод» олиб бориш ҳақидаги ғояларни ишлаб чиқиб, террор услубини қўллаш орқали ҳукмдорларни жисмонан йўқ қилиш амалиётини бошлаб берган эди. Бундай ғоялар келиб чиқишига кўра ҳокимият учун курашнинг зўравонликка асосланган усулларида бўлиб, минглаб кишиларнинг ҳалок бўлишига олиб келган. Ўз даврида улар билан баҳс мунозара қилиш, уларнинг фикрларига раддия бериш, тўғри йўл кўрсатиш мақсадида машҳур саҳобий Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.) уларнинг ҳузурига жўнатилган эди. Абдуллоҳ ибн Аббос асосан уларнинг «Аллоҳнинг ҳукми» борасидаги хато

қарашларига раддия берган. Натижада жами олти минглик хорижийлардан икки минг нафари ногўри йўлда эканликларини англаган ҳолда ундан қайтганлар.

VII асрнинг иккинчи ярмида хорижийлар орасида раҳбарларининг исми билан аталадиган бир неча фирқалар пайдо бўлди. Ана шундай мутаассиб фирқалар орасида энг мурасасиз ва шафқатсиз жамоа номини олган Нофиъ ибн Азрақ (в.685й.) бошчилигидаги «Азрақийлар» оқими алоҳида ўрин эгаллайди. Азрақийлар гуноҳи кабира (катта гуноҳ) қилган барча мусулмонларни «кофир» деб, уларнинг таълимотига қўшилмаган кишиларга қарши жиҳод эълон қилиш, ҳаттоки, қария, аёл ва болаларнинг қонини тўкишни ҳалол, деб билганлар.

IX аср охирида Жанубий Ироқда юзага келган қарматийлар намоз, рўза, закот, ҳаж каби амаллар фарз қилинмагани, Қуръон оятларида масжид қуриш ёки у ерда йиғилиш ҳақида ҳукмлар йўқ, деган даъво билан масжидларга боришни ман қилиш даражасигача борган эди. Ҳаракат ўз номини унинг асосчиси Ҳамдон ибн Ашъаснинг лақаби Қармат сўзидан олган бўлиб, унинг маъноси манбаларда турлича «калта оёқ» ёки «қизил кўз» каби маъноларда ифодаланган. Исломдаги мавжуд қоида ва тартибларнинг моҳиятини бузиб талқин қилиш оқибатида улар ҳаттоки, ҳажга келувчилар Каъбага сиғиниб, Аллоҳга ширк келтиришмоқда, деган даъволар остида 930 йилда Маккага ҳужум қилиб, уни талон-тарож қилиб, ҳожиларнинг бир қисмини қул қилишган, бир қисмини эса ўлдиришган. Каъбани вайрон қилиб, қора тошни иккига бўлиб, Баҳрайнга олиб кетишган, фақат 20 йилдан кейин катта тўлов эвазига у Маккага қайтариб берилган. Қарматийлар ислом тарихида ўчмас доғ қолдирган жиноятларни содир этган.

XI аср охирида Эронда юзага келиб, махфий равишда иш кўрган «ҳашшошийлар» (арабча – ҳашиш (наша) чекувчилар, гиёҳвандлар) террорчилик оқими эса ҳокимиятни эгаллаш мақсадида уларга хайрихоҳ бўлмаган ҳукмдорларга суиқасд уюштириш амалиётини олдинга сурган эди. Узоқ вақт

ҳашшошийлар кўплаб ҳукмдорларга таҳдид солиб турган, ҳаттоки, айрим Европа мамлакатлари раҳбарлари ўз хавфсизликларини таъминлаш учун уларга тўлов тўлашга мажбур бўлган. Шу билан бирга, «ҳашшошийлар» замонавий террорчилар томонидан ҳам кенг қўлланилаётган, оддий кишилар ва ёшларга гиёҳванд моддаларни истеъмол қилдириб, ўлса шубҳасиз жаннатга тушишига ишонтирган.

Диний мутаассибликка асосланган ихтилофлар оқибатида чексиз низолар, келишмовчиликлар, ҳатто қонли урушлар келиб чиқиб, катта талофатларга ва жамиятнинг инқироз томон юз тутишига сабаб бўлган. Бузғунчилик ва зўравонликка асосланган, эътиқодий бирликка таҳдид солган бундай оқимлар фаолияти ўз даври уламолари томонидан қаттиқ қораланган ва таъқиб қилинганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Вақт ўтиши билан, мазкур ғоялардан янада кенг фойдаланган ҳолда, шунингдек, ўзгача талқин ва моҳият касб этган янгидан янги мутаассиб оқимлар фаолияти пайдо бўлди. Замонавий воқелик диний экстремизм ва халқаро терроризмнинг салоҳияти сифат ва миқдор жиҳатидан жиддий ўсганини кўрсатмоқда. Бу ўз навбатида диний экстремизм ва терроризмнинг глобал хавфсизликка йўналтирилган жиддий таҳдидга айланишига замин яратмоқда. Диний-экстремистик ва террорчи гуруҳлар глобаллашув жараёнлари ва йирик давлатлар орасидаги геосиёсий манфаатлар тўқнашувидан ҳамда фан-техника ютуқларидан фойдаланган ҳолда экстремизм ва терроризмга қарши кенг кўламли кураш олиб борилаётган муҳитга мослашишга ҳаракат қилмоқда. Диний экстремизм ва терроризмнинг жамият барқарорлигига салбий таъсири халқаро террорчилик тизимида етакчи ўринларни эгаллаб турган қуйидаги диний-сиёсий ташкилотларнинг моҳияти таҳлил қилинганда янада яққол намоён бўлади.

«Мусулмон биродарлар» жамоаси («Жамоат ал-Ихвон ал-муслимин»). «Мусулмон биродарлар» ҳаракатига 1928 йил март ойида Мисрнинг Исмоилия шаҳрида Ҳасан ал-Банно (1906-1949)

томонидан асос солинган. Ташкилотнинг асосий ғоялари Ҳасан ал-Банно ва Саид Қутб томонидан тарғиб қилинган.

«Мусулмон биродарлар» ўз тарихида бир неча босқичларини босиб ўтган. Дастлаб «Мусулмон биродарлар» ташкилоти XX аср биринчи ярмида мавжуд бўлган кўп сонли майда исломий гуруҳлардан бири ҳисобланарди. Шунинг учун Ҳасан ал-Банно ўз тарғиботларини одамларга кенгроқ ёйиш мақсадида, Мисрнинг бир қанча шаҳарларига сафар уюштирган. Кейинчалик эса турли шаҳар ва минтақаларга ўзининг вакилларини юборган. Бундай сафарлар натижасида, қисқа вақт ичида, яъни 1930-йиллар охирига бориб, мамлакатнинг деярли барча минтақасида ташкилотнинг бўлимлари фаолият юрита бошлаган. Ташкилот «Аллоҳ – бизнинг мақсадимиз, Қуръон – қомусимиз, Пайғамбар – бизнинг етакчимиз, Жиход – бизнинг йўлимиз ва Аллоҳ йўлида қурбон бўлиш бизнинг энг олий орзуимиздир» деган тамойилни ўзининг бош шиори қилиб олган.

1950-1960 йилларда «Мусулмон биродарлар»га раҳбарлик қилган Сайид Қутб ташкилот фаолиятининг янада радикаллашувига замин яратди. Хусусан, у 1965 йилда ёзган «Йўлдаги белгилар» китобида араб жамияти «жоҳилия» даврига қайтиб, маънавий таназзулга учради, бундай вазиятда асл диндорлар жамиятдан ажралиб, алоҳида жамоалар тузишлари ҳамда жоҳилияга айланган жамиятни исломлаштириш учун жиход олиб боришлари лозим, деган ғояни илгари сурди. Бунда у «жиход» тушунчасини динсизларга ҳатто, унинг талқинига қўшилмаган мусулмонларга қарши қуролли кураш маъносида қўллай бошлади. Саид Қутб илк марта дунёвий ҳукумат ва ўзига қўшилмаган мусулмонларга нисбатан «такфир» (кофирликда айбланиш)ни қўллаган ҳолда исломга умуман ёт бўлган – «фитна» (амалдаги давлат тузумига қарши қуролли кўзғолон кўтариш амалиёти)ни ёқлаб чиқди. Ҳозирда фаолият юритаётган қатор диний-экстремистик ташкилотлар учун ҳам бундай ёндашув мафкуравий асос бўлиб хизмат қилди.

Маълумотларга кўра, «Мусулмон биродарлар»нинг минтақавий бўлинмалари Баҳрайн, Миср, Иордания, Яман, Қатар, Кувайт, Ливан, Бирлашган Араб Амирликлари, Покистон, Саудия Арабистони, Судан, Сурия, Туркия, Буюк Британия, Дания, Швейцария, АҚШ, Франция ва Германия каби мамлакатларда фаолият юритган. Ўтган давр мобайнида «Мусулмон биродарлар»нинг маҳаллий бўлимларидан ажралиб чиқиб, мустақил фаолият юритаётган бир қатор диний-экстремистик ва террорчи ташкилотлар мавжуд. Улар қаторида Мисрда фаолияти кузатилган «ал-Жамоа ал-исломия», «ал-Жиход», «ат-Такфир вал-ҳижра», Жазоирдаги «Қуролланган ислом гуруҳи», «Ислом жиходи», Саудия Арабистонидаги «Жумаймана ал-Утейбий», кўпчилик давлатларда илдиз отишга ҳаракат қилаётган «Ҳизбут-тахрир ал-исломий» каби ташкилотларни кўрсатиш мумкин.

XX асрнинг сўнгги йилларига келиб, диний уюшма сифатида очик фаолият юритган «Мусулмон биродарлар»нинг сиёсий қаноти терроризмдан воз кечиб, парламент типидagi партиёга айланганини эълон қилди ва жамиятдаги таъсири янада кенгайиб борди. Ҳаттоки, 2005 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида бўлиб ўтган «Миллий Мажлис» сайловларида «Мусулмон биродарлар» ҳаракатининг аъзолари «Ислом – муаммолар ечими» шиори остида парламент сайловларида «мустақил номзодлар» сифатида қатнашиб, умумий ҳисобда 20 фоиз овозга эга бўлди ва мамлакат парламентида энг йирик мухолифат (оппозиция) блокани ташкил этди. Бунинг натижасида умумараб диний ҳаракатига айланган «Мусулмон биродарлар» ташкилотининг фаолияти ошкора сиёсий тус олди. 2011 йил 25 январда Мисрнинг пойтахти Қоҳирада бошланган йирик норозилик намойишлари 11 февралда Президент Ҳусний Муборакнинг истеъфоси билан якунланди. 2012 йил мамлакат президентини сайлаш учун бўлиб ўтган икки босқичли сайлов натижаларига кўра, 30 июнда «Мусулмон биродарлар» ташкилотнинг сиёсий қаноти ҳисобланган «Адолат ва озодлик партиyasi» раҳбари Муҳаммад Мурсий Миср президенти этиб сайланди. Кўп ўтмай,

2013 йил 3 июлда «Мусулмон биродарлар» ҳаракати вакили бўлган Муҳаммад Мурсий оммавий норозиликлар натижасида ҳарбийлар томонидан ҳокимиятдан четлаштирилди.

Юқорида қайд этилган таҳлил «Мусулмон биродарлар»нинг узоқ йиллар давомида олиб борган фаолияти Мисрда даврий равишда ижтимоий-иқтисодий беқарорликни келтириб чиқариши билан бир қаторда мусулмон дунёсига мансуб бошқа давлатларда радикал диний-сиёсий ташкилотлар вужудга келишига мафкуравий ва ташкилий замин яратгани ҳақида хулоса чиқариш имконини беради.

Ҳизбут-таҳрир ал-исломий. (Ислом озодлик партияси). «Ҳизбчилар», «таҳрирчилар» деб ҳам юритилади. Фаластинлик Тақийиддин Набахоний (1909-1979) мазкур экстремистик ташкилотнинг асосчиси ҳисобланади. Исроил давлатини ташкил этиш ҳақидаги БМТ қароридан кейин 1947 йилда оиласини олиб, Фаластиндан Байрутга кўчган. Аслида Мисрдаги «Мусулмон биродарлар» ташкилоти аъзоси бўлган Набахоний 1953 йилда мазкур жамоа аъзолигидан чиқиб, Қуддус (Иерусалим)да «Ҳизбут-таҳрир ал-исломий» ташкилотини тузган. Набахоний вафотидан сўнг ҳизбга фаластинлик Абдулқадим Заллум (1925-2003) бошчилик қилди. Унинг раҳбарлиги даврида ташкилот собиқ Иттифоқ таркибига кирган республикаларда (асосан Марказий Осиё ҳудудида) ўз фаолиятини жадаллаштирган. Абдулқадим Заллум вафотидан кейин «Ҳизбут-таҳрир» ҳаракатига Ато Абу Рушта (Абу Ёсин) раҳбарлик қилади.

Даставвал Фаластинни озод қилишни мақсад қилган Набахоний, кейинчалик бутун дунё мусулмон мамлакатларини бирлаштирувчи ягона халифалик давлатини қуришни бош мақсад деб эълон қилган. Шундан кейин эса, ушбу шаклланган ислом умматининг даъватлари орқали бутун дунёда халифалик давлатини қуриш мумкин, деб ҳисоблайди.

«Ҳизбут-таҳрир»нинг Марказий Осиё минтақасидаги фаолияти XX аср 80-йилларнинг охири 90-йилларига тўғри келади. «Ҳизбут-таҳрир»нинг ўзагини 1990 йиллар бошида

Наманганда тузилган «Адолат», «Ислом лашкарлари» ва «Тавба» сингари экстремистик ташкилотларнинг собиқ аъзолари ташкил қилди. 1992 йилда диний экстремистик гуруҳлар бошлиқлари Ўзбекистондан қочиб кетгач, уларнинг ўрнини «Ҳизбут-тахрир» эгаллади. Бу даврда «Ҳизбут-тахрир»нинг таълимотларига оид чет давлатларда нашр этилган мутаассибликка йўғрилган турли хилдаги китоб, рисола ва журнал шаклидаги материаллар ноқонуний йўллар билан юртимизга кириб келди.

Сўнгги йилларда «Ҳизбут-тахрир»да ғоявий яқдиллик йўқолиб, фаолиятида юзага келган самарасизлик таркибий бўлинишларга олиб келди. Ундан «Ҳизбун-нусра» гуруҳи ажралиб чиқди. Шунингдек, «Ҳизбут-тахрир»нинг «Аёллар қаноти» кучайтирилиши баробарида, улар орасида ўзини ўзи ўлдириш амалиётидан кенг фойдаланилмоқда. Улар ёш қиз ва аёлларга «уй тутиш сирлари» (пазандалик, тикувчилик)ни ўргатиш орқали ҳаракатнинг ғояларини тарғиб этиш, тузоққа илинган аёлларни гўёки, «ҳижрат» қилиш йўлида чет давлатлардаги ўз «биродарлари»га ёрдам бериш учун жўнатиш ёки жазо муддатини ўтаётган жамоа аъзоларига турмушга чиқишга даъват этиш каби амалиётлар билан шуғулланмоқдалар.

«Акромийлар». Асосчисининг номидан келиб чиққан ҳолда, «Акромийлар» фирқаси «имончилар», «биродарлар», «халифачилар» деб ҳам аталади. «Ҳизбут-тахрир» ташкилоти асосчиси Тақийиддин Набаҳоний китобларидан таъсирланган ҳолда, 1992 йилда Акром Йўлдошев (1963-2009) томонидан Андижонда шакллантирилган.

«Акромийлар»нинг бош ғояси – исломий бошқарув шаклидаги давлатни барпо этиш ҳисобланиб, бунинг учун босқичма-босқич ҳаракат қилиш, аввал Фарғона водийсида халифалик тузуми барпо этиш ва кейинчалик уни минтақанинг бошқа ҳудудларига ёйиш мақсад қилинган.

Акром Йўлдошев «илк диний сабоқлар»ини айнан «Ҳизбут-тахрир» уюшмасида олганлиги боис, ўз шахсий таълимотини яратишда ҳаракатнинг назарий ва амалий фикрларидан

йироқлаша олмаган. Шу боис, «Ҳизбут-тахрир» адабиётларидан фойдаланган ҳолда ўн икки дарсдан иборат «Имонга йўл» номли китоби орқали ўз «диний фалсафий» қарашларини баён қилади. Секин-аста ўз атрофига хайрихоҳ бўлган кишиларни йиғиб, мазкур китоб асосида дарслар ташкиллаштирган ва «Акромийлар» жамоасини шакллантирган.

Ҳаракат сиёсий ҳокимиятга эришишнинг 5 та – «сирли», «моддий» («иктисодий»), «маънавий» («сиёсий»), «узвий майдон» ва «тўнтариш» («охират») босқичига асосланади. Сўнгги икки босқич жамият «исломлаштирилган»дан сўнг амалга оширилиши ва у орқали ҳокимиятни бутунлай эгаллаш режалаштирилган.

«Акромийлар» ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида, тадбиркорлик билан шуғулланганлар ҳамда янги аъзоларни асосан қариндошлар ҳисобига ўзларининг савдо дўконлари, сартарошхона, новвойхона, дурадгорлик, қандолатчилик, косибчилик ва мебель ишлаб чиқариш цехларига ишга жалб қилиш орқали кенгайтиришга ҳаракат қилганлар. «Акромийлар» янги аъзоларга эртаю кеч мавжуд тузумнинг камчиликлари, ўзларининг гўёки сиёсатдан йироқ, кичик бўлсада, ҳақиқий «биродарлар жамоаси» муҳитининг «гўзал» жиҳатларини уқтириб бориш орқали руҳий таъсир ўтказишга ҳаракат қилганлар. Бунда улар ҳокимиятни қўлга олиш билан боғлиқ режаларини жамоанинг асосий қисмидан сир тутганликлари ҳамда янги тарафдорлар уларни сиёсатга алоқаси йўқ деб билганлари боис сингдирилаётган фикрларга кўникиб бораверганликларини кўрсатади. Бу йўлдаги амалий даъват услуби бошқа мутаассиб кучлар ёндашувидан фарқли бўлиб, оммага мафкуравий тузоқ қўйишга асосланган.

Маълумки, 2005 йил 12-13 май кунлари Андижон шаҳрида «Акромийлар» оқими мавжуд конституциявий тузумни ағдариш мақсадида кўплаб одамларнинг қурбон бўлишига ҳамда фуқаролар ва давлат мулкига катта зарар етказилишига олиб келган террорчилик ҳаракати содир этган. Ташқи кучлар

таъсири билан жиноий гуруҳ томонидан юзага келтирилган тартибсизликлар оқибатида ҳисоботга кўра, 187 киши қурбон бўлган. Шундан 60 нафари тинч аҳоли вакиллари (уларнинг ичида икки нафар вояга етмаганлар ва бир нафари аёл) эди. Террорчилар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг 31 нафарини ўлдиришган. 287 нафар киши, жумладан, 91 нафар тинч аҳоли вакиллари, 49 нафар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ва 59 нафар ҳарбий турли даражадаги тан жароҳатлари олишган. Террорчиларга қарши чоратадбирлар вақтида эса 94 нафар террорчи йўқ қилинган, 76 нафари яраланган.

Ҳозирги вақтда Ғарбда «Акромийлар» янги диний-сиёсий гуруҳлар таркибида фаолиятни давом эттирмоқда. Жумладан, оқим тарафдорлари Германиянинг Дюссельдорф шаҳрида 2009 йилнинг май ойида «Андижон – Адолат ва Тикланиш» ташкилоти ташкил қилган. 2011 йилда «Акромийлар» жамоаси ва уларга мойил бўлган «Андижон – Адолат ва Тикланиш», «Таняч» ташкилотлари ва «Эрк» партияси иштирокида 2011 йилнинг май ойи охирида Германиянинг Берлин шаҳрида «Ўзбекистон халқ ҳаракати» номи остида реакцион ташкилот тузилган. Ушбу ҳаракат аъзолари томонидан «озодлик», «эътиқод эркинлиги», «инсон ҳуқуқлари» каби жозибали тушунчалар ишлатилиб, турли йўллар, масалан, интернет тизими орқали асосан юртимиз ёшларини ўз сафларига кўшишга ҳаракат қилмоқда.

«Ироқ ва Шом ислом давлати» (ИШИД) ёки «Ислом давлати» ташкил топишида «ал-Қоида» ташкилоти муҳим ўрин тутган. Дастлаб, 2004 йилда халқаро миқёсдаги террорчи Абу Мусъаб Зарқовий Ироқда «Тавҳид ва жиҳод жамоати»ни тузади ва «ал-Қоида»нинг Ироқдаги бўлими сифатида фаолият олиб боради. Ироқдаги ҳаракат доирасини кенгайтириш мақсадида кенг кўламли ишлар олиб борилади. Кейинчалик унга «Жайш ал-фотиҳин», «Жайш ас-саҳоба» каби бир қатор террорчи гуруҳлар кўшилиши натижасида Зарқовий 2006 йилда Абдуллоҳ Рашид Бағдодий бошлиқ «Мужоҳидлар маслаҳат кенгаши» тузилганини

эълон қилади. Бунинг натижасида Яқин Шарқдаги бир неча террорчи гуруҳларни бирлаштирган ташкилот 2006 йил 15 октябрда «Ироқ ислом давлати» номи остида Ироқда ташкил топади ва унга Абу Умар Бағдодий исмли шахс раҳбарлик қилади.

2010 йил 19 апрелда Абу Умар Бағдодий ўлдирилгандан сўнг гуруҳга Абу Бакр Бағдодий номи билан танилган Абдулло Иброҳим ас-Самарий (айрим маълумотларга кўра, Иброҳим Аввад ал-Бадрий ал-Ҳусайний) раҳбарлик қилади. Сурияда кечаётган можароларга мустақил армия сифатида келиб қўшилгандан сўнг, 2013 йил апрель ойида ташкилот «Ироқ ва Шом ислом давлати» (ИШИД) деб номланди. «Ал-Қоида» ташкилоти «ИШИД»нинг Суриядаги можароларга аралашганидан сўнг, 2014 йил февраль ойида мазкур ташкилотнинг «ал-Қоида»га алоқаси йўқ деб баёнот берди. БМТ Хавфсизлик кенгаши маълумотларига кўра, дунёдаги энг хавфли ҳисобланган «ал-Қоида» фаоллигининг камайиши унданда кучлироқ террорчилик ташкилотлари, хусусан «Ироқ ва Шом ислом давлати»нинг пайдо бўлишига сабаб бўлган.

2014 йил 29 июнда ташкилот раҳбарлари томонидан Ироқ ва Шом (Сурия) ҳудудида халифалик тузилгани ва Абу Бакр Бағдодий халифа экани эълон қилинди. Кейинчалик, «ИШИД» ўзини «Ислом давлати» деб номлади.

Ташкилотнинг бош мақсади ислом «халифалиги»ни қайта тиклаш ва ислом шариатини амалга татиқ этишдан иборат. Бу йўлда Ироқ, Сурия мамлакатлари негизида сунний мусулмонларнинг ягона давлати «халифалик»ни барпо этиб, босқичма-босқич Яқин Шарқ ва Шимолий Африка мамлакатлари ҳисобига кенгайтиришни эътироф этади.

Мазкур террорчи ташкилот томонидан 2013-2017 йиллар мобайнида Ироқ ва Сурия ҳудудларида 10 мингдан зиёд террорчилик ҳаракатлари содир этилди, ўз жонига қасд қилувчи террорчилар томонидан 100 дан ортиқ кўпоровчилик

ҳаракатлари, портлашлар амалга оширилди. Сурияда «ИШИД» жангарилари 60 дан зиёд черков ва монастырни вайрон қилишди.

«*Жабҳат ан-Нусра*» («жабҳа» – фронт, «нусра» – ёрдам). Тўлиқ номи – «Жабҳат ан-нусра ли аҳлиш Шом» (Шом аҳлига ёрдам fronti) бўлиб, у «ал-Қоида» ташкилотининг Сурия ва Ливия худудидаги шўъбаси ҳисобланган. 2016 йил 28 июль куни ташкилот ўз номини «Жабҳат фатҳ аш-Шам» деб ўзгартирганидан сўнг «Ал-Қоида» алоқалар узилганини эълон қилди.

«Жабҳат ан-нусра» салафий-жиҳодий йўналишидаги ҳаракат бўлиб, 2012 йил январда Сурияда юзага келган. Тез орада Сурия ҳукуматига қарши курашувчи кучларнинг асосийларидан бирига айланди. Ҳаракат олдин Ироқда Абу Мусъаб Зарқовий кўл остида ҳаракат қилган «ал-Қоида» жангариларидан ташкил топган. 2011 йил мартда Сурияда давлат тўнтариши бошланиши билан «ал-Қоида» ушбу жангариларни Сурияга жўнатган. Фронтнинг асосий муассиси «Ал-Фотих» лақабли суриялик Абу Муҳаммад Жулонийдир. «Ал-Қоида» ташкилотининг раҳбари Айман Завоҳирий «Жабҳат ан-нусра»ни «ал-Қоида»нинг Суриядаги ягона бўғини сифатида эътироф этади.

Мамлакатдаги жорий ҳукуматни ағдариш орқали дастлаб Сурия худудида, сўнг барча мусулмон оламини бирлаштирган ислом шариатига асосланган «ислом халифалиги»ни ўрнатиш мақсад қилинган.

«Жабҳат ан-нусра» ҳаракати «ал-Қоида» ташкилотининг «жиҳод»га тарғиб этувчи, «салафий» ақидасига асосланган бўлинмаси ҳисобланади. Шунингдек, ҳаракат назарий жиҳатдан «Мусулмон биродарлар» уюшмаси аъзоси бўлган Саид Қутбнинг қарашларига ҳам асосланади. «Жабҳат ан-нусра» ҳаракатининг асосий ғояси халифаликни қайта тиклаш, ислом шариатини татбиқ қилиш, жиҳод орқали давлат тузумини ағдариш ва қайси ерга ҳукмрон бўлса, ўша ерда «ислом давлати»ни қуришдан иборат.

«Глобал терроризм индекси» маълумотларига кўра, «Жабҳат ан-Нусра» томонидан амалга оширилган террорчилик амалиётлари натижасида 2015 йилда 600 дан ортиқ инсон вафот этган. Жумладан, 2015 йил сентябр ойида жангарилар «Абу ад-Духур» аэродромини қўлга киритиш чоғида асирга тушган Сурия ҳукуматнинг 56 нафар аскарларини қатл этган. Шунингдек, жангарилар 2014 йил август ойида БМТнинг тинчликпарвар кучларидан иборат 45 нафар кишини асир олган. Кейинчалик 20 миллион АҚШ доллари эвазига уларни озод этган.

2012 йил декабрда АҚШ Давлат Департаменти, 2013 йил май ойида БМТ Хавфсизлик Кенгаши «Жабҳат ан-нусра» ҳаракатини террорчи ташкилотлар рўйхатига киритди. Шунингдек, Австралия, Буюк Британия (2013) ҳамда Россия (2014) каби бир қатор давлатлар ҳам мазкур уюшмани террорчи ташкилот деб эълон қилган.

Умуман олганда, дин байроғи остида талончилик ва босқинчилик, террорчилик ва қўпоровчилик ҳаракатлари содир этилаётгани, нарқобизнес ва ноқонуний қурол-яроғ савдоси амалга оширилаётгани, корхоналар ва иншоотларга зарар етказилаётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас. Бундай ҳаракатлар ижтимоий барқарорликнинг издан чиқишига, миллатлараро ва динлараро адоват, миллатчилик ва диний айирмачилик кайфиятларининг шаклланишига замин яратмоқда.

4. Ўзбекистон Республикасида диний экстремизм ва терроризм хавфини олдини олишнинг ҳуқуқий асослари. Ўзбекистонда шаклланаётган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти ўта мураккаб ва машаққатли сиёсий жараёнга асосланган. Бир томондан, эски совет тузумидан қолган салбий мерос демократик ўзгаришларга қаршилик кўрсатса, иккинчи томондан, айрим сиёсий кучлар халқимиз танлаган дунёвий тараққиёт йўлига раҳна солиб, уни издан чиқариш ва диний мақомга буриб юборишга ҳаракат қилмоқда. Бу «айрим сиёсий кучлар» диний экстремизм ва терроризмнинг бевосита

илҳомчилари ва бажарувчилари бўлиб, улар ўзларининг нопок сиёсий мақсадлари йўлида инсон ва жамиятнинг энг нозик туйғуси диндан фойдаланишга уринмоқда. Айниқса, 1999 йилнинг 16 февралида Тошкент шаҳрида террористлар томонидан уюштирилган портлашлардан кейин терроризм муаммоси Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий ҳаётга таҳдид солувчи асосий хавф-хатарлардан бирига айланди.

Мустақил давлатимиз қонунчилигида терроризмга қарши курашнинг асосий тамойиллари (қонунийлик, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устуворлиги, жазонинг муқаррарлиги) бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз ифодасини топган бўлиб, уларнинг асосийлари қуйидагилардир:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги қонуни (2000 йил 15 декабрь);

2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси (1994 йил 22 сентябр);

3. Ўзбекистон Республикасининг «Жиноят, Жиноят-процессуал кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни (2001 йил 29 август);

4. Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисида»ги Қонуни (2004 йил 26 август).

Ушбу ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар орасида Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги ва «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисида»ги Қонунлар алоҳида эътиборга молик. Чунки бу қонунлар туфайли Ўзбекистонда терроризмга қарши курашнинг норматив, ташкилий ва моддий-техник асослари яратилди. Унга кўра, терроризмни тарғибот қилиш, террорчи гуруҳ ва ташкилотларни тузиш ҳамда уларнинг фаолияти, тайёрланаётган ёки амалга

оширилган террорчи жиноятларга оид маълумот ва далилларни яшириш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикаси экстремизм ва терроризм ҳамда уни молиялаштириш билан узвий боғлиқ бўлган наркобизнес ва наркотрафикка қарши курашда ҳам қатъий сиёсат олиб бормоқда. 1999 йилда «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилингани ҳам фикримизни тасдиқлайди. Шунингдек, «Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг терроризмга қарши конвенциясини (Екатеринбург, 2009 йил 16 июнь) ратификация қилиш тўғрисида», «Жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евроосиё гуруҳи тўғрисидаги битимни (Москва, 2011 йил 16 июнь) ратификация қилиш ҳақида»ги қонунларни қабул қилиб, улардаги мажбуриятларини изчил бажариб келмоқда. Шу билан бирга, бу масалаларда ўзининг ташаббусларини илгари сураётганини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур. Бундай ҳужжатлар ҳали кўпгина мамлакатларда қабул қилинмаганлигини қайд этиб ўтиш даркор.

Ўзбекистон аксилтеррор коалицияларнинг фаол аъзоси бўлиб, минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик масалаларига халқаро жамоатчиликнинг эътиборини қаратиб келмоқда. Бу борада Ўзбекистон дунёнинг кўплаб давлатлари билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Республикамиз халқаро терроризмга қарши кураш доирасида ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш ҳаракатларини тўла қўллаб-қувватлаб, БМТ доирасида ҳар томонлама ҳамкорликка асосланган глобал тизим яратиш орқали бу йўналишда амалий натижаларга эришиш мумкин, деб ҳисоблайди.

Дарҳақиқат, халқаро терроризмга қарши курашда БМТнинг ўрни ва аҳамияти каттадир. Бугунга қадар БМТ терроризмга қарши 12 та резолюция, 16 конвенция, 2 протокол қабул қилган.

Шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон давлати ва ҳукумати терроризм муаммосига ўзининг ташқи ва ички сиёсатининг муҳим масаласи сифатида ёндашиб, қонун асосида террорчи, террорчилик

гуруҳи, террорчилик ташкилоти каби тушунчаларни умумлаштирган ҳолда уларнинг таърифига аниқлик киритилди. Жумладан, Ўзбекистондаги қонунчилик тизимида террорчи, террорчилик гуруҳи, террорчилик ташкилоти каби тушунчаларни умумлаштирган ҳолда уларнинг таърифига аниқлик киритилди. 2000 йил 15 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги қонунининг иккинчи моддасида терроризм тушунчаси куйидагича ифодаланган: «...терроризм – сиёсий, диний, мафкуравий ва бошқа мақсадларга эришиш учун шахснинг ҳаёти, соғлигига хавф туғдирувчи, мол-мулк ва бошқа моддий объектларнинг йўқ қилиниши (шикастлантирилиши) хавфини келтириб чиқарувчи ҳамда давлатни, халқаро ташкилотни, жисмоний ёки юридик шахсни бирон-бир ҳаракатлар содир этишга ёки содир этишдан тийилишга мажбур қилишга, халқаро муносабатларни мураккаблаштиришга, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузишга, хавфсизлигига путур етказишга, қуролли можаролар чиқаришни кўзлаб иғвогарликлар қилишга, аҳолини кўрқитишга, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга қаратилган, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида жавобгарлик назарда тутилган зўрлик, зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш ёки бошқа жиноий қилмишлар», - деб таъриф берилган.

Терроризмга қарши кураш даставвал уни озиқлантирувчи ғоявий-маънавий ва молиявий-иқтисодий манбаларни зарарсизлантиришни тақозо этади. Шу муносабат билан 2006 йилнинг 1 январидан кучга кирган «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисида»ги Қонун жиноий фаолиятдан олинган даромадни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солади. Ушбу қонунга кўра, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкка оид операциялар устидан назоратни амалга ошириш ваколати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига

юклатилган. Республика Бош прокуратураси ҳузурида фаолият кўрсатаётган Солиқ, валютага ва жиной даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти зиммасига молиявий разведканинг замонавий тизимини яратиш, жиной даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришнинг канал ва механизмларини аниқлашга йўналтирилган молиявий, мулкӣ операцияларнинг мониторингини амалга ошириш, хорижий давлатларнинг ваколатли органлари ҳамда халқаро ихтисослашган ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш ва ахборотлар айирбошлаш каби янги вазифалар юклатилди. Чунки бугун диний шиорлар билан ниқобланган, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдосидан келаётган катта-катта маблағлар эвазига яшаётган халқаро террорчилик минтақа хавфсизлигига жиддий таҳдид солиб келмоқда.

Мамлакатимиз аҳолиси, айниқса, ёшларимизнинг дунёвий, илмӣ, ахлоқӣ салоҳиятини юксалтириш, уларда юрт истиқлолига садоқат, миллий-маънавий, умумбашарӣ қадриятларга ҳурмат туйғуларини кучайтириш, жамиятимизда диний ақидапарастликнинг ҳар қандай кўринишларининг олдини олиш, ўлкамизда ижтимоӣ-маънавий ва сиёсий муҳитни янада соғломлаштириш, ҳуқуқӣ демократик давлат асосларини мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 26 мартдаги 130-сонли «Ижтимоӣ-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, диний ақидапарастликнинг олдини олиш чоратadbирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинган.

Қарорга кўра, Республика мутасадди давлат идоралари ҳамда жамоат ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган «Ҳуқуқӣ демократик давлат асосларини мустаҳкамлаш, ижтимоӣ-маънавий муҳитни янада яхшилаш, диний ақидапарастликнинг олдини олиш бўйича тadbирлар дастури» тасдиқланган бўлиб, жумладан унда:

- диний ва умуман мафкуравий адабиётлар, видео ва аудиокассеталарнинг мазмуни ва тарқатилишини тегишли

қонунларда белгиланган тарзда текширувдан ўтказишни кучайтириш;

- диний ақидапарастликни тарғиб қилувчи видеомаҳсулотларнинг намоёниш этилишига қарши қонуний чоралар кўриш;

- диний мавзудаги китоблар, рисоалар ва бошқа турдаги матбаа асарларида этиқодга кўр-кўрона муқкасидан кетиш, бевосита ва билвосита миллий ва диний маҳдудлик, ақидапарастлик тарғиб этилишининг олдини олиш;

- вилоятлар марказларида диний адабиётлар сотувига ихсослаштирилган махсус дўконлар ташкил этиш, сотилаётган диний адабиётлар мазмунини назоратга олиш каби муҳим чоратadbирлар белгилаб берилган.

«Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуннинг 19-моддасида диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган матбаа нашрлар, кино, фото, аудио, видео маҳсулотлари ва шу каби бошқа маҳсулотларни тайёрлаш, сақлаш ва тарқатиш муайян жавобгарликка олиб келиши мумкинлигини назарда тутди. Жумладан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 184²-моддасига асосан Диний мазмундаги материалларни тарқатиш мақсадида қонунга ҳилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ёки тарқатиш, фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма бараваридан юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса – эллик бараваридан юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши назарда тутилган. Шунингдек, маъмурий жазо қўлланилганидан сўнг бир йил давомида худди шундай қилмиш такроран содир этилса, Жиноят кодексининг 244³-моддасига асосан энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тарқатиш мақсадида тайёрланадиган диний мазмундаги маҳсулотларни экспертизадан

ўтказишда уларнинг моҳияти давлатимиз сиёсати, миллий истиқлол ғояси ва диний таълимотларга зид эмаслиги, бундай маҳсулотларга қай даражада эҳтиёж мавжудлиги, улар диний даъват ва миссионерликка, аҳоли ўртасида ихтилоф ва зиддиятлар келиб чиқишига сабаб бўлмаслигига алоҳида эътибор қаратилади.

Маълумки, Ўзбекистон дунёвий давлат ҳисобланади. Шу боис қонунга ҳилоф тарзда динга даъват этиш, ундаш таъқиқланади. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 202¹-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида ғайриқонуний нодавлат ноижорат ташкилотлари, оқимлар, секталар фаолиятида қатнашишга ундаш – энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади. Жиноят кодексининг 216¹-моддасига мувофиқ, юқоридаги қонунбузарлик маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, энг кам иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Бирон-бир фуқаро ўзининг динга, динга эътиқод қилишга ёки эътиқод этмасликка, ибодат, диний расм-русумлар ва маросимларда қатнашиш ёки қатнашмасликка, диний таълим олишга ўз муносабатини белгилаётган пайтда уни у ёки бу тарзда мажбур этишга йўл қўйилмайди.

Бу ҳақида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 241-моддасида ҳам айтиб ўтилган бўлиб, диний таълимотдан сабоқ бериш тартибини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланган. Мазкур моддага кўра, «Махсус диний маълумоти бўлмай туриб ва диний ташклот бошқаруви марказий органининг рухсатсиз диний таълимотдан сабоқ бериш, худди шунингдек, хусусий тартибда диний таълимотдан сабоқ бериш» маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланиб, бундай ҳаракат учун энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима

солишга ёки ўн беш суткагача муддатга қамоққа олиш жазоси белгиланади.

Агар бирор шахс бундай қилмиш учун маъмурий жавобгарликка тортилгандан сўнг бир йил давомида такроран шундай ҳаракатни содир этса, Жиноят кодексининг 229²-моддасига асосан энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши кўзда тутилган. Шундай экан, хусусий тартибдаги диний таълим жавобгарликка асос бўлади.

Бундан ташқари, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват кўзғатиш (156-модда), жамоат бирлашмалари ёки диний ташкилотларни қонунга хилоф равишда тузиш (216-модда), ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар фаолиятида қатнашишга ундаш (216¹-модда), диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (216²-модда), диний таълимдан сабоқ бериш тартибини бузиш (229²-модда), жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш (244¹-модда), диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш (244²-модда) каби жиноятлар учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Демак, диний экстремизм ва у билан боғлиқ ҳолда содир этиладиган жиноятларнинг олдини олиш учун энг аввало, кишиларни, айниқса, ёшларни ҳуқуқий саводхонлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтганда, республикамизда диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг ўзига хос ҳуқуқий механизми фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш, диний таълим тизимини такомиллаштириш, диний мазмундаги материалларни тайёрлаш ва тарқатишни тартибга солиш, шунингдек, дин билан боғлиқ турли низоларнинг олдини олиш

орқали юрт тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлашда ўзига хос хизмат қилмоқда.

Мавзу бўйича саволлар

1. Экстремизм, ақидапарастлик ва мутаассиблик тушунчаларининг мазмуни нима?
2. Терроризмнинг моҳияти ва унинг халқаро миқёс касб этишининг сабаблари нимада?
3. Диний мутаассибликнинг илк пайдо бўлиши қайси даврга бориб тақалади?
4. Мусулмон дунёсининг диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш тажрибасининг аҳамиятли жиҳатларини келтиринг.

Мустақил иш топшириқлари

1. Ўзбекистонда динлараро бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлашнинг устувор вазифалари.
2. Диний экстремизм ва терроризмнинг жамият барқарорлигига таҳдиди.

Адабиётлар

1. Диний мутаассиблик: моҳият, мақсадлар ва олдини олиш йўллари / А.Ҳасанов, О.Юсупов, К.Шермухамедов, У.Ғафуров, Ж.Каримов. – Тошкент: Мовароуннахр, 2013. – 160 б.
2. Тулепов А. Ислом ва ақидапараст оқимлар. Тўлдирилган нашр. Масъул муҳаррир Шайх Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Шарқ, 2014. – 536 б.
3. Илмдан бошқа нажот йўқ / А.Абдуллаев, Н.Ҳакимова, Ш.Жўраев, Ж.Каримов. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2015. – 156 б.
4. Шермухамедов К., Каримов Ж., Нажмиддинов Ж. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. – Тошкент: «Мовароуннахр» нашриёти, 2016. – 224 б.

8-МАВЗУ. ЯНГИ ДИНИЙ ҲАРАКАТЛАР ВА СЕКТАЛАР

Режа:

1. Дунёнинг конфессионал манзараси.
2. Сохта христианлик ҳаракатлари.
3. Ислом дини доирасида юзадаги диний ҳаракат ва оқимлар.
4. Халқаро Кришнани англаш жамияти.
5. Ўзбекистонда фаолияти аниқланган норасмий диний жамоалар.

Таянч тушунчалар: *Дин, конфессия, секта, диний ташкилот, миссионерлик, харизматика, христианлик, ислом, буддавийлик, ҳиндуийлик, Хитой динлари, Ўзбекистондаги диний конфессиялар, мормонлар, Кришнани англаш жамияти, Яҳве шоҳидлари, Баҳойлик, Бобийлик, ноанъанавий дини оқим, Аҳмадия.*

Мавзу ўқув мақсади: Конфессия, секта тушунчаларининг мазмун-моҳияти, бугунги кунда дунёнинг конфессионал харитасида бўлаётган ўзгаришлар, динларнинг географиясидаги янги тенденциялар ва уларни келтириб чиқараётган омиллар ҳақида тала-баларда кенг тасаввур ҳосил қилиш.

XIX-XX асрларда йирик динлар доирасида юзага келган диний ташкилотлар, уларнинг эътиқоди ва фаолияти, жамиятга таъсири ҳақида талабаларда кенг тасаввур ҳосил қилиш.

1. **Дунёнинг конфессионал манзараси.** «Конфессия» сўзи (лотинча – «confessio») ўзбек тилига айнан таржима қилинганда «эътиқод қилиш», деган маънони англатади. Умуман олганда, диний конфессия деганда муайян диний таълимот доирасида шаклланган ва ўзига хос хусусиятларга эга эътиқод ва ушбу эътиқодга эргашувчилар жамоаси тушунилади. Бир дин доирасида юзага келган бўлса-да, ақидалар борасида фарқланадиган жамоалар ҳам диний конфессиялар жумласига киради.

Шуни инобатга олган ҳолда, мутахассислар ҳозирги кунда дунёда тахминан 1000 дан ортиқ диний конфессиялар мавжуд, деб ҳисоблайдилар. Ислом динида бундай ҳолат кузатилмайди. Ҳеч қайси мамлакатда ҳанафий мазҳаби алоҳида, бошқа мазҳаблар алоҳида конфессия сифатида рўйхатдан ўтмайди. Масалан, Ўзбекистонда ҳам бир неча шиа жамоалари бўлишига қарамай, улар ўзларини алоҳида диний конфессия ҳисобламайдилар.

Дин жамият ҳаётининг таркибий қисми сифатида кишиларнинг ижтимоийлашувига, уларнинг турмуш тарзини ташкил этиш ва тартибга солишга хизмат қилувчи меъёрий омиллардан бири бўлиб келган. Диннинг бундай роли унинг тарихан шаклланган ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади. Чунки, дин, биринчидан, умуминсоний ахлоқ меъёрларини ўзига сингдириб олиб, уларни ҳамма учун мажбурий хулқ-атвор қоидаларига айлантирган; иккинчидан, одамларнинг баҳамжиҳат яшашига кўмаклашган; учинчидан, одамларда ишонч ҳиссини мустаҳкамлаган ҳамда ҳаёт синовлари, муаммо ва қийинчиликларни енгиб ўтишларида куч бағишлаган; тўртинчидан, умуминсоний ва маънавий қадриятларни сақлаб қолиш ҳамда авлоддан-авлодга етказишга ёрдам берган ва шу йўл билан маданият ривожига катта таъсир кўрсатган.

Бугунги кунда динга бўлган қизиқишнинг кучайиб бориши глобаллашув жараёнларининг ўзига хос инъикоси дейиш мумкин. Зеро, глобаллашув дунёни бир бутун ва яхлит қила бориши билан бир қаторда, унинг ҳосиласи сифатида алоҳида олинган миллат ва жамиятлар даражасида ўз-ўзини англашга бўлган интилишнинг чуқурлашувига ҳам замин яратмоқда. Бу жараёнлар ўз навбатида инсон маънавиятининг узвий қисми бўлган диннинг моҳиятини тушуниш, унинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрнини англашга бўлган эътиборнинг кучайишини келтириб чиқармоқда. Шу билан бирга, динга бўлган қизиқишнинг кучайиши бугунги кунда кишилик жамияти олдида турган муаммолар, инсоннинг уларни ҳал қилиш йўллари ҳақидаги ўй-изланишлари, дунёвий ва

диний қадриятлар уйғунлигини таъминлаган ҳолда бугунги куннинг оғир ва мураккаб саволларига тўлақонли жавоб топишга интилиши билан боғлиқ эканини ҳам алоҳида қайд этиш лозим.

Мутахассислар маълумотларига кўра, XX асрнинг иккинчи ярмида христианлик, буддавийлик, ислом ва бошқа динлар доирасида юзлаб секталар пайдо бўлган. Бу шундай жараёнлар келажакда давом этиши мумкинлигини тахмин қилиш имконини беради.

Янги диний ҳаракатлар (ЯДХ) деганда одатда XX асрнинг 70-йилларида Европа ва АҚШда тарқалган ноанъанавий диний гуруҳлар ва оқимлар назарда тутилади. Тадқиқотчилар бунга анъанавий динлардаги инқироз даври сабаб бўлганлигини таъкидлайдилар. ЯДХ лидерлари жамият кайфиятидаги ўзгаришларни, бу «ўткинчи дунё»нинг нуқсонларини фош қилиб, ўзларини «халоскор», юксак ахлоқли «ҳақиқатгўй» сифатида кўрсатдилар. ЯДХ тўрига кўпроқ ёшлар илинадилар.

Одатда ЯДХ қатъий таълимотга эга бўлмаган ташкилот бўлиб, унинг фаолияти лидер роли билан белгиланади. Лидерлар анъанавий диний қадриятларга қарши ташвиқот ишларини олиб борадилар. Диний ҳаёт махсус ишлаб чиқилган тартиб қоида ва низомлар орқали амалга оширилади. ЯДХнинг баъзилари дунёнинг турли бурчакларида ўз бўлинмаларига эга бўлган, бизнес билан шуғулланувчи йирик халқаро корпорацияларга айланган.

ЯДХ медитация амалиётини кенг қўллайдилар, ташкилий жиҳатдан пирамида шаклида бошқарилади. Уларнинг аксарияти ноқонуний фаолият юритувчи, криминал ташкилотлардир (Масалан, «Аум Синрикё» (Япония), «Куёш эҳроми» (Франция ва Канада) ва б.).

Диний таълимотларни бузиб талқин қилувчи ҳаракатларга:

- протестантларнинг «иккиламчи» бирлашмалари – «Яҳве шоҳидлари» («Свидетели Иегово»), «Охирги кун авлиёлари Исо Масих черкови» (мормонлар), «Масих черкови» (Бостон ҳаракати);

- сохта христиан ҳаракатлар – «Мун бирлаштириш черкови», «Виссарион охирги Аҳди черкови», «Оқ биродарлар»;
- саентологик культлар – «Христиан илми», «Рон Хаббард саентология маркази», «Клонэйд», «Оқ экологлар» ҳаракати;
- нео- ва квазиориенталистик мактаблар ва культлар – «Тирик ахлоқ»(Агни йога), «Кришнани англаш жамияти», «Трансценденталь медитация», «Аум-Синрикё», «Сахаджа-йога» ва б.);
- Янги мажусий ташкилотлар ва культлар – «Рунвира» украин миллий эътиқоди черкови, Россия жарангли кедрлари, Омск «қадимги диний эътиқодига қайтиш культи» ва бошқалар киради.

«Секта»сўзи, энг умумий маънода, муайян диний, сиёсий ёки фалсафий қарашларга эргашувчилар гуруҳини англатади. «Диний секта» деганда маълум бир диндаги расмий ақидаларга зид равишда ажралиб чиққан ёки мавжуд динлар ва конфессияларга умуман алоқаси бўлмаган ҳолда дин байроғи остида фаолият кўрсатадиган гуруҳлар тушунилади. Бугунги кунда ҳар иккала йўналишга мансуб бўлган кўплаб секталар фаолият кўрсатмоқда. Мутахассислар уларнинг сонини тахминан 5000 атрофида, деб кўрсатадилар.

2. Сохта христианлик ҳаракатлари. Замонавий воқелик диний-экстремистик характердаги секталарнинг инсон онги ва қалби учун кураш йўлидаги фаолиятининг жонланиши кузатилаётганини кўрсатмоқда. Хусусан, маълумотларга кўра, қўшни давлатларда «Богородичий центр», «Церковь объединения», «Церковь Иисуса», «Церковь Нового Завета», «Белое братство», «Божественный орден Первого Ангела» каби ўнлаб диний секталар ноқонуний равишда фаолият олиб бормоқда. «Сатанизм» деб аталадиган секта ҳам кенг тарқалган. Айрим маълумотларга кўра, ўта хавфли бўлган бу сектанинг

Россияда 100 минг, Ер юзида 5 миллиондан ортиқ тарафдорлари бор.

Улар аҳолининг диний билимлари пастлигидан фойдаланиб, охиратнинг яқинлиги билан кўрқитиш ҳамда асосан ёшлар ва моддий аҳволи ночор бўлганлар ичида иш олиб бориш йўли билан ўз тарафдорларини кўпайтиришга ҳаракат қилмоқдалар. Бундай секталарга асос солган «авлиё»лар ўз издошларини алдаш йўли билан уларнинг мол-мулкларига эгалик қилишга уринмоқдалар.

Яширин фаолият олиб бориши, секта ичида бўлаётган воқеаларнинг кўпчиликка маълум бўлиб қолмаслигининг қаттиқ назорат қилиниши, улар фаолиятдан жамоатчиликнинг беҳабар қолишини келтириб чиқармоқда.

Жаҳон христианларини бирлаштириш йўлидаги Муқаддас Рух ассоциацияси («Ассоциация Святого Духа за объединение мирового христианства») (АСД-ОМХ) бўлиб, «Мун Сан Мен бирлаштириш черкови», «Бирлаштириш ҳаракати», «Мунчилар» («Мунисты») каби номлар билан ҳам аталади.

Бирлаштириш черкови (БЧ) асосчиси Сун Мьёнг Мен 1920 йилда Шимолий Кореяда маҳаллий пресвитериан черковига эътиқод қилувчи деҳқон оиласида туғилган. Мактабда ўқиш даврида у пятидесятниклар йиғинларида қатнашган. 1936 йили Пасха байрамида унга «вахий» келган: Исо Масих унга кўриниб, уни тахминан 2000 йил аввал бошлаган миссиясини яқунлаш учун «танланган»ини айтган. Маълумотларга кўра, бу воқеа содир бўлганда осмондан: «Сен инсонларни ҳалокатдан қутқарсан, сен Масихнинг иккинчи бор зоҳир бўлишисан!». Шу воқеа сабаб у ўз исмининг биринчи бўлаги - Сун (аждарҳо)ни - Сан (нур таратувчи)га ўзгартирди ва бу билан у ўзини «илоҳий» келиб чиқишини билдирди. Шу йўл билан янги «пайғамбар»-Мун Сан Мен вужудга келди.

Мун 1948 йилда маънавий бузуқлиги, «жамоат тартибини бузганлиги» учун 100 кунга, кейинроқ эса қўшхотинлик билан айбланиб 5 йилга қамалган. 1955 йилда Мун 10 дан ортиқ

аёлларнинг номусига тажовуз қилишда айбланиб судга тортилган. Айбларни юмшатиш, жанжалларга барҳам бериш учун ўша аёллардан бири Сеулдаги «Рихва» университети талабаси 18 ёшлик Хак Хок Джага 1960 йилда уйланади («свадьба агнцев»). Тўй совғаси сифатида «пайғамбар» ўз рафиқасига «оламни яратувчи она» («мать мироздания») унвони (титули)ни беради ва ўзининг Муқаддас китобларга «Библия»га қўшимча равишда ёзган «Илоҳий тамойиллар» («Божественные Принципы») номли китобини унга совға қилади.

1976 йилдан бошлаб БЧ бир неча бор молиявий масалалар бўйича жанжалли воқеаларга сабаб бўлган. 80-йилларнинг бошларида дунё бўйлаб БЧнинг 150 дан ортиқ корпорациялари тузилган бўлиб, уларга турли соҳаларга оид корхоналар қарашли бўлган.

1992 йилда Мун ўзини янги инсониятнинг «Ҳақиқий Ота»си деб эълон қилган, 1993 йилда «Янги Аҳд даври» тугаб, «Аҳднинг якуний даври» («Эра Завершения Завета») бошланганини билдирган. Мунчилар тўлиқ ва якуний ҳақиқатга «Ҳақиқий Ота» орқали эришилади, деб ишонадилар.

Мун ва унинг хотини яқинда «Исо Масих»га рафиқа топишган ва Исо Масих уларга кўриниб миннатдорчилик билдирган. Мунчиларнинг оммавий никоҳ тантаналари «Унаштириш» маросими мунчиларнинг амалиётида марказий ўринда туради. У 2 қисмдан иборат: «муқаддас вино» маросими ва «муқаддас никоҳ». Ушбу маросимлар вино орқали унаштирилаётганлар одамзотнинг «биринчи гуноҳи»дан покланиб, янги «ҳақиқий» ҳаётни бошлашларини англатади. Никоҳ маросимидан аввал «унаштириш» бўлиб ўтади. Бўлғуси келин-куёвлар ўз жуфтларини топишни Мун ва унинг тажрибали минтақавий лидерларига тўлиғича ишонадилар. Айримлар ўз жуфтини никоҳ тантанасидан бир неча кун аввалгина танийдилар. «Муқаддас вино» ёки «Насабни ўзгартириш» маросими орқали мунчилар Мун ва унинг оиласи билан қариндошлик ришталарини боғлайдилар

Мун таърифича: «Бу маросимлар шайтон дунёсидан сақловчи ва «Ҳақиқий ота-оналар»га яқинлашиш бўйича ўзига хос «эмлаш» воситасидир.

Винода 21 битта унсур (элемент) ва «Ота ва Она»нинг қони жамланган бўлиб, уни истеъмол қилган инсон ўз аждодларидан воз кечади. Бошқа бир маълумотларга қараганда, ушбу ичимлик таркибига Мун ва хотинининг бошқа нарсалари ҳам солинади.

«Аум синрикё» - Аум (санскритча «олам») ҳақиқати таълимоти; инглиз тилида «Supreme truth», яъни «олий ҳақиқат» деб таржима қилинган. Ушбу секта 2000 йилдан бошлаб «Алеф» номи билан фаолият юритмоқда (сомий тиллар алифбосидаги биринчи ҳарфи бўйича). «Аум синрикё» янги диний, синкретик, террористик, экстремистик, тоталитар, деструктив секта бўлиб, ваджраяна буддизми асосида Японияда вужудга келган. Сектага япониялик Сёко Асахара 1987 йили асос солган, у 1995 йилда Токио метросидаги захарли газлар портлатишни уюштиргандан сўнг машҳур бўлиб кетган. Ҳозирда секта террористик ташкилотлар рўйхатига киритилган. Европа Иттифоқи, Канада, Россия, АҚШ ва бошқа давлатларда фаолияти таъқиқланган.

«Аум синрикё»дан Россияда 24000, Японияда 6600 киши жабрланган. 1990 йилларда сектанинг Нью Йорк, Бонн, Шри Ланкада марказлари фаолият юритган. 1986 йилда ушбу секта ташкилотига диний тус берилди ва у «АУМ Синсэн-но-кай» («Маънавий ривожланган ва нотабиий куч қувватга эга кишилар жамияти) деб аталди. Шу йили Асахара Ҳимолайда «бутунлай азоблардан қутилиб, Нурланишга эришди».

Ташкилот 1987 йилнинг июлидан «Аум синрикё» номи остида бутун мамлакат бўйлаб бўлинмаларига эга бўлди. 1989 йил августидан секта диний ташкилот сифатида танилди. У Япониянинг олий табақадаги университетининг талабаларини ўзига жалб қилиб, иккинчи ном - «элита вакиллари дини»га эга бўлди.

1995 йил 20 мартда «Аум синрикё»нинг 10 та аъзоси томонидан террористик акт содир этилган. Улар Токио метросида

зарин захарли газли ёрдамида газли портлатиш содир этишган. Натижада 12 киши вафот этган, ўнлаб кишилар захарланган, 1000 кишининг кўриш қобилияти пасайган. Яраланганларда тананинг айрим аъзоларида паралич, сўзлаш қобилиятининг йўқолиши, таянч ҳаракат аъзоларининг шикастланиши, кўр бўлиб қолиш ҳолатлари ҳам учраган. Уларнинг фикрича, Охирзамон келиши, яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги охирги уруш кутилмоқда ва урушда барча «гуноҳкорлар» қириб ташланади.

Полициячилар томонидан секта марказлари текширилганда кимёвий ва биологик куролларнинг компонентлари («Сибир яраси» («Сибирская язва») ва «Эбола вирус») топилган. Бундан ташқари Заирдан келтирилган Ми-17 ҳарбий вертолётни бўлган. Кимёвий захира зарин тайёрлаш орқали 4 миллион кишини ўлдиришга етадиган бўлган.

«Оқ биродарлик ташкилоти» (ОБТ) энг жанжалкаш секталардан бири бўлиб, Нью Эйж ҳаракати билан ўзаро боғлиқ. Унинг ғояларида ҳам «Балиқ эраси» (Исо Масиҳ даври) яқунланиб, Сувчи (Водолей) эраси, яъни ер юзида Илоҳий бошқарув даври бошланишини даъво қиладилар. Асосчиси ва яқин йилларга қадар раҳбари Юрий Кривоногов техника фанлари номзоди бўлиб, Киевнинг неврология ва психиатрия институтида ишлаган. У кўплаб янги ғоялар муаллифи, инсон шахсиятига таъсир ўтказиш масалаларига қизиққан. Ўз қизиқишлари ўлароқ, бироз муддат Кришнани англаш жамиятига аъзо бўлади ва турли услубларни ўрганади. У «Атма» номли «Қалб институти»ни очади ва «Знание» нашриёти орқали кўплаб рисолалар чоп этади.

Кривоногов кўп шаҳарларда маърузалар ўқиб юради ва Днепропетровскда бўлғуси хотини Мария Цвигунни учратади ва тўй арафаси Марияни ердаги «Худо» деб эълон қилади. Кривоногов ўзини турли авлиёлар номи билан атаб чиққан (Иоанн Предтеч, Ёқуб пайғамбар, Нуҳ пайғамбар, Иоанн Креститель, Тутанхамон, шоҳ Владимир, в.х) ва охири Юоанн Свами исмида тўхтаган.

Мария ҳам дастлаб Худонинг онаси, кейин Ота Худо, Ўғил Худо, Муқаддас Рухга айланган, ниҳоят Мария Дэви Христос номини олган. Мария ер юзида уч ярим йил яшаб 144 минг энг эътиқодли кишиларни, яъни «ҳақиқий эътиқоддилар»ни жамлаши керак бўлган. Бу кишилар юсмалианнинг янги халқи бўлиши керак эди (ЮСМАЛОС бу «Юоанн Свами Мария Логос» аббревиатураси, шунингдек, «Jus malos» сўзининг «ёвузлик қонуни» маъноси ҳам бор).

Юсмалос «оламни кутқариш» миссияси 1990 йил 1 июлдан 1993 йил 24 ноябрга қадар этиб белгиланганди. Ердан охириги бўлиб бу эр хотин кетиши, уларни чормихлашлари лозим бўлган. Жасадлар уч кун кўчада туриб, учинчи куни қайта тирилишлари ва осмонга кўтарилишлари керак эди. Ўша куни Охирзамон бўлиб, ер юзи вайрон бўлиши, инсоният ҳалокатга учраши, кейин эса юсмалос халқи ерда янги ҳаётни бошлаши, улар жаннатда, қолганлар дўзахда бўлиши таъкидланган.

Белгиланган санада Киевда бир неча минг тарафдорлар йиғиладилар. Табиийки, Охирзамон бўлмади. Киевдаги муқаддас София ибодатхонаси олдида тўполон уюштирилди. Эр ва хотин ички ишлар ходимлари томонидан қамоққа олинди.

«Бутунжаҳон оқ биродарлик» (ёки «Болгар оқ биродарлиги») ташкилоти Болгарияда 1900 йилда Петр Динов томонидан асос солинган. Бу ташкилот синкретик, диний, афсунгарликка асосланган ғояларга эга бўлиб, христианлик, ҳиндуийлик, йога таълимотлари қоришмасидан иборат. Таниқли лидерларидан бири Микаэл Айванховдир (Михаил Иванов – «Айванхов» – фамилиясининг инглизча ўқилиши «Ivanhov»).

1937 йили Петр Динов ўз шогирди Ивановни Францияга ташкилот ғояларини тарқатишга юборади. Айванхов Парижда 1947 йили ташкилот бўлинмасини очади ва унга «Изгрев» (болг. «кўтарилиш») деб ном беради. 1953 йилда эса мамлакат жанубида Ривьерада махсус мактаб очади («Бонфан»). 1960 йилнинг бошида Айванхов Ҳиндистонга бориб, химолайлик роҳибдан дуо олади ва «Омраам» исмини қабул қилади. Бу исм

«кўринмас, тутқич бермас ғояларни ер юзида амалга ошириш жараёнларни жадаллаштирувчи»га берилгани. Айванхов маърузалари асосида кўплаб китоблар (32 том) чоп этилган. Улар ҳозирги БОБ ташкилоти ғояларига асос бўлган. Кўпчилиги рус ва эсперанто тилларига таржима қилинган. Социалистик тузум даврида ташкилот фаолияти тўхтатилганди, ҳозирда яна жонланган.

Ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг кескинлашиб кетиши, очлик, фуқаролар урушлари, оммавий эпидемиялар, спиднинг тарқалиши юқоридаги каби секталарнинг кенг ёйилишига олиб келмоқда.

Умуман олганда, бундай секталарнинг барчаси инсоннинг ожизлиги, маънавий ва жисмоний камолотга эришишга бўлган интилиши, кишилар ҳаётда дуч келадиган қийинчиликлардан ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида шахсий бойлик орттириш ниятида фойдаланадилар.

Мавжуд диний таълимотлар, улардаги муайян қоидаларни давр талабига мослаштириш, бошқача айтганда, модернизация қилиш жараёни ҳамон давом этмоқда. Масалан, христианлар амалга оширган инквизиция ва салб юришлари хато бўлганини тан олиб, Рим Папаси ҳатто, расман кечирим ҳам сўради. 1992 йилда Папа Иоанн Павел II ўз пайтида Ернинг Қуёш атрофида айланиши ҳақидаги қарашларни ёқлагани учун черков трибунали томонидан тавба қилдирилиб, ўз қарашларидан воз кечишга мажбур қилинган Галилео Галилейнинг ҳақ бўлганини тан олиб, барчадан узр сўрагани ҳам бунга мисол бўла олади.

Шунингдек, мавжуд динларнинг тарқалиш харитасида жиддий ўзгаришлар содир бўлаётганини таъкидлаш зарур. Масалан, ўтган асрда асосан христианлар яшаб келган Европада бугунги кунда 20-25 миллион атрофида мусулмонлар истиқомат қилмоқдалар. Жумладан, Буюк Британияда - 3 миллион, Германияда - 5 миллион, Францияда - 6-7 миллион исломга эътиқод қилувчи фуқаролар яшамоқда. Тадқиқотчилар фикрига

кўра, ҳозирда айнан исломга эътиқод қилувчилар сони энг тез кўпайиб бораётган дин ҳисобланади.

Бундай ўзгаришлар, бир томондан, глобаллашув келтириб чиқараётган одамлар миграцияси натижасида, иккинчи томондан, кишиларнинг буддавийлик, кўпгина ҳолларда ва асосан исломни қабул қилиши билан боғлиқ.

Шунингдек, аҳолиси анъанавий равишда буддавийлик ва исломга эътиқод қилиб келган ўлкаларда христианликни ёйишга интилиш кузатилмоқда. БМТ маълумотларига кўра христианликнинг ўсиш кўрсаткичи йилига 1,46 фоизни ташкил қилади. Мазкур жараён айрим христиан ташкилотлари ва йўналишларининг фаол миссионерлик ҳаракати натижасида содир бўлмоқда.

Қайд этилган мулоҳазалар бугунги кунда ҳам дунёнинг диний манзарасида жиддий ўзгаришлар содир бўлаётганидан далолат беради. Диний конфессиялар манзараси ранг-баранглигини Ўзбекистонда расман рўйхатдан ўтиб фаолият юритаётган диний конфессиялар мисолида ҳам кўриш мумкин. Христианликка мансуб бўлса-да, юртимиздаги 11 та йўналишнинг ҳар бири ўзини алоҳида диний конфессия, деб ҳисоблаши фикримизнинг исботи бўла олади.

Ноанъанавий диний ташкилот ёки оқим деганда бир минтақа, ҳудуд аҳолиси учун бегона бўлган, муайян тарихий шароит ёки ижтимоий вазият сабабли ўша ерга кириб келган ёки киришга ҳаракат қиладиган динлар тушунилади.

XIX аср ўрталари XX аср бошларига келиб Европа, Америка ва Осиё қитъаларида «пайғамбарлик» ва «армагеддонизм» эпидемиялари авж олди. АҚШда 1840 йилларда «миллеризм» номи остида пайдо бўлган ҳаракат тез орада бошқа ҳудудларга ҳам тарқалди. Натижада, аксарият йирик динлар доирасида янги, «ислоҳотчи» оқимлар юзага келди.

Улардан, христианлик доирасида «Яҳве шоҳидлари» ва «Мормонлар»ни, ислом дини доирасида «Баҳойлар»,

«Ахмадийлар» ва «Қора мусулмонлар»ни, ҳиндуийлик доирасида «Халқаро Кришнани англаш жамияти»ни санаш мумкин.

Яҳве шоҳидлари (ёки Иегов шоҳидлари) йўналишига 1873 йилда Чарльз Тейз Рассел (1852-1916) томонидан асос солинган. Йўналишнинг диний таълимоти унинг етти томлик «Муқаддас Ёзувни ўрганиш» китобига асосланади.

Ч.Рассел вафотидан кейин ташкилотга раҳбарлик қилган Иосиф (Джозеф) Франклин Рузерфорд иеговочиликка «армагеддон» (яъни, гўёки, охирзамонда Исо бошчилигидаги иеговочилар ва Шайтон бошчилигидаги жинлар кўшини ўртасида бўлиб ўтадиган жанг) тушунчасини киритди. Шунингдек, у ҳар йили иеговочиларнинг халқаро конференцияларини ўтказишни, 50 га яқин китоб муаллифи сифатида тарғибот ишларида радио ва граммо-пластинкалардан фойдаланишни йўлга қўйди.

«Иегов шоҳидлари» Учлик ҳақидаги ақидани рад этишади, лекин бошқа йўналишлар каби унинг барча кўринишларини изоҳлашади. Улар худонинг ўз шахсий исми бор, бу исм «Иегов»дир ва у барча нарсаларнинг асоси ва яратувчиси, деб ҳисоблайдилар.

Иеговчилар Исо Худонинг Ўғли бўлган деб эътиқод қилса-да, унинг Худо бўлганини инкор қилишади. Уларнинг таълимотига кўра, Исо Иегово томонидан яратилган ягона инсондир, қолган барча инсонлар Масих орқали яратилган. Муқаддас Рух - Худонинг кўринмас кучи бўлиб, у дунё яратилишида қатнашган. Исо Голгофа тоғида хочга эмас, балки устунга михланган деб ҳисоблаганлари сабабли ишлатилмайди.

Иегов бутун инсоният тарихида 144 минг кишини танлаб олган, улар ўлгандан сўнг тўғридан-тўғри тирилади ва осмон подшоҳлигига ўтиб кетишади. Ҳозирги кунда ўша танланган 144 минг киши, яъни «кичик пода»дан (имони мустаҳкам ва дин йўлида кўп хизмат қилган) 11 мингтаси тирик, деб эътиқод қилинади. Қолган имонлилар, яъни Иегово шоҳидларига қўшилган «қўйлар»га (оддий диндорлар) Ер юзида абадий жаннатда яшашлари ваъда қилинади.

«Иегов шоҳидлари» фақатгина Исо Масих ўлимини эслаш кечалари билан боғлиқ байрамни нишонлайдилар. Шу куни жамоа аъзолари қариндош ва танишларини уйларига таклиф қилишади. Дастурхонда Исонинг тана ва қонининг ифодаси деб билинадиган хамиртуришсиз нон ва қизил, қуруқ вино бўлиши шарт.

«Иегов шоҳидлари» диний ташкилоти қатъий марказлашган характерга эга. Унинг диний-маъмурий маркази - Бошқарув корпорацияси ҳисобланади. У 15кишидан иборат бўлиб, Бруклинда (АҚШ, Нью-Йорк) жойлашган. Бошқарув корпорациясининг 90 дан ортиқ филиаллари дунёнинг турли мамлакатларида тарғибот ишларини олиб боради. Христианликнинг кўзга кўринган вакиллари иеговочиларнинг христианлик билан ҳеч қандай умумийлиги йўқ, деган фикрдалар.

Марказий Осиёда «Иегов шоҳидлари» диний ташкилотининг биринчи жамиятлари 1950-йилларда пайдо бўлган ва норасмий равишда фаолият кўрсатиб келган. Бугунги кунда республикамизда «Иегов шоҳидлари»нинг 1 та ташкилоти расман рўйхатга олинган.

«Иегов шоҳидлари» миссионерликка катта эътибор беради. Жамоа пайдо бўлган даврдан бошлаб, асосан уйма-уй юриш ва адабиётлар тарқатиш билан ўз издошларини кўпайтиришга ҳаракат қилади. Айрим маълумотларга кўра, ҳозирги кунда иеговочи миссионерларнинг сони 700 мингдан ортиқ кишини ташкил этади. Жамоа раҳбарияти томонидан миссионерларни тайёрлаш ишларига катта аҳамият берилади. АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида, жамоанинг бош офиси билан бир жойда «Галаад» номли миссионерлар тайёрлаш маркази мавжуд. Ушбу марказда ташкил этилган беш ойлик курсларда бутун дунёдан келган миссионерлар таҳсил олишади.

Миссионерлик фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш ва адабиётларни нашр этиш учун «Қўриқчи минора», «Библия» ва «Рисолалар жамияти» тузилган. Ушбу жамият корпорация деб

аталиб, бош қароргоҳи ташкилот асосий биноси билан бир жойда, АҚШнинг Бруклин шаҳрида жойлашган. Корпорацияни етти директордан иборат бошқарув кенгаши бошқаради ва улар корпорация президентини сайлайдилар.

Ҳозирги кунда «Иегов шоҳидлари» 230 дан ортиқ мамлакатда фаолият олиб боради ва дунё бўйича 111 та минтақавий ваколатхоналарга эга.

Иеговчилар миссионерликни ўзига хос тарзда ва тизимли ташкил этганлар. Мутахассислар фикрича, «Иегов шоҳидлари» ўз тарафдорларини шакллантиришда жалб этишнинг 80 дан ортиқ усулидан фойдаланадилар. Жумладан, улар ўз даъватчиларининг овоз оҳанглирида тинчлантириш ва меҳр туйғулари бўлишига алоҳида эътибор берадилар. Иеговчилар миссионерликни:

– ўз қарашларига заррача бўлса ҳам қизиқиш билдирган одамларни қидириб топиш ва сўнг уларни таълимотни қабул қилишга тайёрлаш;

– даъват қилинаётган одамнинг онгига «Библия» курслари ва унинг матнини ўрганиш орқали диний таълимотни сингдириш;

– прозелитларни сув билан чўқинтириш;

– уларни миссионерлик фаолиятига тайёрлаш каби тўрт босқичда амалга оширадилар.

Иеговчиликнинг ўзига хос жиҳатларидан яна бири шуки, унда ҳар бир аъзо миссионерлик фаолиятида қатнашиши шарт. Жумладан, жамоа раҳбарияти томонидан ҳар бир аъзо ойига 10 соатдан 150 соатгача миссионерлик фаолиятига сарфлашлари талаб қилинади. Жамоа аъзолари қанча кўп вақтларини миссионерликка сарфлаганларига қараб ташкилот иерархиясида кўтарилиб боради. Сўнгги пайтларда иеговчилар мактаб ўқувчилари ва ёшлар орасида тарғибот ишларини олиб боришга интилиш кучли намоён бўлаётганини таъкидлаш зарур. Ана шундай мақсадли фаолият натижасида иеговчилар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Маълумотларга кўра, ҳозирда иеговчилар сони дунё бўйича қарийб 7 миллионни ташкил этади. Уларнинг бош ташкилоти

томонидан адабиётлар нашр этиш, черковлар фаолиятини таъминлашга кетадиган сарф-харажатлардан ташқари миссионерларнинг кундалик харажатларига йилига 100 миллион АҚШ долларига яқин маблағ сарфланади.

Мормонлар. Мазкур оқимга 1830 йили Нью-Йорк (АҚШ) шаҳрида Жозеф Смит (1805-1844) исмли шахс томонидан асос солинган.

Смит 1823 йилда Вермонт шаҳридаги Шерон ўрмонида камбағал ва бечора тарафдорларига Морони номли бир фариштанинг ўзига ваҳий олиб келганини даъво қилади. Унга кўра Морони, Смитга Нью-Йоркдаги Кумора тепалигига кўмилган, қадимги Миср тилида ёзилган олтин лавҳлар ва уларни таржима қилиш учун Урим ва Тхуммин тошларини келтириб берган.

Жозеф Смит матнларни ўқигани ва фаришта ёрдамида таржима қилганини эълон қилади ва уни нашр эттиради. Шундай қилиб, 1830 йилда «Мормон китоби» босиб чиқарилган. Китобдаги буйруққа биноан янги бир черков қурилган. Бу черков, «Исо Масихнинг охирги кун азизлари черкови» деб номланган. Унинг тарафдорлари эса шундан сўнг «Мормонлар» дейила бошланган.

Мормонлар эътиқодига кўра, америкаликлар исроил қабилаларидан келиб чиққан ва қизил оқ танлилардан ташкил топган. Исо тирилганидан кейин оқ танлилар орасида фаолият олиб борган, лекин унинг черкови қизил танлилар томонидан вайрон қилинган. Охирги оқтанлилар XVасрда яшаган Мормон билан унинг ўғли Моронидир. Лавҳларни ана ўшалар кўмган ва уларни Смит топиб олган.

Смит 1831 йилда янги Қуддуснинг Киртландда (Огайо штати, АҚШ) қурилишига доир ваҳий олганини айтган. Тарафдорлар сонини орттириш мақсадида мормонлар фаол равишда миссионерлик билан шуғулланганлар.

Сиқувга олинган Мормонлар, Киртландни ташлаб Миссурига; у ерда ҳам айни ҳолга дуч келгач эса Иллинойсга

кўчишга мажбур бўлишади. 1840 йилда ботқоқзор ўрнида Наву шахрини қуриб, ўз марказларини шу ерда ташкил этадилар.

Омадли кечган бир-икки йилдан кейин Смит «Мормон китоби»да акси ёзилган бўлишига қарамасдан, янги бир «вахий»га асосланиб, кўпхотинлиликни тарғиб қилган ва ўзи бу ишни бошлаб берган. Унинг бу фикрига жиддий қаршиликлар бўлган, натижада Смит укаси ва тарафдорлари билан қамоқхонага ташланган. Қисқа бир муддатдан кейин улар маҳбуслар томонидан ўлдирилган.

Смитдан кейин мормонларга Брижман Янг бошчилик қилди. У ўлими ортидан 178 та хотин ва 49 та болани қолдириб кетди. Мормонлар Ютада «Буюк туз кўли» қирғоғида, «Туз кўли шаҳри» ҳозирги Солт Лейк Сити шаҳрини қурганлар. Улар бу ерда жуда ҳам кучайиб кетганлар ва улкан мормон ибодатхонасини барпо этганлар.

«Исо Масиҳнинг охириги кун азизлари» сифатида ўзларига баҳо берувчи мормонларнинг эътиқод асослари Ж.Смит томонидан тартибга солинган. Черков бошлиғи «раис» деб номланади.

Мормонлар Ота-Худо, Исо Масиҳ ва Муқаддас Рух билан боғлиқ эътиқодни тан оладилар. Уларга кўра, Инжил Худонинг сўзидир, уни, хато қилмаслик шарти билан таржима қилиш мумкин. Мормон китоби ҳам Худонинг сўзидир. Исо Масиҳнинг қайта тирилиш жойи Америка қитъасидир. Янги Қуддус Америкада қурилади; шахсан Исонинг ўзи уни бошқаради, дунё янгиланади ва худди жаннатдек кўриниш олади. Исо минг йиллик салтанат қуради ва унга имон келтирганлар, ёрдамчи бўлган (мормон) лар нажот топадилар.

Улар чўқинтиришда сувга бўктириш усулини қабул қилганлар. Улуғликда олдинга силжишни ва хатто, илоҳийликкача юксалишни эътироф қиладилар. Эътиқод асослари орасида жой олган кўп хотинга уйланиш 1895 йилда В.Вудрафт томонидан бекор қилинган. Причащение яъни

«Покланиш» маросими, сигарет ва ароқ ҳаром бўлгани сабабли фақатгина нон ва сув билан амалга оширилади.

Мормонлар миссионерлик фаолиятини олиб борадилар ва ушбу фаолият бутун дунёга тарқалганлигини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Мормонлар наздида ҳар бир аъзо икки йил миссонерлик қилиши керак. Миссионерлик фаолияти бугунги кунда 4000 дан ортиқ аёл ва эркак мормон томонидан олиб борилмоқда. Уларнинг аксариятини ёшлар ташкил қилади ва улар ўз ҳаётларини миссионерлик учун бағишлаган.

Бугунги кунда мормонлар дунёнинг 160 мамлакатада фаолият олиб бориб, тахминан 30 минг черков ва 12 миллион издошларига эга. Расмий христианлик мормонларни «адашган оқим» сифатида эътироф этади.

3. Ислом дини доирасида юзадаги диний ҳаракат ва оқимлар. Баҳойлик – XIX асрда Эронда бобийлик йўналиши замирида вужудга келган диний йўналиш. Шерозлик Сайид Али Муҳаммад (1819-1850) 1844 йилда Боб (арабча «эшик»), яъни янги даврга «эшик» номини олиб, яқин орада «Худо элчиси»нинг намоён бўлиши, кишиларга янги даврнинг асосий қонунлари ва низомларини инъом этишини тарғиб қила бошлаган.

Бобнинг йирик издошларидан бири Мирза Ҳусайн Али Нурий (1817-1892) 1863 йилда Боб башорат этиб кетган худонинг элчиси унинг ўзи эканини эълон қилади ва Баҳоуллоҳ, яъни «Аллоҳнинг жилоси» номини олади. Ушбу йўналишнинг номи ҳам Баҳоуллоҳнинг номидан олинган.

Баҳоуллонинг «Китоби Ақдас» («Энг муқаддас китоб») ва «Китоби Иқон» («Мустаҳкам ишонч китоби») асарлари баҳойлик таълимотининг асосларини ташкил этади. Йўналиш асосчиси ўзига ислом дини эътиқодига кўра, оламларнинг Яратувчиси бўлган «Аллоҳнинг жилоси» номини қабул қилган бўлса-да, баҳойлар ақидасига кўра, баҳойлик мустақил дин, у бирор бир диндан ажралиб чиққан секта ҳам, мазҳаб ҳам эмас, деб ҳисобланади.

Баҳойлик Ҳиндистон, Уганда, Кения, Эрон, Миср, АҚШ, Канада каби қатор мамлакатларда тарқалган. Ҳозирги вақтда дунёда баҳойларнинг 9 та ибодат уйи, 200 га яқин миллий ҳамда бир қанча маҳаллий диний мажлислари мавжуд. Баҳойларнинг умумий миқдори тахминан 6 миллион кишини ташкил этади.

Баҳойлик таълимотига кўра:

– барча динлар бир илдиздан пайдо бўлган ва пайғамбарлар биродар ҳисобланади;

– Иброҳим, Мусо, Исо ва Муҳаммад пайғамбарлардан ташқари Будда, Зардушт, Кришна, Боб ва Баҳоуллоҳ ҳам пайғамбар ҳисобланади. Баҳойликда улар энг буюк 9 та пайғамбар сифатида эътироф этилади;

– худо ҳар минг йилда Ер юзига янги пайғамбар туширади;

– жаннат ва дўзах, охират, шайтон ва фаришталар инкор қилинади;

– ҳозирги барча динлар бир-бирини инкор қилади, шунинг учун ҳам, уларни бирлаштириш ва инсонлар орасидаги турли фарқларни йўқотиш лозим. Баҳойлар даъвосига кўра, бундай бирлаштирувчилик вазифасини баҳойлик бажариши лозим.

– Ватан, миллат деган тушунчалар маънисиз ҳисобланади. Зеро, уларнинг фикрича, Ер юзининг ҳамма жойи Ватан ҳисобланади.

Баҳойликда руҳонийлар йўқ. Маҳаллий жамоаларни йилда бир маротаба 21 апрель куни яширин овоз бериш йўли билан сайланадиган 9 кишидан иборат Маҳаллий диний мажлис бошқаради. Баҳойлар йирик жамоаси мавжуд бўлган ҳар бир давлатда Миллий диний мажлис сайланади. Ўз навбатида Миллий диний мажлис вакиллари 9 кишидан иборат бўлган Умумжаҳон Адолат Уйи аъзоларини сайлайдилар. Ҳар беш йилда сайланадиган Умумжаҳон Адолат Уйи умумжаҳон баҳойлар жамиятининг фаолиятини бошқариб боради.

Баҳойликда ҳар бири 19 кунлик 19 ойдан иборат бўлган диний тақвим қабул қилинган. Ҳар 19 кунда жамоанинг барча аъзолари ибодат қилиш, жамоа билан боғлиқ ишларни муҳокама

қилиш, ўзаро биродарлик алоқаларини мустаҳкамлаш учун йиғиладилар.

Кунига уч марта Исроилнинг Акка шаҳрига қараб ибодат қилинади. Умумий ибодат дуо ўқиш, медитация ҳамда баҳойликнинг асосий китоблари ва жаҳон динлари муқаддас китобларидан матнлар ўқиш орқали амалга оширилади. Ҳар йили 2 мартдан 20 мартгача баҳойлар кун чиқардан кун ботгунга қадар овқат ва сувдан ўзларини тийиб, рўза тутадилар.

Баҳойларнинг муқаддас ибодатхонаси Акка шаҳрида жойлашган. Хайфа шаҳри муқаддас шаҳар ҳисобланиб, дунё баҳойларининг зиёратгоҳи ҳисобланади. Бу ерда Боб ибодатхонаси, 1957 йилда баҳойликнинг раҳбарлик органи сифатида ташкил этилган Умумжаҳон Адолат Уйининг қароргоҳи жойлашган.

Аҳмадийлик (Қодиёнийлик). Ғайриисломий моҳият ва диний-сиёсий мазмунга эга бўлган аҳмадийлик оқими XIX асрнинг охирларида Мирзо Ғулом Аҳмад Қодиёний томонидан тузилган. Дастлаб у асосчисининг номи билан – «Мирзойлик», кейинчалик эса вужудга келган жойга нисбатан – «Қодиёнийлик» деб номланган. Мирзо Ғуломнинг 1900 йил 4 ноябрдаги баёнотига биноан охир-оқибат «Аҳмадийлик» номини олган.

Ғулом Аҳмад 1840 йилда ҳозирги Покистон ҳудудидаги Панжоб вилоятининг Гурдаспур минтақасидаги Қодиён қишлоғида туғилган. У ёшлигидан ҳиндуийлик, яҳудийлик, христианлик ақидалари билан танишган. Бу эса унинг дунёқарашига таъсир кўрсатган ва у ўзини ҳиндуийларнинг Аватари (ҳиндуийлик таълимотига кўра, Кришнанинг ердаги кўриниши), яҳудийларнинг Машиаҳи (яҳудийликка кўра, Исроил халқи ва инсониятни қутқариш учун Яратган томонидан юбориладиган Довуд пайғамбар авлодидан бўлган шоҳ), христианларнинг халоскори ва буддавийларнинг Майтреяси (буддавийларнинг Ерда пайдо бўлиши кутиладиган илоҳи) деб эълон қилган.

1876 йилда Ғулом Аҳмад Аллоҳнинг ҳузурига чиққани ва ваҳий ола бошлаганини даъво қилиб чиқади. 1880 йилда у ўз таълимоти асосларига бағишланган «Бароҳин Аҳмадия» (Аҳмад далиллари) номли китобининг илк икки жилдини нашрдан чиқаришга эришади. Унда у исломни бошқа динлардан ҳимоя қилган. Шу туфайли мусулмонлар китобдаги «илоҳий илҳомлар», кароматлар, ўз-ўзини мақташларга, дастлаб, унча эътибор бермаганлар. Учинчи ва тўртинчи жилдларда эса Ғулом Аҳмад ўзига ваҳий тушаётгани ва пайғамбар эканини даъво қилган. Шунингдек, инглиз ҳукуматиани мақтаб, ҳозирги пайтга келиб «жиҳод» тушунчасининг ўринсиз, ҳукмсиз ҳолга келиб қолганини айтган. Бошланишда 50 жилд бўлиши режалаштирилган «Бароҳин Аҳмадия»нинг 5 жилдигина нашр қилинган.

Ғулом Аҳмад қарашлари эволюциясининг таҳлили унинг асл моҳиятини чуқурроқ англашга ёрдам беради. Дастлабки босқичда у ўзини соф ислом таълимоти ҳимоячиси сифатида намоён қилиб, турли динларга ўз раддияларини беришга уринади. У ўзини «хокисор» бир мусулмон сифатида кўрсатиб, ўзини «ўз даъвати ва шахсий хусусиятларида Масихга ўхшаган киши» дея тарафдорларини тўплайди. Иккинчи босқичда эса динни янгилаш ғоясини, яъни 1885 йили у ўзини яшаб турган давр (ҳижрий XIV аср) «мужаддиди» эканини, 1888 йилга келиб эса инсонлардан «байъат» олиб, алоҳида «жамоат» ташкил қилиш ҳақида буйруқ олганини эълон қилади. Ғулом Аҳмад фаолиятининг учинчи босқичида ўзини «Имом Маҳдий», деб атаб, ислом асосларини бузишга киришган. Хусусан, 1891 йилда у Исо ибн Марямнинг табиий йўл билан ўлганини айтиб ва шундан келиб чиқиб ўзини мусулмонлар кутаётган «Масих» ва «Маҳдий» деб даъво қилган. Суннийлик ақидасига кўра, Маҳдийнинг қачон ва қаерда пайдо бўлишини Аллоҳ таоло билади. Бу борада келган ҳадислар таҳлили эса, Маҳдийнинг имом Ҳасан авлодидан бўлиши, унга қарши Шомдан аскар юборилиши, пайғамбар суннатига амал

қилиши, Ер юзида адолат ва инсофни қарор топтириши ҳақида маълумот беради.

1900 йилга келиб, у пайғамбарлик даъвосини илгари сурди, «илҳом» хутбасини ўқиди. Қизиғи шундаки, Ғулом Аҳмад ўзини оддий пайғамбар эмас, балки «пайғамбарларнинг сараси», дейишгача бориб етди. Унинг «Амадий далиллари» китобининг бешинчи жузъида келтирилган «Аллоҳ барча набий ва расулларни бир киши қиёфасида мужассамлаштиришни истади ва ўша менман», - деган сўзлари бунга далил бўла олади. Бундан ташқари у Яратган томонидан ваҳий юборилиши ҳеч қачон тўхтамаслигини эълон қилиш билан неча асрлардан бери мусулмонлар эътиқод қилиб келадиган ақидага мутлақо ёт фикрни илгари сурди. Ислом таълимотига кўра, Муҳаммад (с.а.в.)дан сўнг ўзини пайғамбар, деб эълон қилган киши ё каззоб ёки дажжол ёки мажнун ҳисобланади.

Аҳмадийларга кўра, барча динлар қандайдир халоскорни кутадилар, унинг келишига умид билан яшайдилар. Агар кутилаётган кутқарувчи, бир одамда мужассам бўлса, динлараро келишмовчилик бартараф этилиб, бирдамлик, ҳамжиҳатликка эришилган бўларди.

1904 йилда Ғулом Аҳмад ўзини Кришнанинг одам қиёфасидаги кўриниши эканини эълон қилди. Яратган унга гўёки «Сен менга ўғил кабисан», деб ваҳий юборгани ҳақидаги иддаоси унинг соғлом фикрдан анча узоқлашиб кетганини кўрсатади.

Аҳмадийларнинг ислом асосларидан узоқлашиб кетганини кўрсатувчи яна бир ҳолат уларнинг Макка, Мадина қаторида Қодиённи ҳам муқаддас шаҳар эканига эътиқод қилишларидир. Улар Қодиёндаги масжид олдида минора қурдириб, уни «халоскор минораси», ушбу қишлоқдаги қабристонни эса «Жаннат боғлари» деб атаб, бу ерга кўмилганлар жаннатга киради, деб ҳисоблайдилар.

Ғулом Аҳмад 1905 йилда ўзининг ўлими ҳақида ваҳий келганини айтган бўлсада, 1908 йил 26 майда Лаҳорда вафот

этган. Қабри Қодиёнга олиб кетилган ва тарафдорлари учун зиёратгоҳга айланган.

Мирзо Ғулом Аҳмаднинг ўлимидан кейин шогирдлари унинг фикрларини йиғишда давом этдилар ва натижада «Синкретик Қодиёния-Аҳмадия ҳаракати» юзага келган. Кейинчалик оқим «Қодиён аҳмадийлари» («Қодиёнийлар») ва «Лаҳор аҳмадийлари» («Лаҳорийлар») номли икки жамоага бўлиниб кетди. «Қодиёнийлар» Ғулом Аҳмадга нисбатан «Масих мавбӯд» («Ваъда қилинган Масих») ва «Маҳдий», «Лаҳорийлар» эса «Набий зиллий» («Пайғамбар сояси») ва «Набий ғайри ташриъий» («Шариат жорий қилмаган пайғамбар»), «мужаддид» («динни янгиловчи») номларини ишлатишда фарқланадилар.

Аҳмадийлар муайян мамлакатга кириб борар экан, кўп ҳолларда саводи паст мусулмонлар ёки илгари бирор динда бўлмаган кишиларни нишонга олишга, ўзларининг талқинидаги нашр ва китобларни чоп этишга эътибор қаратадилар. Жамоа таркибига фақат 10 шарти белгиланган расмий қасамёд воситасида аъзо бўлиб кириш мумкин. Улар ўз талқинида Қуръон нусхаларини турли тилларда (80 га яқин тилда, хусусан ўзбек тилида) нашр қилиш ва тарқатиш билан фаол шуғулланадилар.

Маълумотлар аҳмадийлар Ўзбекистонга кириб келишга қизиқаётганлигини кўрсатади. Хусусан, баъзи қўшни мамлакатларда аҳмадийлар ғояларини тарғиб қилувчи «Танланган ёзувлар», «Танланган ҳадислар», «Танланган оятлар» каби китобларнинг чоп этилгани, Қуръони каримнинг улар талқинидаги ўзбекча таржимасининг тақдимоти бўлиб ўтгани юқоридаги фикрни тасдиқлайди.

Аҳмадийлик мусулмонларни ичидан бўлиб ташлаш, исломий қадриятларни бузиб талқин этиш, ислом динига янги тушунчаларни киритиш орқали одамларни тўғри йўлдан адаштиришга қаратилган, шаклан исломий, моҳиятига кўра унга мутлақо зид бўлган оқимлар сирасига киради.

4. Халқаро Кришнани англаш жамияти. Шрила Бхактиведанта Свами Прабхупада номи билан танилган асли ҳиндистонлик Абхай Чаран Де (1896-1977) томонидан ташкил этилган. У 1947 йилда «Веда» фалсафаси билимдони сифатида «Бхактиведанта» (санскр. «содиқлик», «фидокорона хизмат») унвонига сазовор бўлади. Санскрит тилидан инглиз тилига кўпгина «Веда» матнлари, жумладан, «Бхагавадгита» («Худо кўшиқлари»)ни шарҳлар билан таржима қилди. 1959 йилда 63 ёшида дунёдан воз кечишга аҳд қилади ва Свами («Ақл ва ҳиссиётлар эгаси») унвонига эришади.

1965 йилда А.Ч.Бхактиведанта Свами АҚШга кўчиб ўтди ва «Халқаро Кришнани англаш жамияти»га асос солди. Бу даврда Шарқ мистик таълимотига нисбатан катта қизиқиш Кришнани англаш фалсафасини тарғиб қилиш учун қулай шарт-шароит яратди ва ҳаракат тез ривож топди. Маълумотларга кўра, бугунги кунда дунёнинг турли бурчакларида уларнинг 150 дан ортиқ ибодатхоналари мавжуд.

Кришначилик (вайшнавийлик) одам қиёфасидаги худо Кришна (Вишну)га эътиқод қилишга асосланган ҳиндуийликнинг икки асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Кришначиликнинг муқаддас ёзувларига «Бхагаватгита»дан ташқари бошқа «Веда» матнлари ҳам киради.

Кришначилик яккахудоликка, яъни ягона ва мутлақ худо – Кришнани тан олишга асосланади. У абадий, яратилмаган ва чексиз шаклларга кириш қобилиятига эга. Кришначилик таълимотига кўра, олам руҳий ва моддий дунёга бўлинади. Инсоннинг руҳи танасига нисбатан бирламчидир. Кришначилар руҳни ривожлантириб ички комилликка эришиш ва шу йўл билан худога кўшилишни олий мақсад, деб биладилар.

Ҳар бир инсон ўзида Кришнани англаш қобилиятини ривожлантириши мумкин. Бунинг учун бир қанча ҳаракат шакллари ўз ичига олган ва худога муҳаббатни ривожлантириш ҳамда уни бутунлай руҳий англашга шўнғишга қаратилган бхакта-йога машқлар тизими ишлаб чиқилган. Айни

пайтда, инсон ўзини моддий эҳтиёжлардан холи қилиши, гўшт, балиқ, тухум, маст қилувчи нарсаларнинг барчаси, жумладан, спиртли ичимликлар, тамаки, қаҳва, чой истеъмол қилиш, никоҳсиз жинсий ҳаёт кечириш ва қимор ўйинлардан воз кечиши зарур, деб ҳисобланади.

Кришначиликда медитация деб аталувчи, ибодатхонада ўтказиладиган диний маросимлар ҳар куни соатлаб бажарилади. У махсус ҳаракатлар, Санкиртана – биргаликда худо Кришнани «Харе Кришна, Харе Кришна, Кришна Харе, Харе, Харе Рама, Харе Рама, Рама, Рама, Харе, Харе» деган, махамантра («озод бўлишнинг буюк кўшиғи»)ни куйлаш билан шарафлаш амалиётини камраб олади. Буларнинг ҳаммаси, уларнинг таъбирича, ақлни тозалаш, фикрни ташқи дунёдан халос этиш, бутун диққат-эътиборни худога нисбатан муҳаббатга йўналтириш учун бажарилади.

«Халқаро Кришнани англаш жамияти»да ўз эргашувчиларининг мол-мулкларини жамият ҳисобига хайр-эҳсон қилишлари ҳамда ибодатхонада руҳонийлик вазифасига ўтишлари рағбатлантирилади. Бу таълимотни қабул қилган ҳар бир кишига янги - санскритча ном берилади. Жамоа аъзолари сари, дхоти ва бошқа ҳинд миллий либосларини киядилар.

Кришначилар томонидан миссионерлик фаолияти ўтган асрнинг 70-йилларида бошланган. Улар томонидан амалга ошириладиган тарғиботчилик ҳаракатининг ўзига хос хусусиятлари қаторида кўчаларда ибодат кийимларида юриб кўшиқлар айтиш ва адабиётларини тарқатиш, «Ҳаёт учун озуқа» деб номланадиган, бепул озиқ-овқат тарқатиш акциялари ўтказилишини кўрсатиш мумкин. Бундай ҳаракатларнинг асосий объектлари сифатида одатда талабалар, мактаб ўқувчилари, қариялар ва меҳрибонлик уйларида истиқомат қилувчилар танлаб олинади.

5. Ўзбекистонда фаолияти аниқланган норасмий диний жамоа ва секталар. Тарих шуни кўрсатадики, чуқур ижтимоий-

сиёсий ўзгаришлар бошидан кечираётган жамиятда ривожланишнинг «ягона тўғри йўли»ни, агар жамиятдаги вазият салбий томонга йўналган бўлса, «ягона нажот йўли»ни билишга даъво қилувчи турли диний жамоалар ёки секталар вужудга келиши кузатилади. Ўзбекистонда ҳам 1990-йилларнинг бошида муайян даражада харизма ва ташкилотчилик қобилиятларига эга, ўзига ишончи юқори бўлган айрим «янги диндорлар» ўз ғояларини бошқаларга ҳам тарғиб қила бошладилар. Оқибатда республикада бир неча норасмий диний жамоалар шаклланди. Уларнинг аъзолари орасида махсус диний маълумотга эга шахслар деярли учрамайди.

Норасмий диний жамоалар илгари сураётган диний-ғоявий қарашларнинг аксарияти соф диний характерга эга бўлиб, «халифалик куриш» каби диний-сиёсий мақсадларга қаратилмасада, ақидавий жиҳатдан ҳанафийлик мазҳаби таълимотига мутлақо зид ғояларни тарғиб этиш ва ўзларига эргашмаган мусулмонлар ва бошқа дин вакилларига ўта кескин муносабат билдирилади. Жамоа ичида айрим ҳолатларда фуқароларнинг кадр-қимматини камситувчи тартиблар жорий қилинган ва жамиятга салбий муносабатлар шакллантирилган. Оқибатда жамоа аъзоларининг жамият ва ижтимоий алоқаларнинг узилиб қолиши, улар ва бошқа фуқаролар орасида ўзаро можаролар келиб чиқиши, айрим адептларнинг оилалари барбод бўлиши каби ижтимоий иллатлар кузатилмоқда. Жамоа раҳбарлари эса ўз тарафдорларини шахсий манфаат йўлида фойдаланиш ҳолатлари аниқланган. Ҳозирги кунда республикада фаолияти кузатилаётган норасмий диний жамоалар қаторига «Маърифатчилар», «Шоҳидийлар» ва «Бахшиллочилар»ни киритиш мумкин.

«Маърифатчилар» жамоасига 1990-йилларнинг ўртасида Фарғона вилояти Тошлоқ туманида яшовчи Баҳодир Мамажонов (1950 й.т.) томонидан асос солинган. Жамоанинг ғоявий таълимоти Б.Мамажонов томонидан ёзилган ва ноқонуний тарзда чоп этилган, диний ва илмий асоссиз ёзилган «Маърифат»,

«Тилак», «Намоз-Сиғиниш», «Рост-Қуръон» китоблари ҳисобланади.

«Маърифат» китоби Б.Мамажоновнинг диний мавзудаги фикрлари ва нозил бўлиш тартибига кўра жойлаштирилган бир неча сураларнинг таржимасидан иборат. Ушбу китоб номидан келиб чиққан ҳолда аҳоли ичида Б.Мамажоновнинг издошлари «Маърифатчилар» деб танилган. Б.Мамажонов эса ўзини ва тарафдорларини «Тўғри дин»дагилар деб ҳисоблайди.

«Намоз-Сиғиниш» китобида Б.Мамажонов томонидан белгиланган намоз тартиби баён қилинган. «Рост-Қуръон» китобида ҳам гўёки «Усмон ибн Аффон даврида Қуръон нотўғри тартибланган» деган даъво остида суралар нозил бўлиш тартибига кўра жойлаштирилган.

«Маърифатчилар»нинг анъанавий ислом таълимотига зид даъволари:

- Қуръон ва намоз миллий тилда, яъни ўзбек тилида ўқилиши шарт ҳисобланиб, гўёки «ўзи аниқ билмаган нарсага эришиш» ширк экани эълон қилиниб, «ота-боболаримиз ... мушрик эдилар» деб ҳисобланади;
- Ўзбекистон аҳолиси фақат 1990 йили «Шарқ юлдузи» журналида чоп этилган Қуръон таржималари орқали ҳақиқий Қуръонга (Б.Мамажоновнинг даъвосича – «Рост-Қуръон») эришган, унгача Қуръонга гўёки «шайтон суралари қўшилган» деб даъво қилинади ҳамда мавжуд тафсирлар тан олинмайди;
- Муҳаммад пайғамбарга «воситачи», «унинг вазифаси фақат Қуръонни етказиш эди» деган даъво билан ҳурмат кўрсатилмайди, «хулафои рошидин»дан кейинги халифалар «дўзахи» саналади;
- Қуръон - ягона муқаддас манба, ҳадислар тан олинмайди;
- дунёвий партия ва бошқа диндагилар, шу жумладан, яҳудий ва христианлар «шайтонга эргашган»лар деб қаралади;
- мазҳабларга эргашиб «ширк» амал ҳисобланади;
- маййитни кафанлаш ва «жаноза» ўқиш исломда йўқ амаллар, деб қаралади;

- гўёки исроф баҳонасида давлат байрамлари ва туғилган кунларни нишонлаш, тўй-маъракалар ўтказиш, диний маросим ва урф-одатлар диндан чиқарувчи ширк амаллар қаторига киритилган;
- намоз ва ибодатда ишлатиладиган сано ва саловотларнинг барчаси ўзбек тилида ўқилиши жорий қилинган, намоз вақти ва тартиби эътиборга олинмайди, бир суткада беш маҳал азонсиз, Б.Мамажонов белгилаган вақт ва тартибда 17 ракат, кечаси 2 ракат суннат намози ўқилади.

Жамоа аъзоларининг асосий қисмини Б.Мамажоновнинг қариндошлари ва яқинлари ташкил этади. Айрим аъзолар Ўзбекистон ислом ҳаракатининг жанговар лагерларида «ҳижрат»да бўлиб қайтганлар. Ҳозирда жамоанинг кам сонли аъзолари Фарғона вилоятининг Тошлоқ тумани ва Самарқанд вилоятининг Иштихон туманида истиқомат қилади.

«Шоҳидийлар» жамоасига 1990-йилларнинг бошида диний маълумотга эга бўлмаган андижонлик Каримов Хабиб (1944 й.т.) асос солган. Жамоа тарафдорлари 52 нафарни ташкил қилиб, Андижон шаҳри ва Андижон туманидаги фуқаролар йиғинларида фаол ҳаракат қилганлар. Оқим тарафдорлари навбати билан даврий равишда (15 кунда бир) ўз хонадонларида йиғилишлар ташкил қилиб, оқимнинг «Қуръондан маъруф» номли китоби асосида диний дарслар ўтказганлар. Ушбу жамоа диний қарашларида ислом таълимотига зид қуйидаги тамойиллар мавжуд:

- Қуръон тафсирлари ва ҳадислар инкор қилинади;
- намоз беш маҳал эмас, исталган вақтда икки ракат ўқилади, гўёки солиқ амаллар намоз ҳисобига ўтади деб ҳисобланади;
- Макка шаҳридаги «Масжидул Ҳаром»дан бошқа масжидлар тан олинмайди, имом-хатиблар гўёки соф исломдан қайтган ҳисобланиб, жамоа аъзоларига намоз учун масжидга бориш ман этилган, жума намози фақат Макка аҳлига фарз этилган деб даъво қилинади;
- исломий маросимлар ўтказилмайди. Жумладан, 2001 йилнинг

сентябрида Х.Каримов онаси вафот этганда маййитни кечаси яширинча, «жаноза» ўқимай кўмиб келган;

- жамоа аъзоларига тўй ва бошқа дунёвий маросимларни ўтказиш ёки иштирок этиш таъқиқланган;

- куда-андачилик муносабатлари фақат оқим аъзолари ўртасида ўрнатилади;

- спиртли ичимликларни маълум бир меъёрда (маст ҳолатга келтирмайдиган) истеъмол қилиш ҳаром саналмайди.

«Шоҳидийлар» жамоага янги аъзоларни асосан ўзларининг яқин қариндошлари ичидан жалб қиладилар. Қуда бўлиш ҳам одатда фақат жамоа доирасида амалга оширилади. Янги аъзоларга оқ матога ўнг қўлини кўйган ҳолда қасамёд қилиши ва 70 кун рўза тутиши ёки кунига 800-1000 сўм (жами 56-70 минг сўм) миқдорида аъзолик бадали тўлаши буюрилади.

Жамоа аъзоларига диний тушунчалар «Қуръондан маъруф» номли китоб асосида берилади. Ушбу китоб 1960-йилларда Тошкент шаҳри ва вилоятида вужудга келиб, ҳозир фаолияти кузатилмаётган, ҳадисларнинг муқаддаслигини ва мазҳабларга эргашишни рад этган «Аҳли Қуръон» норасмий диний жамоаси аъзолари томонидан тайёрланган.

Маълумки, исломда ҳаром қилинган амал ёки нарсани ҳалол ҳисоблаш эътиқодий ширк ҳисобланади. «Маърифатчилар» ва «Шоҳидийлар» жамоасига аъзо бўлган шахслар шариат ҳукмига кўра диндан чиққан ҳисобланади.

«Шоҳидийлар» ҳозирда Андижон шаҳри ва Андижон тумани ҳудудида истиқомат қиладилар.

«Бахшиллочилар» норасмий жамоасига Бухоро вилоятида туғилган Алиев Бахшилло 1997 йилда асос солган. Унинг диний қарашлари қуйидаги ҳолатларга кўра ислом таълимотига зид саналади:

- Б.Алиев ўзини аввал қиёматдан олдин келадиган Махдий, кейинчалик эса пайғамбар, турмуш ўртоғи Моҳира Алиевани «муслмонлар онаси», фарзандларини «муслмонлар амири», яқин издошларини «саҳобийлар» деб эълон қилган;

- жамоада шаҳодат калимасида Б.Алиевни пайғамбар деб тан олиш жорий қилинган;
- Б.Алиев гўёки уни зиёрат этган шахс ҳам амалини бажарган одамнинг савобини олишини, ўзига эргашганларга қиёматда савол-жавоб йўқлиги, улар қандай ҳолатда вафот этишидан қатъий назар, шаҳидлик мақоми берилиши, ҳатто барча эркак маслакдошларига пайғамбарлик даражаси берилиши ҳақида тарғиб қилади;
- намоз беш эмас, гўёки уч маҳал фарз қилинган;
- ўғил фарзандларни ислом талабларига мувофиқ хатна қилдириш бекор қилинган.

Жамоада тартиб диний секта шаклида ташкил этилиб, жамият билан ижтимоий алоқалари бузилган. Жамоа аъзолари раҳбарнинг барча кўрсатмаларини сўзсиз бажарадилар ва унга тегишли буюмларни «табаррук» санайдилар. Баъзи адептлар турмуш ўртоқларини М.Алиевага «мухлиса» этиши оқибатида жамоада ўзига хос «аёллар қаноти» вужудга келган.

Б.Алиев 1990-йилларнинг охирида аҳоли ичида диний ва миллий асосда низо келтириб чиқаришга қаратилган жиноий хатти-ҳаракатлар содир этгани учун жазога тортилган. 2006 йилда озодликка чиққач, Россия Федерациясига доимий яшаш учун кўчиб кетган. Айнан мана шу даврда Б.Алиев издошлари ичида уни зиёрат қилганларга гўё ҳожи мақоми берилиши ҳақидаги ғояларни тарқатган. Россияга борган «Бахшиллочилар» Б.Алиевга катта миқдорда пул беришлари, ишга ёлланиб, даромадларининг асосий қисмини жамоа етакчисига топширишлари кузатилган. 2008-2010 йиллар давомида жамоа аъзолари шу тариқа «ҳижрат»га чиқиб, ўз етакчиларига «байтулмол» сифатида пул тўплаб берганлар.

«Бахшиллочилар» асосан Бухоро ва Когон шаҳарларида истиқомат қиладилар.

Таъкидлаш жоизки, норасмий диний жамоаларнинг фаолиятида иштирок этиш, жамоа ғоялари асосида диний таълим олиш ёки ўргатиш Ўзбекистон Республикаси «Виждон эркинлиги

ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуннинг 5 ва 9-моддаларини бузиш ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг тегишли моддаларида белгиланган қонуний жазо қўлланишига олиб келади.

Мавзу бўйича саволлар

- 1.«Конфессия» атамасининг моҳияти нимада?
- 2.«Секта» сўзининг моҳияти нимада?
- 3.Ноанъанавий диний ташкилотларнинг қандай хусусиятлари мавжуд?
- 4.Янги диний ҳаракатларнинг юзага келишига қандай омиллар таъсир кўрсатади?
- 5.Иегово шоҳидлари қандай ташкилот?
- 6.Мормонларнинг бошқа христиан йўналишларидан асосий фарқи нимада?
- 7.Баҳойларнинг қибласи қайси шаҳар ҳисобланади?
- 8.Кришнани англаш жамиятига қачон ва ким томондан асос солинган?

Мустақил иш топшириқлари

- 1.«Конфессия» ва «Дин» ўртасидаги фарқни очиб беринг.
- 2.Динларнинг географик тарқалиши ҳақида хариталарни топинг.
- 3.ЯДХнинг ўсиб бориши тенденциялари таҳлили ҳақида кўргазмали слайд тайёрланг (MS Power Point).
- 4.Ноанъанавий динлар юзага келган тарихий ва ижтимоий-сиёсий омилларни атрофлича ўрганинг ва гапириб беринг.
- 5.Ғарбда янги секталарнинг пайдо бўлиши сабабларини таҳлил қилинг.
- 6.Ислом дини доирасида юзага келган оқимларга анъанавий уламоларнинг фикри ҳақида илмий иш тайёрланг.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2017.
2. «Виждон эркилиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни (янги таҳрири) // Ўзбекистоннинг янги қонунлари, № 19. – Т.: Адолат, 1998.
3. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2008.
4. Нажмиддинов Ж. Миссионерлик: кеча ва бугун. - Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2008.
5. Очилдиев А., Нажмиддинов Ж. Миссионерлик: моҳият, мақсадлар, оқибатлар ва олдини олиш йўллари. - Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009.
6. Ҳасанбоев Ў. Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари: диний ташкилотлар, оқимлар, мафкуравий курашнинг долзарб йўналишлари. – Т.:ТИУ, 2014. – 552 б.
7. Тулепов А. Ислом ва ақидапараст оқимлар. Ўқув қўлланма. –Тошкент: Мовароуннаҳр, 2014. – 480 б.
8. Саиджалолов С. Динлардаги оқимлар ва секталар. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Complex Print, 2019. – 364 б.
9. Бағрикенглик - барқарорлик ва тараққиёт омили / Масъул муҳаррир - А.Ачилдиев. - Т., 2007.
10. Ёвқочев Ш. Ислом ва сиёсат. - Т., 2011.
11. Сирожиддинов Ш. Бағрикенглик – динларнинг маърифий асоси. - Т., 2010.
12. Mather G., Nichols L.A., Schmidt A.J. Encyclopedic Dictionary of cults, sects and World religions. Grand Rapids: Zondervan, 2006. – 544 p.

9-МАВЗУ. КИБЕРМАКОНДА ДИН ОМИЛИ

Режа:

1. Кибермакон тушунчаси ва унинг мазмун-моҳияти.
2. Ахборот уруши ва унинг мазмуни
3. Дин ниқобидаги мафкуравий таҳдидларнинг намоён бўлиш шакллари.
4. Ёшларни интернет ва ижтимоий тармоқлардаги ахборот хуружларидан асрашнинг долзарб масалалари.

Таянч тушунчалар: кибермакон, кибермакон ва дин, ижтимоий тармоқлар таҳдидлари, ахборот асри таҳликалари, интернет тармоғидаги ахборот уруши, глобал тармоқдаги гоявий хуружлар олдини олиш, баркамол авлодни мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш.

Мавзу ўқув мақсади: Талабаларда маънавий таҳдид шакллари ва уларнинг ижтимоий барқарорликка таъсири, кибермакон тушунчаси, ахборот хуружлари, дин ниқобидаги мафкуравий таҳдидларнинг намоён бўлиш шакллари, ёшларни турли хилдаги ахборот хуружларидан асрашнинг устувор вазифалари ҳақида билимларини ошириш.

1. «Кибермакон» тушунчаси ва унинг мазмун-моҳияти. XXI аср ахборот асри деб эътироф этилаётгани бежиз эмас. Инсоният тарихида маълумотнинг муҳимлик даражаси бу каби юқори чўққиларни забт этмаган эди. Инсонларни янги билимларни эгаллашга қизиқиши тобора ортиб бораётган глобаллашув жараёнида ижтимоий онгни заҳарлашга қаратилган тажовузлар, мамлакатнинг ахборот бошқарувини издан чиқаришга уринишлар тобора ортиб бормоқда. Бунда ёшларнинг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш маданиятини юксалтириш орқали уларда турли мафкуравий таҳдидларга, хусусан, диний экстремизм, терроризм, «оммавий маданият» ва бошқа ёт ғояларга қарши мустаҳкам иммунитетни шакллантириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бундай

жараёнларни амалга оширишда эса кибермакон кулай муҳит манбаига айланиб улгурган.

Кибермакон дунё компьютер тармоқларининг «виртуал» умумий мажмуи. Ушбу атама 1984 йилда Уилям Гибсоннинг «Нейромант» («Neuromancer») романида қўлланилган, ҳозир эса глобал ахборот маконини ифодалаш учун ишлатилади. Телефон суҳбатлари, «чатлар», турли онлайн баҳслар, компьютер алоқаси кибермаконда амалга оширилмоқда. Виртуал воқеликка кириб боришнинг замонавий воситалари сифатида қуйидагиларни айтиш мумкин: интернетга чиқиш имконияти мавжуд мобил телефонлар; онлайн пультали ўйинлар; видео қурилмалар; тармоқдан ташқарида фойдаланиш имконини берувчи дастурий таъминотлар. Бу каби воситалар кибермакондан эркин фойдаланиш имконини яратиш билан бир вақтда, мазкур макондаги хавф-хатарларнинг кўз илғамас даражада юқорилигини англатади.

Қайд этиш лозимки, кибермаконда диний жараёнлар кўринишлари қуйидаги шаклларда намоён бўлади: мулоқот, маълумот, таълим, тажриба, амалиёт, миссионерлик, маркетинг, шифо ва бошқалар.

Интернет имкониятлари инсонларнинг **мулоқот**га киришиш ва муайян мақсаддаги фикрлар алмашинувидаги ижтимоий тармоқларга боғлана олиш имконини беради. Дастлаб ташкил этилган жамоалар орасида Викканлар ва неомажусийлар каби ноанъанавий интернет гуруҳлар бўлган. Хайди Кемпбелл томонидан христиан жамоалари ўртасида ўтказилган тадқиқотлар натижасига кўра, инсонлар онлайн жамоаларга мулоқотга киришиш мақсадида аъзо бўладилар. Бир қатор олимлар виртуал мулоқотнинг характериға боғлиқ муҳим масалаларни кўтарганлар. Уни шунчаки «ижтимоий ҳаётнинг иллюзияси» ёки «оффлайн» дунёда жамоаларнинг яхшиланишиға олиб келувчи восита сифатида эътироф этганлар.

Етакчи диний ташкилотлар ҳам ҳозирги кунда аъзолар ва аъзо бўлмаганлар орасида компьютерлаштирилган **маълумот**

олишга эҳтиёжнинг ортганини таъкидламоқда. Диний маълумотларни тарқатишда электрон диний маълумот тарқатувчи «блоггерлар» ёки «блоглар» компьютерлаштирилган мулоқотнинг муҳим жиҳати ҳисобланади. Жадал суратларда «подкастлар», веб-сайтдан MP3 плеер, «i-Pod»ларга юкланаётган аудиодастурлар, хусусан, маърузалар оммалашмоқда.

Авваллари танқис, кенг тарқалмаган муқаддас матнлар ва ундан кейинги ўринларда турувчи маълумотлар эндиликда омма эътиборидагина эмас, балки исталган киши учун веб сайтлардан юклаб, **таълим** олиш имконияти мавжуд.

Интернетнинг «лиминал макон»и маънавий ёки диний **тажрибага** (абсорбция, аскетлик, эскапизм, ягоналик, мулоқот) янги имкониятлар очиб бермоқда. Ҳозирги кунда офисда фаолият юритувчилар ҳаёт тарзига монанд 10 дақиқали маънавий машқлар тажриба орттиришга имкон беради. Замонавий суфийлар интернет орқали бундай алоқалар воситасида муршид ва мурид ўртасидаги ўзаро муносабатлар яхшиланаётганини эътироф этадилар. Интернет-радио каби янги технологик имкониятлар ёрдамида тингловчиларни «психонавигацион саёҳатга» чорлайдилар.

Компьютер-медиа воситалари диний **амалиётга** чуқур сингиб кетиши натижасида кибермакон муҳим ритуаллар майдониغا ҳамда муайян динга тарғиб қилиш манбаи ва воситасига айланган. Бундан ташқари жамиятдан узоқлашган маълум бир ёшлар ва аёлларни кибер-маънавият расмий ибодатхоналардан кўра кўпроқ ўзига жалб этади. Амалий сўровлар эса мазкур жараёнлар келажакда ёшларни қамраб олишини кўрсатган. Аммо баъзилар интернет жонли, таъсирчан маъруза билан беллаша олмаслигини таъкидлайди. Шунингдек, онлайн-жамоалар тез суратлар билан ўзгараётган дунёда «тўғри йўл»да бўлишнинг амалиёти қандай бўлишига оид савол ва мулоҳазаларни муҳокама қилувчи муҳим «майдон»га айланди.

Умумий олганда кибермакон вақт ва макон чегарасини босиб ўтиш имкониятини кенгайтиради. Бу эса ўз навбатида

молиявий қийинчилиги ёки жисмоний камчилиги мавжуд бўлган маълум диний амалларни амалга ошириш имкониятини оширади.

Мулоқотга киришишнинг яна бир кўриниши бўлган **миссионерлик**, маълум диний таълимнинг ўсиши ва таъсири доирасининг кенглиги боис алоҳида кўриб ўтиш зарур. Бугунги кунда дин ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқи энг баҳсли масаладир. Муаммоли жиҳати шундаки, янги мурожаат қилганларни динга тарғиб қилиниши агрессив руҳда амалга оширилаётгани билан белгиланади.

Муқаддас матнларнинг **маркетинги** интернет орқали катта бизнесга айланди. Диний ва маънавий эҳтиёжга мос келадиган барча нарсани сотиб олиш мумкин. Диний танишув сайтларида эса қалбан мос инсонни топиш оддий босқичларда амалга оширилади.

Компьютер медиа воситаларида касалликларга даво ва муаммоларга ечим топиш кенг ривожланмоқда. Гуру, евангелистлар, маслаҳатчи экстрасенсларга дуоли сўров юбориш ёки диний ва амалий муаммоларга жавоб топиш мумкин. Бунга кўпчиликни мурожаатнинг анонимлиги ва кучли диний етакчининг иштироки жалб этади.

Юқорида кўриб ўтилган жараёнлар интернет бугунги кундалик турмушимизга қай даражада чуқур сингиб борганини намоён қилмоқда. Тобора кучайиб бораётган глобаллашув жараёнида маълумотнинг мазмуни ва стратегиясини таҳлил қилиш муҳим. Чунки, бундай хуружлар ёшларнинг маънавий-ахлоқий, психологик дунёқарашини, сиёсий нуқтаи-назари ва эътиқодини мақсадли равишда ўзгартиришга қаратилганлиги ҳеч кимга сир эмас. Ахборот хуружлари ва кибер таҳдидлардан ҳимояланиш, ўз навбатида, уларга қарши курашиш учун ҳар бир киши ҳушёр ва огоҳ бўлиши, ахборотни таҳлил қила билиши лозимлигини даврнинг ўзи талаб этади. Ахборотлар оқимидан фойдаланиш бўйича ёшларда соғлом иммунитетни ҳосил қилиш, ижобий томонларини ўргатиш билан бирга, салбий оқибатларидан хабардор этиш муҳим.

2. Ахборот уруши ва унинг мазмуни. Инсонлараро ўзаро муносабатлардаги ҳар қандай зиддият – бу, ахборотлар зиддиятидир. Ахборот ҳар қандай қарор қабул қилиш учун энг муҳим унсур бўлиб, у нафақат, тўқнашув пайтида оптимал хатти-ҳаракатларни амалга ошириш, балки, мақсадга йўналган фаолиятни бошқариш имконини беради. Тизим мавжудлиги ва барбод бўлишини белгиловчи омилларидан бири ҳисобланади.

Қадим даврлардан буён ахборотни ўзаро уруш ва низолар жараёнида ҳужум уюштириш ёки ҳимояланиш ресурси сифатида талқин этишга уринишлар бўлиб келади. Бироқ ҳозирга келиб илмий доирада «ахборот уруши» категория сифатида расмийлашди. Бундай урушларнинг моҳиятини англашга доир методологик ёндашувлар, назариялар шаклланди. Бундай шароитда ахборот дунё саҳнидаги тарихий рақобат кечадиган соҳага айланиб, «ахборот уруши» деб номланаётган фаол кураш шакли пайдо бўлмокда.

Бугунги кунда ахборот урушлари ҳақида кўп ёзилмокда. Бу тушунчанинг пайдо бўлиш тарихи, илк маротаба кўлланилиши ҳақида турли, баъзида бир-бирига зид фикр-мулоҳазалар мавжуд. Уларга алоҳида равишда тўхталмаган ҳолда, бу борадаги айрим нуқтаи назарларга эътиборни қаратиш жоиз. Манбаларда таъкидланишича, «ахборот уруши» атамаси илк бор 1976 йил «Boeing» компанияси учун тайёрланган «Қурол тизими ва ахборот уруши» деб номланган ҳисоботда Томас Рона томонидан ишлатилган. Ҳужжатда мутахассис ахборот инфратузилмаси АҚШ иқтисодиётининг муҳим компонентига айланиб бораётган ахборот соҳаси ҳам уруш, ҳам тинчлик ҳолатларида нозик, заиф тармоқ бўлиб қолаётганини таъкидлаган.

Т.Рона томонидан илгари сурилган ушбу ғоя ҳарбийлар оммавий ахборот воситалари ходимларида катта қизиқиш уйғотди, бу борада илмий таҳлиллар, интервьюлар, чиқишлар авж олди. 1980 йилларга келиб эса жамоатчиликда ахборотнинг

мақсад ҳамда курол, восита сифатида намоён бўлиши ҳақида ягона хулоса шаклланди.

«Совуқ уруши»нинг ниҳояси ва АҚШ олдида янги вазифалар пайдо бўлиши билан «ахборот уруши» атамаси мудофаа вазирлиги ҳужжатларига киритилди. 1991 йил «Саҳродаги бўрон» операцияси мобайнида ахборот технологиялари илк маротаба ҳарбий ҳаракатларнинг воситаси сифатида ишлатилди.

1996 йил Пентагон эксперти Роберт Банкер АҚШ мудофаа кучларининг ХХІ аср учун янги ҳарбий доктринасига бағишланган маъруза қилади. Унда мутахассис ҳарбий ҳаракатлар театрини анъанавий ҳарбий макон ҳамда кибермакондан иборат икки муҳим асосларда ташкил этиш ғоясини илгари сурди. Бошқача айтганда, Р.Банкер рақиб ҳарбий кучларини бостириш, нейтраллашга қаратилган анъанавий ҳарбий концепцияларнинг табиий тўлдирувчиси сифатида хизмат қилиши зарур бўлган «киберманёвр» доктринасини таклиф этади. Шу тариқа, куруқлик, денгиз, ҳаво йўлларида ташқари ҳарбий ҳаракатлар тизимига «инфомакон» – ахборот макони ҳам қўшилади. Бундай янги шакл ва мазмундаги урушларда рақиб томоннинг ахборот инфратузилмаси ва руҳияти асосий объект (нишон) бўлади.

1998 йил октябрда АҚШ мудофаа вазирлиги «Ахборот операцияларининг бирлашган доктринаси»ни амалга оширишга киришди. Аслида, ушбу доктрина аввал «Ахборот урушининг бирлашган доктринаси» деб номланган эди. Кейинчалик унинг номи ўзгартирилди. Бунга сабаб эса, «ахборот операциялари» ва «ахборот уруши» тушунчаларининг ўзаро муносабатига ойдинлик киритиш эди. Шу тариқа ахборот операцияси – ўз ахборот тизимларини ҳимоя қилиш жараёнида рақиб томоннинг ахборотни тўплаш, қайта ишлаш, узатиш ва сақлаш борасидаги ишларини мураккаблаштириш мақсадида амалга ошириладиган хатти-ҳаракат; ахборот уруши эса, қарама-қарши томоннинг сиёсий ва ҳарбий бошқарув тизими ҳамда раҳбариятига

қаратилган комплекс таъсирлар, ахборот операциялари мажмуи, деб таърифланди. Бундай таъсирлар орқали тинчлик ва уруш ҳолатларида рақиб томон раҳбариятини информацион таъсир ўтказаетган томонга мақбул қарорлар қабул қилишига эришиш мақсади кўзланади.

Мутахассисларнинг таъкидлашларича ахборот уруши миллий ҳарбий стратегияни таъминлашда ахборот борасида устунликка эришиш мақсадида амалга ошириладиган хатти-ҳаракатларни ифода этади. Бунда рақиб томон ахборот тизимларига таъсир ўтказиш билан бир вақтда ўз ахборот инфратузилмаси мустаҳкамлаб борилади.

Ахборот соҳасидаги устунлик муайян ҳолат ҳақида ахборотни узлуксиз тўплаш, қайта ишлаш ва тарқатиш қобилиятини англатади. Бундай қобилият, ўзига хослик эса, рақиб томонга худди шундай хатти-ҳаракатларни амалга оширишда тўсқинликлар қилиш, қаршилиқлар кўрсатишда намоён бўлади. Шунингдек, ахборот соҳасидаги устунлик ҳарбий ҳолат ҳақида реал тасаввурга, рақиб хатти-ҳаракатларининг аниқ ва интерфаол манзарасига эга бўлиш имконини беради.

Бир сўз билан айтганда, бугунги кунга келиб, ахборот соҳаси кўплаб давлатлар сиёсатининг устувор йўналишига айланган. Бу борада давлатлар томонидан ахборот агрессиясидан химоя тизими, оммавий маданият экспансияга қарши чора-тадбирлар билан боғлиқ кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ҳам ахборот ресурсларидан фойдаланиш, ахборот алмашинуви ва умуман, ахборотлаштиришга доир қонун ҳужжатлари мажмуи шакллантирилди. Жумладан, «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасида «Ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсати ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва ахборот тизимларини ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришнинг замонавий жаҳон тамойилларини ҳисобга олган ҳолда миллий ахборот тизимини яратишга қаратилган» – деган қоида ўз аксини топган.

Ҳозирда мазкур йўналишдаги конунчилик амалиёти бошқа давлатлар сиёсатида ҳам кенг ўрин эгаллаган. Зеро, ахборот хуружлари авж олиб, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислам Каримов таъбири билан айтганда, «**мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга**» бўлган бугунги кунда ахборот соҳаси билан боғлиқ жараёнларга алоҳида эътиборни қаратиш – инсон, жамият ва давлат маънавий-маданий хавфсизлиги ва барқарорлигининг муҳим шартидир.

3. Дин ниқобидаги мафкуравий таҳдидларнинг намоён бўлиш шакллари. Ёшларнинг фаол ижтимоий кучга айланиб бораётгани бугунги кунда уларнинг турли мафкуравий таъсир ва таъйиқларнинг бош объектига айланишига олиб келди. Бунда уларнинг жамиятнинг ҳали етарли тажрибага эга бўлмаган, ташқи таъсирларга тез берилувчан ва айни пайтда, энг ҳаракатчан қатлами экани инобатга олинмоқда.

Ёшларнинг турли оқимларга кириб қолишлари сабаблари қаторида уларнинг билимлари, шу жумладан, диний илмларни эгаллашга бўлган қизиқиш ва интилиши ҳамда ишонувчанлиги, бирданига ва ҳамма нарсага (бойлик, шон-шуҳрат, мартаба ва ҳ.к.) эга бўлишга ҳаракат қилиши, илмий тилда айтганда максимализм каби маънавий-руҳий омилларни алоҳида ажратиб кўрсатиш лозим. «Сен бу ташкилотга кириш ёки мана бу вазифани бажариш билан алоҳида, ҳар кимга ҳам насиб қилавермайдиган шарафли ишга қўл урган бўласан, керак бўлса, сен миллат, дин, инсониятнинг халоскорига айланасан!», – деган қарашларни сингдириш жараёни айнан мана шу каби хусусиятларга алоҳида эътибор берилаётганини кўрсатади. «Ёшларнинг онгида қандай кайфият устунлигини айтсанг, мен сенга кейинги авлоднинг табиати қандай бўлишини айтиб бераман», - деб ёзган эди сиёсий арбоблардан бири. Шу нуқтаи назардан қараганда, диний экстремистик оқимлар ҳам жамиятнинг эртанги кунини белгилаб берадиган авлод онгини эгаллаш, назорат қилишни кўзлаб иш юритмоқда дейиш мумкин.

Қайд этиш лозимки, сўнги йилларда ахборот коммуникация технологиялари соҳасидаги кескин ривожланиш инсонлар билан алоқа ўрнатиш ва алоқаларни мустаҳкамлашнинг янги усулларини яратди. Бу ўзининг мустақил фикрига эга, техника имкониятларидан ўз ўрнида фойдаланувчилар учун улкан имкониятлар эшигини очди. Шу билан бир қаторда, интернет маконининг турли ўйинлар ва видеолар билан бойитилгани дунёқараши шаклланаётган, ўйинқароқ болалар ва ўсмирлар учун кундалик нормал воқелик бўлса, бошқаларга ташвиш ўчоғига айланди.

Интернет томонидан дастлабки тақдим этилган имкониятларда аввало технологик узилишларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилди. Вақт ўтиши билан «бутун дунё ўргимчак тўри» инсон эҳтиёжлари ва қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда турли мазмундаги ахборотлар, кўнгилочар дастурлар орқали қулайликлар яратди. Бу эса ўз навбатида интернет ҳаётини оммалашувига олиб келди. Албатта, яратилган бундай имкониятлар ўз мақсадларига етишиш учун мутаассиб оқимлар томонидан ҳам кенг фойдаланилмоқда. Жумладан:

- *Янги аъзоларни жалб этиш.* Бунда веб-саҳифаларга кўп кирадиган одамлар кузатилиб, ўрганилиб, охир-оқибат улар билан алоқага киришилади ҳамда ўз ғояларини секин-аста сингдириб, уларни ўз домига тортадилар. Шунингдек, мутаассиблар турли чатлар ва форумларда «ўткир» мунозарали масалаларни онлайн тарзда муҳокама этадилар ва ўзларига ўхшаш фикрлайдиганларни саралаб, улар билан алоқа ўрнатадилар;
- *Тарғибот мақсадида.* Бунда террорчилар ўз бузғунчи ғояларини тарқатишда кенг кўламда фойдаланаётганини кўриш мумкин;
- *Маҳоратни ошириш.* Террорчилар глобал тармоқ орқали қўлбола бомбани яшаш, ўзини ўзи ўлдириш орқали кўпчиликка талофат етказиш услубларини муттасил,

тизимли равишда ўргатиб боради. Қўлланмалар видео, аудио ва электрон китоб шаклида интернетга жойлаштирилади;

- *Маблағ жамғариш.* Бунда веб-саҳифалар, чатлар ва форумларга ушбу ташкилотларга алоқадор банг ҳисоб рақамлари жойлаштирилади ва жиҳодий фаолиятни қўллаб-қувватлашга тарғиб этилади;
- *Психологик кўраш.* Террорчилар интернетдан аҳоли орасига кўрқув-вахима солиш, руҳий таъсир ўтказиш ва тартибсизликка чақириш мақсадида фойдаланади;
- *Террорчиларни тайёрлаш ва кўрсатмалар бериш.* Террорчилар ўз маслакдошларини интернет орқали маълумотлар ва манбалар билан таъминлаб боради. Масофадан туриб, уларга турли хил кўрсатма ва топшириқлар беради;
- *Қўпоровчиликни режалаштириш ва бошқариш.* Бунда террорчилар ўзларининг жойлардаги ҳамтовоқлари билан интернет орқали террорчи ҳаракатларни режалаштиради ва уларнинг виртуал тўдабошиси масофадан туриб ушбу ҳаракатларни бошқаради.

Маълумки, бузғунчи кучлар Youtube, Twitter, Facebook, Whatsapp, Instagram, Telegram кабилар воситасида ёшларни ўзига жалб қилиш, маънавиятини ўзгартириш мақсадида турли хил суратлар ва видеолардан фойдаланади. Шунингдек, бу чегарасиз мулоқот майдонларида атайлаб, обрўли, яхши инсонлар ҳақида миш-миш гаплар тарқатиб, уларнинг устидан кулишади ва масхара қилишади.

Шунингдек, ижтимоий тармоқларда бузғунчи кучларнинг ёлғон, асоссиз, сохта ғояларни жойлаштираётгани, натижада, вйрим ёшларни ота-онасига, раҳбарларга қарши қилиб, Ватанига нисбатан нафрат уйғотиб, иши ва ўқишидан воз кечтиришга, бошқаларнинг фойдаси учун ўз юртида фитналар чиқишига сабаб бўлаётганини қайд этиш лозим.

Албатта, фикр, сўз эркинлиги ҳар бир инсоннинг ҳақи, лекин бу ахлоқ ва қонун-қоидалар, умумий тушунчалар ва чегараларни

англаш билан ўрнатилади. Фитна-фасодни тарқатиш бу фикр эркинлиги эмас, балки жиноятдир.

Таъкидлаш лозимки, ота-боболаримиз дини бўлмиш ислом ҳар доим одамларни ўз-ўзини идора этишга, яхши хислатларни кўпайтириб, ёмонларидан халос бўлишига чорлаган, оғир синовларга бардош беришга, ёруғ кунларга интилиб яшашга даъват қилган, бир сўз билан айтганда, халқимиз учун ҳам имон, ҳам ахлоқ, ҳам маърифат бўлиб келган. Ҳозирда ҳам бу маърифат одамларга маънавий-руҳий куч-қувват бағишлаб, ўзаро меҳр-оқибатлилик туйғуларининг камол топишига хизмат қилмоқда.

XXI асрга келиб диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш нафақат бир давлат ёки минтақа, балки жаҳон ҳамжамияти учун энг долзарб масалага айланди. Шу жумладан, бизнинг юртимизда ҳам бегуноҳ кишиларнинг қони тўкилиши, обод жойлар вайрон бўлиши, аҳоли ўртасида ваҳима, парокандалик келиб чиқишининг олдини олиш мақсадида бу каби ишларни амалга оширмоқчи бўлганларга қарши қатъий кураш олиб борилмоқда.

Ҳозирги кунга келиб минтақада, хусусан, Ўзбекистонда диний-маърифий соҳанинг ривожланиши диний мутаассиблик хавфининг олдини олишда муҳим омил бўлиб қолмоқда. Аммо ғаразли кучлар ҳам ўз мақсадларига эришиш йўлида янги-янги услубларни, ҳийла-найрангларни ўйлаб топишлари ҳам табиий. Бу каби салбий ҳолатларнинг пайдо бўлиши ва ривож топишига йўл қўймаслик эса доимий хушёрликни талаб этади.

Минг афсуски, диний саводи паст бўлган айрим кишилар ўзларини ислом динининг жонкуярлари қилиб кўрсатувчи, аслида эса, ҳокимиятни эгаллашни мақсад қилиб қўйган турли оқим вакилларининг қуруқ ваъдаларига алданиб қолмоқдалар, ҳатто, ўзларини қурбон қилишгача етиб бормоқдалар. Жоҳиллик ҳам мутаассиб оқимларнинг ғаразли ниятларини амалга оширишига замин яратадиган омиллардан бирига айланди. Мамлакатимиз ҳудудига яширин тарзда олиб кирилаётган экстремистик руҳдаги адабиётлар, интернет тармоқларида тарқатилаётган

материаллардан таъсирланаётган ва тўғри йўлдан адашаётганларнинг борлиги ҳам буни тасдиқлайди. Ўзини портлатиш орқали бегуноҳ кишиларнинг ҳалок бўлишига, қанчадан-қанча болаларнинг етимга айланишига сабаб бўладиган жафокорлик ҳам жаҳолатнинг ўзига хос кўринишидир. Дарҳақиқат ҳозирги кунга келиб диний экстремистик ташкилотлар кенг тармоқли тизимга айланиб улгурди. Бу чуқур ўйланган стратегиянинг бир қисмидир. Бундай кучлар ёшларимиз онги ва қалбини забт этиш мақсадида ҳар қандай қабих йўллардан фойдаланишга уринмоқда.

Юқоридаги мулоҳаза ва далиллар, диний экстремизм ва мутаассибликнинг асл қиёфасини очиб бериб, мазкур ҳаракатларнинг нафақат дунёвий қонун-қоидалар, балки ислом дини асосларига ҳам зид эканини кўрсатади. Шундай экан, бундай оқимларга қарши мурасасиз кураш, террорчилик ҳаракатларини амалга ошираётган мутаассиб кучларнинг ислом динига мутлақо ёт, бегона эканини ҳар томонлама асослаш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Ҳозирги кунда фарзандларимиз дунёнинг энг ўткир, фаол, уддабурон, Ватанпарвар ёшларига айланиши, уларни фидоийлик, ватанпарварлик, тадбиркорлик, миллатпарварлик, садоқатга ўргатиш кўп жиҳатдан ота-оналарга ҳам боғлиқ. Бу борада, албатта, ота-онага ёрдам беришда бутун жамоатчилик – маҳалла фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, профилактика нозири, Хотин-қизлар қўмитаси ва «Ёшлар иттифоқи» каби ташкилотларнинг жойлардаги масъуллари биргаликда фаол ишлашлари керак.

Республикамизда қарор топган толерантлик муҳитини афкор оммага объектив кўрсатиб бериш, эътиқод эркинлиги соҳасида Ўзбекистонда олиб борилаётган сиёсатни кенг тарғиб қилиш, диний-экстремистик оқимлар томонидан тарғиб қилинаётган вайронкор ғояларга қарши ислом манбаларига асосланган илмий раддиялар бериш, диний мутаассиблик тамойилларининг жамиятга таҳдиди, унинг замиридаги ғаразли геосиёсий

мақсадлар, уларни амалга ошираётган бузғунчи кучларнинг кирдикорларини фош этишга қаратилган ишланмалар яратиш ёки уларни аҳоли орасида тарғиб этиш муҳим аҳамият касб этади.

Демак, ҳар бир инсоннинг ўз ишини сидқидилдан амалга ошириши, лоқайдлик, бепарволикнинг олдини олиши, ён-атрофида бўлаётган воқеа-ҳодисаларга ҳушёрлик билан қараб, Ватан тинчлиги йўлида сергак ва огоҳ бўлиб яшаши, ёшларимизнинг онгу қалбини жаҳолатдан, ёт ва зарарли ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш, аجدодларимизга армон бўлиб қолган, биз эришган мустақиллик ва тинчлик-осойишталикни кўз қорачиғидек асраб-авайлашнинг муҳим омили ҳисобланади. Буни ҳеч қачон унутмаслик, тинчлик учун доимо бор куч ва имкониятларни сафарбар этиб яшаш лозим.

4. Ёшларни интернет ва ижтимоий тармоқлардаги ахборот хуружларидан асрашнинг долзарб масалалари. Интернет фан-техника тараққиёти натижаси, маданият эволюциясининг ҳосиласи ҳисобланади. Ҳозирги куна ҳаётини интернетсиз тасаввур қилиш жуда мушкул. Айниқса, ёшлар ҳаётида глобал тармоқнинг ўрни тобора ошиб бормоқда. Интернет дунёнинг турли нуқталарида яшовчи одамларнинг ўзаро мулоқотини ҳамда ахборот алмашинувини мукамал даражада осонлаштирди. Статистик маълумотларга кўра, дунё бўйича интернетдан энг кўп фойдаланувчилар айнан 21 дан 30 ёшгача бўлган ёшлар ҳисобланар экан.

Ўзбекистонда ҳам Интернет тизими ривожланиб, ундан фойдаланувчилар сафи жадал суръатлар билан кенгайиб бормоқда. Сўнгги ўн йилда глобал тармоқдан фойдаланувчилар ўн баробарга ошган. Тармоқ орқали ахборот излаш, қабул қилиш, узатишнинг жуда қулай ва оммабоплиги ундан фойдаланувчилар сонининг тобора ортиб боришини таъминламоқда. Мамлакатимизда 2007 йилда интернетдан фойдаланувчилар сони (мобил интернет фойдаланувчилари билан қўшиб ҳисоблаганда)

бир миллионни ташкил этган бўлса, 2016 йил якунида бу кўрсаткич ўн икки миллиондан ошди.

Интернет ёшлар онги ва ҳиссиётларига, тафаккур тарзига, хулқ-атворларига таъсир кўрсатишда катта имкониятларга эга. Интернетнинг ривожини ёшларга ғоявий таъсир ўтказишнинг миқёси ва кўламининг кескин даражада ўсишига олиб келди.

Глобаллашувнинг ижобий ва салбий томонлари бўлгани каби, интернет тармоғи ҳам шундай хусусиятларга эга эканини унутмаслик зарур. Албатта, глобал тармоқ – улкан ресурс. Бирок, бу ресурсдан ким ва қандай мақсадларда фойдаланиши ҳам жуда жиддий масалалар сирасига киради. Хусусан, маълумотларда келтирилишича, бугунги кунга келиб, интернет тармоғида маънавий-ахлоқий тубанликни тарғиб этувчи саҳифаларнинг сони бир неча юз миллионни ташкил этган.

Ушбу факт ва рақамлар интернет саноати ривожланиб бораётган даврда кишиларнинг ахборотларга нисбатан жуда эҳтиёткорлик, огоҳлик ва зийраклик билан муносабатда бўлишларини тақозо этади. Бошқача айтганда, кишиларимизда, айниқса, ёшларда ахборот истеъмоли маданиятини шакллантириш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

Айнан шу тараққиёт воситасидан устамона фойдаланиб, қалбларни забт этишда диний омилнинг роли юқори. Шунинг учун ҳам турли диний-экстремистик ва террорчи уюшмалар ўз ғояларини тарғиб қилишда интернетни энг самарали восита сифатида қўлламоқда.

Бунда диний-экстремистик оқимлар ўз мақсадларини амалга ошириш учун замонавий ахборот коммуникацияларидан кенг фойдаланиш, интернет орқали турли тилларда тарғибот олиб бориш ва пухта ишланган стратегия асосида виртуал жамоатлар тузиш асосий вазифага айланган. Масалан, бугунги кунда бир неча йирик террорчи ташкилотлар ўз сафларига фаол тарзда ижтимоий тармоқлар орқали асосан 17-35 ёш оралиғида бўлган кишиларни ёлламоқда. Бунда психологик таъсир

самарадорлигини янада ошириш мақсадида ижтимоий тармоқ аъзоларининг саҳифалари, қўйилаётган расмлар, шарҳ ва изоҳлар ҳамда олиб борилаётган суҳбат мавзуларини пухта ўрганади ва шу асосда «нишон»га олинган шахсга мавзуга оид материаллар интернетнинг Facebook, Odnoklassniki, VKontakte, Telegram, Twitter, WhatsApp каби кенг аудиторияга эга бўлган ижтимоий тармоқлар орқали (ёзма хабар, матн, фотосурат, стикер расмлар, аудио-видео ролик) жўнатилади ва ўзаро алоқа йўлга қўйилади.

Ёшлар орасида мутаассибликка йўғирилган бундай форумларнинг тобора оммалашуви ҳамда уларда турли кўринишдаги бузғунчи «фатво»ларнинг бериб борилиши муаммонинг нақадар жиддий эканини намоён этади. Чунки дунё аҳолисининг асосий қисмини ёшлар ташкил қилади. Ёшлар катта куч ҳисобланади. Уларнинг энди шаклланиб келаётган онгига нимани сингдирилса, ўша тошга ўйилган нақшдек муҳрланади. Шунинг учун ҳам радикал оқимлар айнан ёшларни тузоғига илинтиришга ҳаракат қилади. Улардаги ишонувчанлик, куч-ғайрат, қизиққонлик уларнинг мақсадини амалга оширишда қўл келади.

Шунинг билан бирга, бугунги кунда аксарият ёшларнинг қўлида интернетга уланган замонавий уяли алоқа воситалари мавжуд. Бу ҳол уларнинг юқорида санаб ўтилган турли хил ижтимоий тармоқларга бевосита уланиш, дўстлари ва танишлари билан узлуксиз мулоқот қилиш имконини беради. Айни пайтда, статистик маълумотларга кўра, Ўзбекистонда энг кўп юклаб олинаётган дастур ичида «WhatsApp», «Telegram» тармоқлари етакчи ўринни эгаллайди. Илм-фаннинг ютуғи бўлмиш бу янгиликлар инсонларнинг узоғини яқин, мушкулени осон қилаётгани шубҳасиз. Шу билан бирга, бу кашфиётлар дунё янгиликларидан бир зумда воқиф бўлиш ва маълумотларни осон тарқатиш имконини ҳам беради. Бироқ, мазкур тармоқларда миллатлар ва динлар ўртасида адоватни келтириб чиқарувчи, низоли вазиятларга сабаб бўлувчи, шунингдек, инсонлар орасида ваҳима уйғотишга қаратилган иғво, фитна-фасод хабарларнинг

кенг тарқатилаётгани кўпчиликни ташвишга солиши табиий. Айниқса, ёшлар ўртасида урфга айланган мазкур мулоқот тизимидан диний-экстремистик оқим аъзолари ҳам унумли фойдаланмоқда. Чунки интернет орқали алоқа боғлашнинг осонлиги, фойдаланувчилар сонининг кўплиги, алоқанинг анонимлиги, ташқаридан бошқариш ва таҳрир қилиш чекланганлиги, ахборотлар қисқа муддатда кенг маконда тез тарқалиши, фаолият сарф-харажатларининг бир неча баробар камлиги террорчи гуруҳлар учун ўз тарафдорлари сонини кўпайтиришнинг қулай жиҳатларидан бири ҳисобланади.

Минг афсуски, бундай манфур кучлар асосан илм ва маърифатдан йироқ, соф диний тушунчаларнинг асл мазмунини билмаган кишиларни, асосан ёшларни жалб этишга интилиб, ижтимоий тармоқлар орқали «жиход», «такфир», «шаҳидлик», «хижрат» тушунчаларини нотўғри талқин этган ҳолда ўз Ватанларини тарк этишга уринмоқда. Шунингдек, айрим кимсалар томонидан мақсадли равишда ислом моҳиятига зид бўлган турли хил асоссиз ахборотлар, манбаси аниқ бўлмаган диний тусдаги хабарлар ёки кишиларни ваҳимага солувчи фото ва видеолар ҳалар кенг тарғиб этилмоқда. Бунда баъзи ёшларнинг ахборот воситалари орқали тарқатилаётган миллий ва диний қадриятларимизга зид бўлган хабарлар, аниқ манбаси кўрсатилмаган, асоссиз ахборот ва маълумотларга ишониб қолишаётгани, мулоҳаза қилмасдан кўр-кўрона қабул қилаётгани ундан ҳам кескин оқибатларни келтириб чиқармоқда.

Бугун ахборот истеъмол қилинадиган товарга айланган экан, ҳар бир инсон ўзида уни истеъмол қилиш маданиятини тарбиялаши лозим. Ёшлар шахсий характердаги ахборот ҳимояси бўйича билим ва кўникмаларга эга бўлиши, ўзи фойдаланаётган салбий ахборотлардан ҳимоялана олиши зарур.

Ахборот истеъмоли маданияти, энг умумий маънода, ахборот оқимидан инсон манфаатлари, камолоти ҳамда жамият тараққиётига хизмат қилувчи маълумотларни қабул қилиш,

саралаш, тушуниш ва талқин этишга хизмат қиладиган билимлар, қобилият ва малака тизимини англатади.

Инсон ўзида бундай маданиятни тарбиялаши учун у ёки бу ахборотни эшитар экан, ҳеч бўлмаганда «Бу ахборотни ким узатапти?», «Нима учун узатапти?» ва «Қандай мақсадда узатапти?» деган саволларни ўз-ўзига бериши, унга асосли жавоб топишга ҳаракат қилиши керак.

Шундагина турли ғоялар таъсирига тушиб қолиш, тақдим этилаётган маълумотларга кўр-кўрона эргашишнинг олди олинади. Шаклланган ахборот истеъмоли маданияти миллий манфаатларимиз ва кадриятларимизга зид бўлган хабар, маълумотларга нисбатан ўзига хос қалқон ролини ўтайди, шахс дунёқараши ва хулқидаги собитликни таъминлашга хизмат қилади.

Ёш авлодда бу жиҳатлар шу даражада шаклланган ва қарор топган бўлиши лозимки, улар вертуал маконда умуммиллий манфаатга хизмат қиладиган, унинг тараққиётига ёрдам берадиган ахборотни танлай олсин. Ахборот истеъмоли маданиятига эга ёшлар, салбий ва ноҳолис ахборотлар таъсирига тушиб қолмайди, чунки уларда бундай ахборотларга нисбатан мустаҳкам мафкуравий иммунитет шаклланади.

«Кимки ахборотга эга бўлса, у, дунёга эгалик қилади», деган фикр бугунги кунда барча томонидан эътироф этилган. Шундай экан, бугунги кунда ёшларда ахборот олами имкониятларидан оқилона фойдаланиш малакасини шакллантириш ҳаётий-амалий аҳамиятга эга.

Шу ўринда «Интернетдаги таҳдидлардан ҳимоя» китоби муаллифи ёшларнинг турли оқимларнинг таъсирига тушиб қолмасликлари учун интернетдан фойдаланишда қуйидаги зарурий кўрсатмаларга аҳамият беришни тавсия этади:

- Ёшларнинг бўш вақтларини ижтимоий тармоқларда ўтириш билан ўтказиши хатодир. Чунки, ҳеч нарса жонли, ҳақиқий ва реал мулоқотлар ўрнини боса олмайди;

- Интернетдан фойдаланувчилар шахсий маълумотларини турли ижтимоий тармоқлар, блогларга, электрон почталарга киритишлари, ғаразли мақсаддаги кишиларга айни муддао бўлиб хизмат қилади;
- «ўргимчак тўри»да ақидапарастликни тарғиб қилувчи сайтлар тобора кўпайиб бормоқда. Бундай таҳликали замонда ёшларга фақат «uz» доменидаги сайтлардан фойдаланиш тавсия қилинади;
- Ҳар қандай хабарни бошқаларга тарқатиш керак дейилса, тарқатавермаслик лозим. Баъзан исломий иборалар аралашган мактуб келади. Унда бу хатни шу кечанинг ўзида, бир неча кишига тарқатишингиз керак. Шундай қилсангиз ундоқ бўлади. Қилмасангиз оқибати ёмон бўлиши айтилади. Аслида бу нарсаларнинг бари ёлғон ҳисобланади.

Дарҳақиқат, ислом дини кўрсатмаларида ҳам нақл қилинган бирор хабарга ишонишдан аввал уни текшириб, аниқлаб олиш талаб этилади. Жумладан, Қуръони каримда шундай дейилади: **«Эй, мўминлар! Агар сизларга бирор фосиқ кимса хабар келтирса, сизлар (ҳақиқий аҳволни) билмаган ҳолингизда бирор қавмга азият етказиб қўйиб, (кейин) қилган ишларингизга пушаймон бўлмаслигингиз учун (у хабарни) аниқлаб (текшириб) кўрингиз!»** (*Ҳужурот, 6*).

Бу ҳақида Қуръони каримнинг яна бир оятида инсонлар учун муҳим кўрсатма келган бўлиб, унда ҳам турли воситалар орқали олинаётган хабар ва маълумотларга кўр-кўрона эргашишдан қайтарилади: **«(Эй, инсон!) Ўзинг (аниқ) билмаган нарсага эргашма! Чунки қулоқ, кўз, дилнинг ҳар бири тўғрисида (ҳар бир инсон) масъул бўлур (жавоб берур)»** (*Исро, 36*). Демак, инсон кўрган, эшитган ҳар бир маълумотига ишониши, унга эргашиши оқибатида Аллоҳ олдида ҳам сўралади.

Пайғамбар Муҳаммад (алайҳис-салом)дан ривоят қилинган бир неча ҳадисларда ҳам шундай дейилади: *«Хабарни текшириш Аллоҳдан, (унда) шошқалоқлик қилиш шайтондандир»*, деганлар (Имом Байҳақий ривояти). Шунингдек, *Абу Ҳурайра (р.а.)дан*

ривоят қилинган бошқа бир ҳадисда эса, Расулуллоҳ (алайҳис-салом): «Кишининг ёлғончи эканлигига унинг эшитган ҳар бир нарсасини гапиравериши кифоя қилади» деганлар (Имом Муслим ривояти).

Таъкидлаш лозимки, интернетда бузғунчиликларни тарғиб қилувчи веб-сайтлар, ижтимоий тармоқдаги гуруҳлар сони кун сайин кўпаймоқда. Турли ёлғон маълумотлар кўпайган бир вақтда тўғри ва ҳаққоний ахборотни ажратиш йўллари билиш лозим. Жумладан, бундай шароитда аждодлар тутган йўлни танлаш керак. Имом Бухорий ҳазратлари ҳадисларнинг саҳиҳ, заиф ва тўқималарини ажратишда жуда моҳир бўлганлари сир эмас.

Ривоят қилинишича, Имом Бухорий бир ҳадиснинг ровийси, яъни ривоят қилувчисини қидириб топадилар. Лекин ровий бир ҳайвонни куруқ қўл билан алдаб, қўрага олиб кираётганини кўриб, суҳбатлашмасдан қайтадилар ва ундан ҳадис ривоят қилмайлар.

Демак, ҳар бир олинган маълумотни текшириб, асосли ёки асоссиз эканини аниқламай туриб, ўша маълумотга қараб иш тутиш ислом моҳиятига кўра, шайтон йўлига кириш ҳамда ёлғончи бўлиб қолиш билан баробар бўлади. Чунки бунда хабар тарқатаётган кишининг ғаразли мақсадини амалга оширишига замин яратиб қўйилади.

Ёшларни турли хилдаги ёт ғоялардан асрашда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этади.

Биринчидан, жамоатчилик фикрини чалғитаётган, вайронкор ахборотлар ташқаридан келаётганини назарда тутиб, мунтазам уларга қарши туриш. Бефарқлик ва сукут сақлаш кайфиятига барҳам бериш.

Иккинчидан, ҳар қандай ҳужумкор ва бузғунчи ғояга қарши ўз вақтида, мўлжални аниқ олиб муносабат билдириш ва бунда эҳтиросга берилмаслик, ортиқча шов-шувларга йўл қўймасдан

вазминлик ва босиқлик, айна пайтда, уддабуронлик билан кучлик таъсир ўтказиш усулларини қўллаш.

Турли гуруҳар миллатни йўқ қилиш, илдизини қирқиб ташлаш мақсадида ахборот тизимидан фойдаланишга зўр бермоқда. Мана шу жараёнда ёшлар ўзининг ақлий салоҳиятини ишга солиб, ўзини ўзи ҳимоя қилиш ва ҳар қандай тажовузларга қарши тура олиш иқтидорини шакллантириши лозим.

Охирги пайтларда интернет тармоқларида ҳар хил асоссиз ахборотлар, ёшлар онгига салбий таъсир кўрсатадиган уйдирма маълумотлар жуда кўп тарқатилмоқдаки, буларнинг таъсирида ёшлар орасида бир-бирига нисбатан кескин адоватлар авж олиши кузатилмоқда.

Унутмаслик лозимки, ахборот хуружлари – бирон шахсга, муайян ташкилот ёки давлатга қарши йўналтирилган ғоявий таъсир ҳисобланади. Унинг асл мақсади ўша шахс, ташкилот ва давлатнинг тинчлигини бузиш ҳамда қора ниятига етишдир.

Ёшларнинг барчаси интернет тармоғидан фақат илм йўлида фойдаланмоқда десак, янглишамиз. Афсуски, интернетдан нотўғри, бузғунчилик ва беҳаёликка доир маълумотларни олишда ҳам фойдаланмоқда. Бу каби нохуш ҳолатлардан сўнг ёшлар келажакда қаҳри қаттиқ, меҳрсиз, ҳаёсиз бўлиб етишмайди, деб ҳеч ким кафолат беролмайди.

Маълумки, кўплаб сайт ва тармоқлар катта маблағлар эвазига филтирлаб қўйилган ва бу ҳолатни кўп давлатларда кузатиш мумкин. Албатта, таъқиқлар ёки филтер воситалари орқали одамларни интернет оламидаги турли кучларнинг хатарли таҳдидларидан ҳимоя қилиш жуда қийин.

Шундай экан, дунёнинг турли минтақа ва ҳудудларида рўй бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, зиддиятли тўқнашувларга теран қараш ҳиссини ошириш, ҳар қандай кўринишдаги таҳдидларга қарши маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш, айниқса бу борада келажакимиз ҳисобланган ёш авлодни, бир сўз билан айтганда ҳар биримиз учун муқаддас бўлган оиламизни дин ниқоби

остидаги ёт ғоялар таъсиридан асраш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этиш, бунда «фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш» ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Мавзу бўйича саволлар

1. Кибермакон тушунчасининг мазмун-моҳияти ҳақида маълумот беринг.
2. Дин ниқоби остидаги мафкуравий таҳдидлар қандай шаклларда намоён бўлмоқда?
3. Нима учун интернет оламидаги бузғунчилар асосан ёшларни ўз тўрларига илинтирмоқда?
4. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашда ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришда қайси жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш керак?

Мустақил иш топшириқлари

1. Дин ниқобидаги мафкуравий таҳдидларнинг намоён бўлиш шакллари
2. Ёшларни интернет ва ижтимоий тармоқлардаги ахборот хуружларидан асрашнинг долзарб муаммолари

Адабиётлар

1. Диний мутаассиблик: моҳият, мақсадлар ва олдини олиш йўллари / А.Ҳасанов, О.Юсупов, К.Шермухамедов, У.Ғафуров, Ж.Каримов. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2013. – 160 б.
2. Қўшаев У. Ахборот истеъмоли маданияти. – Тошкент: «Extremum-Press» нашриёти, 2013. – 44 б.
3. Тулепов А. Интернетдаги таҳдидлардан химоя. Масъул муҳаррир А.Ҳасанов. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2016. - 672 б.
4. Шермухаммедов К., Каримов Ж., Нажмиддинов Ж. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. – Тошкент: «Мовароуннаҳр» нашриёти, 2016. – 224 б.

ГЛОССАРИЙ

АВТОКЕФАЛЬ ЧЕРКОВЛАР (юнонча, «ўз-ўзини бошқариш») – православликдаги мустақил бошқарувга эга бўлган черковлар тузилмаси. Маълум бир ташкилот «автокефаль» мақомини олиши учун миро мойини мустақил равишда тайёрлай олиш имкониятига эга бўлиши керак.

АВЕСТО («Апастак», «Овисто», «Овусто», «Абисто», «Ава-сто») – жорий қилинган қатъий қоидалар, санскрит тилига яқин ўзига хос авесто тилида ёзилган зардуштийликнинг муқаддас китоби.

АВТОНОМ ЧЕРКОВЛАР (юнонча, «мустақил») – бирор–бир автокефаль черковдан ички тартиб–қоидаларни мустақил бажариш ҳуқуқини олган черков. Автоном черков раҳбари автокефаль черков патриархи томонидан тасдиқланади.

АГНИ – ер худоларининг энг улуғи (куёш, чакмоқ, олов) ҳисобланган олов худоси. Агни ҳақидаги афсоналар Ҳиндистондан ташқарида вужудга келган. У одамлар қурбонликларини худоларга етказувчи руҳоний сифатида тасаввур қилинган ва бирор қурбонлик унинг воситасисиз худоларга етиб бормайди, деб ҳисобланган.

АДЖИ – Тўрт томони тенг бўлган салб бўлиб, тангричилик динининг рамзи ҳисобланади. У барча нарса аслига қайтишининг ифодаси бўлган.

АДОНАЙ – Яҳудийликда ибодат вақтида зикр қилинадиган Худонинг исмларидан бири.

АЗИЗ – иснод табақасининг барчасида ровийлари сони ик-китадан оз бўлмаган ҳадис.

АКЕМ МАНА – ёмон фикр, адаштириш маъбуди, Ахриман тарафдори.

АҚИДА – (арабча, бирон нарсани бир-бирига боғлаш) ақоид илмининг машҳур номларидан бири.

АҚИҚА – (арабча, «қорин сочи») туғилган чақалоқнинг сочини олиш ва таваллуди муносабати билан сўйиладиган қўйга айтилади.

АҚЛИЙ ДАЛИЛ – мутакаллимларнинг нақлга асосланиб берган ўз раъйлари. Фикрий қарашлари асосида бирон ақидавий масалага берган жавоблари. Ақлий далил асосан мантиқ билан боғлиқ ҳисобланган.

АМЕРЕТАТ – зардуштийликда бахт, абадийлик маъбуду, Ахура Мазда тарафдори.

АМЭША СПЭНТА (абадий муқаддас) – зардуштийликда Ахура Мазда яратган 7 махлукдан бири. Бошқа фикрга кўра, Амеша Спента – Ахура Мазданинг тимсоли.

АНЖУМАНИ МОҒОНЕ ИРОН – зардуштий руҳонийлар иерархиясидан ташкил топган Эрон Мобадлари кенгаши.

АНХРА–МАЙНЬЮ (юнонча, Ахриман) – зардуштийликда ёмонлик, ёвузлик, бузғунчилик ибтидоси, зулмат эгаси бўлиб, эзгулик ва ёруғлик соҳиби Ахура Мазда ва унинг тарафдорларига қарши бош кўтарган маъбуд.

АПОСТОЛ (юнонча, «элчи») – христиан таълимотига биноан Исонинг энг яқин ёрдамчиларининг унвони. Уларнинг асосийлари 12 та: Пётр (Симон Ионин), Андрей, Иоанн, Иаков Зеведеев, Филипп, Варфоломей, Матфей, Фома, Иаков Алфеев, Фаддей, Симон Кананит, Иуда Искариот (Исони сотган хаворий), Матфий (Иудадан сўнг унинг ўрнини эгаллаган). Булардан ташқари яна 70 нафар хаворий мавжуд бўлгани христиан адабиётларида қайд этилади.

АРОН КОДЕШ – Синагогаларда «Таврот» ўрамлари сақланадиган махсус жой.

АТХАРВА ВЕДА – «Афсун ва жодулар ведаси» – коинот билан боғлиқ, мистик парчалар ва сеҳр билан алоқадор дуолардан иборат китоб. Ўша даврда афсун ва жодулар олов устида бажарилгани сабабли, у афсонавий руҳоний Атхарвана – «Олов руҳонийси» номи билан узвий боғлиқ. Атхарва Веда 6000 шеърдан иборат 371 мадҳияни ўз ичига олади. Улар жами 20 китобда жамланган.

АХУРА МАЗДА (юнонча, Ормузд) – зардуштийликда до-нишмандлик соҳиби, яхшилик, эзгулик, яратувчанлик ибтидоси, ёруғлик соҳиби бўлиб, ёвуз Ахриман ва унинг тарафдорларига қарши доимий курашда.

АША ВАХИШТА – зардуштийликда адолат, ҳақиқат маъбуду, Ахура Мазда тарафдори.

АШВИНА ВА САВИТАР – Ҳинд ҳаво худолари.

БАРАШНУМ – зардуштийликда жасадни кўтарган ва ювган кишиларнинг узоқ вақт давомида итлар ёрдамида амалга ошириладиган покланиш маросими.

БАР–МИЦВА (ибр., «буюрилган амрлар ўғли») – яҳудийликда 13 ёшга тўлган ўғил бола, балоғат ёшига етгани муносабати билан ўтказиладиган маросим.

БИБЛИЯ (юнонча, «китоблар») – яҳудийлик ва христианлик динларидаги асосий муқаддас манбанинг номланиши. Яҳудийлар «Библия»си «Китве кадеш» ва «Танах» ҳам деб номланади. Христианлар томонидан тан олинадиган «Библия» «Қадимги Аҳд» ва «Янги Аҳд»дан иборат бўлиб, умумий ҳисобда 66 китобдан иборат.

БИБЛИЯ ЖАМИЯТИ – «Библия»нинг алоҳида қисмларини ёки тўлалигича дунё тилларига таржима қилиш билан шуғулланадиган жамиятлар номи. Бундай жамиятлар бирор бир диний конфессияга қарашли бўлмай, буюртма асосида ишлайди. Илк «Библия» жамияти 1804 йилда Британияда тузилган. Ҳозирда дунё бўйича 140 дан ортиқ шундай жамиятлар мавжуд.

БОДДҲИСАТТВА – худонинг нури, олий камолотга эришган ва нирванага кўтарилиш ҳуқуқига эга бўлган инсон.

БОЗКУРТ – Қадимий туркий тилда «Кулранг бўри» маъносида келиб, тангричиларнинг тотеми бўлган.

БРАХМАН – санскрит тилидан олинган бўлиб «Брахмага аталган, ўзини бағишлаган», деган маъноларни билдиради.

БУТУНЖАҲОН СОБОРЛАРИ – христиан черкови епископларининг маълум диний масалаларни ҳал қилиш мақсадида ўтказиладиган йиғилиши. Илк собор милодий 325 йилда Никея шаҳрида бўлиб ўтган. Ҳозиргача 21 марта Бутунжаҳон соборлари ўтказилган.

ВАЖРАЯНА – «олмос ғилдирак», илк буддавийликнинг дхармалар табиати ҳақидаги турли қарашлари натижасида юзага келган йўналиш.

ВАЙШЛАР – ҳинд каста тизимида савдогар, хунарманд ва деҳқонлар.

ВАРАНА – Тридандиналарнинг маркази бўлиб, унда таркидунёчиликда ҳаёт кечирадилар.

ВАҲИЙНОМА – рус ва бошқа тилларда Апокалипсис. «Янги Аҳд»нинг таркибий қисми бўлиб, уни «Инжил» муаллифларидан бири Иоанн илоҳий илҳом орқали ёзган, деб эътиқод қилинади. Ушбу

китобда қиёмат ва Исонинг иккинчи қайтиши билан боғлиқ ҳодисалар баён қилинган.

ВЕДАЛАР – орийлар ўзлари билан олиб келган муқаддас ёзувлари, санскрит тилидан таржима қилинганда «муқаддас, илоҳий билим» маъноларини англатувчи Ҳиндистоннинг асосий муқаддас манбаи.

ВЕРЕТРАГНА – зардуштийликда энг машхур эзгулик язаларидан бири.

ВИДЕВДАТ – 22 бобдан ташкил топган «Авесто»нинг сақланиб қолган энг мукаммал бўлими.

ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ – кишиларнинг бирор динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмасликдан иборат кафолатланган конституциявий ҳуқуқи.

ВИСПАРАД – «Авесто»нинг 24 бобдан ташкил топган маъбудлар шаънига ўқиладиган дуо ва панд–насихатлардан иборат бўлими.

ВИШНУ – ведаларда зикр қилинган ва кейинчалик унутилган худолар орасида абадий ҳисобланган ва ҳозирда бутун Ҳиндистонда улуғланувчи қуёш худоси.

ВОЖИБ – Қуръони каримда тўғридан–тўғри буйруқ келмаган ҳолда бажарилиши шарт бўлган амаллар.

ВОҲУМАНАҲ (Беҳмен) – зардуштийликда ақл, эзгу фикр, тушуниш язати (фариштаси).

ГАЛАҲА – яҳудийлик шариати.

ҒАРИБ – биргина ишончли одамдан ривоят қилинган саҳих ҳадис.

ГАТ – «Авесто» таркибидан жой олган Зардуштнинг сўзлари ҳисобланадиган бўлим.

ГЕГИГ – тангричиликда Ер олами.

ГОВМАРД (форсча, хўкиз–одам) – зардуштийлик таълимотига кўра, биринчи инсон.

ГОҲИ – зардуштийликда куннинг муайян қисмида бажариладиган (Хаван гоҳ – тонгдан пешингача, Рапитвин гоҳ – пешиндан сўнг, Узарин гоҳ – кун ботишдан олдин, Аивисрутрим гоҳ – кун ботгандан сўнг, Ушахин гоҳ – ярим кечадан тонгача ибодатлари.

ДАСТУР – Мобад оиласига мансуб зардушт руҳонийлари табақасининг юқори вакили.

ДАХМА – зардуштийликда ердан 4–5 метр баландликда цилиндр шаклида бўлган махсус жой бўлиб, унга ўликлар устма–уст тартиб билан ётқизилади.

ДАЭН – зардуштийликда имон, яхши амал, у инсон вафотидан сўнг гўзал киз қиёфасида кўриниб, уни Чинванда кўприкдан олиб ўтишга ёрдам беради.

ДЕВ ВИЗАРЕШ – зардуштийликда инсон вафотидан сўнг унинг қилмиши ёвузлик бўлса, жазо берувчи, дўзахга ташловчи маъбуд.

ДЕНКАРТ («Имон фаолияти») – IX асрда Сосонийлар ҳукмронлиги даврида ёзилган қомусий луғат бўлиб, у ўз ичига бадий ва тарихий маълумотларни олган. Даставвал 9 бўлимдан иборат бўлган, кейинчалик унинг 2 қисми йўқотилган.

ДИАКОН (юнонча, хизматчи) – христиан черковларидаги энг қуйи руҳонийлик даражаси.

ДИН АРҚОНЛАРИ – маълум бир диндаги асосий ибодатлар мажмуи.

ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК – кишилар ва жамиятда диний асосда ўзаро бир–бирини тушуниш, холис ва ҳаққоний билимлар, адолатли ва ҳақиқий баҳолар, ўзаро ҳурмат ва ишончга, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликка асосланган қарашлар ва амалий фаолият тизимини ўз ичига оладиган ижтимоий–маданий ҳодиса.

ДИНИЙ МУТААСИБЛИК – ўз ақида ва ғояларининг шак–шубҳасиз тўғрилигига қаттиқ ишониш, уларга муккасидан берилганликни, бошқа фирқа ва мазҳабларга муросасиз муносабатни ифодаловчи қарашлар ва хатти–ҳаракатлар мажмуи.

ДИНИЙ СЕКТА – маълум бир диндаги расмий ақидаларга зид равишда ажралиб чиққан ёки мавжуд динлар ва конфессияларга умуман алоқаси бўлмаган ҳолда дин байроғи остида фаолият кўрсатадиган гуруҳ.

ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАР – бир дин издошларининг динга эътиқод қилиш, ибодат, расм–русум ва маросимларни биргаликда адо этиш мақсадида тузилган кўнгилли бирлашмалари (диний жамиятлар,

диний ўқув юртлари, масжид, черков, синагога, монастыр ва бошқалар).

ДОДГОҲ – зардуштийликда ҳамма учун очик бўлган муқаддас олов ёник турадиган хона.

ДРОН – зардуштийликда ибодат маросимлари учун махсус тайёрланган нон.

ДРУДЖ – зардуштийлик динида ёлгон сўз.

ДУЖВАРТШТА – зардуштийлик динида ёвуз фикр.

ДУЖМАТАДАН – зардуштийлик динида ёвуз амал.

ДУЖУХТА – зардуштийлик динида ёвуз сўз.

ДЯУС, ВАРУНА, ИНДРА – ведизмда турли осмонларни бошқариб турувчи осмон худолари. Варуна кейинчалик сув ва денгизлар худосига айланиб кетган.

ЕПИСКОП (юнонча, «назоратчи») – христиан черковидаги руҳонийлик унвони. Епископлар хаворийларнинг издошлари, деб ҳисобланади.

ЖАБРОИЛ – Аллоҳ билан пайғамбарлар ўртасида элчи вазифасини бажарувчи фаришта.

ЖЕБРЛАР – замонавий зардуштийларнинг Эрондаги вакиллари.

ЗАБУР – Довуд пайғамбарга туширилган китоб. «Қадимги Аҳд» таркибига киритилган бўлиб, турли қўшиқ ва мадҳиялардан иборат.

ЗАИФ – саҳиҳ шартларидан бирортасини йўқотган ва ҳасан даражасига етмаган ҳадис.

ЗАКОТ – (арабча, поклаш) эҳтиёждан ташқари бўлган бойликнинг қирқдан бир қисмини (2,5 %) садақа қилиш. Закот моли закот миқдорига етган бадавлат кишилар учун фарз этилган.

ЗАУРВИ – зардуштийликда қарилик, ўлим маъбуди, Ахриман тарафдори.

ЗЕНД (парфиёнча, «шарҳланган матн») – милодий III асрга оид қонунлардан иборат Авестонинг шарҳи.

ИЛИМ АЛ-ЖАРҲ ВА-Т-ТАЪДИЛ – ровийларнинг адолати ва забти ҳақида баҳс юритиб, уларнинг ишончли ёки ишончсизлиги ҳақида якуний хулоса чиқарувчи ровийга танқидий ёндашиш илми.

ИЛИМ АР-РИЖОЛ – ровий ҳақида тўлиқ маълумотни ўрганувчи ҳадис илми соҳаси.

ИЛОҲИЙ КИТОБ – Аллоҳ томонидан пайғамбарларга нозил қилинган Забур, Таврот, Инжил ва Қуръон китоблари.

ИМОН – ишонмоқ, тасдиқламоқ бўлиб, истилоҳда эса «Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадун расулуллоҳ» («Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Муҳаммад – Аллоҳнинг пайғамбари») калимасини тил билан айтиб (ал–икрор би–л–лисон), дил билан тасдиқлаш (ат–тасдиқ би–л–қалб) демакдир.

ИНДРА – зўрлик, зулм маъбуди, Ахриман тарафдори.

ИНЖИЛ – (юнонча, «Евангелие») «Янги Аҳд»даги Марк, Матто, Луко ва Юҳаннолардан ривоят қилинган китоблар назарда тутилади. Уларда Исо Масиҳнинг ҳаёт йўли ва мўъжизалари баён қилинган.

ИСЛОМ – (арабча, таслим бўлиш, бўйсунуш) ягона Аллоҳга бўйсунуш маъноларини беради.

ҚАВЛИЙ СУННАТ – Расулуллоҳ (а.с.)нинг турли ҳолат ва муносабатларда айтган сўзлари.

ҚАДИМГИ АҲД – «Библия»нинг қисмларидан бири. «Таврот» (Мусонинг 5 китоби), «Забур» ва бошқа китоблардан иборат, жами 39 китобни ўз ичига олади.

КАЛОМ – сўз, нутқ маъносини билдиради. Мўътазилийлар пайдо бўлгандан кейин ақида илмининг номи «калом» деб атала бошланган.

КАРДИНАЛЛАР КОЛЛЕГИЯСИ – Рим католик черковидаги олий кенгаш. Папа ўрни бўшаб қолганда унинг вазифасини бажариш ва янги Папани сайлаш вазифаларини бажаради.

КАСТА – ҳиндуийликда айни иш билан шуғулланувчи, от-алардан мерос қолган ҳақ, вазифа ва одатлар билан қаттиқ боғланган шахслар тоифасидир. Каста инсонлар томонидан сайланмайди ва танланмайди, унинг ичида фақатгина дунёга келиш мумкин. Бу тизим 4 синфдан ташкил топади.

КАУТХУМА (KAUTHUMA) – Сама Веданинг ҳозирги кунгача етиб келган таҳрири. Каутхума тўплами 1810 шеърдан иборат бўлиб, ундан фақатгина 76 таси Ригведада учрамайди, шеърлар, асосан, Ригведанинг VIII ва IX мандаласидан олинган бўлиб, улар тантанали қурбонлик маросимида роҳиблар томонидан ўқилади.

ҚИЁМАТ – (арабча, «тик туриш», «ўриндан туриш») ўликларнинг қайта тирилиши ва ўрнидан туриши.

КИРОМУН КОТИБУН – исломда ҳар бир инсоннинг ҳаёти давомида бажарган ҳар бир амал ва сўзларини ёзиб борадиган фаришталар.

КИРХА (немисча, «черков») – лютеран черковларининг номи.

КОСТЕЛ (полякча, чехча, «черков») – Рим католик черковига қарашли ибодатхоналарга нисбатан ишлатиладиган атама. Ушбу атама православ ёки протестант черковларига нисбатан қўлланилмайди.

КРИШНА – «қора» маъносини англатади, ўзининг табиий келиб чиқишига кўра жуда мураккаб образ. У ҳақда олов, чакмоқ, момақалдироқ, осмон, қуёш билан боғлиқ афсоналар мавжуд. Кришна жанговар, енгилмас қаҳрамон сифатида таърифланади. У урушда ҳам, севгида ҳам енгилмас баҳодир, аммо жуда айёр табиатга эга.

ҚУДСИЙ ҲАДИС – Маъноси Аллоҳ таолодан бўлиб, айтилиши, яъни лафзи Расулуллоҳ (а.с.)дан бўлган ҳадислар.

КУНЕЛ (кунелем сизе) – Кўнгил сезиши қобилияти, интуиция бўлиб, тангричилик эътиқодига кўра, у Тангри томонидан инсонга жон киритилаётганда берилган.

ҚУРЪОНИ КАРИМ – Ислом динининг бирламчи муқаддас манбаси бўлиб, 23 йил мобайнида Муҳаммад пайғамбар (а.с.)га Жаброил фаришта (а.с.) орқали баъзан оят–оят, баъзан эса тўлиқ сура тарзида нозил қилинган илоҳий китоб.

КУТ – Қувват, куч, энергия манбаи. Тангричилик эътиқодига кўра, у инсоннинг моддий тириклиги сабабидир.

КУШТИ – зардуштийликка эътиқод қилувчи шахс диний маросимларда тақиши лозим бўлган махсус камар.

КШАТРИЙ – ҳинд каста тизимида ҳоким ва жангчилар табақаси.

ЛУҚО (Лука) – «Янгши Аҳд» таркибига кирувчи тўрт Инжил муаллифларидан бири. Христианлик тарихида Биби Марямнинг суратини чизган биринчи инсон сифатида танилган. Исо Масихнинг 70 ҳаворийлари қаторига киради.

«ЛЮ И» НИНГ ОЛТИ САНЪАТИ – Мил.авв 6–5 асрларда Хитойда диний маросимларни бажариш, мусиқани тушуниш, ўқиш,

санаш, икки ғилдиракли жанг аравасини бошқариш ва камондан ўк отиш санъати шундай ном билан атлаган ва уни эгаллаган одам билимли ҳисобланган.

МАВЗУЪ – Расулуллоҳ (а.с.)га нисбат берилиб тўқилган ёлғон ҳадис.

МАГЕН ДАВИД – Яхудийлик динининг рамзларидан бири бўлмиш олти бўрчакли «Довуд юлдузи».

МАКРУҲ – бажарилиши ёмон саналган амал.

МАНДУЪ – бажарилиши тарқ қилинишидан афзал бўлган амал.

МАНУ ҚОНУНЛАРИ – каста тизимидаги барчага хос вазифаларни ўзида қатъий белгилаб берган тўплам.

МАРК – «Инжил» муаллифларидан бири. Ҳаворийлардан Пётрнинг шогирди бўлган. Александрияда черков тузиб, ўзи биринчи епископ бўлган.

МАТТО (Матфей) – «Инжил» муаллифларидан бири, Исо Масихнинг 12 асосий ҳаворийларидан бири. «Инжил»да Левий Матфей ва Левий Алфеев номлари билан ҳам тилга олинади.

МАҲАЯНА – «катта ғилдирак», илк буддавийликнинг диний–ахлоқий йўналишларидан бўлиб бурчга содиқлик, пок бўлиш ҳақидаги қарашлардан юзага келган.

МАҲШАР – қиёмат куни бандалар йиғиладиган ва савол–жавоб бўлиб ўтадиган жой

МАШҲУР – иснод йўлларининг ҳар бирида учта ва ундан ортиқ шахслар томонидан ривоят қилинган ва мутавотир даражасига етмаган ҳадислар.

МЕДИТАЦИЯ – «фикрлаш, ўйлаш», шахснинг ўз руҳий фаолиятига чуқур берилиш ҳолати, муроқабаси, ҳикмат ва ҳақиқат ҳақидаги илм.

МЕНОГ – Руҳ олами.

МЕНОРА (ибр., «шамчиноқ») – етти устунли, тиллодан ясалган шамчиноқ. Яхудийликнинг асосий рамзларидан биридир.

МЕҲРЖОН – 23 сентябр куни нишонланадиган Ҳосил байрами.

МИРО МОЙИ (юнунча, «хушбўй мой») – христианликнинг етти сирли маросимларидан бирида танага суриладиган хушбўй мой. Ушбу мой черков епископи томонидан олий навли зайтун мойига оқ

узум виноси, атиргул япроқлари, бинафша, занжабил илдизлари, мускат, атиргул, чиннигул ва лимон мойлари каби махсулотларни қўшиб қайнатиш орқали тайёрланади.

МИССИОНЕРЛИК – бир динга эътиқод қилувчи халқлар орасида бошқа бир динни тарғиб қилиш билан боғлиқ назарий қарашлар ва амалий хатти–ҳаракатлар мажмуи.

МИТРА (авесто, дўстлик, келишув) – инсон вафотидан сўнг унинг руҳини ҳимоя қилувчи эзгулик язатларидан бири.

МОБАД – диний маросимларни авлоддан авлодга сақлаб қолиш масъулиятини олган, руҳонийлар оиласи, ўрта мақомли руҳоний.

МОБАДАН МОБАД – мобадларнинг мобади, мобад оиласига мансуб зардушт руҳонийлари табақасининг юқори вакили.

МОБАДЁР – мобадлардан бўлмаган диний маълумотга эга хирбадлардан кейин турувчи мартаба.

МОНАСТЫРЬ – христианликда руҳонийлар жамиятдан ажралиб, фақат ибодат билан шуғулланадиган жой, муассаса. Аёллар ва эркеклар учун мўлжалланган монастирлар мавжуд.

МОНОФИЗИТЛАР (юнонча, «якка, ягона», «табиат») – руҳоний Евтихий томонидан асос солинган христианликдаги илк йўналишлардан бири бўлиб, милодий V асрда пайдо бўлган. Исо Масих худо ва инсон табиатида пайдо бўлган бўлса–да, кейинчалик унинг фақат худолик табиати сақланиб қолган деган ғояни олға сурган. Ушбу йўналиш вакиллари 451 йилда Халкидонияда бўлиб ўтган Бутунжаҳон соборида куфрда айбланишган.

МУБОҲ – ислом шариати қилиш ёки қилмасликни кишилар ихтиёрига қўйган амаллар.

МУҚАДДАС ЁЗУВ, ХУШҲАБАР – христианликнинг муқаддас китоби «Инжил»га нисбатан ишлатиладиган номлар.

МУҚАДДАС КИТОБ – «Библия» ва унинг таркибига кирувчи китоблар номи.

МУҚАДДАС РИВОЯТЛАР – «Библия» таркибига кирмаган, черков авлиёлари томонидан қабул қилинган ҳужжатлар ва номалар.

МУҚАДДАС РУҲ – христианликда Худонинг уч кўринишидан бири. Муқаддас Руҳ дунёнинг яралишида иштирок этган, Биби Марям ҳам у орқали Исога хомиладор бўлган.

МУСАННАФ – ҳадис тўпламларининг муайян мавзуларга ажратилган тури.

МУСНАД – 1. Исноди муттасил равишда ўз ниҳоясига етган ҳадис, яъни санади билан ривоят қилинган ҳадис. 2. Санад, иснод сўзларининг синоними. 3. Ҳадис тўпламларининг тури.

МУТАВОТИР – ёлғонга йўл қўйиши мумкин бўлмаган ростгўйлиги эътироф этилган кишиларнинг бошдан охиригача ўзлари каби кишилардан нақл қилган ривояти.

МУТАКАЛЛИМ – калом илми билан шуғулланган олимлар «мутакаллим» деб аталган.

МУТТАСИЛ – исноди узлуксиз бўлган марфуъ, мавқуф ҳадислар. Яъни ровийлар силсиласи – санад узлуксиз Расулуллоҳ (а.с.)га етиб борган бўлади.

МУЪТАЗИЛИЯ – (арабча, «ажралиб чиқмоқ») ислом оламида биринчи пайдо бўлган, энг ката, адашган эътиқодий таълимотнинг номи.

НАВРЎЗ – йилнинг кун ва туни тенг бўлган 21 мартда нишонланадиган эзгуликнинг ёвузлик устидан ғалабасига бағишланган янги йил байрами.

НАҚЛИЙ ДАЛИЛ – ақлий далилдан фарқли равишда нақлий далил фақат Қуръон ва суннатга асосланган.

НАМОЗ – ҳар бир мусулмон кишининг кунига беш маҳал покланиб, қибла томонга юзланган ҳолда амалга оширадиган фарз ибодати.

НАСУСА – қутига кўмувчилар, дафн маросимида иштирок этувчи ижтимоий табақа вакиллари.

НЕР ТАМИД (ибр., «абадий шамчироқ») – синагогада «Таврот» солинган сандиқ рўпарасида жойлашган, доимо ёниб турувчи шамчироқ. Сингогаларда Нер тамид Менорани эслатиб турувчи рамз сифатида қўйилади.

НИРВАНА – инсон ички дунёсининг мукамаллиги, орзу–истаклари, яшаш ҳисси, қаноат, тарки дунёчилик каби руҳий ҳолатни ўз ичига олган олий интилиш.

НОУС – инсон вафотидан сўнг ундан қолган суяклар сақланадиган махсус қутича бўлиб, у дахмага қўйилган.

ОҚ ВА ҚОРА РУҲОНИЙЛАР – православ руҳонийлари қатлами. «Оқ» руҳонийлар оила қуриш ҳуқуқига эга, «қора» руҳонийларга эса оила қуриши мумкин эмас.

ОРИЙЛАР – оқ танли қавм ҳисобланиб, Ҳазар, яъни, ҳозирги Каспий денгизининг шимолий, Европанинг шимоли ёки Туркманистон минтақасида милоддан аввалги XVII – XVI асрдан XII асргача турли қабила ва гуруҳлар шаклида яшаганлар.

ОСОР – хабар, суннат ва ҳадиснинг синоними сифатида ишлатиладиган атама. Осор одатда саҳобийлар ёки тобеъийларга мансуб сўзларга нисбатан қўлланилади.

ОТА ХУДО – Христианликда Худонинг уч кўринишидан бири ва асосийси. Ота Худо дунёни яратган бўлиб, учликнинг қолган кўринишлари (Ўғил Худо ва Муқаддас Рух) ундан келиб чиққан.

ОТАШ АДУРАН (Оловлар олови) – ўрта даражадаги аслзодалар олови, 1000 кишидан кам бўлмаган аҳоли турар жойларида Мобадлар томонидан ёқилади.

ОТАШ ДОДГОҲ (Қонуний олов) – куйи даражадаги олов, маҳаллий жамоаларнинг кундалик диний эҳтиёжлари учун ишлатилади. Форсларда бу каби жойлар Дар ба меҳр (адолат эгаси бўлган Митранинг ҳовлиси) деб ҳам аталган.

ОХИРАТ КУНИ – одамлар қайта тирилиб, ҳаёти давомида бажарган ҳар бир амали учун ҳисоб–китоб қилинадиган кун. У Қиёмат куни деб ҳам аталади.

ОҲОД – ровийлар сони мутавотир даражасига етмаган ҳадис тури.

ОЯТ – (арабча, «белги, мўъжиза») Қуръон сураларини ташкил этувчи қисм, «жумлалар».

ПАЙҒАМБАР – Аллоҳнинг ердаги элчиси бўлиб, одамларни Аллоҳга ибодат қилишга чақирувчи ва охират ҳақида хабар берувчи киши

ПАНЧА ШИЛА – буддавийликда беш насиҳат, яъни қотиллик, ўғрилик, гумроҳлик, ёлғон, маст қилувчи нарсалардан сақланиш.

ПАСТОР (лотинча, чўпон) – протестантликдаги черков раҳбари. Пасторлар оммавий ибодатларда маърузалар ўқиш ва черковнинг ички фаолиятини бошқариш билан шуғулланади.

ПАСХА (юнонча, ивритча – «ёнидан ўтиш») – христианликдаги асосий диний байрамлардан бири. Исо Масихнинг қайта тирилган куни шарафига нишонланади. Ҳозирги кунда Пасха куни Ой–Қуёш календари асосида ҳисобланиб, ҳар йили ўзгариб туради.

ПОРСИЙЛАР – VII асрда Эронга исломнинг кириб келиши оқибатида Ҳиндистонга кўчиб ўтишга мажбур бўлган зардуштийларнинг бугунги кундаги авлодлари.

ПРЕСВИТЕР (лотинча, «оқсоқол, жамоа бошлиғи») – христиан руҳонийлик иерархиясида юқори ўринни эгалловчи диний лавозим. Қадимда епископлар ҳам пресвитер деб аталишган.

ПУШАН – хиндлар эътиқодидаги қуёш худоси. У мурувватли ҳисобланиб, қуёшнинг маҳсулдорлик фаолиятини ўзида намоён қилади.

ПЯТИДЕСЯТНИКЛАР – протестантликдаги энг йирик йўналишлардан бири. Ўзларини Исо вафотидан 50 кун ўтгач Муқаддас Рух инъомига эга бўлиб, турли нотаниш тилларда гапира бошлаган ҳаворийларнинг издошлари, деб ҳисоблаганлари учун шу номни қабул қилганлар.

РАТУ (авесто, намуна, раҳбар) – зардуштийликнинг ҳимоячиси, масъум мобад, зардушт руҳонийлари табақасининг энг юқори вакили.

РАШНУ – зардуштийликда инсон вафотидан сўнг унинг руҳини ҳимоя қилувчи эзгулик язатларидан бири.

РИГ ВЕДА – «Мадҳиялар ведаси», худоларга айтилган мадҳиялар тўплами бўлиб, тангриларни улуғлаш мақсадида ёзилган, 1017 та илоҳийдан ташкил топган. Ҳар бир илоҳий 10 га яқин «оят»дан иборат. Бу илоҳийлар ўн та китоб, яъни Мандалага бўлинади. Улар ичида энг узун 191, энг қисқаси 43 та илоҳийдан иборат.

РИМ ПАПАСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ – турли даврларда Папа томонидан чиқарилган дин соҳасидаги қарорлар. Рим католик черкови ақидасига биноан Папанинг қарорлари ҳам муқаддас аҳамиятга эга.

РИШИ – ғайритабиий кучлар билан алоқада бўла оладиган кишилар.

РОЖДЕСТВО – Христианликнинг асосий байрамларидан бири. Исо Масихнинг одам танасида мужассам бўлиб туғилиши куни

муносабати билан ўтказилади. Ушбу байрам ҳақидаги илк маълумотлар IV асрга тегишли христиан манбаларида қайд қилинган.

РОҲИБ (юнонча, монах – «зоҳид») – христианликда дунёвий лаззатлардан таркидунёчилик қилиб, фақат ибодат билан шуғулланувчи шахс.

РУДНА – Ҳинд худоларидан бири, одамларнинг унга нисбатан чексиз қўрқувлари уларни доимий равишда Руднага бағишлаб мадҳия ва дуолар ўқишга ундаган. У Риг Ведада Шива – «ёқимли» номи билан зикр этилади.

РЎЗА – йилда бир ой – ҳижрий қамарий календарнинг Рамазон оyi давомида кундуз кунлари ейиш–ичиш ва жинсий алоқада бўлишдан тийилиш.

САВИТРИ – ҳиндлар эътиқодидаги куёш худоси. Куёшнинг қувват берувчи кучида намоён бўлади.

САМА ВЕДА (МЕЛОДИЙ) – «Кўшиқлар ведаси» – Назмлар ведаси ҳисобланиб, у Риг Ведадан олинган, турли хил мавзулардаги илоҳийлар ва роҳиблар ўқийдиган назмий илоҳийлардан иборатдир.

САМАВЕДИНАЛАР – Ҳиндистонда ҳозиргача ведаларни куйга солиб куйловчилар.

САНГҲА – «олий ҳақиқат»га етишган авлиёлар, Будда асос солган ва ҳозиргача фаолият кўрсатиб келаётган роҳиблар жамоаси.

САОШЪЯНТА – халоскор, зардуштийликка кўра, дунёга 3 нафар саошьянта келиши лозим. Улар Зардушт таълимотини қайта тиклайди, Қиёматга яқин уларнинг охиргиси Анхра–Майнью билан жанг қилиб, барча ёвузлик кучларини мағлуб этади.

САРАСВАТИ – дарё худоси. Сарасвати кейинчалик брахманликда сўз худоси сифатида тасвирланган.

САР–МОБАД (Бозорг дастур) – мобадларнинг сардори, катта мобад, мобад оиласига мансуб зардушт руҳонийлари табақасининг юқори вакили.

САҲИҲ – исноди бошидан охиригача адолатли, аниқлик эгаси бўлган кишининг ўзи каби кишидан ривоят қилган, шозз (ўзидан кучлироқ ровийга қарши туриш) ва иллатли (ноқислик) бўлмаган ҳадис.

САҲОБИЙ – Расулulloҳ (а.с.)ни имон келтирган ҳолда кўрган ва шу мусулмонлик ҳолида вафот этган киши.

СИДДУР (ибр., «тартибга солиш») – яхудийликда ибодат вақтида ўқиладиган дуо китоби.

СИКХЛАР – шогирдлар маъносини билдиради.

СИНАГОГА (юнонча, «синагоге» – «йиғилиш», ибронийча «бейт кнесет» – «йиғилиш уйи») – яхудийликда асосий ибодат ва маросимлар ўтказиладиган жой.

СМАРТЛАР – ҳаққоний ривоятлар деб номланувчи шиваликдаги оқим. Уларнинг бир қисми роҳибликда, яна бир қисми дунёвийлик ҳолатида яшайдилар.

СМИТРИ – «Достоний» деган маънони англатади. Ҳинд муқаддас китобларининг иккинчи қисми.

СОҒДИД – зардуштийликда ит ёрдамида амалга ошириладиган одамдан девларни қувиш ва поклаш маросими.

СПЕНТА АРМАЙТИ – зардуштийликда муҳаббат, ишонч, раҳм, фидойилик маъбудиди, Ахура Мазда тарафдори.

СПЕНТА–МАНЬЮ – зардуштийликда ёруғлик, яралиш ибтидоси маъбудиди, Ахура Мазда тарафдори.

СРАОША – зардуштийликда инсон вафотидан сўнг унинг руҳини ҳимоя қилувчи эзгулик язатларидан бири.

СУНАН – Ҳадислар «тахорат» бобидан «васиятлар» бобигача фикҳ тартиби бўйича жамланган тўпламлар.

СУННАТ – ислом шариатида кўра, зиммага юкланмаган, лекин бажарилиши талаб қилинган амал. У Пайғамбар (а.с.)нинг покиза сайратлари, турмуш тарзлари, диний йўллари дир. Учга бўлинади: қавлий, феълий ва тақририй.

СУР – Руҳ, ички қувват. Тангричиликда у Тангри томонидан инсонга пуфлаш орқали киритилган деб эътиқод қилинган.

СУРА – Қуръондан бир бўлак бўлиб, энг ками учта, энг кўпи 286 оятни ўз ичига олади.

СУРЯ – ҳиндлар эътиқодидаги қуёш худоси. Қуёшнинг ёрқинроқ намоён бўлган кўриниши ҳисобланади. У юнонлардаги Аполлон каби етти от бириктирилган ғилдиракли араваларда тасвирланган.

СЯО ЖЭНЬ – «кичкина одам» конфуцийлик таълимотига кўра инсонларнинг бошланғич табақаси, яъни оддий халқдан чиққан, ҳеч қандай билимга эга бўлмаган шахс. «Сяо жэнь»дан билим олиш ва

маросимларни тўла–тўкис бажариш орқали «Цзень–цзе» даражасига эришиш мумкин бўлган.

ТАВОФ – Каъбанинг атрофини айланиш.

ТАЙ–ЛЯО – Хитойдаги энг муқаддас қурбонлик маросими. Унда учта жонивор – қўй, хўкиз ва чўчқалардан иборат «учлик» қурбонлик келтирилади.

ТАҚРИЙ СУННАТ – саҳобийлар томонидан қилинган бирор хатти–ҳаракат ёки гап–сўзга Пайғамбар (а.с.)нинг индамасликлари ёки маъқуллашлари.

ТАЛЕС – Яхудийларда ибодат вақтида елкага ташлаб олинадиган чойшаб. Талеслар одатда қора ёки кўк йўл–йўл оқ матодан тикилади.

ТАНГРИ – Тангричилик эътиқодининг бош ва ягона Осмон худоси, Тангрихон деб ҳам аталади.

ТАРАМАЙТИ – зардуштийликда такаббурлик маъбуди, Ахриман тарафдори.

ТАУРВИ – зардуштийликда касаллик, нуқсонлик маъбуди, Ахриман тарафдори.

ТИН – Жон, тириклик. Тангричилик эътиқодига кўра, инсон тириклигининг сабабчиси.

ТРИПИТАКА (ТИПИТАКА) – уч сават донолик, дуолар шаклидаги буддавийликнинг муқаддас китоб.

ТИРТХАКАР – жайнийликда йўл тузувчи, руҳларни озод қилувчи.

ТРИДАНДИНАЛАР – уч таёқлилар, шиваликдаги оқим.

ТРИМУРТИ – яъни, учлик – Брахма, Вишну, Шива худолари асосий худолар ҳисобланиб, Брахма уларнинг энг каттаси, дунёни яратган худо ҳисобланади. Бироқ, ҳиндуийликда фақатгина Вишну ва Шивагагина сиғинадилар. Шунга биноан, ҳиндуийлик икки асосий оқимга бўлинади: Шивага сиғинувчилар ва Вишнуга сиғинувчилар.

ТУРК ҲОҚОНЛИГИ – 552–603 йиллар давомида замонавий Марказий Осиё, Шарқий Туркистон, Мўғулистон, Манжурия (шимолий–шарқий Хитой) ва Шимолий Кавказ худудларини ўз ичига олган Бумин ҳоқон асос солган қадим туркийлар давлати.

ТУРКИЙЛАР – Евроосиё худудида милoddан аввалги I минг йилликда асосан чорвачилик билан шуғулланган кўчманчи Олтой

қабилаларидан ташкил топган замонавий туркий халқлар (ўзбек, турк, туркман, озарбайжон, уйғур, қозоқ, қирғиз ва бошқалар)нинг аждодлари.

ТЎЛИҚ ИНЖИЛ ХРИСТИАНЛАРИ – протестантликдаги энг йирик йўналишлардан бири бўлган пятидесятникликнинг иккинчи номи. «Инжил»га ҳақиқатан амал қилувчи соф эътиқод вакиллари деб билганлари учун ҳам ўзларига нисабатан шундай номни ишлатадилар.

УЛУМ АЛ-ҲАДИС – ҳадисларни ривоят қилиш, ишончли ва ишончсизини ўрганадиган илм.

УМАЙ (Жумай) – тангричилик эътиқодига кўра, аёл жинсидаги Ердаги ҳаётнинг сабабчиси ва макони Ер юзида бўлган маъбуда, «Ҳаёт онаси» деб эътиқод қилинган.

УПАНИШАДЛАР – ҳиндуийликда рухий–маънавий йўл ҳисобланиб, диний такомиллик занжирининг энг юқори мартабаси ҳисобланади.

УПАНИШАДЛАР ДАВРИ – милоддан аввалги VI асрдан милоддан кейинги бир неча асргача чўзилади. У тасаввуфий оқимлар сир–асрорлари ва шахсий мушоҳадаларини ўз ичига олган бўлиб, ботиний ҳаётга берилиб, зоҳирдан йироқлашган руҳоний ва таркидунёчиларни тўғри йўлга бошлаш учун тартибга келтирилган.

ФАРЗ – ислом дини таълимотига кўра, инкор қилиб бўлмайдиган даражада қатъий далил билан бажарилиши талаб қилинган амал.

ФЕЪЛИЙ СУННАТ – Расулуллоҳ (а.с.)дан содир бўлган шаръий ишлар ёки саҳобийлар Пайғамбар (а.с.)нинг бажарган ишларидан нақл қилган нарсага.

ФРАВАН – ибодат маросимларида ўқиладиган дуо.

ФРАВАШИ (авесто, олдиндан танлов) – Осмонларда яшовчи ва Зардуштга ваҳий олиб тушувчи махлуқотлар.

ФРАШО КЕРЕТИ – зардуштийликда охир замонда пайдо бўладиган ёвузлик эгаси.

ХАБАР – Муҳаммад (а.с.)нинг сўзлари ва хатти–ҳаракатлари ҳақида ривоят (синоними ҳадис, осор).

ҲАДИС – Пайғамбар (а.с.)га нисбат берилган гаплар.

ҲАЖ – қодир бўлган киши учун умрида бир марта Макка шаҳридаги Каъбани зиёрат қилиш ва ушбу ибодат ўз ичига оладиган арконларни адо этишдан иборат.

ҲАЛҚИЙ СУННАТ – Расулulloҳ (а.с.)нинг ташқи қиёфа ва кўринишлари ҳақидаги суннат.

ҲАЛОСКОР – яҳудий ва христиан атамасида Мессия (ивритча, машиах; қадимги юнонча, христос). Яҳудийлар ақидасига кўра, Халоскор қиёматга яқин келиб яҳудийларни нажот сари етаклайди. Яҳудий «мессияси» Довуд авлодидан бўлиши шарт. Христиан ақидасига кўра эса, халоскор бу Исо Масихдир.

ҲАРОМ – атамаси ислом таълимотига кўра, инкор қилиб бўлмайдиган даражада қатъий далиллар билан бажарилиши тақиқланган амал.

ҲАСАН – саҳиҳ ҳадис шартларига эга бўлган, лекин забти пастроқ бўлган адолатли ровийнинг ўзи кабилардан қилган ривояти.

ҲАУРВАТАТ – зардуштийликда саломатлик, мукамаллик маъбуди, Ахура Мазда тарафдори.

ХВАРТША – зардуштийликда эзгу амал.

ХИНАЯНА – кичик ғилдирак, нажот топишнинг тор йўли.

ХИРБАД – мобад оиласига мансуб зардушт руҳонийлари табақасининг энг қуйи вакили.

ХРАФСТРА (Жирканчли) – зардуштийликда ўлдириш мумкин бўлган ёвузлик тарафдори дея эътиқод қилинадиган йиртқич ҳайвонлар.

ХУДОНИНГ РАҲМАТЛАРИ – протестантликнинг пятидесятниклик йўналишига ҳос ақидалардан бири. Худонинг раҳматлари деганда Масихни қабул қилиш, Муқаддас Рух билан чўқинтирилиш ва руҳий қайта туғилиш назарда тутилади.

ХУДО–ОДАМ – Исо Масихга нисбатан ишлатиладиган ном. Христианлик ақидасига кўра Исо асли худо бўлиб, инсонларни халос қилиш учун инсон қиёфасига кирган.

ХУЛУҚИЙ – Расулulloҳ (а.с.)нинг ахлоқий сифатлари ҳақидаги суннат.

ХУМ (Хаома) – ибодат маросимларида махсус тайёрланадиган ичимлик.

ХУМАТА – зардуштийликда эзгу фикр.

ХУРДАК АВЕСТО («Кичик Авесто») – диндорлар кундалик фаолияти учун «Авесто»нинг ихчамлаштирилган шакли.

ХУХТА – зардуштийликда эзгу сўз.

ХШАТРА ВАИРЪЯ – зардуштийликда кудрат, қатъийлик, ҳукмронлик маъбуди, Ахура Мазда тарафдори.

ЦЗЕНЬ–ЦЗЕ – «Юксак маърифатли одам». Қадимги Хитойдаги билим ва донишмандлик култи ҳисобланиб, у билим олиш йўлида сабр–матонатли ва ўта интилувчан одамларни юқори мартабага кўтарилишига ёрдам беради, деб эътиқод қилинган. Цзень–цзе даражасига эришган одам фақат учта нарсдан – Осмоннинг амри, буюк инсонлар ва ўта донишмандлардан кўрқиши мумкин бўлган.

ЧИНВАД (ажратиш кўприги) – инсон вафотидан сўнг унинг руҳи эзгулик ва ёвузликни ажратувчи кўприкдан ўтиши лозим. Чинвад кўпригида инсон руҳи эзгулик язатлари Сраоша, Митра ва Рашну ҳимоясига ўтса, абадий роҳат ва фароғат макони Кўшиқлар уйига боради.

ШАУРВА – зардуштийликда кўрқоқлик, пасткашлик маъбуди, Ахриман тарафдори.

ШЕОЛ (ибр., «остки, қуйи») – яхудийлик мифалогиясига кўра, ўликлар дунёси.

ШИВА – оддий халқ оммаси, камбағаллар илоҳиёти ҳисобланади. У Риг Веданинг биринчи нусхаларида Рудра номи билан зикр этилган. Атхарва Ведада Рудранинг роли ошиб боради. Яжур Ведада Рудра Агни тимсолида берилган. У Ишана, Ишвара, Махадева (буюк худо) номлари билан ҳам аталади.

ШОЗЗ – ишончли ровийнинг ўзидан кучлироқ ровийга мухолиф бўлиши.

ШОЙИХЕТ – яхудийларнинг қассоблари

ШОҲ ОТАШ ВАРАХРАМ (Ғолиб Шоҳ Баҳром олови) – махсус шоҳона маросимлар, йирик ғалабаларга бағишланиб 16 хил олов жамланиб, ёқилган олов.

ШРУТИ – «Ваҳийга таянувчи» деган маънони англатади. Ҳинд муқаддас китобларининг биринчи қисми.

ШУДРАЛАР – ҳинд касталаридаги ишчилар, энг қуйи табақа.

ЭРЛИК – Тангричилик эътиқодига кўра, эркак жинсидаги ўлим сабабчиси ва макони Ер остида бўлган маъбуд

ЮХАННО (Иоан) – Исонинг 12 ҳаворийларидан ва «Инжил»нинг муаллифларидан бири. Христианликка кўра, Юҳанно «Янги Аҳд» таркибига кирувчи «Ваҳийнома» китобининг муаллифи ҳамдир.

ЯЖУР ВЕДА – «Қурбонликлар ведаси». Қурбонлик маросими кўринишлари билан алоқадор ведадир. Унинг асосий қисмини қурбонлик қилиш усуллари – яжус ташкил қилади. Мазкур яжуслар қурбонлик маросимнинг маълум бўлимларида жуда паст овозда, ижро этилади, улар маъносини эса, маросимнинг ўтказилиш тартибидан келиб чиқиб тушуниш мумкин. Яжусларнинг баъзи қисмлари назм, баъзилари эса наср шаклида ёзилган бўлиб, қурбонлик билан боғлиқ сўз ва дуоларни ўз ичига олади.

ЯЗАТ (авесто, эҳтиромга лойиқ) – Ердаги турли ҳодиса ва ҳолатларга масъул Ахура Мазда томонидан яратилган қуйи руҳлар, фаришталар.

ЯНГИ АҲД – «Библия» қисмларидан бири. Тўрт Инжил, Ҳаворийлар фаолияти китоби, 21 та ҳаворийнинг номлари ва Юҳаннонинг «Ваҳийномаси» ни ўз ичига олган, 27 китобдан иборат.

ЯСНА – диний маросимларда ўқиладиган дуолардан иборат бўлган 72 бобли «Авесто»нинг бўлими.

ЯШТ – «Авесто»нинг 22 бобдан ташкил топган маъбудлар шаънига айтилган мадҳиялардан иборат бўли

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018. – 40 б.
2. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида (янги таҳрири). // Ўзбекистоннинг янги Қонунлари. 19-сон. – Т.: Адолат, 1998.
3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январ, №11.
4. 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармониغا 1-илова // <http://www.lex.uz>.
5. Каримов И.А. Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда. «Туркистон пресс» ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблар // Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. – Т. 7. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б. 349-355.
6. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. –Т. 14. – Т.: Ўзбекистон, 2006. – 280 б.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – Б. 415-683.
8. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли // Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – Б. 3-66.
9. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 176 б.

- 10.Алимова М. Диншуносликни ўқитишда интерфаол услублардан фойдаланишнинг аҳамияти // Диншуносликнинг долзарб муаммолари. III-тўплам. Илмий- амалий анжуман материаллари. – Т.: ТИУ, 2011. – Б.44-47.
- 11.Алимова М. «Янги динлар» – модернизация феномени сифатида // Диншуносликнинг долзарб муаммолари. Республика илмий амалий конференция материаллари тўплами. –Т.: ТИУ, 2012. – Б.41-43.
- 12.Алимова М. Миллатлараро ва динлараро тотувликни таъминлашда Ўзбекистоннинг тарихий тажрибаси // Конфессиялараро мулоқот ва диний бағрикенглик – жамият барқарорлиги гарови. Халқаро конференция материаллари тўплами. –Тошкент 2014 йил, 12 ноябрь. – Б.264-267.
- 13.Беруний Абу Райҳон. Қонуни Масъудий // Беруний А.Р. Танланган асарлар. V том. Биринчи китоб. – Т., 1973. – 590 б.
- 14.Беруний, Абу Райҳон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар // Беруний А.Р. Танланган асарлар. I том. – Т., 1968. – 486 б.
- 15.Васильев Л.С. История религий Востока. Учебное пособие для вузов. – 4-е изд. – М.: «Книжный дом «Университет», 1999. – 432 с.
- 16.Введение в общее религиоведение: учебник / Под ред. проф. И.Н.Яблокова. – М.: Книжный дом «Университет», 2001. – 576 с.
- 17.Голиш Л.В., Файзуллаева Д.М. Педагогик технологияларни лойиҳалаштириш ва режалаштириш: Ўқув услубий қўлланма/ Таълимда инновацион технология серияси. – Т.:ТДИУ, 2010. – 149 б.
- 18.Горелов А.А. История мировых религий: учебное пособие / А.А.Горелов. 2-изд., испр. – М.: Флинта: МПСИ, 2006. 360 с.
- 19.Давлат ва дин. Ўқув қўлланма / Тузувчилар: Д.Раҳимжонов, Н.Исматова, Г.Худайберганова, Л.Алиджанова, О.Эрназаров. – Тошкент: Complex Print, 2019. – 136 б.
- 20.Дервиш Р.А., Лавтеева Л.Г., Мусакаева А. Памятники истории религии и культуры в Узбекистане. Пособие для факультатива по истории религии. – Т.: Укитувчи, 1994. – 80 с.
- 21.Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари: ўқув қўлланма / Масъул муҳаррир

- А.С.Очилдиев; – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2008. – Б. 246.
22. Диншунослик. Ўқув қўлланма / Муратов Д., Алимова М., Каримов Ж., Нажмиддинов Ж., Жўраев Ш. – Тошкент, 2019. – 286 б.
23. Диншунослик асослари. Ўқув қўлланма/ масъул муҳаррир: И.Усмонов. – Т.: ТИУ, 2013. – 319 б.
24. Диншуносликнинг долзарб муаммолари. Илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т. : «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2011.
25. Дунё динлари тарихи. Ўқув қўлланма / Тузувчилар: С. Агзамходжаев, Д.Раҳимжонов, Н.Муҳамедов ва б. – Т.: ТошДШИ, 2011. – 262 б.
26. Ёвқочев Ш.А. Политизация религии и проблема исламского экстремизма в современном мире: учебное пособие. – Т.: ТашГИВ, 2003.
27. Зеленков М.Ю. Мировые религии: история и современность: учебное пособие. – Ростов на Дону: Феникс, 2008. – 364 с.
28. Зиёмуҳаммедов Б. Таълим технологиялари. Методик қўлланма. – Т., 2012. – 60 б.
29. Ибрагимов Э.Ф. ва б. Жаҳон динлари тарихи : Мутахассислик фанидан ўқув -услугий қўлланма. – Т.: ТИУ, 2007. - 48 б.
30. Ибтидоий динлар ва мифология. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Complex Print, 2019. – 102 б.
31. Ильин В.В., Кармин А.С., Носович Н.В. Религиоведение. – Сп-б.: Питер, 2007. – 240 с.
32. Ислом ва дунёвий маърифий давлат (ўзб. ва немис тилларида). / З.И.Мунавваров ва В.Шнайдер-Детерснинг Умумий таҳрири остида. – Т.: Имом Бухорий халқаро жамғармаси-Фридрих Эберт жамғармаси, 2003. – 291 б.
33. Ислом ва ҳозирги замон / Ўқув қўлланма. Масъул муҳаррир Ш.Ёвқочев. – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010. – 207 б.

34. Ислом манбашунослиги. Ўқув қўлланма. / Ж.Тоҳиров. – Тошкент: “Qaqnus media” нашриёти, 2019. – 364 б.
35. Ислом маърифати: аслият ва талқин: ўқув-услубий қўлланма / Масъул муҳаррир Усмонхон Алимов. – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2011. – Б. 158.
36. Ислом маърифатида дунёвий ва диний қадриятлар уйғунлиги / масъул муҳаррир О.Юсупов. – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2011. – Б. 271.
37. “Ислом тарихи” фани бўйича 570-661 йилларда содир бўлган асосий воқеалар хронологияси. Ўқув қўлланма./ Ў.Палванов. – Тошкент: “Qaqnus media” нашриёти, 2019. – 64 б.
38. Ислом. Энциклопедия: А-Х /З.Хусниддинов таҳрири остида. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. 2004. – 320 б.
39. Исломда соғлом бола тарбияси. / Масъул муҳаррир: И.Усмонов. – Тошкент. «Мовароуннахр», 2014.
40. Исломшунослик қомусий луғати / Масъул муҳаррир З.М.Исломов. – Т. I. –Т.: Мовароуннахр, 2013. – 272 б.
41. Исломшунослик қомусий луғати / Масъул муҳаррир З.М.Исломов. – Т. II. –Т.: Мовароуннахр, 2014. – 432 б.
42. Исоқжонов Р. Ислом фалсафаси. – Тошкент: Complex Print, 2019. – 192 б.
43. Кароматов Ҳ.С. Ўзбекистонда мозий эътиқодлар тарихи. – Т.: ЖИДУ нашриёти, 2008. – 663 с.
44. Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. К. 1. – Т.: Ёзувчи, 1996. – 272 б.
45. Круглов А.А. Основы религиоведения. – Минск: ТетраСистемс, 2002. – 192 с.
46. Кудрявцев В.В. Лекции по истории религии и свободомыслия. – 3-е изд., испр. и доп. – Минск: ТетраСистемс, 1998. – 384 с.
47. Лимэн Оливер. Введение в классическую исламскую философию / Пер. с англ. – М.: Издательство «Весь мир», 2009. – 280 с.

48. Лукашов В.А., Омурова Т.О., Трофимова З.П. Религиоведение. Методика преподавания вузовского курса по 40-часовой программе. – Москва-Воронеж. 2000. – 128 с.
49. Марказий Осиё динлари тарихи / масъул муҳаррир Ш.Ёвқочев. – Т.: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2006. – 207 б.
50. Маънавият юлдузлари: (Марказий Осиёлик машхур сиймоалр, алломалар, адиблар)//Масъул муҳаррир: М.М. Хайруллаев/. – Тўлдирилган қайта нашри. – Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашр., 1999. – 400 б.
51. Муродов Д. Диний манбаларни ўрганишнинг ўзига хос хусусиятлари // Диншуносликнинг долзарб муаммолари. 4-тўплам. – Т.: «ТИУ» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2012. – Б. 44-47.
52. Муҳамедов Н. Диншунослик фанини ўқитишда замонавий педагогик технологияларнинг аҳамияти // Назарий ва амалий машғулотларни ўтказишда илғор педагогик услублардан фойдаланиш. Илмий-услубий материаллар тўплами. -Тошкент, 2009. - Б. 34-37.
53. Муҳамедов Н. «Диншунослик» таълим йўналишининг мақсад ва вазифалари // Диншунослик фанларининг долзарб муаммолари. - Тошкент, 2009. Тўплам. -№ 1. -Б. 26-30.
54. Муҳамедов Н. Диннинг жамиятдаги ижтимоий, маънавий ва маърифий вазифалари // Маънавий ва диний етуклик - давр талаби. Тўплам. -Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009. -Б. 128-135.
55. Муҳамедов Н. Диний бағрикенглик маданияти. Услубий қўлланма. – Т. : Наврўз, 2019. – 51 б.
56. Муҳамедов Н. Диншуносликни ўқитишда узлуксизликни таъминлаш // «Узлуксиз таълимни ривожлантиришнинг ижтимоий мониторинги, жараённинг илмий асослари ва натижавийлиги» илмий-амалий анжуман материаллари (2013 йил 17 декабрь). Олий ва ўрта-махсус таълимни ривожлантириш маркази. –Т.; 2013. -Б. 22–24.
57. Мўминов А., Йўлдошхўжаев Ҳ., Раҳимжонов Д., Комилов М., Абдусатторов А., Орипов А. Диншунослик. // Ўзбекистон

- Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан дарслик сифатида тавсия этилган. – Т.: Mehnat, 2004. – 315 б.
58. Низомиддинов Н.Ф. Жанубий-Шракий Осиё диний – фалсафий таълимотлари ва ислом. - Т.: «Zar-qalam» нашриёти, 2006.
59. Очилдиев А., Нажмиддинов Ж. Миссионерлик: моҳият, мақсадлар, оқибатлар ва олдини олиш йўллари (юз саволга юз жавоб). – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009. – Б. 200.
60. Оқилов С. Калом (Ақоид). Ўқув қўлланма. – Тошкент: Nilol nashr, 2019. – 200 б.
61. Оқилов С. Мовароуннахр мутакаллимлари илмий мероси. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Nilol nashr, 2019. – 200 б.
62. Оқилов С., Гиёсов А. Имом Аъзам Абу Ҳанифанинг “Васият Аби Ҳанифа” асари. Илмий рисола. – Тошкент: Nilol nashr, 2019. – 76 б.
- 63.
64. Педагогика назарияси ва тарихи (Педагогика тарихи). Ўқув қўлланма /М.Аҳмедова. - Тошкент: Тафаккур бўстони, 2011.
65. Педагогика тарихидан семинар машғулоти / Ўқув қўлланма. Тузувчилар: Г.Ниёзов, М.Аҳмедова. – Тошкент: Ношир, 2011.
66. Петер Антес. Религии современности. История и вера. – М.: Прогресс-Традиция, 2001. – 304 с.
67. Прозоров С.М. Ислам как идеологическая система. – М.: Восточная литература, 2004. – 471 с.
68. Раҳимжонов Д. Ёшларда диний бағрикенглик маданиятини шакллантириш усуллари // Тўп.: Диншуносликнинг долзарб муаммолари. – Т. «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010. – Б. 20-23.
69. Раҳимжонов Д., Муратов Д. Ҳадисшунослик: ўқув қўлланма. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010. – 71 б.
70. Резван Е.А. Коран ‘Усмāна (Санкт-Петербург, Катта-Лангар, Бухара, Ташкент). – Т. I. – СПб: Петербургское Востоковедение, 2004. – 368 с.

- 71.Религиоведение. Учебная программа для высших учебных заведений. / Составители: Х.Х. Юлдашходжаев, Д.А.Рахимджанов, М.М.Камилов. Ответственный редактор: Н.И.Ибрагимов. – Т.: Министерство высшего и среднего специального образования, 2002. – 12 с.
- 72.Религиоведение. Хрестоматия / Пер. с англ., нем., фр. Сост. и общ. ред. А.Н.Красникова. – М.: Книжный дом «Университет», 2000. – 800 с.
- 73.Религиоведение: Учебное пособие и Учебный словарь-минимум по религиоведению. – М.: Гардарика, 1998. – 536 с.
- 74.Религиоведение: Учебное пособие. 4-е изд., испр. и доп. / Научный редактор д.ф.н., проф. А.В.Солдатов. – Санкт-Петербург: Издательство «Лань», 2003. – 800 с. – (Учебники для вузов. Специальная литература.).
- 75.Религиоведение: хрестоматия / сост. В.Б.Рожковский, Д.Л.Устименко. – Ростов на Дону: Феникс, 2009. – 317 с.
- 76.Религиозные верования: Свод этнографических понятий и терминов. Вып. 5. – М.: Наука, 1993. – 239 с.
- 77.Религия в истории и культуре: учебник для вузов / Под ред. ред. проф. М.Г.Писманика. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: ЮНИТИ-ДАНА. 2000. – 591 с.
- 78.Религия и закон. / Составитель: А.Т.Юнусова. Сборник международных документов и законодательных актов Республики Узбекистан. – Т.: Издательство «Тошкент ислом университети», 2002. – 239 с.
- 79.Религия и общество: Хрестоматия по социологии религии / Сост. В.И.Гараджа, Е.Д.Руткевич. – М.: Аспект Пресс, 1996. – 775 с.
- 80.Рудольф У. Ал-Матуриди и суннитская теология в Самарканде. – Алматы: Фонд «XXI век», 1999. – 295 с.
- 81.Сагдиев Х. Суннитское учение. Учебное пособие. – Ташкент: Nilol nashr, 2019. – 244 с.
- 82.Саиджалолов С. Динлардаги оқимлар ва секталар. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Complex Print, 2019. – 364 б.

83. Сюкияйнен Л.Р. Мусульманское право. Вопросы теории и практики. – М.: Наука, 1986. – 256 с.
84. Тасаввуф. Ўқув-услугий қўлланма / Тузувчи: И.Усмонов. – Т.: ТИУ, 2012. – 247 б.
85. Тафсир илмига кириш. Ўқув қўлланма. / Тузувчи: Д.Махсудов. – Тошкент: “Qaqnus media” нашриёти, 2019. – 260 б.
86. Таълим тарихи. Ўқув-услугий қўлланма / Тузувчилар: Ш.Шодмонова, М.Аҳмедова. – Т.:ТДПУ, 2014.
87. Тожибоева Д. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. Ўқув қўлланма. –Т.: Fan va texnologiya, 2007. – 337 б.
88. Тохтиев Ш. Научное наследие мыслителей Центральной Азии. Учебное пособие. - Ташкент: Complex Print, 2019. – 109 с.
89. Тора (Пятикнижие Моисеево). / Под. общ. ред. проф. Г.Брановера. – Иерусалим, Москва: Шамир, 1993. – 1136 с.
90. Тулеметова Г.О. «Актуальные вопросы толерантности научной дискуссии (на материале религиозно-научных дискуссий в вузах Узбекистана) // Международная конференция на тему: «Культура толерантности в контексте процессов глобализации: методология исследования, реалии и перспективы». «Sociosféra-cz» (Прага). 13 мая 2014 года.
91. Тулеметова Г.Т., Хукумова Л.А., Каландарова Д.У. Применение принципов толерантности к сфере светского и религиозного образования в Узбекистане // Конфессиялараро мулоқот ва диний бағрикенглик – жамият барқарорлиги гарови. Халқаро конференция материаллари тўплами. –Тошкент 2014 йил, 12 ноябрь.
92. Тулепов А. Ислом ва ақидапараст оқимлар. Тўлдирилган нашр. Масъул муҳаррир Шайх Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Шарқ, 2014. – 536 б.
93. Тулепов А. Интернетдаги таҳдидлардан ҳимоя. Масъул муҳаррир А.Ҳасанов. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2016. - 672 б.
94. Умумий педагогика назарияси ва амалиёти. Дарслик / М.Аҳмедова ва бошқ. – Тошкент: ТДПУ, 2012.

95. Ҳасанбоев Ў. Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари: диний ташкилотлар, оқимлар,
96. Мафкуравий курашнинг долзарб йўналишлари / Масъул муҳаррирлар: К.Комилов, А.Мансуров. – Т.: ТИУ, 2014. -552 б.
97. Ҳасанов А. Диний бағрикенглик. Ўзбекистон-анъанавий диний бағрикенглик ўлкаси // Маънавий ва диний етуклик – давр талаби / Масъул муҳаррир Р.В.Абдуллаев. – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009. – 274-278.
98. Ҳасанов А. Қадимги Арабистон ва илк ислом, Жоҳилия асри. Т.: ТИУ, 2001.
99. Ҳасанов А. Макка ва Мадина тарихи (Қадимги Арабистон тарихидан лавҳалар). – Т.: Мехнат, 1992. – 79 б.
100. Ҳасанов А., Комилов Н., Уватов У., Азимов А., Раҳимжонов Д., Зоҳидов Қ. Ислам тарихи. – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2008. – 256 б.
101. Ҳадисшунослик. Ўқув кўлланма /Тузувчилар: Д.Раҳимжонов, Д.Муродов, Р.Обидов, М.Алимова. – Т.: Тошкент ислом университети, 2013. – 245 б.

МУНДАРИЖА

	Сўзбоши.....	3
1-мавзу	Диншунослик фанига кириш.....	8
2-мавзу	Ўзбекистонда давлатнинг дин ва диний ташкилотлар билан муносабати.....	28
3-мавзу	Марказий Осиё динлари.....	49
4-мавзу	Ислом дини ва унинг асослари.....	91
5-мавзу	Исломдаги мазҳаблар ва йўналишлар.....	114
6-мавзу	Миссионерлик ва прозелитизм: тарих ва бугун, тарғибот усуллари.....	134
7-мавзу	Диний экстремизм ва терроризм: мафкура ва амалиёт, қарши кураш стратегияси.....	153
8-мавзу	Янги диний ҳаракатлар ва секталар.....	182
9-мавзу	Кибермаконда дин омили.....	213
	Глоссарий.....	234
	Адабиётлар	254

МУРАТОВ Д., АЛИМОВА М., КАРИМОВ Ж.

ДИНШУНОСЛИК

дарслик

“Наврўз” нашриёти. Лицензия № АІ 170. 23.12.2009
Нашриёт манзили: Тошкент, Амир Темур кўчаси, 19-уй.

Times гарнитураси. Нашр ҳисоб табағи 16,5.
Босишга рухсат этилди 09.12.2019. Буюртма № 97
Қоғоз бичими 60x84 1/16 Босма табағи 16,5. Адади 100 нусхада.
«Munis design group» МЧЖ босмахонасида чоп этилган.
100170, Тошкент ш., Циолковский-356.